


АБДУЛАҲАД
МУҲАММАДЖОНОВ

ТАРИХ
ФАЛСАФАСИ-
МАЊНАВИЯТ
КЎЗГУСИ



АБДУЛАҲАД
МУҲАММАДЖОНОВ

ТАРИХ
ФАЛСАФАСИ—
МАЪНАВИЯТ
КЎЗГУСИ




ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2015

Тақризчилар:

- Т. Салимов* – тарих фанлари номзоди,
доцент,
А. Кабиров – тарих фанлари номзоди,
доцент

Китобда мамлакатимиз кўзгуси – тарих жилосида намоён бўлаётган шаҳар ва қишлоқлар, маҳаллаларини номлари ва уларга доир тарихий атамалар ҳамда халқимизнинг ҳамдўстлиги ва бирлигининг маънавий пойдевори бўлган азалий қадриятлар – ҳашар ва тўй-маъракаларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг ҳаётдаги тарбиявий аҳамияти ҳақидаги тарихий маълумотлар батафсил ва кенг тарзда ёритилган.

Китоб олий ўқув юртлари бакалаврлари, магистрантлар ҳамда академик лицей ўқувчилари, шунингдек, Ўзбекистон тарихи билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.



*Ушбу китобни рафиқам Саидхуррам-
хон Турадода қизи Сайёра бонунинг порлоқ
хотирасига бағишлайман.*

Муаллиф

ТАРИХ ХАЛҚ МАЪНАВИЯТИНИНГ АСОСИДИР

(Сўзбоши ўрнида)

Президентимиз «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида башариятнинг энг буюк бойлиги – маънавиятнинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини кенг таҳлил этиб, «Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг тафаккури, турмуш тарзи, маънавий қарашлари ўз-ўзидан, бўш жойда шаклланиб қолмайди. Уларнинг вужудга келиши ва ривожланишида аниқ тарихий, табиий ва ижтимоий омиллар асос бўлишини» уқтирар экан, маънавий камолот «бир йиллик ёки беш-ўн йиллик иш эмас. Халқ, миллат ўз миллий маънавиятини йиллар, асрлар давомида юксалтириб, бойитиб боради», деб алоҳида таъкидлайди. Ҳамон инсоният ҳаётининг мазмун-маъноси тизими асрлар оша аждодлар даҳоси билан ривожланиб, шаклланган экан, давлатимиз раҳбари бундай улкан руҳий хазина – маънавиятимизни асраш ва унинг камолоти учун, «авваламбор, шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуг аждодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши зарур», деб даъват этади.

Маънавият борасида сўз юритилар экан, ўз-ўзидан мазкур умрбоқий, умумбашарий тушунча қачон пайдо

бўлган, деган савол кўпчиликни қизиқтириши табиий. Бироқ соддагина туюладиган бундай савол ҳақида фикр ва мулоҳаза юритишни ҳозирча зукко ўқувчилар хоҳиш-ихтиёрида қолдириб, бу ҳақда аввало шуни таъкидлаш жоизки, илк тафаккур идрокли оқил одамнинг табиат билан уйғунлашган дамларданок юзага келган ва муттасил кенгайиб борган. Бироқ шуниси ҳам аёнки, бир неча асрлар яшаган энг қадимги одамзод аجدодлари очликдан ҳалок бўлмаслик учун, табиатда мавжуд бўлган, тириклик учун яроқли неъматларни излаш билан кун кечирибган. Шу боис уларнинг онги, фикри, ният-мақсади ва хатти-ҳаракати кундалик емишларини излаб топиш, яъни қорин дарди – нафсларини тиндиришдан иборат бўлган.

Демак, ибтидоий одамзоднинг бошланғич тафаккури ҳаёт учун кураш ва табиатда ўз ўрнини белгилаб олиш билан узвий боғлиқ ҳолда кечган. Яшаш учун кураш тушунчаси ҳамда зурриётларнинг бетиним хатти-ҳаракатлари оқибатида ҳаёт тақозоси билан одам аввал тўдага, сўнгра эса айрим-айрим тўпларга бириккан. Узоқ ўтмишда миллион ва ундан ҳам зиёдроқ йилликларни камраб олган бундай тарихий босқич эндиликда тарих саҳифасида «Инсониятнинг табиатга боқимлик даври», ўша давр одамзодини эса «табиат боқими» мазмундаги иборалар билан таърифламоқда.

Табиатга қарам даврда, яъни мазкур зотлар биргалашиб, кўпчилик бўлиб йирик ҳайвонларни ов қила бошлагач, қадимги одамнинг нафақат меҳнат қуроллари (тош қурооллар) ва машғулоти ўзгариб бориши билан бирга, одамнинг ўзи ҳам юз минг йилликлар мобайнида аста-секин камол топиб, жисмонан кўркамлашиб борди. Жамоа бўлиб меҳнат қилиш, сунъий олов чиқаришнинг кашф этилиши, гўштни ўтда тоблаб пишириб истеъмол этиш билан одам жисман бақувватлашиб борди, унинг ақл-идроки ва нутқи ҳам ўсди. Биргаликда ов қилиш оқибатида тўда ва тўплар ўртасидаги алоқаларнинг ривож-

ланиб бориши сабабли экзогам (қариндош ва уруғдошлар ўртасида никоҳнинг ман этилиши) урф-удумлари юзага келди. Натижада қадимги одам авлодларининг жисми ва чехраси чирой тортиб, замонавий қиёфадаги инсонлар – «акл-идрокли одам» шаклланган. Шу боисдан ушбу зот фанда «Homo Sapiens» деб қайд этилган. Мазкур даврда одамларнинг ирқи ҳамда антропологик қиёфалари (европалик, ҳабашбашара, мўғулсимон ирқларга ўхшаш) вужудга келган. Натижада ибтидоий жамият ва унинг тубдан янги ҳаёти ва илк маданияти шакллана борган. Улар унгур, жар ёкаси, кўл ва сой бўйларида ярим ертўла, чайла ва капаларда яшашган. Овчилик, табиий мева ва илдиз каби емишларни йиғиб термачилик ва қисман балиқчилик билан шуғулланиб, ўтроқ ҳаёт кечира бошлашган. Эркаклар меҳнат куруллари яшаш ва муттасил ов қилиш билан банд бўлишган. Жамоада аёллар мавқеи юксак бўлган. Чунки улар озикаларни сақлаш ва емак тайёрлаш, ёқилғи тўплаб, маконни олов билан таъминлаш ва ёш болаларини боқиш каби ҳаётий муҳим юмушларни бажарганлар. Натижада қадимги илк жамоа ўртасида дастлабки меҳнат тақсимооти вужудга келган.

Биргалашиб ов қилишнинг кенгайиб бориши ва одам тўпларининг узоқ-яқиндагилари билан ўзаро алоқалари, шубҳасиз, уларни қавм-қариндошлик асосида ибтидоий жамият сифатида уюшишига олиб келган. Маълум бир овлоқда бирлашиб ов билан кун кечирувчилар ҳаётида ака-сингиллик, опа-укалик, тоға ёки амма-жиянлик, яъни ўзаро қавм-қариндошлик тушунчаси тан олиниб, уларнинг бир-бирларига уйланиши ман қилинган. Улар энди бир уруғ ҳисобланган. Уруғ аъзолари бирга яшар, меҳнат қилар ва овланган ўлжага биргалашиб эгалик қилганлар. Тарихийлик даври жиҳатидан уруғ она – «матриархат» ва ота уруғдошлиги – «патриархат» босқичларига бўлинган. Она уруғдошлиги жамиятнинг дастлабки илк ижтимоий босқичи ҳисобланган. Чунки она инсон зурриёдини ду-

нёга келтириб, боқиб, тарбиялаб, камолотга етказган. Авлодлар наздида у нуфузли зот ва муқаддас сиймо, жамоа манзилгоҳининг бекаси, фарзандлар эса унинг уруғига тегишли авлод ҳисобланган. Археология фани даврий тизимида бу босқичнинг куйи поғонаси милоддан аввалги 40–10 минг йилликларда кечган.

Ўзбекистонда она уруғдошлигининг дастлабки босқичига тегишли ўттиздан зиёд ёдгорликлар топиб ўрганилди. Улар орасида, айниқса, Самарқанд макони, Тошкент вилоятининг Оҳангарон водийсида жойлашган Кўлбулок (юкори қатлами) манзилгоҳи ва Бўстонлик туманида топиб тадқиқ этилган Обираҳмат ёдгорликлари илмий жиҳатдан ниҳоятда нодир ҳисобланади. Масалан, Сиёбча сойи ёқасида қазиб очилган Самарқанд маконида ярим ертўла шаклидаги иккита чайла ва ўчоқ ўринлари ҳамда «акл-идрокли одам»нинг иккита жағ суяклари топилди. Обираҳмат ғоридан эса қадимги одамнинг олтита тишли ва 150 дан ортиқ бўлақлардан иборат бош чаноғининг топилиши жаҳон фанида йирик кашфиёт бўлди. Бундан 42 минг йил муқаддам яшаган одам суяклари ва бошқа моддий-маданият топилмалари, шубҳасиз, мазкур қадимги одамнинг қиёфасини тиклаш ва унинг яратилишида кечган улкан биологик ва тарихий жараённинг умумий манзарасини аниқлаш имконини берди. Кўлбулок манзилгоҳидан топилган 20 метрдан зиёд қалинликдаги маданий қатламлар топилмаларидан мазкур масканда «табиатга боқим» аждоду авлодлари қарийб беш юз минг йил давомида бир худудда муқим яшаганлиги аниқланди.

Она уруғдошлиги даврида яна бир умумбашарий аҳамиятга молик буюк ҳаётий кашфиёт – илк ишлаб чиқарувчи хўжаликлар жорий этилган. Дастлаб деҳқончилик ва чорвачилик, сўнгра эса хунармандчилик, хусусан, кулолчилик, тўқимачилик ва сўзаний (бигиз) чеварликка асос солинди. Гарчи улар ниҳоятда содда услубларда

бўлса-да, бундай машғулотлар аёллар томонидан асос солинган қадимий ўта муҳим ҳаётий ихтиролар эди.

Мазкур боскичда она уруғдошлиги жамияти ўтроқ зироатчи ва кўчманчи подачиларга бўлиниб, хунармандчилик улардан ажралади. Қишлоқлар қад кўтариб, ўтроқли эл-юртлар шаклланган. Натижада мустақил уч турдаги ишлаб чиқарувчи хўжаликлар ва улардаги дастлабки, ҳаётий одми бошқарув тизимлар қарор топади. Курол-яроғ, асбоб, буюм ва тақинчоклар яшашда мис ва жез – биринж каби ўша давр учун энг қимматли маъданлардан кенг фойдаланилган.

Она уруғдошлиги даврининг охирларида эркаклар аёллар асос солган ишлаб чиқарувчи хўжаликларни ўз кўлларига олиб, уларни ниҳоятда кенгайтиришган. Деҳқончилик воҳаларида барпо этилган дастлабки қишлоқ ва илк шаҳарларда аҳолининг сони ортиб, йирик патриархал оилалар ташкил топган. Ишлаб чиқарувчи хўжаликларнинг тобора кенгайиши натижасида хўжалик ва ижтимоий муносабатларда эркакларнинг иш юритувчилик мавқеи ортиб, патриархал тузум муқим қарор топган. Оилада дунёга келган фарзандлар эндиликда отанинг зурриёди, оила ёки уруғ-аймоқнинг наслий авлоди сифатида белгиланган. Кишилиқ тарихида мазкур замон тубдан янги боскич бўлиб, энди инсон «табиатга боқимлик»дан халос бўлиб, ўз меҳнати билан яратган маҳсулотларни истеъмол қилиб, ҳаёт кечиришга ўтган. Окибатда унинг ҳаёти мутлақо янгиланган. Мазкур давр фанда «патриархат» – ота уруғдошлиги атамаси билан номланган.

Бу даврда асбоб, қурол ва кескир тигли яроғлар ниҳоятда мустаҳкам маъдан – темирдан ясалиб, эркаклар меҳнатининг унумдорлиги тубдан ортган ва қўшимча маҳсулотлар ҳажми ошган. Маҳсулотлар тақсимооти тартиблари ўзгариб, ота уруғдошлиги даврида маълум даражада табақаланиш юзага келган. Қишлоқлар кенгайиб, савдо йўллари бўйлаб йирик шаҳарлар қад кўтарган. Бахтар, Суғд, Хоразм, Чоч ёки Шош ва Фарғона каби

деҳқончилик водий-ю воҳалари муқим қарор топиб, мазкур қадимий ўлкаларда яшаган бахтарлик, суғдлик, хоразмлик, даванлик, сак ва массагет номлари билан шуҳрат топган аҳолилар ўртасида ўзаро иқтисодий ҳамда маданий алоқалар ўрнатилган ва асрлар оша улар кенгайиб борган. Ўтроқ воҳаларда дастлабки қабилалар иттифоқи, ерли кичик ҳокимликлар ташкил топган. Улар форсий ва арабий ёзма манбалар (хусусан, Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» да тилга олинган «пешдодий», яъни аҳолининг арзу додини тингловчи доно дохий йўлбошчилар, «кава, каёнӣ» – забардаст баҳодирлар, «кайхусрав» – кучли ҳукмдорлар томонидан бошқарилган. Бу даврда деҳқончилик ўлкаларида Зарияспа (Балх), Самарканта (Мараканда), Кеш ёки Киш (Шахрисабз), Нахшабпая (Қарши), Кат (Хоразм), Хушкат (Ахсикат), Кубо (Куво), Кармана, Бехарзе (Бухоро) каби қароргоҳлар пайдо бўлган.

Аҳмонийлар ва Искандар Зулқарнайн (македониялик Александр) ҳужумларидан сўнг аввало Селевкийлар, Юнон-Бақтар, сўнгра эса Қанғ (Қанғар) ва Кушон подшолиги каби йирик давлатлар ташкил топиб, диёримизда эзгуликни тарғиб этувчи зардуштийлик, монӣ, буддавий ва буюк тангрига ибодат қилувчи қам (шомон) динлари каби эътиқод ва таълимотлар маънавий ҳаётнинг асоси сифатида тарғиб этилган. Асрлар мобайнида ўтроқ деҳқончилик ва чорвачилик ҳўжаликларининг тарихий тараққиёти давомида тўпланган бой ҳаётӣ тажрибалар асосида Ватанимиз худудида илм-фан ва маънавий маданият раванқ топиб, ўзига хос муштарак юксак қадимий тамаддун шаклланган.

Ўрта асрлар, шубҳасиз, халқимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётида тадрижий тараққиёт тақозоси билан содир бўлган улкан тарихий босқич ҳисобланади. Мазкур даврда, авваламбор, ўзбек халқи камол топди ва тарих саҳнасида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Унинг бетиним машаққатли меҳнати билан диёр водийлари бўйлаб катта ер майдонлари ўзлаштирилиб, ҳозирги кунда

биз яшаб турган дехқончилик воҳалари шаклланди ҳамда обод ва унумдор вилоятларга айлантирилди. Эл-юртни тўйдирган ва кийинтирган хўжаликларнинг ривожига эса, ўз навбатида, халқимизнинг ўзига хос турмуш тарзи ва унинг маънавий ҳаёти йўлида асосий омил бўлди. Шаҳарларимиз йириклашиб марказлашди, касбу ҳунар ва илму маърифат ўчоғига айланди.

Тарихий тараққиёт оқибатида юзага келган ўта мураккаб ижтимоий ва сиёсий вазият тақозоси билан бу даврда аввал қатор мулкдорлар: афшин, дехқон, ихшид, тудун, худот – бухорхудот, вардонхудот, чоғонхудот ва шо (шоҳлар) каби унвонлар билан юритилган мансабдорлар бошқарган маҳаллий ҳокимликлар ташкил этилди. Сўнгра эса ўрта асрларнинг йирик подшоликлари: Эфталлар давлати, Буюк турк хоқонлиги, Сомонийлар, Қорлуқ – Қорахонлар, Хоразм давлати ва Амир Темур ҳамда темурийлар салтанати барпо бўлади. Мазкур давлатлар Хитойни Ўрта денгиз мамлакатлари билан боғлаган Буюк ипак йўли орқали олиб борилган халқаро савдода фаол қатнашган. Асрлар давомида олиб борилган иқтисодий мулоқот натижасида аждодларимизнинг узоқ ва яқин ташқи дунё халқлари билан бўлган маданий алоқалари кенгайган ва уларнинг бир-бирига ўзаро таъсири кучайиб борган. Илк ўрта асрлардаёқ ўзининг қарор топган бой давлатчилик удумлари, диний эътиқоди, эзгуликка чорловчи мафкурасига эга бўлган халқимиз юқори даражада ривожланган ўзига хос маданият ва маънавиятни яратди. Бироқ унинг иқтисодий тараққиёти ва ижтимоий камолоти кўп вақт ўтмай кучли зарбаларга учради. Бу даврда диёримиз халифалик томонидан фатҳ этилиб, мустақиллигидан маҳрум бўлди. Исломи дини, мафкураси ва маърифати қарор топди. Халифалик ҳукмронлиги тугатилгач, мамлакат яна мустақиллигини тиклади, илму маърифат ривожига учун шароит юзага келди.

Ўрта асрларда мамлакатимизда Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Форобий, Беруний, ибн Сино, Улуғбек,

Навоий каби буюк олим ва мутаффакирлар билан бир қаторда, ислом дини ва таълимоти равнақиға улкан ҳисса қўшган Имом Бухорий, Имом Термизий, Мотурудий, Марғиноний, Яссавий, Нажмиддин Кубро, Гиждувоний, Баҳоуддин Накшбанд каби машҳур олиму машойихлар етишиб чиқиб, ўзларидан улкан ва бой нодир маънавий мерос қолдирдилар.

Давлатчилик тизимининг такомиллиги, шаҳарсозлик маданиятининг равнақи, иқтисодий барқарорлик, илм-фан соҳаларида яратилган кашфиётлар ва уларнинг жаҳон фани ривожига салмоғи ҳамда кўпгина бошқа йўналишларда эришилган ютуқлардан аён бўлишича, IX–XV асрлар (мўғуллар ҳукмронлиги даврини ҳисобга олмаганда) халқимизнинг маънавий ҳаёти тарихида ўзига хос уйғониш даври бўлган.

Бироқ маънавий юксак, озод мамлакатимизда барча даврларда ҳам барқарор тинчлик бўлавермади. Унинг халқи осойишта ҳаёт кечирмади. Кўпинча гоҳ Ғарб, гоҳ Шарқдан бостириб келган ҳужумкорларнинг тажовузлари, гоҳ мустабид ҳукмдорларнинг ўзаро қонли тўқнашувлари оқибатида мамлакатимиз вайрон этилиб, унинг моддий ва маънавий қадриятлари оёқ ости қилинди. Мамлакат ва эл-юрт бошига тушган бундай оғир ва мусибатли дамларда эркесвар халқимиз она-Ватан мудофааси йўлида оёққа турган. Унинг мустақиллиги учун тажовузкорларга қарши қаҳрамонона курашган. Мустақиллик эса халқимизни шон-шуҳрати ва орзуси ҳамда олиб борган курашларининг буюк туҳфаси бўлди.

Маълумки, ёзма манбаларда Сайхун (Сирдарё) ва Жайхун (Амударё) номлари билан таърифланган сув ҳавзаларида жойлашган қадимги Турон ҳудудларида азалдан ўтроқ аجدодларимиз билан ёнма-ён қардош тожик, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ ва туркманларнинг ҳам ота-боболари истиқомат қилиб келишган. Шу боисдан халқимизнинг ўтмиши этник жиҳатдан яқин, ҳаётий ке-

чирмаларининг кўп жабҳалари умумий бўлган мазкур халқларнинг тарихи билан чамбарчас боғлиниб кетган. Айниқса, чет эллик босқинчиларга, адолатсиз ҳукмдор мустабидларга, шафқатсиз мулкдор зодагонларга қарши олиб борилган курашлар қардош халқларни бирлаштирган. Шулар туфайли улар кўп ҳолларда ягона давлатнинг бирлашган умумий фукароси бўлиб яшаганлар, эл-юртни обод этишда бир тану бир жон бўлиб фаол иштирок этганлар.

Афсуски, собиқ Иттифок даврида халқимизнинг кўп асрлик бой тарихини илмий жиҳатдан яхлит, ҳар томонлама чуқур ва кенгрок ўрганишга эътибор берилмаган. Аксинча, ҳаққоний тарихимиз сохталаштирилиб, буюк тарихий шахсларнинг фаолияти ва тарихимизда тутган ўрни бузиб кўрсатилган. Айниқса, ўрта асрлар жамиятининг ижтимоий ҳаёти ва маънавий маданияти тарихи борасидаги илмий йўналишлар ҳар томонлама чекланиб, ечими зарур муаммоларнинг ўта долзарб мавзулари илмий тадқиқот дастуридан четда қолган.

Истиклол туфайли эндиликда тарихимиз ва унинг сарчашмаси – моддий маданиятига бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Президентимиз раҳбарлигида давлатимиз томонидан тарихий кадриятларга халқимиз маънавий камолотининг пойдевори сифатида баҳо берилиб, уларни илмий жиҳатдан кенг ва чуқур ўрганиш, ёш авлодни мустақиллик мафқураси асосида тарбиялашдек ўта зарур ва муҳим маънавий ҳаётга катта аҳамият берилмоқда. Кейинги йилларда бу борада қатор халқаро илмий анжуман ва юбилейлар (Самарқанд шаҳрининг – 2750; Шаҳрисабз (Кеш), Қарши (Нахшаб) шаҳарларининг 2700 йиллиги; Бухоро, Хива ва Термиз шаҳарларининг 2500 йиллиги) ўтказилди. Амир Темур, Улугбек, Жалолиддин Мангуберди, Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Мотурудий, Марғиноний, Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд ва Бехзод каби ўрта аср даҳоларининг тарихимизда тутган ўрни ва фаолияти ҳамда маънавий меросини ўрганиш борасида муҳим тадбирлар

ўтказилди. Марғилон шахрининг 2000 йиллиги кенг нишонланди. Қатор илмий ва маърифий-оммабоп китоб ва рисолалар нашр этилди. Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шахрининг 2200 йиллиги нишонланди.

Эндиликда биз унутилаёзган ўтмишимизни бутун борлиги ва буюклиги билан кўз олдимизга келтиряпмиз. Жонажон тарихимиз саҳифаларини варақлар эканмиз, қадимги Турон ва Туркистон диёрининг туб аҳолиси бўлмиш ўзбек халқининг тарихий илдизлари чуқур, воқеаларга ниҳоятда бой эканлигини ҳис этяпмиз, кўнглимизда миллий ғурур туйғулари жўш уряпти.

Халқимизда жонланган ўзлигини англаш ва миллий уйғониш ҳиссини ривожлантириш, тарихимиз ва унинг бой кадриятларини, ота-боболар руҳига садоқат, моддий-маънавий маданиятга бўлган меҳр, хурмат ва кадр-қиммат, миллий ғоя ва миллий тафаккурга асосланган мустақиллик мафкураси ҳис-туйғуларини бойитиб, ёшлар онгига сингдириш ижтимоий фанлар олдида турган асосий ва ниҳоятда долзарб масала сифатида кундалик ҳаётимизнинг мазмунини англашмоқда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, «Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади».

Дарҳақиқат, тарихий жараён – воқеликлар, улар оқибатида шаклланиб шуҳрат топган мамлакат, вилоят ва туманлар, шаҳар, қишлоқлар, маҳалла-кўй номлари ва табаррук шахсларнинг исмлари ниҳоятда мазмунли маъноларни англатувчи эзгу кадриятлардир. Улар, шубҳасиз, ҳудуд, нуфуз ва замоннинг ёрқин кўзгусидир. Уларнинг маъносида ҳаққоний тарихнинг фалсафий ифодаси яширинган. Шу боисдан тарихга қизиқувчи ҳар бир киши китобда келтирилган маълумотлардан ақлий қуроли сифатида фойдаланса фойдадан холи бўлмайди. Маънавият эса комил инсоннинг ҳаёти, қолаверса, турмуш тарзини англатади.

Ҳар қандай жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади.

Ислом КАРИМОВ

I боб

ВАТАН – ОНА ДЕМАКДИР

Оналар кашфиёти ва жасоратли авлодлар қудрати

Инсоният ҳаётининг ибтидою интиҳосига назар ташланса, одамзоднинг аждоду авлодларининг дунёга келиши, камол топиб, табиату жамиятда ўзига муносиб ўринни эгаллаши кўп жиҳатдан асосан оналарнинг ақлу заковати ва меҳнатию меҳригиёси билан чамбарчас боғлиқ эканига амин бўлади, киши. Чунки шарофатли одамзоднинг аждоду авлодлари оналаримизга табиат томонидан берилган мўъжиза воситасида ёруғ дунёга келган, оилали бўлган, сўнгра жамоага бирикиб, алоҳида жамият тарзида шаклланган. Шундай ҳаётий воқеликни назарда тутганда инсон ўтмиши ҳаққоний тарихининг дастлабки онлари оналарнинг илк қадамларидан бошланган экан. Ҳолбуки, жамият тарихининг тадрижий камолоти оналарнинг бетиним оқилона хатти-ҳаракати туфайлигина юзага келган. Шунинг учун ҳам, энг дастлабки инсон жамоаси аёлларнинг умумбашарий номи «Она уруғдошлиги», яъни илмий атама билан талаффуз этганда «Матриархат» шаклида юритилган.

Авваламбор, аёллар аждоду авлодларнинг асосчиси, қолаверса, келажак зурриёдларнинг узлуксиз давомчиси ҳамдир. Дарҳақиқат, эътиқодли, солиҳа ва омилкор оилавий аёллар ҳақида Куръони каримнинг «Бақара» сураси

223-оятда кайд этилган арабча «харс» – «зироатгох», яъни «экинзор» сўзининг мазмуни оила куришдан асосий мақсад фарзанд кўриш эканлигидан далолат беради. Холбуки, фарзандлар шак-шубҳасиз аждоду авлод ҳамда келажак зурри-ёдларнинг узлуксиз давомчисидир. Шу боисдан болажон халқимиз фарзандларини ўғил ва кизга ажратмасдан, бир хилда тарбия қилган. Оилада «янги меҳмон», яъни чақалок туғилганда гўдак ўғил бўлса – икки кўчкор, киз бўлса, бир қўй сўйилиб, «ақиқа», яъни янги меҳмоннинг дунёга келиши муносабати билан зиёфат берилган. Мазкур шодиёна-маросимда мурғакнинг ўнг қулоғига азон, чап қулоғига такбир айтилиб, унинг исм-шарифи қўйилган. Шу кундан бошлаб гўдак оила сафига қўшилган. Ўғилни забардаст, азамат, кизни эса сулув, моҳилайкал бўлиб вояга етсин деб дуо қилинган. Зеро, ўғил бола аввало аждодларнинг бево-сита давомчиси, ота касбини эгаллайдиган ҳунар соҳиби, қолаверса, ота ва онадан сўнг хонадоннинг чироғини ёқиб, эшигини очиб турувчи ўринбосар. Энг муҳими, у етук ўғлон сифатида уй, маҳалла-қўй, эл-юрт посбони ҳисобланган. Тўнғич фарзанд ўғил бўлса, унга фазилатли исм қўйилган. Хусусан, унга катта бобоси, тоғаси, устози ёки буюк тарихий шахсларнинг қутлуғ исмлари қўйилган. Бола 5 ёки 7 ёшга тўлгач, эл-юрт ва маҳалла-қўйга баҳоли қудрат дастурхон ёзиб, шодиёна тўй ўтказилган. Умид ва орзу билан ўтказилган мазкур умумжамоа маросими тарих-да «Той тўйи, Садоқ тўйи, Ўғил тўйи, Хатна тўйи ва Суннат тўйи» каби қатор номлар билан юритилган. Тоғалари тўй болага той миниб, чавандоз сифатида вояга етишини ният қилиб, ясатилган той, амакилар унга камондан нишонга ўк узиб моҳир мерган сифатида шаклланиши умидида етти ўқли садок (ўқдон) билан камон тақдим этганлар. Шу боисдан бўлса керак, «ўғли борни ўрни бор, қизи борни қадри бор», деган мақол бор доно халқимизда.

Ҳақиқатан ҳам, оналаримиз табиатан туғма миришкор зироатчи ва боғбондирлар. Зотан, ёруғ дунёга келтирган

фарзандларини ўзларидан узоклаштирмай, бағриларига босиб, тарбиялаб вояга етказганлар. Зеро, аёл зотининг бағрикенг, кучоги тўла меҳригидир. Оналар бағрикенглиги ниҳоятда сермазмун, кенг ва чуқур қамровли туғма фалсафий тушунчадир. Комил инсонларга хос бўлган олий даражали бундай фазилат, аввало, умумбашарий ҳаётнинг барча ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий жабҳаларида содир бўладиган муаммоли масалаларни ниҳоятда босиқлик билан адолатли ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга.

Оналаримизнинг бағрикенглиги уларнинг меҳригидир. Мазкур фазилат уларнинг сиймосида доимо акс этиб туради. Ҳамма замонларда улар ўзлари емай-ичмай, гўдакларини едиришган, ичиришган, кийинтиришган ва эркалаб бағрига босишган. Оналар бағрида тарбияланиб, камол топган фарзандлар оналарини Маккам ва Мадинам, яъни «менинг саждагоҳим» деб улуғлаганлар. Шу боисдан бўлса керак, минг йиллар оша давом этган узок она уруғдошлиги даврида инсон фарзанди, яъни авлодлари она зоти шарифи билан белгиланган. Бундай этногенетик шажара ҳозирги пайтгача айрим миллатларда давом этмоқда.

Узок йиллар давомида олиб борилган тадқиқотлардан аён бўлишича, оналар одамзодни умрбод тўйғизиб, ичириб, кийинтирган омиллар: чорвачилик, деҳқончилик ва хунармандчилик каби ишлаб чиқарувчилик хўжаликларга асос солган Биби Саркор экан. Унинг баракатли кашфиёти туфайли инсон ҳаётида янгича турмуш тарзи даври бошланган. Аввало, у табиатга боқимлик ва чалакурсоқлик ҳолатидан маълум даражада халос бўлиб, замонасининг ишлаб чиқарувчи буюк кучига айланган.

Авлодлар йўлбошчиси – оналар эса ижтимоий ҳаётни бошқарувчи раҳбар, яъни илк даҳо сифатида гавдаланганлар. Улар раҳнамолигида урф-одатлар қатъий тартибга солиниб, ишлаб чиқарувчи ҳозирги хўжаликларнинг

дастлабки тизимлари шаклланган. Оналарнинг бевосита кўмакдошига айланган ўспиринлар шак-шубҳасиз, мазкур ҳосилдор хўжаликларни кенгайтириб, омилкор бўлиб етишишган.

Натижада она жамоаларида вояга етган забардаст ўғлонларнинг нуфузи ортиб, обрў-эътибори кўтарилган, сўнгра тубдан янги ижтимоий-ҳаётий муносабатлар бошланган. Бундай турмуш тарзи шакллантирилган замон тарихда «Ота уруғдошлиги даври» деб талқин этилади.

Мазкур кучнинг шаклланиш жараёнини назарда тутадиган бўлсак, ҳаётий ноз-неъматларнинг асосий манбаи ҳисобланган зироатчилик оналарнинг буюк кашфиёти, аёллар эса табиат сабоқлари асосида юзага келиб шаклланган илк заковатли зироатчи раҳбар бўлишган.

Оналар асос солган жамоатчиликнинг бошқарувчилик тизими негизида кейинчалик, қарийб 30–40 минг йил ўтгач, омилкор эркаклар ҳокимлик тузуми ўрнатилган. Ушбу илк сиёсий ташкилот «давлат» атамаси шаклида ифодаланади.


Оналар зироатгоҳининг энг олий ва қадрли бебаҳо меваси унинг бағрида камол топган фарзандларидир. Шу боисдан «Она – ҳаётнинг гули, бола – унинг булбули» ёки «Бола азиз, одоби ундан азиз» мақоллари халқимизда пайдо бўлган. Она ва ота тарбиясини олган меҳнаткаш, азамат зурриёдларнинг билак кучи билан сой ва дарёлардан сув чиқарилиб, далаю дашт ва бўз ерлар ўзлаштирилиб, зироату зиёратгоҳларга айлантирилган. Катта ва кичик обод кишлоқлару кўркам шаҳарлар қад кўтарган. Ғалла, шоли, пахта ва полиз маҳсулотлари экиладиган деҳқончилик майдонлари кенгайтирилиб, кўкаламзор воҳаю туман ҳамда Бахтар, Хоразм, Сугд, Фарғона ва Чоч каби тарихий вилояту мамлакатлар шаклланган.

Шаҳарларда турли касбларга мансуб касаначилик хўжаликлари асосида маҳалла-кўйлар қарор топган. У ерларда оналар томонидан кулолчиликка, жун ҳамда пахта

толасидан ип йигириб тўқимачилик ва тикувчиликка асос солинган ва ривожлантирилган. Жундан наMAT босилиб, шолча ва патли гиламлар (қалин) тўкилган. Хуллас, шу йўл билан эл-юрт аҳли едирилган, кийинтирилган, уй-жойлар, қароргоҳлар жиҳозланган.

Асрлар оша зироатчилик, чорвачилик, хунармандчилик ҳамда бинокорлик борасида улкан ҳаётий тажрибалар тўпланиб борган. Мазкур ҳаётий қадриятлар аввалда оғзаки ривоятлар, сўнгра эса ёзма хату битиклар воситасида ифода этилиб, аждодлардан авлодларга етказилган. Савод чиқарилиб, билим ва турли соҳалар бўйича илм юзага келган. Ўзбекистонда, айниқса, ўрта асрларда қомусий билимлар юксалиб, уларнинг умумилмийлик даражаси IX–XVI асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда яшаган буюк мутафаккирлар: Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Имом ал-Бухорий, Абу Бақр Наршахий, Қафқол аш-Шоший, Абу Мансур ал-Мотурудий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Махмуд Кошғарий, Бурҳониддин Марғиноний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Хожа Аҳрор, Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод, Абдураззоқ Самарқандий, Баҳоуддин Нақшбанд, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа қатор олиму фузалоларнинг асарларида ўз ифодасини топган. Ўтмишда машҳур, беназир алломаларни дунёга келтириб, вояга етказган ўта миришкор, доно оналар эга бўлган ҳаётий хислатлар авлодлар учун ниҳоятда ибратлидир.

Аёлларнинг омилкорлигини эътироф этган халқимиз, уларни «Эр вазири – хотин» дея юқори даражали олий мақом билан кўкларга кўтариб, улуғлаб келган. Қадимда Ўрта Осиё, хусусан, диёримиз Ўзбекистон ҳудудида ташкил топган воҳа ҳокимлари «ябғу», «жабғу» ёки «хвабу», вазирлари эса «хватун» шаклдаги атама билан юритилган. Улар учун барпо этилган алоҳида хос қароргоҳларнинг бири Тошкент воҳасида «Жабғукат», иккинчиси эса «Хотинкат» топонимлари билан тарихий санъатда тилга



олинган. Ҳатто, ҳукмдорнинг онаси шаҳар кўрғонидан ташқарида маҳсус холи масканнинг «ача кўноғи» маъносини англатувчи «Ачабат»да яшаган. Илк ўрта асрларда Чоч (Тошкент)да зарб этилган айрим танга пулларнинг сиртида юрт ҳукмдори билан ёнма-ён малика тасвири ҳам акс эттирилган. Тангалардаги Хвабу ва Хватун тасвирлари, шубҳасиз, қадимда давлат бошқарувида маликалар, яъни валиаҳд оналари олий даражадаги муҳим ўринда фаолият кўрсатганидан далолат беради.

Тарихда муаззам ва мўътабар она фарзандлари сафидан халқ даҳолари етишиб чиққан. Бундай табаррук оналардан Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг мукаррама волидалари Оминабону, Соҳибкирон Амир Темурнинг волидалари Такина Хотун, Мирзо Улуғбекнинг оналари Гавҳаршодбегим, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг оналари Қутлуғ Нигоройимларнинг шарофатли исмларини қайд этиш жоиздир.

Нақл этилишича, Амир Темур Эронга қарши юриш бошлаганда, Исфаҳоннинг қамали кўпга чўзилиб, кўшинни озиқа билан таъминлашга маблағ етишмай қолади. Ниҳоят, Амир Темур Самарқандга чопар йўллаб, Сароймулкхонимга мактуб жўнатади. Мактуб қисқа бўлиб, «Кўшиннинг захираси тугади, хазинадан зар юборинг», дейилган. Сароймулкхоним мактуб мазмунидан огоҳ бўлгач, мактубнинг орқа томонига: «Улуғ амир, зарингиз тугаган бўлса, сиёсатингиз ҳам тугадими?» – деб ёзади ва уни чопар орқали жўнатади.

Амир Темур мактубни олгач, Сароймулкхонимнинг кинояли замзамасини ўйлаб..., ниҳоят бир қарорга келади: Лашкаргоҳда сўйиб гўшти ейилган қўй, қорамол, от ва туя суякларини ўша куниёқ йиғдириб, турли ҳажмларда қирқтиради ва катта ҳажмдагисига катта қиймат, кичигига кичик қиймат белгилаб, унга пўлат муҳрни қиздириб тамға бостиради ҳамда муваққат пул (яъни, купон) ўрнида муомалага киритишга фармон беради... Исфаҳон таслим бўлгач, суяк пуллар зар билан алмаштирилади.

Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг ёзишича, 1404 йил 8 сентябрь душанба куни Амир Темур Самарқанд четидаги «Дилкушо» боғида элчиларни қабул қилади. Қабул маросимида ҳукмдор Темурнинг ёнида Сароймулкхоним бошлиқ бошқа хотинлари ҳам юзларига парда тутиб ўтирганлар. Нақл қилишларича, маърифатпарвар Сароймулкхоним Амир Темурнинг ижозати билан отаси Қозонхон совға қилган бир жуфт олмос балдоғини сотиб, маблагини Самарқандда қурилаётган мадраса биносига сарфлаган.

Тарихий солномаларда келтирилишича, аёллар нафақат бағрикенг меҳрибон она, матонатли, нафосатли ва назокатли уй бекаси, яъни Катбону, ҳукмдору саркардаларнинг ақл-заковатли ҳамкор маслаҳатгўйи – вазири каби ҳар қандай ўта мураккаб ҳаётий муаммоларни зукколик билан ҳал қила оладиган зоти шарофатдирлар. Массажетлар маликаси Тўмарис, валиаҳд бухорхудот Туғшоданинг гўдаклиги туфайли тахтни бошқарган унинг онаси Кабач Хотун (асли Кохбат) ёки тарихда Олой маликаси номи билан шуҳрат қозонган Қурбонжон додҳо каби эл-юрт ва мамлакатнинг тинчлиги ва мустақиллиги йўлида ҳаёт-мамот жангида жасорат кўрсата олган саркарда аёлларнинг намоёниш этган қаҳрамонликлари комил инсон онаси жасоратининг чўққиси эди.

Оналар гўдаklarини аллалар эканлар, уларнинг мурғак дилига меҳригиё гавҳарини сочадилар. Орзу-ниятлари ушалгач, уларни ҳаётнинг улкан чорраҳасига бошлаб чиқиб, тинчлик ва хотиржамлик дамларни етказганга шукурлар қилиб, оқ йўл сенга азиз фарзандим, ўзингдан кўнайгин, умринг, ризқи-рўзингга барака берсин, топганинг олтину, дур-гавҳар бўлсин дея дуо қиладилар. Оналаримизнинг эзгу нияти, дуою фотиҳалари мустажоб бўляпти. Зеро, аёлларимиз ҳаётнинг эзгу ниятли гултожисидирлар. Президентимиз сўзи билан айтганда, «Оилани ҳам, жамиятни ҳам бирлаштириб, унга файзу барака ки-

ритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зотлар ҳам аслида муътабар оналаримиз, мунис опа-сингилларимиздир».

Оналарнинг мазкур беназир фазилатларини синчковлик билан кузатган зукко японлар уларни «Аёл – уйдаги хазина» деб таърифласалар, ўзбек мақолида «Аёлнинг сариштаси – рўзгорнинг фариштаси» деб улуғланади.

Негаки, ер юзининг барча гўшаларида фаол меҳнат қилаётган ҳар бир аёл аслида хонадонидида жонкуяр бека, суюкли умр йўлдоши, меҳрибон онадир. Ўғилларига «Сизлар илми бўлинглар, дунёни англаб, ҳаётда ўз ўринларингни эгалланглар, Ватанни яшнатинглар», деб ўғит берса, қизларига эса «Сизлар ҳадемай бирин-кетин ўзга бўстонга учиб борасизлар. Вақтни бой берманг, хунар ўрганинглар, ҳамиша одобли, саранжом-саришта бўлинглар» деб қайта-қайта таъкидлаган.

Ўзбек оиласи, урф-одати, хусусан, аёлининг турмуш тарзини тадқиқ этган рус элшунос олимларидан бири В. Москалев: «Ўзбек аёлининг табиатида туғма фаоллик, туғма қизиқувчанлик ва туғма ақл мавжуддир» деган қатъий илмий хулосага келган. Дарҳақиқат, тарих саҳифаларини варақласак, ўтмишимизда не-не донишманд ва зукко, тийрак ҳамда жасур аёллар яшаб ўтганининг гувоҳи бўламиз.

Ҳолбуки, аҳолини эл, халқ ва миллат тарзида умумбашарий жамоалар шаклларида бирлашиб камол топиши, аввало оналарнинг маънавияти, эътиқод ва эътимоди, маданияти ҳамда саломатлиги билан боғлиқдир. Ўтмишда комил инсон замирида Зебуннисо, Нодирабегим, Увайсий каби забардаст шоиралар тарбияланиб, вояга етган. Улар ёзган маснавий, рубоийларга куйлар басталанган, хушовоз ҳофизу хонандалар бу қўшиқларни маромига етказиб куйлашган.

Давлатимиз раҳбари аёлларнинг жамиятимизда тутган ўрни ва ёш авлодни тарбиялаб вояга етказишда қўшаётган хиссалари ҳақида фикр юритиб: «Ҳар қайси жамиятнинг

маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади», деб таъкидлайди. Зеро, «Оқила, гўзал аёллар ўзларининг ғамхўрлиги, меҳрибонлиги, қалби дарёлиги билан оиладаги, қолаверса, бутун жамиятдаги мувозанатни, поклик, ҳалоллик, самимият ва адолат муҳитини сақлаб турадилар». Ҳақиқатан ҳам аёллар ҳар қандай жамиятни обод ва гўзал этгувчилардир.

Президентимиз таъкидлашича, «Аёлни улуғламоқ – оилани, Ватанни, ҳаётни улуғламоқ демакдир». Оналаримизда бундай шарофатли одоби фақат Шарқ аёлларига хос бўлган юксак фазилатдир. Ҳадиси шарифда ёзилишича, «Аёлларни фақат улуғ одамлар ҳурмат қилганлар».

Президентимизнинг Фармони билан 1999 йил «Аёллар йили» деб эълон қилинди. Оналаримиз шаънининг тимсоли сифатида мазкур сана: Нафосат йили, Гўзаллик йили, Меҳр-муҳаббат йили деб олқишланди. Бу маънавий ҳаётимизда муҳим босқич бўлиб, оналарга бўлган иззат, ҳурмат, эътиборнинг ёрқин намунаси эди.

Инсон зотининг камолоти тарихида оналарнинг яратувчилик қобилияти, фаолияти, аждоду авлодларга берган ҳаётий ўғитлари, ақли ва заковати, эътиқоду эътимоди каби улкан салоҳияти борасида сўз юритадиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам оналарни ҳаётимиз машъали деб айтиш мумкин. Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий оналарга бағишлаб ёзган шеърида:

«Оналар оёғи остидадур
Равзаи жаннату жинон боғи.
Равза боғи висолин истар эсанг,
Бўл онанинг оёғин тупроғи», деб таъкидлайди.

Ҳақиқатан ҳам дунёда «муқаддас» деган сўзга энг муносиб зот ҳам – оналардир. Оламдаги мавжуд жонзотларни бағрига олиб, ризк-рўзи билан таъмин этиб турган ер –

Ватанни донолар Она сиймосига киёс қилишади. Табиатан эгизак мазкур воқеликни назарда тутган севимли шоиримиз Абдулла Орипов «Ўзбек онаси» шеърида:

«Сен ўзинг Каъбамсан,
Байтул муқаддас.
Жаннат ҳам албатта пойингиздадур.
Ватан-ку Сиз турган жойингиздадур.
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси»,

дея оналарни мадҳ этиб улуғлайди.

Аёлларимиз ҳақида битилган ушбу сатрлар, шубҳасиз оналаримизнинг қанчалик бағрикенглиги ва улуғлигидан дарак беради.

Салоҳиятли аёл ҳаёт тождори.
Меҳригиё она жаҳон накқоши.

Оналарни улуғлаш ва уларни зиёрат қилиш эса ҳар бир инсоннинг шарафли бурчидир.

Турон – буюк тарихий диёр

Буюк Амир Темир ўзини Турон султони номи билан атаган мамлакат тўғрисида сўз борар экан, авваламбор, шуни таъкидлаш жоизки, бу атама Туркистон (Ўзбекистон) нинг энг қадимги номларидан бири саналади. Унинг маъноси узоқ ўтмишда бу тупроқда пайдо бўлган Хоразм, Суғд ёки Суғдиёна, Бахтар ёки Бактрия, Навтака ёки Нахшаб, Марғиёна ёки Марвируд, Паркана ёки Фарғона каби қадимий ўлкалар номи сингари сирлидир. Шубҳасиз, бу номларнинг ҳар бири узоқ ўтмишда яшаган аждодларнинг қадимий тилида муайян маънони англатган. Гарчи замонлар оша, тарих тақозоси билан тили ва лаҳжалари тамоман ўзгариб кетган авлодларнинг тилида

бундай қадимий номлар сақланиб қолган бўлса-да, аммо уларнинг маъноси унутилиб кетган. Шунинг учун ҳам, бундай атамалар аксариятининг асл маъноси фанда маълум эмас. Мазкур қадимий атамаларнинг маъносини аниқлаш учун уларнинг, ҳар бирининг тарихий, топографик, топонимик ва лингвистик жиҳатдан таҳлил қилиш лозим.

Маълумки, «Турон» атамаси тарих саҳифаларида «турк» ёки «Туркистон» иборалари ҳали қайд этилмасдан аввал тахминан 1100–1200 йил муқаддам қадимий ёзма манбаларда тилга олинади. Илк бор бу геоним-атама оташпараст-зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авесто»-да зикр этилади. Унда таърифланишича, Амударё ҳавзасидан жануб томонда жойлашган ерлар Эрон, шимолга томон чўзилган ҳудудлар эса Турон деб юритилган.

Эронда «орий» ёки «ориёний» номи билан машҳур бўлган аҳоли, Туронда эса уларга қон-қариндош ҳисобланган «тур»лар яшаган. «Авесто»да Туроннинг серсув азим дарёлари, яйловларга бой Хоразм, Суғд, Бахтар ва Марғиёна каби беқиёс гўзал ўлкалари тасвирланади. Унда бу ўлка паҳлавон саркардаларининг зафарли юришлари ҳақида хикоя қилинади. Ўлкани обод этиш, деҳқончиликни кенгайтириш ва чорвани кўпайтириш тарғиб этилади. Шубҳасиз, бундай тарихий манзара милодгача бўлган иккинчи минг йилликда бошланган деҳқончилик ва чорвачилик хўжаликларининг пайдо бўлиши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда мил. авв. 7–6 асрларда шаклланган зардуштийликнинг табиатга бўлган муносабати ва инсонпарварлик ғоясининг тимсоли сифатида тарғиб этилган.

Туроннинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ниҳоятда бойлиги ва ҳудудининг бепоёнлиги туфайли бу диёрда аввал бошда чорвачилик хўжалиги шаклланган. Қадимги туронликларнинг бевосита авлодлари бўлмиш скиф (сакоф), сак ва массагет номлари билан тарихда ном қозонган аҳоли истиқомат қилган. Кейинчалик, Туроннинг серунум

дарё ҳавзалари обод этилгач, бу воҳада Хоразм, Бахтар, Суғд ва Марғиёна каби ўтроқ дехқончилик воҳалари вужудга келган. Бу воҳаларнинг аҳолиси қадимий умумий туронликлар номи ўрнига хоразмий, бахтарий, марвазий ва суғдий каби номлар билан юритила бошланган.

Милодгача бўлган VI аср ўрталарида қадимги Эронда Аҳмонийлар давлати ташкил топгач, Турон билан Эрон ўртасидаги муносабатлар кескинлашиб, аҳмоний ҳукмдорларининг Турон ўлкаларига тажовузи кучайган. Ўша даврларда юзага келган Эрон ва Турон муносабатларининг умумий манзараси милоддан аввалги VI асрда аҳмоний ҳукмдорлари Доро ва Кайхисрав томонидан Бехистун тоғида ўйдирилган суратлар ва битиклар ҳамда Персопол шаҳрида топилган ёзувлар ва Ҳамадонда қабр устидаги кумуш лавҳаларда акс этган.

Қадимги Турон аҳолисининг аҳмонийларнинг юришларига қарши кураши ва кўрсатган қаҳрамонликлари ҳақидаги нодир эпизодик маълумотлар халқ эпослари орқали ҳам бизнинг давримизгача етиб келган. Массagetларнинг қасоскор маликаси Тўмариснинг подшоҳ Кир билан олиб борган жангу жадаллари ва унинг устидан қозонган ғалабаси ҳамда сакларнинг ватанпарвар йилкибоқари Широқнинг подшоҳ Дорога қарши кўрсатган жасорати ҳақидаги дostonлар шулар жумласидандир.

Турон ва Эрон ўртасидаги адоватли кайфиятлар қадимги Панжикент шаҳар харобаларидан топилган деворий расмлардаги «Сиёвуш мотами» манзарасида ёки қадимги Бухорода яратилган «Гирьяйи муғон», яъни «оташпараствлар йиғиси» ҳамда «Кини Сиёвуш», яъни «Сиёвуш говғаси» каби мотам марсияларида ҳам ўзифодасини топган.

Милодгача бўлган 334–330-йилларда Аҳмонийлар давлатини бир-икки зарба билан қулатган македониялик Искандар Зулқарнайн қадимги Турон ҳудудида Спитамен бошлиқ суғдлардан ҳамда саркарда Сатрак раҳна-

молигидаги шакллардан қақшатқич зарбага учраган. Гарчи Хоразм хукмдори Фарасман элчилар юбориб, унинг шимолга томон юришларида ҳомийлик қилишга ваъда берган бўлса-да, аммо македониялик Искандар Сирдарёдан шимолга томон юришга журъат этмаган. Эронда Сосонийлар давлати ташкил топиб (224–651) илк ўрта асрларда Шарқнинг буюк давлатларидан бирига айланиши билан унинг шимоли-шарқда Турон ҳудудларига томон тажовузи кучайиб кетган. Айниқса, эфталлар замонида (IV–V асрлар) бўлиб ўтган ўзаро урушлар тарихий манбаларда «Эрон ва Турон» ўртасидаги тортишувлар, деб қайд этилган.

Милодий VI асрга келиб, қадимий Турон ва унинг шимоли-шарқий ҳудудларида Буюк Турк хоқонлиги таркиб топиши билан «Турон» атамаси аста-секин муомаладан чиқиб, ўлка «Туркистон» деб юритила бошланган. Қизиғи шундаки, Турк хоқонлиги кучайиб, унинг хукмронлик ҳудудлари жанубга томон кенгайиб боргани сари ёзма манбаларда бир томондан турк хоқонларини қадимги Турон ерларининг бевосита меросхўри сифатида, подшоҳи Афросиёбни эса туркларнинг энг қадимги хоқони Алп Эр Тўнга эканига ишора қилиш каби таърифлар пайдо бўлган. Иккинчи томондан эса, ғазнавий ва салжукийлар каби туркий сулолаларнинг асоратига тушиб, изтиробда қолган эронийларнинг руҳини кўтариб, уларга мадад бериш ниятида Эронни Турондан устун қўйиш ҳамда қадимий Эрон шоҳлари, лашкарбошилари ва паҳлавонларини афсонавий куч-қудратга эга қилиб кўрсатишга ҳаракат қилинган. Ўрта асрларда Эрон ва Турон тупроғида юзага келган тарихий ва тадрижий воқелик туфайли бўлган бундай талқинлар Абу Райҳон Беруний, Махмуд Кошғарий ва Абулқосим Фирдавсийнинг асарлари туфайли бутун ислом Шарқи бўйлаб кенг тарқалган.

Аҳолиси қадимдан яқин мулоқотда бўлиб, ҳудудлари бир-бирига туташ бу икки ўлкалар табиий географияси

жихатидан бири иккинчисидан мутлако фарқ қилади. Шимолдан Орол ва Каспий денгизлари ҳавзаси, Жануби-Шарқ ва Ғарбдан Ҳинд океани билан Эрон ўз ички ҳавзасига эга паст-баландликларга тутшиб кетган ясси тоғлик ўлка ҳисобланади. Эрон билан Турон худудларининг табиий манзараси тубдан фарқ қилгани боис Фирдавсий Амударёдан жанубда жойлашган адирлик ва пасту баланд тоғликдан иборат мамлакатни Эрон, яъни Ўриён (баландлик), Амударёдан шимолда ястанган ерларни Турон, яъни текислик ўлка сифатида таъриф этади. Хўш, даштли яйловларга бой Турон нима учун бундай номланади. Бу атаманинг келиб чикиши, маъноси қандай талкин этилади?

Туркистон ва Эроннинг ўрта асрлар тарихий географияси ўзагида «тур» сўзи бўлган жой номлари маънолари турлича бўлган мавхум топонимлар қаторида, онда-сонда бўлса-да, учраб туради. Шунингдек, ўзбек ва тожик классик адабиётида «тур» бирикмаси билан ясалган иншоот номлари ва айрим иборалар ҳам тилга олинади. Масалан, «тур», «тура», «турба», «турбат», «туроб», «тўра», «тўла» каби иборалар шулар жумласидандир.

Шунингдек, Тошкент яқинида «Турват», Эронда Ҳамадон шаҳри яқинида «Турбати Шайхи Жом» номли қишлоқлар жойлашган.

XIV–XV асрларда бепоён Сибирь диёри Тура деб номланган. Тюмень (аслида Туман) шаҳрининг кўҳна номи ҳам Тура бўлган. Сирдарёдан шимолга томон чўзилган ва тарихда Қанғар ёки Қипчок дашти номлари билан таърифланган буюк дашт жаҳон географияси ва картографиясида ҳозирги вақтда ҳам «Туранская низменность – Турон пасттекислиги» номи билан қайд этилади.

Хўш, бундай атамаларнинг асоси ҳисобланган «тур» ва «турон» ибораларини қандай талкин этиш мумкин? Авваламбор, агарда «Турон» атамасини лингвистик

жихатдан талкин этадиган бўлсак, у «тур» сўзига форс ва тожик тилларида кўпликни англатувчи «он», яъни «лар» суффикси бирикувидан ҳосил бўлган икки бўғинли ном бўлиб, у «турлар» деган сирли, мажхул маънони англатади.

Ўрта асрларда ҳарбий юриш пайтларида кўшин бош кўмондони – хукмдор қароргоҳи – ўрдугоҳ деб аталган. Агар лашкарнинг душманга яқин жойда тўхташига тўғри келса, унинг атрофи хандак, чоҳпар, тура ёки турлар сингари қатор ихота-иншоотлари билан мустаҳкамланган. Бундай мудофаа иншоотларнинг барчаси ерни ўйиб ёки тупроқни уйиб барпо қилинган. Хандак-зовур, чоҳпар-ўра қаторида тилга олинган тўралар қароргоҳ гирди бўйлаб, ер остида барпо этиладиган ҳарбий мудофаа иншооти – блиндажни эслатган.

Ўрта асрларда йирик ғаллакор дехқонлар тўра, тўр ёки тўла деб юритилган ерости иншоотларидан буғдой сақлашда энг қулай ва ишончли омбор сифатида фойдаланишган. Бундай тўра ёки тўлалар баландлиги 2–3 метр, узунлиги бир неча ўн метр бўлган равоксимон қилиб лағм (тоннель) шаклида ер бағрига ўйилган. Бундай иншоотларнинг юқори томонидаги шипида ғалла тўкадиган туйнути, олд томонда чоғроқ дарчаси бўлган. Тўралар ғалла билан тўлдирилгач, дарчалари ҳам, туйнуқлари ҳам сомонли лой билан суваб кўйилган. Унда ўнлаб тонна ғалла қишин-ёзин нобуд бўлмай яхши сақланган. Шундай қилиб тарих саҳифаларидан маълум бўлишича «тўра» ёки «тўла»лар, авваламбор, ер бағрига ўйилган омборхона ва ертўла каби иншоотларни англатади. Қолаверса, улар пасту баландлик ва адирли жойлардагина барпо этилган.

Агар, «тур» сўзи асосида ясалган «Турбат» ороними-атамаси лингвистик жихатдан таҳлил этилса, масала яна бирмунча ойдинлашади. «Турбат» ороними икки бўғинли бўлиб, у «тур» ва «бат» каби сўзлар бирикмасидан юзага келган. Бу номнинг иккинчи бўғинидаги «бит» сўзи «бат», «ват» ёки «вот» шаклларида от ясовчи суффикс сифатида

Ўзбек ва тожик тилларида кенг қўлланилади. «Бат» ёки «бод» сўзи эса қадимги маҳаллий суғд тилида «қўноқ», «манзил» ва «ўриндиқ» маъноларини англатган. Масалан, турналар қўнадиган қўл ва қўлмак ерлар «турнавот», шерлар яшайдиган тўқай ва чангалзорлар эса «шеровот» деб юритилган. Шунингдек, «равот» сўзи аслида «роҳ+бат» бўлиб, «йўлдаги қўноқ» ёки «йўл устидаги манзил», «мусофирхона» ёки «меҳмонхона» ва «карвонсарой» маъноларида тушунилган. Келтирилган мисоллардан у нарса аёнки, «турбат» ёки «турба» сўзларини талқин қилинадиган бўлса, у даврларда бу сўзлар «ер остидаги қўноқ», яъни «қабр, сағана, гўр ва мақбара ёки даҳма» каби маъноларни англатган. Бундан ташқари, «туроб» деб «намли ёки сувли ер», яъни «намли тупроқ»қа ай-тилган. «Аҳли туроб» деганда оламдан ўтган ва тупроққа қўйилган марҳум кишилар тушунилган. Демак, «тур» ёки «тура» сўзлари «Турон» геонимининг субстрати бўлиб, Туроннинг қадимги аҳолиси тилида ер ёки тупроққа оид маънони билдирган.

Турон текисликлари суғорилиб, обод этила бошланган узок ўтмишда унинг водийларида шаклланган воҳалар бекиёс гўзал табиатига монанд номлар билан юритилган. Шубҳасиз, ўша замонларда серсув Жайхун, Сайхун, Мосаф (Зарафшон) ва Обипарак (Чирчиқ) каби азим дарёлар, қўлмак ва тўқайзорлар ҳамда бепоён даштликлар билан қопланган. Деҳқончилик учун қулай пасттекислик, чорвачилик учун кенг ва ям-яшил яйловларга бой бўлгани учун бу ўлкага «Турон» номи берилган. Ўлканинг табиати-га монанд бўлган бу ороним «текислик», «сайҳонлик», «даштлик» ва «ёзёвон» (яъни далаю дашт) маъноларини билдирган. Юқорида келтирилганлардан келиб чиқиб, биз «Турон» геонимини «пасттекислик», «сайҳонлик», яъни «кенг текис» ерлар ўлкаси маъносини англатувчи ном деган хулосага келдик.

Бухоро – муқаддас саждагоҳ

Бухоро қадимдан Шарқнинг илму маърифат ва дину эътиқод марказларидан бири сифатида жаҳонга донғи кетган шаҳарларидан бири. У ўтмишда савдо-сотик, маданий алоқалар жиҳатидан Турону Туркистоннинг машҳур Бахтар (Балх), Ҳирот, Марғиёна (Марв), Самарқанд, Термиз, Нақшаб (Қарши), Чоч – Шош (Тошкент) ва Хива каби тарихий шаҳарлари сафидан ўрин эгаллаган.

Ўрта асрларда Бухоро Мовароуннаҳрнинг йирик савдо-сотик, ҳунармандчилик ва маъмурий марказларидан бири бўлган. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларини Ҳиндистон ва Хитой билан боғлаган қадимий халқаро савдо йўли – «Буюк ипак йўли» ана шу қадимий шаҳар орқали ўтган. Машҳур жаҳонгирларнинг зафарли юришларида ҳарб йўли сифатида ҳам хизмат қилган. Мазкур қадимги карвон йўли орқали нафақат тижорат карвонларию ўзга юрт элчилари ёки сайёҳлару дарвешларгина машаққатли узоқ йўл азобини чекибгина қолмай, балки гоҳ мағрибу машриқдан, гоҳ жанубу шимолдан Бухорога томон қўшини лашкар тортган жаҳон фотихлари бу қўхна шаҳарнинг бошига не-не фожиаларни солишмаган. Шунга қарамай, Бухоро илк ўрта асрлардаёқ қадимги Турон замини Туркистонда, Эрону Шом каби Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида илм-фан, маърифат ва маданият марказларидан бирига айланганлиги сабабли, бу шаҳарда диний ва дунёвий илмлар ривож топган.

Бу табаррук масканда Исмоил ал-Бухорий, Абу Бакр Муҳаммад Наршахий, Абу Абдуллоҳ Рудакий, Абу Мансур Дақикий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд каби машҳур мутафаккир зотлар яшаб, ижод қилишган. Турли даврларда бино қилинган ўнлаб мадрасаларда минглаб талабалар илм олишган. Мирзо Улуғбек томонидан 1417 йили Бухорода қурдирилган мадраса дарвозасида ҳатто «Илм олиш ҳар бир мусулмон аёлу эркакларнинг бурчидир» деган сўзлар ўйиб ёзилган.

Асрлар давомида Бухоронинг донғи бутун Шарк бўйлаб фақат илму маърифат, маданият ҳамда савдо-сотик соҳаларидагина эмас, балки Туркистоннинг йирик маъмурий маркази сифатида ҳам таралиб келган.

Бу шаҳар қуйи Зарафшон ўлкасида ташкил топган. Бухоро воҳаси давлатини йигирма икки сулолавий авлод бошқарган (Бухорхудоғлар I–VIII асрлар). Сўнгра эса халифалик назорати остида Мовароуннаҳр ва Хуросонга деярли мустақил ҳукмронлик қилган Сомонхудоғлар давлати (IX–X аср), Шайбонийлар хонадони томонидан барпо этилган Бухоро хонлиги (XVI аср), Аштархонийлар (XVII–XVIII асрлар), Манғитлар сулоласи (XIX–XX аср 20-йиллари) томонидан идора этилган Бухоро амирлиги ҳамда Бухоро Халқ Республикаларининг (1920–1924 й.) пойтахти бўлган. Натижада, асрлар мобайнида Бухоро шаҳрида давлатчилик тизимлари шаклланган. Ўлкада воҳа давлати бошқарув тартиблари қарор топиб, марказлашган йирик давлат маъмурияти ташкил этилган. Унинг маросимий анъаналари кенгайиб борган. Масалан, илк ўрта асрларда Бухорода ўрнатилган бошқарув тартиби ва маросимини X аср муаррихи Абу Бакр Наршахий қуйидагича таърифлайди. Унинг ёзишича, VII асрнинг 70–80-йилларида Бухорхудоғларнинг тахт вориси ҳали гўдаклиги туфайли унинг тул қолган онаси юртни бошқарган. У айрим манбаларда шаҳзоданинг номи билан – Туғшоданинг онаси, баъзан Хутоқхотун, яъни сарой бонуси номи билан тилга олинади. Малика Бухорода донолик билан ҳукмронлик қилган, халқ унга итоатда бўлган. У мамлакатни бошқаришда қуйидаги тартибни ўрнатган эди. Малика ҳар куни мулозимлари билан арқдан Регистон майдонига чиқиб, Алаффурушлар дарвозаси олдига келар ва тахтга ўтирарди.

Дехқон – қишлоқ ҳокимлари ва маҳаллий мулкдор маъмурлар – моликзодалардан икки юз нафар йигит белларига заррин камар ва қилич тақиб кечгача саф тортиб хизматда

туришарди. Малика «подшоҳлик ишлари билан машғул бўлар, яхшиликка даъват қилиб, ёмонликдан қайтарар, истаган кишисига сарпо кийгизиб, айбдор кишига жазо берар эди». Куёш ботгач, малика қасрга қайтарди. Эртаси кун бошқа жамоадан яна 200 дехқон ва маликзодалар икки қатор саф тортишиб, хизматда туришарди. Шу тарзда ҳар бир мулкдор жамоа бир йилда тўрт маротаба хизматга келиши лозим эди. Наршахийнинг бу таърифи бўйича биргина Бухорхудотларнинг бошқарувида қишлоқларнинг қарийб 18 минг маъмурий мулозимлари навбат билан хизмат қилган.

Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, Бухорхудотларнинг бошқарув тартиблари ниҳоятда содда усулда ташкил этилгандек туюлса-да, бироқ у илк ўрта асрларнинг ўта мураккаб ижтимоий-сиёсий шароитида воҳанинг биқик ва тарқоқ мулкдорлик жамиятини ягона ҳокими мутлаққа бўйсунган. Ўз навбатида, малика томонидан эса маҳаллий мулкдор вакиллари бошқарув маъмуриятига жалб этилганидан ва улар у ёрдамида эл-юрт ва қишлоқлар бошқарилганидан дарак беради.

Асрлар мобайнида Бухорода давлат бошқарув тизими ва тартиблари ривож топган. У йирик давлат пойтахтига айлангач, ҳар жиҳатдан мукамал марказлашган бошқарув даргоҳи: марказий ҳокимият, девон ва ҳудудий ҳокимликлар, давлат маҳкамаларининг вазифалари аниқ белгиланган. Наршахийнинг ёзишича, X асрда Бухоро шаҳрида амир қароргоҳи рўпарасида давлат девони, яъни вазирлар маҳкамаси учун махсус сарой курдирилиб, унда 10 та алоҳида девонхона ташкил этилган эди: «масалан, вазир девони (бош вазир маҳкамаси), молия (кирим-чиқим) ишлари девони, давлат ҳужжатларини бошқариш девони, соқчилар бошлиғи девони, хат-хабарлар мутасаддиси девони, сарой иш бошқарувчиси девони, давлат ва хос мулклар девони, мухтасиб девони, вақфлар девони, қозилик ишлари девони» кабилар маълум тартибда жойлаштирилган эди.

Маҳкама хизматчилари фақат сарой аҳли, руҳоний ва зодагон дехқонларгина бўлиб қолмай, шу билан бирга, улар муайян билимларга эга бўлишлари шарт эди. Одатда, улар араб, форс тилларини пухта эгаллаб олган, Қуръонни ва шариятнинг асосий қонун ва қоидаларини яхши биладиган, турли фанлардан маълум даражада хабардор бўлган саводли аслзодалардан танлаб олинган. Шубҳасиз, бу ўрта асрларнинг ўзига хос амалдорлик, яъни маҳкамачилик маданияти эди. Қадимий анъаналарга асосланган бу давлатчилик маданияти ва маънавияти XI–XII асрларда, сўнгра Амир Темури ва темурийлар даврида (XIV–XV) бойитилиб, ниҳоятда ривожлантирилган.

Узоқ тарихий жараёнда Бухоро Мовароуннаҳр ва Хоразмда қад кўтарган кўпгина шаҳарлар сингари бир неча бор ташқи ҳужумларга бардош берган. Истилочилар асоратига тушиб, қонли жанглар майдониغا ва озодлик кўзғолончилари марказига айланган. Бироқ яна қайта-қайта тикланиб обод бўлган.

Бухоро ўтмиши, гарчи у тарихий ва тадрижий воқеаларга ниҳоятда бой ва қизиқарли бўлса-да, зарварақларининг кўпгина саҳифалари бизгача тўлиқ етиб келмаган. Айниқса, шаҳарнинг узоқ ўтмиши ҳақидаги маълумотлар ёзма манбаларда мутлақо учрамайди. Бухоро ҳақидаги дастлабки хабарлар қадимги Юнон ва Рим муаллифларининг асарларида қайд этилса-да, уларда асосан шаҳар ҳақида эмас, балки улкан Суғднинг гарбий чекка ўлкаси хусусида сўз юритилган. Бу шаҳарнинг қисқача бўлса-да, аниқроқ тасвири илк ўрта асрлар Хитой ёзма манбаси – йилномаларида келтирилади.

Кўҳна Шарқнинг дину эътиқод, илм-фан ва одобу маърифат бобида ўзининг қўшган салмоқли хиссаси туфайли мазкур шаҳар илк ўрта асрлардаёқ «Қуббат-ул-ислом» («Ислом гумбази»), «Бухорои шариф» каби сифатлар билан мусулмон оламида шухрат қозонган.

Наршахийнинг ёзишича, Бухоронинг «Қуббат-ул-ислом» деб таърифланишида машҳур фикҳшунос олим

Абу Ҳафс Кабир Бухорийнинг хизмати ниҳоятда катта бўлган. Чунки Бухоро аҳолисининг илмли бўлишида, у ерда илмнинг кенг тарқалиши, имомлар ва уламоларнинг хурматга сазовор бўлишида мазкур қонуншунос алломанинг ҳиссаси бекиёс.

Дарҳақиқат, халқимиз, шу жумладан Бухоро аҳли-аждодлари ҳам дастлаб исломни қалқону қилич билан қарши олишган бўлсалар-да, кейинроқ, ушбу эътиқодни қабул қилгач, асрлар мобайнида ўзининг қадимги асрий маънавий кадриятлари билан уни бойитиб, ислом таълимоти ривожига улкан ҳисса қўшган. Бухородек қадимий шаҳар эса унинг марказларидан бирига айланган.

Археологик тадқиқотлар ва ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, Бухоро музофотида исломгача Авесто таълимоти асосида юзага келган оташпарастлик ва моний динлари шаҳар аҳолисининг мафкуравий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Мазкур шаҳар ва унинг теварак-атрофида саждагоҳ – ибодатхоналар қад кўтарган. Академик В.В. Бартольднинг фикрича, «Бухоро» атамаси санскритча «вихара» сўзидан келиб чиққан. У «ибодатхона» маъносини англатган.

Наршахийнинг ёзишича, қадимда Бухоро аҳолиси бутпараст бўлган. Катта анҳор бўйида Мох деб юритилган ибодатхона жойлашган. Ибодатхона қаршисида сердарахт текис жойда бозор бўлиб, «дурадгорлар ва наққошлар ... бут йўниб, белгиланган кунда шу бозорга келтириб сотишар ... ҳар қачон у бут йўқолса ёки синса, ёки эскирса, шу бозор куни бошқасини сотиб олар ... эканлар». Кейинчалик ушбу жой оташпарастлар ибодатхонасига айлантирилган. «Бозор куни одамлар бу ерга йиғилганларида ҳаммалари ибодатхонага кириб оловга топинар эдилар». Наршахийнинг маълумотига кўра, Бухоронинг мазкур ўтпарастлик ибодатхонаси то исломият давригача сақланиб қолган. Исломий эътиқод муқим қарор топгач, қадимги Мох ибодатхонаси мусулмон саждагоҳи – масжидга айлантрилиб,

«Масжиди мағоки атторий», яъни мажусийларнинг атторлик бозоридаги масжиди номи билан юритилиб келинган. Бухорода қад кўтарган бу қадимги ибодатхона, илк исломий саждагоҳ тарихига монанд ном билан ўтмишнинг нодир меъморий обидаси сифатида, шаҳарга кўрк бериб, Бухорога ташриф буюрган сайёҳларнинг диққатини ўзига тортиб, маҳлиё қилиб келмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, асрлар силсиласида «Масжиди мағоки атторий» ёдгорлиги қаторида юзлаб мачит, мадраса, хонақою ҳазира (хилхона) каби саждагоҳу илмгоҳлардек зиёратгоҳлар, шунингдек, карвонсаройлару савдо-хунармандчилик расталари – тоқу тимлар, минораю саройлар, ҳаммому ҳовузлар ва боғлар сингари турли хил тарихий обидалар бунёд этилган. Бухоронинг кўрки ҳисобланган мазкур ўзига хос меъморий ёдгорликлар, шаҳарнинг узоқ ва яқин ўтмишини, хусусан, тарихий топографиясини ўрганишда ниҳоятда бой манба ҳисобланади. Сўнгги йилларда улар синчиклаб тадқиқ этилиб ва таъмирланиб, аслий жилоси қайта тикланыпти.

Бундан ташқари, Бухоро шаҳрининг ёши яқин йилларгача номаълум эди. Бу ҳақда аниқ далилий маълумотлар бизгача етиб келмагани туфайли муаррихлар Бухоро шаҳрининг ёши ҳақида бирор аниқ фикрни дадил айта олмас эдилар. Муаррих Наршахийнинг «Бухоро тарихи» номли китобида келтирилган айрим ривоятларга асосланиб, «Шаҳримиз уч минг йилдан зиёдроқ тарихга эга», деган фикрни дадил айтишарди.

Ўзбекистон ҳудудида шаҳарларнинг қад кўтариши ва фанда шаҳар маданияти шаклланиши тарихини ўрганиш мақсадида ўтган асрнинг 60-йиллари охирида академик Я. Гуломов раҳбарлигида махсус археологик экспедиция ташкил этилди. У Бухоро шаҳри ҳудудида ҳам кўп йиллар мунтазам қазишларни олиб борди. Даставвал 1970–1974 йилларда, сўнгра 1977–1980 йилларда Бухоронинг

қадимги шаҳристон қисмида кенг кўламда археологик қазишмалар ўтказилди.

Кўп йиллар мобайнида Бухоро ва унинг атрофида муттасил олиб борилган тадқиқотлар ўз самарасини берди. Ўлканинг қадимги табиати, аҳолиси ва ўзига хос маданияти, уни ўзлаштириб обод этилиши ҳамда унда чорвачилик, деҳқончилик ва хунармандчилик каби ишлаб чиқариш ҳўжаликларининг шаклланиши, шунингдек, катта-кичик кишлоқ ва шаҳарларнинг пайдо бўлиши тарихига оид бой далилий маълумотлар тўпланди. Шубҳасиз, улар Бухоро шаҳрининг пайдо бўлиши тарихинигина эмас, балки Зарафшон водийсида урбанизация жараёнининг бориши ва унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишда асосий манба бўлиб хизмат қиляпти.

Ниҳоят, сайёҳлар диққатини тортган музей қўриқхона «Зиндон», Масжиди калон ва Мирараб мадрасаси, Тоқи заргарон ва Абдуллахон тими оралиғида жойлашган майдонлар – 13 гектарга тенг қадимий шаҳристон ҳамда Бухоро аркининг ялангликдан иборат шарқий қисмида минг йилликлар оша 14–20 метр қалинликдаги шаҳарнинг ҳаёт дафтари – маданий қатламлар қазилди. Уларда қайд этилган турли-туман ашёвий топилмалар, иншоот ва иморат қолдиқларидан иборат беқиёс ашёвий далиллар асосида шаҳарнинг ёши аниқланди. Ниҳоят, Бухоронинг 2500 йиллик тарихга эга эканлиги илмий жиҳатдан исботлаб берилди.

Бухоро шаҳрининг ёшини аниқлаш учун ўтказилган археологик ва палеогидрографик тадқиқотлар натижасида нафақат шаҳар тарихи, балки ўлканинг узок ўтмишидаги қадимги табиати ҳам ойдинлашди. Қадимда Мисрни «Нилнинг ҳадяси» деганларидек, Бухоро ва унинг воҳасини ҳам Зарафшоннинг инъоми деса бўлади. Чунки дарё куйироғида шаклланган бу диёрнинг ўзи, авваламбор, минг йилликлар мобайнида қадимги Суғд дарёсининг оқизинди (тош, шағал, қум ва лойқалар) ётқизиклари туфайли вужуд-

га келган. Унинг тошқинларидан ҳосил бўлган тармоқлару ирмоқлар, кўл ва кўлмаклар эса воҳа табиатнинг шаклланиши ва уни ўзлаштирилиб, обод этилишида муҳим восита ҳисобланган. «Бухоро тарихи» китобида қайд этилишича, ниҳоятда серсув бу азим дарё қадимда «Мосаф» аслида (Масоб) ва Харомком номлари билан юритилган. Ушбу гидронимларнинг ҳар иккаласи ҳам «Катта ёки Азим дарё» маъносини англатган. IX аср муаррихи Абул-Ҳасан Нишопурийнинг тасвирлашича, Мосаф дарёси «талай ерларни ювиб-ўпириб кўп лойқаларни... то Битик ва Фароб (Амударё ўнг соҳилида жойлашган қишлоқ ва шаҳар) гача суриб келтирган. Сўнг сув (тошқинлари) тўхтагач, Бухоро ўрнашган жой (аста-секин) тўлиб текис ерга айланган ... Шундай қилиб, у катта дарё Суғд (наҳра) ва бу (лойқалар билан) тўлган мавзе Бухоро бўлиб қолди. Чунки «Бухоро (ўрнашган) бу мавзе, (илгари) бадқоқ бўлиб, – деб тарифланади китобда, – унинг баъзи ерларини тўқай, дарахтзор ва кўкаламзорлар... (қоплаган). Айрим жойлари эса шундай бўлганки, бирон ҳайвон ҳам оёқ қўйишга жой топа олмаган». Айни ўша қадим замонларда ҳозирги Қоракўл ва Олот туманлари ўрнида улкан кўл бўлиб, унга бир томондан Қашқадарёнинг, иккинчи томондан Қоракўлдарё орқали Зарафшоннинг жўшқин сувлари қишин-ёзин мутасил қуйилиб турган. Ўрта аср ёзма манбаларида бу кўл «Баҳр-ул-Бухоро» (Бухоро денгизи), «Боргини Фарроҳ» – Кенг ҳовуз каби номлар билан тилга олинади. Турклар уни «Денгиз» ёки «Қоракўл», яъни «Катта кўл» деб юритишган. Кўлнинг узунлиги ҳам, кенглиги ҳам 20 фарсанг, яъни 120–140 км га тенг бўлган.

Зарафшон водийсининг қуйи қисмида жойлашган Бухоро воҳасининг юзага келиши тўғрисида айтилган бу палеогеографик мулоҳазалар Мовароуннаҳр ва Хуросон алломалари илк ўрта асрлардаёқ дарё водийларининг шаклланиши ва бу табиий жараёнда сув манбаларининг ҳаётбахш аҳамияти ҳақида етарли ва аниқ тушунчаларга эга

бўлганликларидан далолат беради. Қизиғи шундаки, бундан минг йил аввал айтилган бундай фикр ва мулоҳазалар нақадар тўғри эканини Бухорода ўтказилган археологик ва гидрографик тадқиқотлар ҳам тасдиқламоқда.

1961–1964 йилларда камина бошчилигида Зарафшоннинг кўҳна Мохон (аслида Муғгон) дарё ва Бужайли ўзанлари бўйлаб ўтказилган махсус археолого-гидрографик тадқиқотлар натижасида қадим замонларда Қашқадарё Зарафшонга, кейингиси эса Амуга томон ҳайқириб оққани аниқланди. Кейинчалик оқими тўхтаб, сувсизликдан қуриб қолган бу арналар Бухоронинг Жондор туманида Яккатут мавзеси яқинида Зарафшондан бош олган. Мохондарё тармоғи тарихда Урганжий дашти номи билан аталган Қизилкумнинг жануби-шарқий қисмини кесиб ўтган. 150 км масофада 20 дан зиёд катта-кичик кўл ва кўлмаклар ҳосил этиб, Амударёнинг ўнг қирғоғида қад кўтарган Окрабад ва Наргизқалъа яқинида иккига ажралган ва 9 та чуқур (15–20 метр) ва кенг (75–125 метрли) жарликлар орқали қадимги Жайхунга туташган.

Амударё оқими кўтарилган баҳор мавсумида тошқин сувлар қалқиб кириб, ушбу жарликлар ичида саёз кўлмакларни ҳосил қилган. Қўйчивонлар уларни «сувлот» деб аташади. Чунки бундай кўлмаклардан қўй отарлари сувланган.

Шубҳасиз, Мохондарёнинг кучли оқимлари натижасида Амударёнинг баланд ва тик қирғоқлари ювилиб, вужудга келган бундай чуқур ва кенг жарликлар қачонлардир узоқ ўтмишда Зарафшон сувларининг Жайхун томон қанчалик шиддат билан оққанлигидан дарак берибгина қолмаган. Балки икки дарё – Қашқадарё ва Зарафшон – кўҳна Мосафнинг азим Амунинг қадимги ирмоғи эканлигидан гувоҳлик беради. Тарих, археология ва география фанларидаги бундай янгиликлар, шубҳасиз, фаншунослар наздида даврнинг кашфиёти эди.

Археологик тадқиқотлардан маълумки, узок ўтмишда Зарафшон – қадимги Харомкомнинг куйи ўзанларидан бири ҳали кўхна Бухоро қад кўтармасдан илгари, ҳозирги вақтда шаҳар кўркига жило бериб турган ўрта аср меъморий обидалари: Улуғбек, Абдулазизхон ва Мирараб мадрасалари, Тоқи заргарон, Минори калон ва Масжиди калон масжиди меъморий мажмуалари бўй чўзган замин ўрнидан оқиб ўтган. Бу кўхна ўзаннинг кенглиги 100–120 метрга етган. Ёзма манбаларда у Зарируд ва Руди зари (зери) Бухоро номлари билан тилга олинади. Қадим замонларда бу кўхна ўзаннинг тошқин сувлари Пойканд шаҳригача етиб борган. Шаҳар қад кўтаргач, текисланиб кетган ўзаннинг дарёвоти ва унинг теварак-атрофини қоплаб ётган қалин бутазор ва тўқайларнинг асрий чириндиларидан Бухорои шариф остида торф қатлами ҳосил бўлган. Айрим қазишма майдонларида қайд этилган кучли ёнгин қолдиқларига қараганда, Бухоро ҳудудини илк бор ўзлаштиришга киришган қадимги «чўлқуварлар» бу кўхна дарёвот соҳилларига келиб ўрнашган, тўқайларга ўт қўйиб ер очган бўлиши ҳам, эҳтимолдан холи эмас. Наршахийнинг таърифлашича: «Ҳар томондан одамлар йиғилиб, у жой обод бўлди. Одамлар Туркистон томонидан келар эдилар. Бу вилоятда сув ва дарахтлар, ов қилинадиган жониворлар кўп бўлганидан кишиларга бу вилоят хуш келиб, шу ерга жойлашдилар».

Археологик тадқиқотларда аниқланишича, Бухоро шаҳри даставвал қадимги Зарируд ўзанининг иккала соҳилларида алоҳида-алоҳида жойлашган бир қанча қўрғонлар шаклида қад кўтарган. Гирди мудофаа деворлари билан ўралган қўрғон, калъа ёки истехкомлар «диз», «мич-миж», «мис» ёки «мит» каби атамалар билан юритилган. Илк ўрта аср Хитой йилномаларида қайд этилишича, Бухоро қўрғонлари беш қатор девор ва сувли хандақлар билан ўралган.

Бухоро, хусусан, унинг ҳукмдорлари қароргоҳи – Арқда амалга оширилган қазишлар натижаларида ниҳоятда

самарали бўлди. Энг муҳими, Аркни ўрганиш тарихида биринчи маротаба унинг илк саҳни, яъни қадимги она заминигача қовлаб тушилди. Шаҳарнинг бу қадимги қисми остида ҳосил бўлган маданий қатламнинг умумий қалинлиги 20 метрдан зиёдрок бўлиб, унинг пастки қатларидан қазиб олинган археологик топилмаларнинг энг кўҳнаси милоддан аввалги IV аср охири ва III аср бошларига мансуб эди.

Моддий маданият қолдиқлари орасида 15,5 ҳамда 18,5 метр чуқурликда қазиб очилган қадимги икки мудофаа деворлари қолдиқларининг топилиши шаҳар тарихини ўрганишда, айниқса, муҳим аҳамиятга эга бўлди. Биринчи мудофаа девори 2,5–3 метр, иккинчиси эса 2–2,5 метр баландликда сақланган. Қазишмалардан Арк Зарируд ўзанининг ўнг соҳилида жойлашган табиий дўнглик устида пайдо бўлганлиги аниқланди. Бу дўнглик теваарак-атрофнинг умумий сатҳидан 8–10 метр баланд бўлган. Майдони 1,5–2 гектардан ошмаган.

Қазишмалар ўтказилган майдонларда қурилишлар оқибатида аралашиб кетган юқори қатламлар техника ёрдамида, осткилари эса фақат белкурак ва кетмонлар воситасида бир неча улкан ва чуқур хандақлар қазилди. Хандақлар чуқурлашгани сари босими етти метргача кўтарилган ер ости сизот сувлари қазишма тубини ўпириб, хандақнинг бор узунлиги бўйлаб 1,5–2 минг тоннадан ортиқроқ тупроқни ағдарарди. Шундай бўлсада, сизот сувлари насослар ва махсус сувтортқич автотранспортлар ёрдамида сўрилиб, ташқарига чиқариларди. Биз деярли барча майдонларда Бухоронинг ботқоқлик устида вужудга келган қадимги аслий рўйи заминигача қазиб очишга муяссар бўлдик. Шубҳасиз, бу биз учун катта ютуқ эди. Чунки Бухоронинг бу она тупроғи устида асрлар давомида ниҳоятда қалин маданий қатлам – моддий-маданият осори-атиқаларини сақлаб турган, қалинлиги қарийб 20 метрли маданий қатлам ҳали номаълум археологик

мажмуа эди. Бухоронинг 2500 йиллик ўтмиш тарихини ўз бағрида сақлаб келаётган бу қатламлар мажмуаси, шубҳасиз, ниҳоятда бой ўзига хос бир антиқа манба эди. Унда топилган хилма-хил археологик топилмалар шаҳар ҳаётининг турли тарихий даврларига мансуб ашёвий далилларни намоён этарди.

Масалан, Мирараб мадрасаси ва Тоқи заргарон ёдгорлиги оралиғида майдони қарийб 2,5 минг квадрат метрли қазилган хандақ. Унинг чуқурлиги 17,5 метр. Археологларимиз белкураги билан тик ва ниҳоятда текис ковлаб тушилган хандақ деворлари худди қат-қат қилиб пиширилган улкан ва ниҳоятда қалин «қатлама»ни эслатади. Девор бўйлаб турли сатҳдаги ўралар, атрофи пишиқ ғиштлар билан ишлаб чиқилган чуқур кудуклар, турли томонга йўналган пишиқ ғиштли равоксимон тазарлар (канализация иншоотлари), пахса ва йирик хом ғиштлардан уриб чиқилган. Улар ниҳоятда қалин шаҳар деворининг вайронага айланган қолдиқлари, кучли ёнғин излари ва ҳоказолар кўзга яққол ташланиб туради. Булар, шубҳасиз, асрлар давомида шаҳарнинг қайнаган жўшқин ҳаёти қолдирган излар бўлиб, Бухоронинг неча бор вайрон этилиб, қайта тикланганидан далолат беради.

Қазишмаларнинг энг остки қатларидан археологлар учун кутилмаган қизиқарли маълумотларни аниқлаш имконини берувчи ашёвий далиллар топилди. Бухоро шаҳри ҳали қад кўтармасдан аввал – узоқ ўтмишда ҳосил бўлган бу табиий қатламлар ранги ва таркибига кўра бир-биридан тубдан ажралиб турарди. Хандақнинг энг тубида узоқ вақт ботқоқликнинг окмай туриб қолган, ачиб бўтанага айланган сувларидан ҳосил бўлган оч кулранг тусли қадимги рўйи замин, унинг устида эса чириндилардан ҳосил бўлган, қалинлиги 40–70 сантиметр келадиган торф қатлами мавжуд. У тўқ жигарранг. У қадимги рўйи заминни худди қалқондек қоплаб ётарди. Торф қавати орасида таркибида ёввойи ва хонаки

хайвонлар, паррандалар суяклари, сопол идишларнинг бўлаклари учрайди. Бу қатлам шимолдан жанубга – Мирараб мадрасасига томон қалинлашиб, мадраса ҳовлиси остида унинг қалинлиги бир неча метрга боради.

Ушбу қатламлар, шубҳасиз, бу диёрда аҳоли эндигина келиб ўрнашиб, уни ўзлаштиришга киришилган қадимги замонларда бўлажак шаҳарнинг ўрни ва теварак-атрофларининг табиий манзарасини намойиш қиларди. Бу археологик манзара Абу Бакр Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида келтирилган таърифга тўла-тўқис жуда мос келарди.

Археологик казишлар натижасида очилган тарихий манзара Бухоро шаҳрининг қадимги марказий қисми Арқдан шарқроқда, дарё лабида, сатҳи жихатидан Арқка нисбатан анча-мунча пастроқ ерда жойлашганлигини кўрсатади. Унинг умумий майдони 12–13 гектарга тенг бўлган. Мирараб мадрасасининг яқинида олиб борилган казишмалар вақтида 4,5 метр чуқурликда шаҳарнинг қадимги мудофаа девори қолдиқлари топилди. Пахса ҳамда йирик ҳажмдаги хом гиштлардан барпо қилинган бу кўрғон девори 5–6 метр баландликда сақланган. Девор пойдевори остида қолиб кетган маданий қатлам ва унда аниқланган археологик топилмалардан маълум бўлишича, бу қадимги мудофаа иншооти милоднинг V–VI асрларида қад кўтарган. Асрлар давомида у бир неча бор таъмирланган ҳамда қайта-қайта тикланган. Шу боисдан асрлар оша у қалинлашиб, илк ўрта асрларда унинг умумий кенглиги 17 метрга етган. Бухоронинг бу қадимги девори ташқарисидан ғарб-шарқ йўналишида дарё соҳили бўйлаб кенг йўл ўтган. Наршахийнинг «Бухоро тарихи» китобида ушбу йўл «Ҳақрах», яъни тўғри ёки марказий йўл номи билан келтирилган. Ҳозирги вақтда қад кўтариб турган Масжиди калон ва Мирараб мадрасаси рўпарасида бу катта йўлга чиқадиган шаҳарнинг жанубий дарвозаси «Дари Ҳақрах» деб юритилган. Бухоро халифалик томонидан

фатҳ этилгач, у «Мадина», яъни «Шаҳар дарвозаси» номи билан юритилган. Археологик қазишмалар пайтида Мадина, яъни «Дари Ҳакраҳ» дарвозасининг ўрни ва минораси – буржининг қолдиқлари ковлаб очилди. Бу дарвоза яқинида жойлашган чуқур ўра тубидан ҳатто X–XI асрларга оид фил суягидан ясалган нақшинкор белгили нард соққа ва унинг тошлари топилган эди.

Бу дарвоза ташқарисидан ўтган катта кўча (ҳозирда у Шахристон кўчаси деб аталади) бўйлаб кейинги асрларда Масжиди калон, Минораи калон, Улуғбек ва Абдулазизхон мадрасалари ҳамда Тоқи заргарон каби меъморий обидалар қад кўтарган.

Бухоро шаҳрини барпо этган учинчи қўрғон Зарируд ўзанининг сўл қирғоғида жойлашган бўлиб, у ҳам алоҳида мудофаа девори билан ўраб олинган. Майдони 6–7 гектар бўлган бу ҳудуд Минораи калон ёдгорлигидан жанубда жойлашган дўнгликдан иборат. Унда сўнгги ўрта асрларда Бухоро қозикалонининг саройи ва маҳкамаси ўрин олганди. Қизиғи шундаки, майдонда ковлаб очилган 18 метрли маданий қатламнинг 9 метри милоддан аввалги IV–I ҳамда милоднинг I–IV асрларида ҳосил бўлган. Ушбу қатламда аниқланган турли ашёвий топилмалар юқори сифатли шаҳар ҳунармандчилиги маҳсулотининг намуна қолдиқлари эди. Улар бу ҳудудда қадимдан шаҳарнинг гавжум ҳунармандчилик маҳаллалари жойлашганидан далолат берарди.

Хитой йилномаларида қайд этилган Бухоронинг бешта қадимги тарихий қўрғонларидан учтасининг ўрни белгиланиб, улар археологик жихатдан тадқиқ этилган эди. Бироқ экспедиция қазишмаларида улардан иккитасининг ўрнини белгилашнинг иложи топилмади. Фикримизча, ўрта асрларда шаҳар ҳудуди кенгайтирилиб, унинг атрофи ягона қалъа девори билан ўраб олинган пайт эҳтимол, ушбу тарихий масканлар текисланиб, қатор ҳунармандчилик маҳаллалари қад кўтарган бўлиши мумкин.

Аmmo шундай бўлса-да, Бухоронинг баъзи зиёратгоҳию гидронимлари туфайли уларнинг номлари сақланиб қолган. Улар шаҳар теварак-атрофидаги кишлоқ пайкалларини суғорган Фаровизи-улё ва Фаровизи-ас-суфлоларнинг ҳамда Бухоро шаҳрида жойлашган «Бобойи порадуз», яъни Форобдиз зиёратгоҳи номларида ўз аксини топган. Бу атамаларнинг этимологик талкинидан ҳатто кўрғон номлари маъносини ҳам аниқлаш мумкин.

Кўҳна Бухоро ҳақида сўз юритилганда, унинг қадимги номлари, хусусан, «Бухоро» атамасининг келиб чиқиши, айниқса, унинг маъноси хусусида ҳам баъзи бир маълумотларни келтириб, уларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бухоронинг дастлабки номларининг аксариятида бу ажойиб ўлканинг ё табиатига, ё ушбу масканда қад кўтарган иншоотига ёки аҳолисининг ўтмиш эътиқодига монандлиги манбаларда кўринади. Чунки тарихий топонимларидан бирининг маъноси негизида шаҳар қад кўтарган даврда Зарафшон ерлари табиатининг қадимий сифатлари яширинган бўлиб, Наршахийнинг бу ҳудуд тўғрисидаги тафсилотларига жуда ҳамоҳанг келади. Бошқа бирида эса ўлканинг ўзлаштирилиб, обод этилишидаги тарихий манзаралари маълум даражада ўз ифодасини топган. Шу боисдан ҳам Бухоро шаҳрининг қадимги номлари этимонини таҳлил қилиб, унда яширинган маънони аниқлаш нафақат шаҳар, балки ўлка ўтмишининг ҳам табиий, ҳам тарихий манзарасини, хусусан аҳолисини исломгача бўлган мафкуравий эътиқод асослари борасида фикр-мулоҳазалар юритиш имконини беради.

Бухоро шаҳри, у қад кўтарган ўлка ва унинг қадимий ҳукмдорлари тўғрисидаги қисқача ҳамда аниқроқ маълумотлар илк ўрта аср Хитой манбаларида келтирилган. Уларда Бухоронинг ўндан ортиқ атамалари: Ан, Анси, Анго, Ньюми, Бухо, Бухэ, Бухазр, Бухуазр, Бухала, Фухо, Пухала ва бошқалар тилга олинади. Бу атамаларнинг бир нечтаси, шубҳасиз, Бухоронинг Хитойча номлари бўлса,

қолганлари ушбу номнинг хитойча турли шаклда талаффуз этилишидан келиб чиққан атамалардир. Қизиғи шундаки, бу ибораларда, одатда ҳам ҳокимият ёки ўлка ҳамда ушбу ҳокимиятнинг пойтахти ҳисобланган марказий шаҳри ифодалангани. Масалан, Ан ёки Бухо ҳокимияти илк ўрта асрларда Ньюми номи билан машҳур бўлиб, унинг пойтахти ҳам ушбу ном билан юритилган. Ньюмидан 100 ли (50 км) шимоли-шарқда Шарқий Ан ва шунча масофада жануби-ғарбда эса Би (Пойканд) шаҳри жойлашган. Ҳукмдорларнинг қароргоҳи Аланми (Ромитон) шаҳрида бўлган. Бу давлатнинг ғарбий чегараси Уху (Амударё) соҳилларига бориб тақалган. Вилоятда 40 та йирик шаҳар ва мингдан зиёд истеҳкомлар бўлиб, бақувват ва довжуррак йигитларгина чоқар (аскар) ликка ёлланган.

Ньюми давлатининг пойтахти Сиан Цзин (Самарқанд) дан ғарбда, Нами (Зарафшон) дарёсининг жанубида жойлашган. Шаҳар беш қатор девор ва оқар сувли хандақлар билан ўралган. Сарой иморатларининг томлари эса текис қилиб ёпилган.

Ўрта аср арабнавис муаллифлари асарларида Бухоро Нумижкат, Бумискат, Мадинат-ус-суфрия, Мадинат-ут-тужжор ва Фохира каби номлар билан таърифланади. Наршахийнинг ёзишича, қадимда Хуросон шаҳарларидан биронтаси ҳам бунчалик кўп номга эга бўлмаган. Ўрта аср ёзма манбаларда келтирилган маълумотларга қараганда, Бухоро ва Нумижкат илгаридан бири иккинчисига яқин жойлашган алоҳида-алоҳида шаҳар (кўрғон) лардан иборат бўлган. Вақт ўтиши билан Бухоро ва Нумижкат майдонлари кенгайиб, улар бир-бирига қўшилиб кетган. Номларидан бири шуҳрат топиб, иккинчиси эса тарихдагина сақланиб қолган.

Бу иборалар, шубҳасиз, шаҳарни барпо этган туб аҳоли ҳамда хориждан келган ажнабийлар томонидан берилган номлардир. Жумладан, «Мадинат-ус-суфрия», «Мадинат-ут-тужжор ва Фохира» каби атамаларни араблар

беришган. Бухоро шаҳри кўргон деворлари мудофаа жихатдан ниҳоятда мустаҳкамлиги учун мисга рамзий қиёслаб уни «Мадинат-ус-суфрия», яъни Мис шаҳар деб атаганлар. Шунингдек, Бухоронинг Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларини Хитой ва Ҳиндистон билан боғлаган қадимги қарвон йўли – машҳур «Буюк ипак йўли» устида жойлашгани аҳолиси мулкдор табақасининг каттагина қисми «кашқашон» – савдогарлардан бўлган. Улар бу қарвон йўли орқали халқаро савдода фаол қатнашганлари боис шаҳар «Мадинат-ут-тужжор», яъни «Савдогарлар шаҳри» сифатлари билан ҳам шуҳрат топган.

«Фоҳира» атамаси эса, Наршахийнинг тафсилоти бўйича, шахидлар шарофатига нисбатан берилган атамалар. Нумижкат, Бумискат ва Бухоро номлари шаҳарга берилган маҳаллий атамалардан ҳисобланади. Улардан биринчиси, аслида Навмичкат шаклида юритилиб, у учта – форс-тожикча «нав» – янги, суғдча «мич» – қалъа ёки кўргон ва «кат» қишлоқ ёхуд шаҳар каби сўзлар бирикмасидан юзага келган. У «янги кўргон, янги қалъа, янги истехкомли қишлоқ» ёки «янги шаҳар» маъноларини англатган. Хитойча «Нюми» атамаси эса, Навмич сўзининг бузилган шакли бўлиб, у хитойча талаффуздан келиб чиққан.

Навмичкат атамасида «янги» маъносини англатувчи «нав» сўзининг қўшилиб ёзилишига қараганда «Навмичкат ва Бумичкат» шаҳар қалъаси қайта қурилгандан далолат беради. У даврда шаҳар кўргонининг кўҳна номлари бўлиши ҳам мумкин. Бухоро урбонимлари қаторида «кўҳандиз», яъни кўҳна кўргон ва «Фаровис» каби иборалар қайд этилади. Хусусан кейинги атама Бухоро бўзчи ва косибларининг Бабойи порадуз мақбараси ҳамда Шаҳруд каналини икки шохариқлари «Фаровис-ал-улё» ва «Фаровис-ас-суфло», каби номлари орқали бизгача етиб келган. Аслида бу икки гидронимлардан бири «Фаробдиз-ал-улё», иккинчиси «Фарабдиз-ас-суфло», яъни Юқори ва Қуйи Фаробдиз деб юритилган. Булар суғдча атамалар бўлиб, «Фароб» – сув

бўйи ва «диз» кўрғон ёки қалъа демакдир. Бу икки қадимги кўрғонлардан бири «Сув бўйи»даги юқори, иккинчиси қуйи кўрғонлар деб юритилгани аён бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, Бухорони археологик, ёзма манба ва топонимик жиҳатдан тадқиқ этилиши орқали шаҳар қадимда бешта кўрғон, Кўҳандиз, Фаробдиз-ал-улё, Фаробдиз-ас-суфло, Навмичкат ва Бухоро номлари билан аталган бешта кўрғон – қалъа шаклида пайдо бўлган. Наршахийнинг таъкидлашича, унинг замонида «Бухоро деган ном ... номларнинг ҳаммасидан ҳам машҳурроқ» бўлган. Чунки Бухоро номи билан ҳам ўлка, унда қад кўтарган бош шаҳар ҳамда ҳукмдорлар шуҳрат топган.

В. В. Бартольд Бухоро урбонимини «бухоро» – «ибодатхона» сўзи билан боғлайди. Фикримизча, аслида бу «буғ – оро» шаклида ифода этилса, «тангри жамоли» деган маънони ҳам англатади. Чунки қадимда ўтпарастилик, моний ва бутпарастилик эътиқодларининг обидалари Мох ибодатхона, Мох бозори, Тали мурдапартов каби зардуштлар хилхонаси ва зардушт маҳаллаларидаги даҳмалар, исломият даврида қад кўтарган кўпдан-кўп масжид, мадраса ва хонақоҳу ҳазиралар нафақат эътиқод, балки илм, маърифат ва маънавият марказларидан бўлган.

Ўрта Осиё тарихида Бухоронинг ислом таълимоти, илм-фан ва маърифатнинг тараққиётига қўшган ҳиссаси, унинг моҳияти ва ўрнини назарда тутадиган бўлсак, Бухоро шаҳрини Тангри жилоси акс этган саждагоҳ деб аташ ҳақиқатга яқин. Мустақиллик даврида Бухоро янада кўркамлаштирилди. Унинг асрий меъморий обидалари таъмирланиб, ободонлаштирилди ва шаҳар турли мамлакатлардан ташриф буюраётган сайёҳ – туристларнинг бекиёс зиёратгоҳига айланди.

1997 йилда ЮНЕСКО қарорига асосан ушбу табаррук зиёратгоҳ – Бухоро шаҳрининг 2500 йиллик юбилейи жаҳон олимлари вакиллари иштирокида катта тантана билан нишонланди.

Кеш – уй, яъни Ватан

«Кеш» – Қашқадарё водийсининг юқори қисмида жойлашган деҳқончилик воҳаси бўлиб, Шаҳрисабз шаҳрининг қадимги номидир. Ўрта асрларда битилган ёзма манбаларда бу кўҳна шаҳар ва у жойлашган маскан «Каш – Кашш», «Кас – Кос», «Кис – Кисс» шаклларида тилга олинади. Қадимги Хитой солномаларида эса шаҳар номи «Суши» ва «Циши» тарзида учрайди.

Илк ўрта асрларда Кеш шаҳри иқтисодий ва маъмурий мавқеи жиҳатидан Жанубий Суғд вилоятидаги марказий шаҳарлар орасида Нахшаб (Қарши) дан кейинги иккинчи ўринда турган. Бу даврда Кеш мустақкам қалъа деворлари билан ўралган уч қисмдан: арк – ҳоким қароргоҳи, шаҳристон – ички шаҳар ва рабод – ташқи шаҳарлардан иборат бўлган. Арк ичига бир, рабодга икки ва шаҳристонга тўрт дарвоза орқали кирилган. Шаҳарнинг узунлиги ҳам, кенлиги ҳам 1/3 фарсах (2 км)га тенг бўлган.

IX аср географи Ибн Хордадбеҳнинг хабар беришича, Кешнинг ҳукмдори «Нидун», аниқроғи, «Бидун» номи билан улуғланган. «Бидун» қадимий туркча «будун» сўзининг маҳаллий тилдаги шакли бўлиб, у эл-юрт ҳокими маъносини англатган. X асрда яшаган Муқаддасийнинг таърифлашича, шаҳарнинг жоме масжиди арк ичида, бозорлари рабодда, ҳоким қароргоҳи эса аркдан ташқарида жойлашган. XI аср бошларида Кешнинг арк қисми вайрон бўлиб, шаҳристонни аҳоли тарк этган, натижада у бўшаб қолган; ҳаёт фақат ташқи шаҳар – рабоддагина мавжуд бўлган. Йиллар ўтиши билан қадимги Кеш вайроналари яқинида қайтадан шаҳар қад кўтарган. XIV аср ўрталаридан бошлаб бу янги шаҳар Шаҳрисабз номи билан юритила бошланган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур бу ҳақда: «Кеш вилояти Самарқанднинг жанубидадур... Боҳарлар саҳроси ва шаҳри ва боми ва томи хўб сабз бўлур учун Шаҳрисабз ҳам дерлар», деб ёзади.

Қадимдан Кеш воҳаси Жажруд – Китобдарё, Хушкруд – Яккабоғдарё ва Хузарруд – Хузардарё каби жилғалардан бошланувчи суғориш тармоқлари воситасида суғорилиб обод килинган. Илк ўрта асрлардаёқ унинг дехқончилик ерлари 16 русток – обикор туманлардан иборат бўлган. Кеш воҳаси бўйлаб барча жойларда кўркем боғлар барпо этилиб, шаҳар ичи хонадонларининг ҳар биридан сув оқиб ўтган.

IX–XII аср муаллифлари Кеш ва унинг теварак-атрофида жойлашган ўн бешдан зиёд қишлоқ ва қасрларнинг куйидаги номларини бирма-бир келтирадилар: Ғазниён, Хардиён, Зазак, Марғибон, Мудува, Найаза, Хушминон-жакас, Шурабон, Шикон, Шишкан, Қасри Умайр, Субох, Искифагон, Наихати Курайш ва бошқалар.

Ёзма манбаларда тилга олинган айрим жой номлари таркибида ҳам «Кеш» атамасининг турли кўринишлари учрайди: Касби, Косдори, Косон, Косонсой, Кошон ва бошқалар. «Кеш» лексемаси ва унинг барча синонимик шакллари аслида «уй» ёки «тураржой» маъносини англатган суғдча «кат – ката» каби сўзлардан келиб чиққан. Бирок бу сўзлар ўзбек ва тожик тилларидаги «уй» ёки «хона» ибораларига нисбатан кенгроқ маънони англатган. Айрим тарихий атамаларнинг мазмун-моҳиятидан англанилишича, «кат» лексемаси нафақат «уй» ёки «тураржой», балки қишлоқ, мавзе, ҳатто катта-кичик шаҳарлар тушунчасида ҳам истифода этилган. Буни «катхуда, катбону, кадивар, оташкада, будкада ва бекат» каби тарихий атамалардан ҳам билиб олиш мумкин. Масалан, «катхуда» ёки «катбону» деганда, аввало хонадон ёки оила бошлиғи ва уй бекаси, шунингдек, оиланинг улуғлари – ота-бобо ва катта оналари тушунилган. Шу билан бирга, ўтроқ жамоалар муқим қарор топган жойлар – маҳалла-кўй, гузар ва қишлоқ оқсоқоллари ҳам «катхуда» дейилган. «Бекат» сўзи эса доимий яшаш жойи эмас, балки вақтинчалик тураржой, яъни кутиш манзили маъносини англатган. Илк ўрта асрларда

шаклланган қишлоқнинг йирик ердорларига қарам ерсиз, эркисиз корандалар «кадивар» атамаси билан юритилган. Кадиварлар мулкдор зодагонларга қарашли атрофи қалин ва баланд деворлар билан ўраб олинган бир дарвозали кўрғонларда яшаганлар. Шунингдек, оташпарастрларнинг ибодатхонаси «оташкада», бутпарастрларнинг саждагоҳлари эса «буткада» деб аталган.

Қадимий суғдча «кат» ибораси ҳозирги замон ўзбек ва тожик тиллари ҳамда айрим лаҳжаларда сақланган. Масалан, «кат» деганда Фарғона водийсида, одатда, тўрт оёқли ёғоч ўриндик, яъни тахта сўри; Хоразмда эса катта кенг ёғоч каравот тушунилган. «Кат» сўзига кичрайтириш «ак» ёки «ча» кабилар, айрим ҳолларда эса бу икки кўшимчалар бирин-кетин бирикиб, «катак», «катакча» каби шаклларда ўзига хос маънодаги айрим сўзлар ҳосил этган. «Катак» иборасида халқимиз, авваламбор, парранда сақланадиган жой, яъни товукхона, ўтинхона; «катакча» – қуш учун ясалган уя ёки ин; «каталак» деганда эса хонача, уйча, тор қилиб қурилган тураржой тушунилган. Айниқса, халқ тилида саҳни кичик ва тор хоналарга нисбат «каталакдек» ибораси кенг истифода этилади.

Дехқончилик ва чорвачилик хўжаликлари шаклланиб, юзага келган тарихнинг илк босқичида «кат» сўзи атрофи девор билан ўралган кўрғонли кенг тураржойларни ифодалаган. Бундай илк кўрғонлар археология фанида «вар» деб юритилади. Варлар ташқи босқинчиларга қарши барпо этилган мудофаа истехкоми ҳисобланиб, аҳоли уларда жон сақлаган ва молу жонини муҳофаза қилган. «Авесто» китобида ёзилишича, варларнинг атрофи бир от чопими узунлигига тенг бўлган. Атрофи баланд ва қалин деворлар билан ўралган қадимги варлар асосида кейинчалик, Хоразмнинг илк шаҳарлари Жонбосқалъа, Бозорқалъа, Тупроққалъа, Кат ва бошқалар қад кўтарган. Ҳатто, Тупроққалъа ва Кат шаҳри қадимги Хоразмнинг пойтахти ҳисобланган. Кат Хива шаҳридан бир кунлик йўл масофада Жайхун (Амуда-

рё)нинг ўнг соҳилида жойлашган. Кат уч қатор деворлар билан ўралган уч қисм: арк, шахристон ва рабодлардан иборат бўлган. Бегунининг ёзишича, 994-йилда Жайхуннинг кучли оқими – «тегишлари» оқибатида қадимги Кат шаҳридаги Хоразмшоҳлар қароргоҳи Пирқалъа батамом ўпирилиб, ундан асар ҳам қолмаган.

Ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, қадимги «Кат – кад» асосида юзага келган «Кеш, Каш, Кош» ва уларнинг «кас, кос» каби синонимик шакллари бириккан топонимлар қадимги Турон – Туркистоннинг дарё ҳавзалари ва деҳқончилик воҳаларининг тарихий географиясида алоҳида ўрин тутади. Шарқшунос олим В. В. Бартольднинг таъкидлашича, бундай жой номлари асосан Зарафшон водийси ва Сирдарё ҳавзаси, хусусан, Чирчиқ ва Оҳангарон воҳаларида кўпроқ учрайди.

Х аср географи Истахрий томонидан Элок (Оҳангарон) воҳасида қайд этилган 14 та шаҳар ва қишлоқларнинг номларидан 7 таси, Чоч – Шош (Тошкент) вилоятида эса 27 та жой номидан 16 таси «кат» атамасига эга бўлган. Шу жумладан, унда Андукат, Ардланкат, Банокат, Барскаат, Жабғукат, Даҳкат, Заркат, Навжикат, Навкат, Паркат, Саҳокат, Тункат, Фарнкат, Харгонкат, Хотункат, Худайнкат каби топонимлар келтирилади. Эътиборли томони шундаки, «кат, кад» ёки унинг «кеш, каш, кас, кос» каби синонимик шаклларига кўпинча «би – бин; бар – пар; за – зар; ну – нау; пас – пис» каби қўшимчалар бирикиб, турли маънодаги топонимлар юзага келган. Масалан, Бинкат – куйи шаҳар; Касби – куйи қишлоқ; Паркат – қияликдаги қишлоқ; Заркат – кат орти; Навкат – янгикат каби маъноларни англатган. Кат асосли айрим жой номларига мансаб ёки касб-хунарни белгиловчи атамалар бирикиб, Ябғукат – ҳоким қароргоҳи; Хонукат – ойим ёки хоним қўноғи; Банокат – қурувчилар шаҳри, Шутуркат – туякашлар қишлоғи каби маъноларни англатувчи топонимлар ҳосил бўлган. Баъзи ҳолларда қўшимчаси «он» бирикиб, «Косон»

(қишлоқлар), «Косонота» сой бўйидаги қишлоқлар каби топоним ва гидротопонимларни юзага келтирган.

Шуниси ҳам борки, агар қадимги Хоразмнинг тарихий географиясига диққат билан назар ташланса, «кат» ва унинг «кас» шаклининг бош ҳарфи «к» жарангсиз «хос» шаклида талаффуз этилганини кузатиш мумкин. Натижада, топоним асли ўзаги ҳисобланган «кат, кос, каш ёки кеш»нинг аслий шакли ҳам, талаффузи ҳам, туб маъноси ҳам мавҳумлашиб, Хоразм воҳасида ўзига хос жой номлари вужудга келган. Шу боисдан, Хос, Нухос ёки Навхос, Дархос, Кардаранос, Дескахонхос каби ойконимларни этимологик жиҳатдан талқин қилиш ниҳоятда мураккабдир.

Демак, Ўзбекистоннинг дарё водийлари ва деҳқончилик воҳаларининг тарихий географиясидан мисол тариқасида келтирилган топонимлар ва уларнинг этимологияси борасидаги таҳлиллардан маълумки, «кат» атамаси фонетик жиҳатдан маълум даражада ўзгариб, «кас, кос, каш, кош, кис, кеш» ҳатто «хас» ёки «хос» шаклларида талаффуз этилган ва бошқа янги-янги топонимлар юзага келган. Шуларга асосланиб, «Кеш» топоними тарихда илк бор уй, қишлоқ, шаҳар, пойтахт, вилоят, эл-юрт, диёр, ҳатто «қишвар» шаклида эса мамлакат ва Ватан каби маъноларни англатган дейиш мумкин.

Кушон – қуёшдек порлоқ мамлакат

Кушон макротопоними, аввало, Хитойда Даюечжи (катта Юечжи) ёки Тохар (асли Товхар) деб аталган қадимги туркий қабилалар ўрнашган юртнинг номи. Шунингдек, мазкур аймақ ва уни бошқарган йўлбошчининг исм-шарифи ҳамдир. Қолаверса, ушбу атама билан шуҳрат топган Ўрта Шарқда қад кўтарган тарихий давлатлардан бири – Буюк Кушон салтанати ва унинг ҳукмдорларини олқишлашни белгиловчи синонимик сифатдош лексемаларнинг яхлит тарихий атамасидир.

Мил. авв. II аср бошларида Хитойнинг шимоли-ғарбида кўчманчи чорвадор Хунну қабилар кучайиб, ғарбий қўшнилари даюечжилар билан тўқнашадилар. Мил. авв. 165-йилда содир бўлган сўнгги жангда Хуннулар ғалаба қозонадилар. Оқибат даюечжилар юрти шарқий Туркистон ва яйловларини тарк этиб ғарбга – Ўрта Осиёга томон силжийдилар. Мағлуб қабилалар Тангриго (Тянь-Шань) орқали Фарғона ва Суғд ерларига шиддат билан кириб борар экан, йўл-йўлакай ерли сак ва массагетларнинг бир қисмини Амударёдан жанубга томон қувиб чиқаришади. Сўнгра Бактрияни эгаллаб, Юнон-Бохтар давлатига барҳам беришади. Бу ерда улар «Катта Юечжи» давлат бирлашмасини тузишади. Мил. авв. I асрда Гуйшан ябғуси Кужула Кадфиз беш қабила ҳокимликларини бирлаштириб, ўзини Гуйшан ҳокими деб эълон қилади. Тарихда бу давлат Кушон подшолиги номи билан шуҳрат топади. Қадимда Чағонийн деб аталган воҳада жойлашган Далварзин мавзеи Кушон подшолигининг илк пойтахтига айлантирилади. Унинг аҳолиси юз минг уйлик, яъни қарийб олти юз минг жон, ҳарбий кучи эса юз минг нафардан иборат бўлган.

Кужула ҳокимлиги даврида ҳукмдор аввал «Ябғу», кейинчалик эса «шоҳ» ва «шаҳаншоҳ» ҳамда «буюк халоскор» каби маънони англатган жарангдор унвонлар битилган тангалар зарб этилади.

Кужула Кадфиз давлат сарҳадини кенгайтириб, қудратини мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Амударёнинг чап соҳили ҳудудларига юришлар қилади. У Парфия ерларининг каттагина қисмини – Кобулистон ва Кандаҳорни забт этади. Мил. авв. I аср ва милодий I аср бошларида нуфузи жиҳатдан Кушон подшолиги Хитойнинг Хан давлати, Парфия подшолиги ва Рим империяси билан рақобатлашадиган қадимги дунёнинг қудратли давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллайди.

Кужуладан сўнг тахтга бирин-кетин ўгиллари Вима Так (тов), Вима Кадфиз ва Канишкалар ўтирадилар. Кадфиз

хукмронлиги даврида пул ислоҳоти ўтказилиб, мис чақалар билан бир қаторда ташқи савдо муносабатларини кенгайтириш учун олтин танга – дароҳим зарб этилади. Канишка даврида эса Панжоб ва Кашмир вилоятлари кўшиб олинган, пойтахт Шимолий Бактриядан жанубга Паталипутра (ҳозирги Пешовар) шахрига кўчирилади.

Бу даврда Кушон подшолигининг чегаралари жанубда Панжоб вилояти, шимолда эса Ҳисор тоғи тизмалари бўйлаб ўтади. Буддавийлик давлат дини сифатида қабул қилинади. Мамлакатда суғориладиган дехқончилик ерлари кенгайиб, қатор суғориш тармоқлари ва сув иншоотлари барпо этилади. Шаҳарлар сони ортиб, улар кўркамлашиб боради. Шаҳарсозликда янгича туб йўналишлар ривожланади, уларда буддавийликнинг ҳашаматли меъморий обидалари: ибодатхона – бағолагто, роҳибгоҳ – вихара, саждагоҳ – ступалар қад кўтаради. Ибодатхоналарда будда ва уним санам – бадисатва ҳайкаллари ўрнатилиб, шаҳар меъморчилиги билан узвий боғланган тасвирий ва амалий санъат, ҳайкалтарошлик юқори даражада ривожланади.

Археология ёдгорликлари ва топилмаларидан маълум бўлишича, Кушон подшолиги хукм сурган даврда мамлакатда хунармандчилик, айниқса, кулолчилик, мисгарлик, заргарлик ва қуролсозликлар ҳам ривожланади. Қуролсозлар дудама (икки тигли) шамширу ханжарлар, қалқон, найза, ўқ ва камонлар ясаган. Хунармандчилик маҳсулотларининг кўпайиши билан ички ва ташқи савдо алоқалари авж олади. Кушон давлатининг Хитой ва Рим салтанати билан иқтисодий ва элчилик муносабатлари муқимлашиб, кенгайди. Милодий 99-йилда Кушон элчиси Римга юборилган. Кушонликлар чет давлатларга асосан темир ва ундан ясалган қуроли асбоб ва буюмлар, жун ва жунли матолар, қорақўл териси ва қимматбаҳо тошлар чиқаришган. Хитойдан ипак, ипакли газлама, чинни идишлар келтирилган. Милодий I–III асрларда Кушон подшолигининг Шарқ ва Ғарб мамлакатлари билан иқтисодий ва эл-

чилик алоқаларининг ҳар томонлама кенгайиши, шубҳасиз, ўша даврнинг жаҳон савдо қарвон йўли ҳисобланган Буюк ипак йўлининг муқим қарор топишда бекиёс аҳамиятга эга бўлган. Бу даврда Кушон подшолиги таъсири остида Ҳиндистондан Бақтрия орқали Ўрта Осиёга буддавийлик дини кириб келди. Сўнгра буддавийлик Турон аҳолиси орқали аввал Хитой ва чегарадош мамлакатларга, ҳатто даштли кўчманчи чорвадор қабилаларга ҳам кенг ёйилган.

Бу даврнинг қатор буддавий ибодатхоналарининг харобалари Сурхондарё вилояти ва жанубий Тожикистон ҳудудларидан топилиб тадқиқ этилди. Улар орасида айниқса Айритом, Қоратепа, Фаёзтепа ва Ажинатепа ёдгорликларида ноёб топилмалар қайд этилади. Масалан, Айритомдан чилтор (арфа), уд, най, чанг ва табла (ноғора) каби зарбли, торли ва пуфлаб чалинадиган мусиқий асбоблар чалаётган созандаларнинг тошга ўйилган қабартма тасвирлари, Қоратепадан будда ҳайкаллари ўрнатилган мағорахона ва йўлаксимон усти ёпиқ тим, Фаёзтепадан ступали саждагоҳ ва роҳибгоҳ – вихара, яъни илм ва таълим мактаби, Ажинатепадан эса бўйи 12 метрли улкан будда ҳайкали топилиб ўрганилди.

Кушон подшолигида буддавий ва оташпарастлик динлари билан бир қаторда Ҳинд ва Юнон маъбудаларига топинувчилар ҳам унчалик кўп бўлмаган. Эл-юрт сатраплик – вилоятларга бўлиниб, мустақилликка эга маҳаллий ҳокимлар томонидан бошқарилган. Улар ҳатто ўз номлари билан мис чақалар ҳам зарб этишган. Кушонлар юнон ёзуви билан бир қаторда ушбу ёзув асосида шаклан кушон-кхароштхи ёзувларидан ҳам фойдаланишган. Уларнинг махсус канишка йил ҳисоби бўлган. Бироқ канишка эрасининг милодий қайси йилда бошлангани ҳамон фанда маълум эмас.

Милодий III аср ўрталарида Кушон подшолиги қучли табақаланиш оқибатида юзага келган зиддиятларга бардош беролмай парчаланиб кетади. Шундай қилиб Шаркнинг ушбу улкан салтанати қарийб уч юз йил умр кўради.

Бу давр давомида қадимги Турон аҳолисининг ўтрок, чорвадор ва ҳунарманд аҳолиси халқ сифатида бирлашди. Сирдарёнинг ўрта оқимида Қанғ давлати каторида Амударё ҳавзасида Кушон давлати ташкил топди. Мазкур давлатлар ва уларнинг бошқарув тизими ҳамда тузумлари, аввало, Ўрта Осиё халқлари, хусусан, Ўзбекистонда давлатчилик бошқаруви ва давлат тузумининг шаклланиши ҳамда унинг тараққиёти тарихий жараёнларини тадқиқ этишда муҳим илмий аҳамиятга моликдир. Фақат Кушоншоҳлар тангаларидаги битиклар – ҳатто ҳукмдорларининг номлари ва уларнинг олий мартабали унвону фазилатларига оид атамалар маъносини аниқлаб, изоҳлашнинг ўзи нафақат тарих, балки тилшунослик жиҳатидан ҳам махсус ўрганишни талаб этади. Масалан, мамлакат ва ушбу эл-юртни бошқарган кишининг исм-шарифи ҳам «Кушон» асли, хитойча тарихий манбаларда қайд этилишича, туркий аҳолининг энг қадимги бош аждоди «куй», яъни кун – куёш деб юритилган. Қабилалар уюшмаси эса «куйфан» – куёшдек тангри, яъни куёшга топинувчи аҳоли деб тушунилган. Зеро, қадимги турклар куёшга сиғинишган. Агар мазкур эътиқодий тушунчалар назарда тутилса, «Кушон» атамаси аслида Куншон давлатининг номланиши «Кундек» ёки «Куёшдек порлоқ» деб аталганига шубҳа қолмайди. Чунки эътиқодга кўра «куёш» – тангри мўъжизаси. Ундан олам мавжудотлари баҳра олиб ривож топади. Инсон эса у яратган мўъжизанинг бандаси маъносини англатган. Бундай эътиқодга асосан қадимги турк даҳолари, ҳатто «Тангрикут», яъни худо элчиси, кўмакдоши сифатида улуғланишган. Шу боис улар тангрига атаб доира шаклида саждагоҳлар қурилишида бошчилик қилишган. Сўнгра эса саждагоҳу илмгоҳлар ҳокимликнинг қароргоҳига айлантирилган. Чунки «Кушон» давлатини бошқарган ҳукмдорлар тарихда ҳам диний, ҳам сиёсий арбоб сифатида гавдаланишган.

Самарқанд Рим шахрининг тенгдоши, тарихда ўзининг аслий пойдеворида барқарор камол топган жаҳондаги энг қадимги умрбоқий шаҳарлардан бири, Соҳибқирон Амир Темур давлатининг пойтахти, Мотурудий, Улуғбек, Абдураззоқ Самарқандий каби кўплаб улуғ инсонларни вояга етказган илм-фан ва маърифат марказининг бешикларидан бири ҳисобланади.

Тарихда Самарқанд номи билан шуҳрат топган бу шарофатли маскан ёзма манбаларда турли шаклларда қайд этилади. Муғ тоғидан топилган суғдий ҳужжатларда у Смараканта, Юнон ва Рим муаллифлари асарларида Мараканда деб юритилган. Араблар уни Самарон деб аташган. Машҳур сайёҳ Марко Поло китобида шаҳар Самаркан ва Сармакон шаклларида тилга олинган. Форсий тилда у Самарқанд дейилган. Хитойнинг қадимги ва ўрта аср йилномаларида Самарқанд ва унинг вилояти Кан ва Саймаэркан каби шаклларда таърифланган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида шаҳарни таърифлаб, «Муғул ва турк улуси Семирканд (Семизканд) дерлар» деб ёзади. Ушбу атамалар, шубҳасиз, ўтмишда тарихий маълум бир маъноларни англатган. Шу боисдан ёзма манбаларда Самарқанд номининг пайдо бўлиши ва семантикаси борасида турли мазмундаги нақллар ва фикру мулоҳазалар баён этилади. Масалан, «Тарихи Табарий», «Самария» ва «Ғиёс ул-луғот» асарлари муаллифларининг ёзишларича, «Самар» – подшонинг номи бўлиб, «қанд» эса туркий тилда «шаҳар» деган маънони англатган. Демак, Самарқанд – Самар шахри демакдир. Бошқа бир фикрга кўра, Яман подшозодаларидан бўлмиш Шамар Суғд аҳолиси билан жанг қилиб, шаҳарини бузиб, вайронага айлантирган. Шаҳар қайтадан тикланиб, Шамарқанд номи билан юритилиб кетган. Ушбу фикрдан маълум бўлишича, бўлажак шаҳар ҳудудида Самар исмли эътиборли шахс то-

монидан қазилган булоқ бўлган. Аҳоли бу булоқ атрофига келиб ўрнашгани сабабли булоқбоши мавзеи Самарқанд, яъни Самарқанд номи билан аталган.

Тарихий маълумотлардан аён бўлишича, Самарқанд топоними, умуман олганда, шахснинг исм-шарифи асосида шаклланган бўлса-да, аммо ушбу атама шаҳар тарихини тадрижий босқичларида авлодлар лаҳжасида ёки Самарқандга ташриф буюрган ўзга юрт вакиллари томонидан ўзгартирилиб ёки баъзан ўз тилларига таржима этилиб юритилган. Бу борада Қадимги Юнон тарихчилари, жумладан, Искандар Зулқарнайнинг шарқий юришларида қатнашган Аристовулнинг македонияликлар кўпгина жой номлари маълум бир қисмини ўз тилларига ағдариб, бирмунча ўзгартириб юбордилар, деб таъкидлаши, айниқса, эътиборлидир. Бунинг натижасида Самарқанд топонимининг қатор синонимик номлари юзага келган.

Дарҳақиқат, бизнингча, қадимги юнонлар томонидан талаффузда «Самараканд» атамасининг бош бўғинидан «с» ҳарфи тушириб қолдирилиб, атама «Мараканда» шаклида бузиб қайд этилган бўлса, илк ўрта аср Хитой манбаларида эса, топонимнинг биринчи бўғини – «Самар» ибораси бутунлай тилга олинмай, атама қисқагина «Кан» шаклида ифодаланган. «Кан нафақат шаҳарни, балки у қад кўтарган вилоятни ҳам англатган».

Абул Ҳакими Самарқандийнинг «Қандия» номли китобининг ўзбекча нашри таржимони ва ношири К. Каттаев «Самар» сўзининг туб маъноси, шахс номини эмас, балки бошқа бир белги билан боғлиқ деган фикрни айтиб, «Навоий асарлари луғати»да «Самар» сўзига берилган изоҳларга асосланиб, Самарқанд – мевазор, машҳур, афсонавий шаҳар каби маъноларни билдиради, деб таъкидлайди.

Афсуски, Самарқанд топоними, гарчи қадимги ва ўрта аср ёзма манбаларида турли шаклларда ифодаланиб, унинг семантикаси борасида ҳар хил талқинлар берилган бўлса-да, бундай қатор тарихий атамалар қачон юзага келган ва

уларнинг ҳар бири қандай шаклдаги лексемалар бирикмасида шаклланиб, мантиқан тўғрироқ маънони англатиши борасида фанда ҳамон илмий жиҳатдан асосланган аниқ фикрлар мавжуд эмас. Чунки Самарқанднинг тарихий топонимлари, гарчи шаклан бири-бирига ҳамоҳанг бўлса-да, уларнинг ҳар бири мазкур қадимий ўлканинг табиати ва унда қад кўтарган иншооту масканларнинг қадди-басти ва ҳажмига монанд шаклларда талаффуз этилган. Ўтмишнинг тадрижий тараққиёти босқичларида уларнинг морфологияси ҳам, туб маъноси ҳам ўзгариб, мукамаллашиб борган.

Аввало шуни таъкидлаш ўринлики, ушбу донғи оламга етган машҳур шаҳар қиска давр ичида яланг жойда бирданига қад кўтармаган. Аҳоли дастлаб, ҳаёт учун энг зарур табиий имкониятлар: сувлок, овлок, майсазору дарахтзорлар мавжуд ҳудудларга бориб ўрнашган. Аввал кўнок, макон ёки манзил барпо этиб, сўнгра уларни доимий тураржой ёки кат, яъни қишлоққа айлантиришган. Шу боис Самарқанднинг тарихий номлари қаторида «Сармакан» атамаси ҳам қайд этилади. Бундай шаклда топоним «сар» ва «макон» каби сўзларга ажралиб, «маконбоши» маъносини англатади. Агар атама «Сар+ма (с)+кан» ёки «Сар-ма (рғ)+кан» шаклларида уч бўғинли сўзлар бирикмасида, яъни Сармоскан ёки Сармарғкан шаклларида ифодаланиб шарҳланса, унда ушбу атамаларнинг аввалгиси «Катта булоқбоши», кейингиси эса «Кўкаламзор бошидаги чашма» каби маъноларни билдиради.

Ҳақиқатан ҳам, қадимдан Самарқанд ҳудудида Сангин, Чашмасиёб, Санграсон, Новадон, Обираҳмат ва Обимашад номли қайнар сувли булоқлар ҳамда уларнинг оқар жилғаларидан ҳосил бўлган Сиёҳоб анҳори каби сув манбалари мавжуд бўлган. Бу чашма ва уларнинг оқар сувлари кўпгина хасталикларга шифобахш, табарруқ ҳисобланган. «Самария» китобида бу борада «Самарқанд элининг эскидан қолган бир қилиқлари (одати) бордирким, ажам (қуёш) йилининг сўнгги душанба окшоми (наврўзнинг охириги

душанбаси)да ушбу арик (Обираҳмат) ёқасига йиғилишиб чўмиладилар ва таҳорат қиладилар. Табаррук юзасидан ушбу сувдан оладилар», деган сўзлар таъкидланади. Бундай эътиқодий оқшомдан сўнг «гуноҳ тўкилди», «қозон тўлди» ва «бой бўлди» деб юритиладиган анъанавий йиғинлар ва маросимлар ўтказилган.

Келтирилган маълумотлардан маълумки, Самарқанднинг илк пойдевори катта булоқ бошида, яъни кўкаламзор ерда қад кўтарган экан. Шу боисдан унинг тарихий топоним ва гидронимлари каторида «Сарма(с)кан» ва «Сарма(рғ)кан» каби шакллардаги атамалар ҳам қайд этилган. Шаҳарнинг қадимги харобалари – Афросиёб ёдгорлигида кейинги йилларда олиб борилган археологик қазилар натижасида аниқланишича, бу кўҳна маскан мил. авв. VIII асрда илк бор лўмбоз лойли ихота марза билан ўраб олинган. Атрофи ихотали бу улкан тураржойнинг шарқидан Обимашҳад, шимолидан эса Обираҳмат ва Сиёҳоб сувлари оқиб ўтган. Бу сув тармоқлари тарихда мазкур худудда қад кўтарган энг қадимги қишлоқ ҳадлари учун табиий ихота – хандақ вази-фасини ўтаган. Бу табаррук сувлар қишлоқ ташқарисидан уни ўраб оққани боис, улар Обимаскат деб юритилган. Кейинчалик бу гидроним аҳоли тилида Обимашҳад шаклида талаффуз этилиб кетган.

Абу Тоҳирхожанинг ёзишича, «Обимашҳад» булоғи... шаҳардан икки мил (5 чақиримча) узоқликдан, жануби-шарқий томондан чиқиб, шаҳар девори ва Афросиёб кўрғони тагидан ўтиб, Сиёҳобга куйилади. Аббос ўғли Қусам бу булоқнинг ёқасида шаҳид бўлиб, унинг яқинига кўмилгани боис бу ер «Машҳад» (шаҳид бўлган ер) деб аталган.

Фикримизча, Самарқанднинг асосий сув манбаларидан ҳисобланган Обимашҳад гидроними, аслида уч бўғин: «об-мас(т)-кат» шаклларидаги лексемалар бирикмаси негизида юзага келган. Сўнгра эса унинг иккинчи бўғинидаги «ст» «ш» ҳарфи, учинчи бўғинидаги «к»-«ҳ» ва охириги «т» эса

«д» каби ҳарфлар билан талаффуз этилиши натижасида ушбу гидронимнинг шакли ҳам, мазмуни ҳам тубдан ўзгариб кетган.

Атаманинг аслий шаклидаги бош бўғини «об» форс-тожик тилида «сув», иккинчи ва учинчи бўғинларидаги суғдийга «мас ёки маст» – «катта» ва «кат» сўзи эса «кишлоқ ёки кўрғон» каби маъноларни англатади. Бундай мулоҳазаларнинг исботи тарзида Бухоро вилояти топонимлари рўйхатида қайд этилган Пирмаст тумани ва қишлоғининг номи – Катта девор; Дехимаст, Дехимасти боло, Дехимасти Кўрғон – Катта кишлоқ; юқори Катта кишлоқ; Кўрғоннинг катта қишлоғи; Тошкентнинг тарихий топонимлари қаторида тилга олинган Кўймас – Катта кўча ёки Катта маҳалла; Пулимас – катта кўприк; шунингдек, Банокат, Бинкат, Бискат, Дехкат, Жабғукат, Нукат, Тункат, Харашкат ва Хотункат каби шакллардаги қатор топонимлар тасдиқий мисол тариқасида солиштириш имконини беради.

Демак, «Обмаскат» шаклидаги мазкур атамани «Шаҳид бўлган жой» маъносида эмас, балки «Катта кишлоқ суви ёки булоғи» сифатида талқин этиш лисоний ва тарихий жиҳатдан мантиқан асослидир. Дарҳақиқат, серсув булоқлари бошидаги кўкаламзор жойда қарийб 220 га майдонни эгаллаган атрофи ихота марза билан ўралган бу қадимги маскан, шубҳасиз, улуғворлиги туфайли «Маскат», яъни Катта кишлоқ номига ҳамоҳангдир. Афросиёб ёдгорлигининг остки қатламларида қайд этилган ашёвий топилмалар мажмуаси ушбу энг кўҳна истехкомли кишлоқни мил. авв. VIII–VII асрларга мансуб эканини, археология ашёларининг радиокорбон санаси эса 2690 ± 50 йилга тенглигини кўрсатмоқда.

Милоддан аввалги VII аср бошида Маскат атрофи бўйлаб қалинлиги 7–8 м ли гувала девор, мил. авв. VI–V асрларда эса йирик хом ғиштлардан узун йўлаклар билан туташтирилган қалинлиги 12 м ли мудофаа девори

барпо этилган. Шулар билан бир қаторда Афросиёбнинг шимолий қисмида 19 га майдонда ниҳоятда мустаҳкам истехкомли ҳукмдор қароргоҳи – «Кўҳандиз-арк» қад кўтариб, бу қадимги маскан шаҳар қиёфасини олган. Археологик қазинмалардан маълум бўлишича, шаҳар ичида турли хил ҳунармандчилик маҳаллалари, кўча-кўйлар, ибодатхона, бозор, гузар ва суғориш тармоқлари пайдо бўлган. Шаҳар ҳаёти гавжумлашиб, ички ва ташқи савдо муносабатлар кенгайган. Шаҳар Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашгани боис унинг Турон музофотида мавқеи ортиб, Шарқ ва Ғарб мамлакатларида шуҳрат топган. Унинг номи ҳам мукаммаллашиб, қадимги «Самарқан» атамаси аввал Самарқанга, сўнгра эса Самарқанд шаклларида талаффуз этилган.

Мазкур топонимнинг юзага келиши, шубҳасиз, тасодифий ҳодиса эмас. У Туроннинг ўтроқ дехқончилик ўлкалари аҳолиси ҳаётининг тадрижий тараққиётида шаклланган шаҳар маданияти ва унинг ривожини билан уйғунлашган тарихий жараёнга узвий боғлиқ ҳолда кечган эди. Ҳолбуки, шаҳар қад кўтарилган замонлардаёқ «Самарқанд» номи тилга олиниб, оммалашиб шуҳрат топа бошлаган.

Самарқанд топоними морфологик жиҳатидан икки бўғинли бўлиб, унинг бош бўғини «самар» ибораси суғд, форс-тожик ва ўзбек тилларида кенг истифода этилган. Бу сўз машҳур, танилган, самарали ва буюк каби маъноларни англатган. Иккинчи бўғини «қанд, қанд ва кент» лексемалари эса катта қишлоқ, шаҳар, ўлка тушунчаларини билдирган. Бундай икки хил шакллардаги иборалар бирикмасидаги «Самарқанд» машҳур, шуҳратли ва буюк шаҳар сифатида тасвирланган. Шу боисдан Самарқанд тарихида «Сайқали рўйи замин», яъни «Ер юзининг жилоси» сифатида таърифланиб келинган.

Самарқанд шаҳрининг асрий шуҳрати туфайли ўрта асрлардаёқ Ўрта Осиё ва унга туташган бир нечта мамлакат

худудларида қатор шаҳар, қишлоқ, жой ҳамда ороним ва гидронимлар «Самарқанд ёки Самарқандак» каби шаклларда юритилган.

Хуллас, Самарқанд топонимининг қатор синонимик аталарини топонимик, лингвистик ва тарихий таҳлилидан маълум бўлишича, мазкур шаҳар «Саримаскан» – катта булоқ бошида, кўкаламзор – марғий ерда, катта қишлоқ шаклида қад кўтарган. Худудига монанд у Маскат деб юритилган. Маскатнинг атрофи ихота ва мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўраб олиниб, унинг шимолий қисмида Сиёбнинг чап соҳили бўйлаб истехкомли ҳукмдор қароргоҳи – «Кўҳандиз-арк» барпо этилган, у шаҳар қиёфасида равақ топган. Унинг шуҳрати ортиб, Самарқанд, яъни машҳур шаҳар номи билан таърифланиб, жаҳонга донги кетган.

2007 йилда қадимги Суғдиёна мамлакатининг марказий шаҳри, жаҳонга машҳур Самарқанднинг 2750 йиллик юбилейи дунё ҳамжамияти вакиллари иштирокида тантанали равишда кенг нишонланди.

Даҳбед – Самарқанднинг рабодли қўноқлари

Самарқанд аҳолиси ўртасида Даҳбед шаклида талаффуз этиладиган ушбу машҳур жой Самарқанд шаҳридан 12 км шимоли-шарқда жойлашган. Самарқандликлар ўртасида эътиборли ва мўътабар ҳисобланган бу тарихий мавзеда сўнгги ўрта асрларда Зарафшон ва Фарғона водийлари аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган нуфузли Косон хўжалари – Маҳдуми Аъзам ва унинг авлодлари даҳмаси қўним топган. У XVI аср ёзма манбаи «Жомеъ ул-мақомот»да Даҳбид шаклида қайд этилади.

«Бир сафар Қухак (Зарафшон) дарёси тошиб Соғарж ўзани томонга уриб кетди, – деб ҳикоя қилинади бу ман-

бада, – Даҳбид яқинига етганда (тошқин) кўп жойларни хароб қилди. Шу жумладан, ҳазрат (Маҳдуми Аъзам)нинг боғи ва Мавлоно Мирмуҳаммад мазори сув остида қолди... Даҳбидни ҳам сув босиш хавфи туғилди».

Даҳбед – Даҳбид ойкономи халқ этимологияси бўйича форс-тожикча «дах» ўнлик сонни ҳамда «бед» – тол дарахти маъноларини англатувчи икки сўз бирикмасидан ташкил топган бўлиб, у «ўнта тол дарахти бор жой», «ўнта тол»ли қишлоқ маъносини англатган. Икки сўз бирикмасидан ҳосил бўлган бу жой номидаги сўзлар маъноси талқин этиладиган бўлса, Ўзбекистоннинг тарихий географиясида жуда ҳам кам учрайдиган Даҳбед – Даҳбид атамасининг от ясовчи асосини «бид» ёки «бед» каби топоформантлар ташкил этади.

«Бид» топоформанти, ўз навбатида, алоҳида композит тарзда «бит» шаклида ҳам, айрим тарихий жой номлари орасида ҳам қайд этилади. Масалан, ўрта асрларда Жайхун (Амударё) нинг ўнг соҳилида Чоржуй шаҳри қаршида жойлашган «Битик» ҳамда Самарқанд атрофида қайд этилган «Битиний» ёки «Битниний» каби топонимлар шулар жумласидандир. Даҳбед – Даҳбид атамасининг фонетик шакли устида фикр юритилар экан, раво – равот ойконимининг сўз ясовчи асоси «бат» топоформантидаги «а» ҳарфини «е» ёки «и» ҳарфлари билан, охириги «т»ни эса «д» ҳарфи билан ўрин алмашинуви назарда тутилса, у вақтда таҳлил этилаётган Даҳбед – Даҳбид ойконими «Даҳбат» ёки «Даҳбад» шаклини олиб, бироз ўзгача талаффуз этилади. Талаффуз ва шаклдаги бундай жузъий ўзгариш билан атаманинг маъноси тубдан ўзгаради. Эндиликда Даҳбед – Даҳбид ойконими халқ этимологиясидаги рақами таъкидланган ботаник маънони англатувчи номни тарк этади ва уни «ўн тол дарахтли» жой деб талқин қилинмай, балки «ўнта кўнок», «ўн равот», «ўн лангар», «ўнта манзил» деб талқин қилишга тўғри келади. Атаманинг Даҳбат – Даҳбад шаклидан келиб чиқадиган бундай маъно, шубҳасиз унинг тураржой ёки манзил сифатида

функционал вазифасига жуда монанд. Чунки ўрта асрларда карвон йўллари ёқасида жойлашган «Сават» қишлоғи аслида «Себат», яъни «уч кўнок», «уч равот» маъносини англатувчи қадимий қишлоқ эканлиги бунга мисол бўла олади. Наршахийнинг маълумотларига кўра, IX–X асрларда қадимги Пайканд шаҳри атрофида мингдан зиёд равотлар бўлган. Туширилган фотосуратлар ва археологик тадқиқотлар натижасида Пайканд атрофидаги равотлардан 30 дан зиёдининг харобалар аниқланди. Ҳозирги кунда улардан 4 таси тўла-тўқис ўрганилди.

Шундай қилиб, Даҳбед – Даҳбит ойконимининг таҳлилидан маълум бўлдики, «бед», «бид», «бет» ва «бит» от ясовчи субстратлар аслида «бат» ёки «ват» композитининг фонетик жиҳатдан ўзгарган шакллари эканлиги маълум бўлди. Улар воситасида ҳосил бўлган барча жой номлари ўрта асрларда кўнок, жом ёки ём, мусофирхона, манзил, лангархона ёки карвонсарой маъноларини англатган. Шу боисдан пойтахт Самарқанд теварагида қатор карвонсаройларини қад кўтариши муқаррар бўлган.

Кўқан – латиф шаҳар

Ўтмишда Ўрта Осиёда қанчадан-қанча тарихий воқеаларни бошидан кечириб, ҳозирда гуллаб-яшнаган, қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарлар оз эмас. Уларнинг тарихи ҳам, номлари ҳам ҳар доим кўпчиликни қизиқтириб келган. Чунки уларни халқ бино қилган, номларини ҳам халқнинг ўзи қўйган. Уларнинг тарихи халқимизнинг ўтмиши, маънавияти, маданияти ва орзу-умидлари билан чамбарчас боғлиқ. Бундай тарихий шаҳарларнинг номлари асрлар оша бизгача етиб келган бўлса-да, улар аксариятининг маъноси ҳанузгача аниқланмай муаммо бўлиб қолаётир. Масалан, Бухоро, Хива, Самарқанд, Кўқон, Ғиждувон, Марғилон, Наманган, Андижон каби қатор қадимий шаҳарларимизнинг номлари фахр-ифтихор билан

тилга олинади. Бирок бу шаҳарлар номларининг қандай маъно англатиши ҳақида мустақиллик йилларигача ўйлаб ҳам кўрилган эмас.

Шаҳарлар қанчалик қадимий бўлса, уларнинг номлари ҳам шунчалик сирлидир. Чунки бундай шаҳарларнинг номлари тили ёки лаҳжалари бизнинг давримизгача сақланмаган аجدодлар томонидан берилган бўлиб, асрлар оша уларнинг шакли ҳам, талаффузи ҳам ўзгариб кетган. Натижада уларнинг маъносини англаш қийин бўлиб қолмоқда. Шундай бўлса-да, бундай жой номларни ўтмишнинг муҳри дейиш мумкин. Чунки уларнинг таҳлили ушбу жойга дастлаб ном берган қадимий аҳолининг тили, у бино қилган шаҳар ёки қишлоқ ўрни ва атрофининг табиий шароити ҳақида қимматли маълумотларни беради. Фарғона водийсининг ғарбий қисмида жойлашган Қўқон ҳамда қадимги Хўжанд ёки Хўжан ана шундай шаҳарлардан бири ҳисобланади. Икки қардош мустақил республикаларнинг бу икки ҳамоҳанг шаҳарларининг номлари ҳам бир-бирига ўхшаш, атамаларининг шакллари ҳам бир-бирига монанд ва жуда яқин. Улар бир хил маънони англатмайдими? Бу шаҳарлар ҳақида қандай ривоятлару тарихий маълумотлар бор?

Ривоятлардан бирида ҳикоя қилинишича Сох – сойнинг елпиғичидек таралиб кетган сон-саноксиз ўзанларидан бири – Қўқонсойнинг тошқин сувлари қадим-қадим замонларда Сирдарёгача етиб борган экан. Қўқонсойнинг адоғи тошқинлардан ҳосил бўлган кўл, кўлмак ва ботқокликлар, уларнинг атрофи эса қалин бутазор, чакалакзор ва тўқайлар билан қопланган экан. Турли-туман ёввойи ҳайвонлару паррандаларга ниҳоятда бой бу музофот ўша вақтларда водийнинг ўзига хос улкан табиий кўриқхонаси бўлган. Овоқ учун чор атрофдан келган овчилар йил-ўн икки ой бу кўриқда ов қилиб, кўплаб ўлжалар билан қайтишар экан. Кейинчалик қадимги овчилар тўқай ичида қурган чайлалари ўрнида аввал кичик бир қишлоқ пайдо бўлиб, секин-аста у шаҳарга айланган экан. Ҳикояда баён этили-

шича, Сой адоғидаги хушманзара овлок ерда шаҳар бино қилган қадимги аҳоли, Хўжан шаҳрига монанд қилиб, унга Хукан деб ном берган экан.

Қўқон шаҳри дастлаб X аср ёзма манбаларида Хуканд, Хуқанд, Хувокант ва Хувоканд номлари остида тилга олинади. «Бобурнома» китобида у Хўқон деб ёзилади. Атокли шарқшунос олим В. В. Бартольд шаҳар номининг адабий жиҳатдан тўғри шакли Хўқанд бўлиб, Қўқон жонли тилда талаффуз этилишидир деб ҳисоблайди. Ҳозирги Қўқон шаҳри XVIII аср бошларида ўзбекларнинг минг деб аталган уруғининг бийи – уруғбошлиғи Шохрух томонидан тарихий Қўқонд ўрнида қайтадан барпо этилган. Янги Хўқанд шаҳрида табиатнинг гўзаллиги, шаҳар ичида қад кўтарган иморату иншоотларнинг мухташамлиги, аҳолисининг шоир табиатлиги боис ўрта асрлардаёқ унга «латиф» деб нисбат берилган эди. Ҳатто Қўқоннинг сўнгги ҳокимлари «Зарби Хўқонди латиф», яъни «Латиф Хўқондда сўқилган» деган сўзлар билан олтин ва кумуш тангалар зарб эттиришганди.

Ўтган асрда ўзининг муборак 2500 йиллик ёшини нишонлаган қадимги Хўжан – ҳозирги Хўжанд шаҳри эса ёзма манбаларда «Хужан, Хўжанд» номлари остида тилга олинади. X асрнинг арабнавис муаллифлари асарларида у Сирдарёнинг сўл қирғоғига жойлашган ягона йирик шаҳар сифатида тасвирланади. IX–X асрларда Хўжанд уч қисмдан: арк (куҳандиз), шаҳристон (мадина), (рабод) шаҳар ташқарисидан иборат шаҳар бўлиб, аркда қамоқхона; шаҳристонда жоме масжид, рабодда шаҳар майдонининг марказида Хўжанд ҳокимларининг саройи жойлашган. Шаҳар аҳолиси гавжум, унинг қарийб бир фарсах (6–7 км) га чўзилган майдони шаҳарликларнинг зич тураржойлари билан қопланган эди. Хожабақирғон сойидан бош олган шаҳар анҳори, унинг қоқ белидан кесиб ўтар, шаҳар ва унинг атрофидаги ерларни сув билан таъминларди. Кўплаб токзор, боғ-роғлар барпо этилиб, улар шаҳар атрофига

туташиб кетган эди. Хўжанд об-ҳавоси мусаффо, табиати ниҳоятда чиройли шаҳар бўлган. X аср араб географи Ибн Хавқалнинг ёзишича, хусни жамоли чиройлилиги жиҳатидан Хўжанд водийда ягона шаҳар бўлган. Яна бир араб географи Макдусийнинг таърифлашича, Хўжанд оромбахш шаҳар бўлиб, бу ўлкада ундан ёқимлироқ шаҳар бўлмаган. «Унинг ўртасида анҳор оқиб ўтади, у тоққа туташиб кетган... донолар ва мушоирлар унга бағишлаб тасаннолар ўқишади. Шундай қилиб, Фарғона водийсининг ғарбий дарвозасида қад кўтарган Хўжанд, адибларнинг олқишларига сазовор бўлган мухташам шаҳар бўлиб, ўрта асрлардаёқ унга «Тирози Жаҳон», яъни «Жаҳон безаги, Жаҳон нақши» деб сифат берилган. Хожабақирғондек серсув катта сой шаҳарни кесиб ўтгани боис, унга Хўжан – Ширинсой соҳилларидаги шаҳар деб таъриф беришган.

Бири Кўқонсой, иккинчиси Хўжабақирғонсой бўйида қад кўтарган, бири «Латиф», иккинчиси «Жаҳон нақши» сифатларига сазовор бўлган водийнинг бу эгизак шаҳарларининг номлари ҳам бир-бирига монанддир. Бу номларнинг этимологияси қандай, у нимани англатади?

Хўжанд сўзининг этимологияси бўйича тадқиқотлар олиб борган баъзи олимлар бу номни қадимги эронча «Хваканта» сўзига боғлаб, «Хва – қуёш», «канта – шаҳар», яъни Хўжанд – «Қуёшли шаҳар», «Қуёш шаҳри» демакдир деган маънода шарҳлашади. Агар ушбу фикрга асосланилса, Ўрта Осиёда қад кўтарган деярли барча шаҳарларга Хўжанд деб ном берилиши лозим бўлади. Чунки бу ўлкада қуёш ҳамма шаҳарларга бир хилда нур сочиб туради.

Агар Кўқон ва Хўжан шаҳарлари таҳлил этилса, уларнинг биринчи бўғинидан «қў ва хў», иккинчисидан эса «қон (қанд) ва жан – жанд» каби сўз бирикмалари ажралиб чиқади. Бу сўзлар қадимий эронча «Хваканта» билан эмас, балки суғдча («Хуканта ва Хужанта») иборасидан олинган бўлиб у «Қуёшли шаҳар» эмас, «Ширинсой» бўйидаги шаҳар, деган маънони англатади. Шунингдек, ушбу номда-

ги «ху» аффикси «хуш» шаклида ҳам ишлатилиб, у «яхши, гўзал, ёкимли, латиф» маъноларини билдиради. Ҷрта аср ёзма манбаларида Зарафшон водийсида жойлашган «ху» ёки «хуш» сўзлари билан бошланган кўпгина шаҳар ва қишлоқларнинг номлари қайд этилади. Масалан, Хумитан, Хушмитан, Ардахушмитан, Роҳушмитан, Хушкат, Хушмижакат, Хушуфағи, Хушурта ва бошқалар. Ҷрта аср муаллифларидан Балазурий қадимги Аҳсикат шаҳрини Хушкат номи билан ҳам тилга олади. Қадимги суғдча «хуш» сўзи ҳозирги замон ўзбек ва тожик адабий тилларида сўз ясовчи аффикс сифатида сақланиб, ундан сифатдош сўзлар ясашда фойдаланилади. Мисол учун, хушбўй, хушвақт, хушбичим, хушфеъл, хушхабар, хушбахт, хушомад, хушмуомала каби сўзлар шулар жумласидандир.

Кўқанд ва Хўжанд атамаларидаги «қанд» ва «жанд» ҳамда уларга алоқадор «кент» сўзлари «шаҳар» маъносини англатади. Булар суғдча «кат, ката, кад» сўзларидан ҳосил бўлган. «Кат» – уй, кўрғон, қишлоқ ва тураржой маъносиде ишлатилган. IX – X аср ёзма манбаларида Мовароуннаҳрнинг Суғд ва Шош вилоятларида кат, канд ва кент суффикслари билан ясалган бир қанча шаҳар ва қишлоқларнинг номлари келтирилади: Заркат, Паркат, Пскат, Бонукат, Бинкат, Бинокат, Пойканд, Вобканд, Панжакент ва бошқалар. В. В. Бартольд олиб борган тадқиқотлардан маълум бўлишича, «кат» ва «канд» суффиксли топонимлари асосан Зарафшон водийси ҳамда Сирдарё ҳавзасида кенг тарқалган бўлиб, Марказий Осиёнинг жанубий туманларида мутлақо учрамайди.

Шуниси кизиқки қадимги суғдча «кат» – «уй» сўзи ҳозирги замон ўзбек ва тожик тиллари ва лаҳжаларида айрим иборалар шаклида сақланиб келган. Масалан, «кат», баъзан «карт» сўзи ёғочдан ясалган сўри ёки ёғоч ўриндик (кровать), «катак» – «уйча» эса товукхона, ўтинхона маъносиде ишлатилади. XX аср бошларида ҳам баъзи туманларда маҳалла ёки қишлоқ оқсоқоллари, баъзан уй эгаси кадхудо,

уй бекаси эса кадбону деб ҳам юритилган. Келтирилган маълумотларга қараганда, Қўқон ва Хўжан шаҳарларининг номлари суғдча «Хуканта – ширинсой бўйидаги шаҳар» сўздан келиб чиққанлиги маълум бўлади. Қадимда бу икки эгизак шаҳарлар ягона ном Хушкат ёки Хуканд деб юритилган бўлиши эҳтимоли ҳам бор. Асрлар оша ижтимоий ва сиёсий ҳаётнинг тақозоси билан тили ўзгариб кетган авлодларнинг талаффузида водийнинг қадимги «Ширин, яъни Обираҳмат суви бўйларидаги шаҳар»ларининг бири Қўқон, иккинчиси Хўжанд деб юритилиб кетган бўлиши ҳам мумкин.

Улуг мутафаккир Беруний Ҳиндистон тарихи, географияси ҳақида ёзилган манбаларни ўрганар экан, шаҳар ва дарёларнинг номларидаги ўзгаришларга аҳамият бериб, улардаги қонуниятларни очишга ҳаракат қилган. У машҳур «Ҳиндистон» номи китобининг «Ҳиндларнинг ер юзида одамлар яшайдиган жойлар ҳақидаги тушунчаси» деган бобида бу хусусида куйидагиларни ёзади: «Айниқса, тили бошқа халқнинг ерли халққа ҳукмронлик қила бошлаши билан номлар кенгроқ ўзгаради. Кўпинча тиллари бошқа халқ ушбу сўзларни яхши талаффуз қила олмайди. Натижада ўша исмларнинг маънолари ўзгариб, шу кўйича юнонлар одати сингари, ўз тилларига киради». Дарҳақиқат, қадимда маҳаллий аҳоли тилида «атоқли» маъносида «Номик» деб юритилган ҳозирги Зарафшон дарёсининг номи юнонлар томонидан «Политимет», яъни «машҳур» деб таржима қилиниб айтилганидек, Қўқон шаҳрига ҳам ўрта асрларда арабнавис муаллифлар томонидан берилган «Латиф» нисбати, Хуканд номининг айна арабча маъносини англатади. Шундай экан, Қўқон ва Хўжанд номлари суғдча «хукан» сўзи билан боғлиқ бўлиб, бу сўзнинг «ху ёки хуш»лиси «латиф», «яхши», «гўзал», «ёқимли», «нозик» ва «ширин» маъноларини, «канта» си эса «шаҳар» деган маънони англатган. Хуллас, Қўқон ва Хўжанд Ўрта Осиёда қад кўтарган ягона исмли

эгизак шаҳарлар бўлиб чиқаяпти. Қадимда «Ширинсой соҳилида қад кўтарган шаҳарлар»нинг номлари «Латиф шаҳар ёки Гўзал шаҳар» деб талқин қилиниб, бирининг «Кўканди латиф», яъни «Латиф Кўканд шаҳри», иккинчисини «Тирози жаҳон», яъни «Жаҳон нақши» ёки «Жаҳон кўрки» сифатлари билан айтилиши уларнинг қадимий ягона номи мазмунига монанддир. Шундай қилиб, Кўканд ва Хўжанд шаҳарлари номлари этимологиясининг таҳлилига шуни айтиш керакки, барча шаҳар ва қишлоқларимиз номларининг ҳам маъноси бор. Аммо ҳали уларнинг маъносини халқимизга етказиб берилмаган ва этимологияси ўрганилмаган номлар талайгина. Бунинг сабабларидан бири, бу номлар қадим замонлардаёқ пайдо бўлган. Уларнинг маъносини англаган сўзлар эса лугат таркибидан бутунлай чиқиб кетган ёки бошқа халқлар истеъмолида фонетик жиҳатдан тамомила ўзгарган. Тарихимиз, маънавиятимиз ва маданиятимиз гувоҳи бўлган жой номлари ўтмишни ўрганишимизда қимматбаҳо манба бўлиб хизмат қилади. Ноёб меъморий ёдгорликлар муҳофазага олингани сингари, улар ҳам ҳимоя остига олиниши, ҳар хил баҳоналар билан номлари ўзгартирилишига йўл қўймаслик лозим.

Кишилар исмида шарафланган хос номлар

Тошкент вилоятининг Бекобод тумани ҳудудидан 1951 йили топилган ушбу ноёб археологик топилма ҳозирги кунда ЎзРФА тарих музейи экспонатлар хазинасида сақланмоқда. Жездан қуйилган тасвирий санъат обидасини тадқиқ этган археолог Л. М. Рутковская олиб борган тадқиқотларга асосланган фольклоршунос олим Ҳоди Зариф топилмани исломгача бўлган даврга оид эканини қайд этади. Ўзбек халқ эртаклари орасида кенг тарқалган «чўлок бўри» ҳикояси мазмунини ҳайкалнинг умум тасвири билан таққослаб, ушбу икки турдаги маънавий қадриятлар ўтмишимизнинг бир неча минг йилликлар қаъридан то

ҳозирги кунларгача ҳайкал ва тарихий эртак шаклларида етиб келганини таъкидлайди. Шунингдек, фольклоршунос олим, гарчи бўри ваҳший ҳайвон ва чорванинг офати бўлса ҳам, эртак ва ҳайкалда унинг инсонга дўст ва уни муҳофаза этиш лозимлигини айтади. Унга ёрдам берувчи жонзод сифатида тасвирланиши тарихда улар ўртасида ҳаётан қандайдир яқинликка интилиш бўлгани хусусида фикр юритади. Унинг ёзишича, бўри образи баъзи бир туркий халқларда, жумладан, Ўзбек уруғлари огзаки ижодиётида ижобий жонзот ҳисобланган. Эътиборли томони шундаки, бир замонлар улар бўрига эътиқод қилишган. Уни ўз тотеми – онгони сифатида беназир пири табаррук зот деб қабул этишган.

Туркий тилларда сўзлашувчи уруғ-аймоқларнинг аксарияти наздида уларнинг этник асоси ўрими (тандаси) ҳам, арқоғи ҳам ота ва оналари томонидан бўрига бориб тақалган. Агар чорвадор овчи уруғлар: қирк, қўнғирот, катагон, қипчоқу оқор, қиёту билгут каби бир қанча 92 боғлу аймақни бирма-бир тилга олгудек бўлсалар, унинг тулумию ва туби бир деб ҳисоблашган. Қолбуки, бир тулум (саноч)да, яъни қоринда дунёга келган 92 болаларнинг отаси ва онаси ҳам гўё бўри ёки феъл-атвори табиатан бўрисифат бўлган деб талқин этилган. Шу боис 92 боғлу (боғлик) Аз, Уз ёки Ўз уруғи туркий тилли болалардан тарқалган авлод деб ҳисоблашган. Чунки бўрилар зоти мазкур туркум йиртқичлар орасида энг кучлиси, уддабурон, олғир ва ўта айёрлиги ҳамда сезгиру эҳтиёткорлиги билан ажралиб турган. Ҳатто, нар бўри эмизикли модасини эндигина туғилган болаларидан ҳам қизганиб, пайт пойлаб уларни ғажиб ташлашга интилган. Она бўри эса болаларини отасидан муҳофаза қилиш учун уларни панароқ жойларга яширишга одатланган.

Бўриларнинг ўта олғир ҳаётий хислатларини кузатган қадимги овчи ва чорвадор уруғ ҳамда қабилалар мазкур ваҳший ҳайвонга эътиқод қўйиб, уни уруғнинг бош ибти-

доси – онгони деб қабул қилишган. Қолаверса, мазкур зоти «шарифли» йиртқични хонакилаштириб уни «вафодор» дея улуғлаганлар-да, овчи ва чорвачиликнинг югурдаги, кигизли катта уй ва кўтон (қўйхона)ларни кўриқловчи по-сбонига айлантиришган. Бундай талқиндан аён бўлишича, кишилиқ фаолияти тарихида ёввойи ҳайвонларни қўлга ўргатиш илк бор бўрини ром этишдан бошланган экан. Оқибатда, қўлга ўргатилган ваҳший «вафодор» номи билан улуғланиб, эъзозланган, ов югурдаги ва кўриқловчи илк хонаки ҳайвон ҳисобланган «ит» ва унинг турлари яратилган экан.

Бўрини қўлга ўргатиб, унга эътимод қўйган бадавлат чорвадор овчилар форс-тожикча «сагбон» – (сак) ит боқувчи ва сакловчи кучукпараст сиймо сифатида ифода этилган. Айрим форсий манбаларда улар уч тоифа: «Сака тиграхауда» – чўкки қалпоқли саклар; «Сака тийапарадарайя» – денгиз ёки дарё орти саклари ва «Сака хаумаварка» – хаума (му-саллас) ичимлиги тайёрлаб, истеъмол этувчи саклар каби ҳаётий фазилатли номлар билан қайд этилади.

Форс-тожикча «Сакбон» атамаси Ғарбий Европа адабиётида шаклан бузилиб, «Скиф» – аслида Сакоб, яъни сув бўйида яшовчилар номи билан тилга олинади. Улар яшаган улкан юрт «Скифия», яъни Скифлар мамлакати номи билан шуҳрат топган. Тарихий ёзма манбалардан аён бўлишича, ушбу юртда чорванинг деярли барча зот ва турларининг туёқлари тинмай кўпайтирилган. Бу юрт чорва хўжалиги ниҳоятда тараққий топган буюк тарихий минтақа ҳисобланган. Ўтмишда меҳнатсевар миришкор аҳоли ҳеч қачон ўз зоти шарифини «Сак» ёки «Скиф» номлари билан атамаган. Мазкур уйдирма тарихий атама аввал жанубий қўшнилари – Эрон аҳмонийлари кейин эса талаффузи бузуқ шаклда улардан ғарбда яшаган европаликлар томонидан берилган кинояли ибораларгина холос.

Қадимги уруғдошлик жамияти даврида Марказий Осиёда, шунингдек тарихий Сайхун (Сирдарё) ва Жайхун (Амударё) дарёлари ҳавзаларида истиқомат қилган ўтроқ деҳқон ёки чорвадор туб аҳоли яъни уруғ-аймоқлар, бирикиб, ўзлигини қатъий муқим ягона лўнда ном билан юритмаган. Жумладан, чорвадор уруғ ва қабилалар бир умр ўзгартирилмаган барқарор ўз уруғи тотемлари: «Аз, Аш, Ос, Ош, Уз-Ўз» каби генетик рамзий ибтидо шаклида ёки турар юртлари табиати ва яйловли масканларига монанд атамалар билан юритганлар. Шу боисдан улар яшаган улкан ва кенг юртнинг шарқий қисми тарихда муқаддас Осиё, ғарбий қисми эса муборак Азия номлари билан абадий муҳрланиб қолган. Ўтроқ деҳқон ва хунармандлар эса асосан ҳаётий масканларини турдош атамалари шаклида аташган. Масалан, «Аз»лар – йилки ва тулпор боқувчилар. «Аш»лар – икки ўрқачли йирик нор туяқашлар ҳисобланган; «Ос»лар – йирик бурама шохли буйвол, қорамол, кўтос подаларини ҳайдовчилар; Уз, Ўз ва Манг (минг)лар эса қўй ва эчки каби майда шохли ҳайвон отарлари мулкдори – қўйчивон номи билан элда шуҳрат топишган.

Чўпонлар эрта баҳордан то кеч кузгача подаларни яйловма-ййлов олиб юриб, кўчма ҳаёт кечганлари боис, улар кўп қанот (керага)ли кигиз ўтовларда яшаганлар. Оддий халқ бундай кўчма ўтовни қора, яъни катта уй деб атаган. Шунга асосан бўлса керак тарихда қадимги чорвадорлар «Массагет» (аслида Массакат, яъни катта уйлилар) номи билан тилга олинади. (Мил. ав. 530 йилда Массагетлар юртига бостириб кирган аҳмонийлар шоҳи Кир II га зарба бериб, уни ҳалок этган қаҳрамон малика Тўмарис тарихда шуҳрат қозонган).

Шуниси эътиборга лойиқки, қадимда турк тилида кишлок, шаҳар ва мамлакат шакллардаги турдош номлар бўлмаган. Шу боисдан ўтмишда деҳқон, шаҳарлик хунармандлар яшайдиган масканлар ҳудудининг кўриниши

ёки муҳофазаси мустаҳкамлигини англатадиган атамалар: «Бахтар» – Обираҳмат; «Суғд» – тоғ томон ёки ўрлик, бандлик; «Хоразм» – мустаҳкам деворли жой; яъни қалъа «Фаркана» – водий; Чоч – ўтовлари тарқоқ тошдек метин ёки қаттиқ заранг ерликлар каби маъноларда ифодаланган.

Туркий уруғларнинг тотемлари асосида шаклланган энг қадимги топоним, гидроним ёки этнотопонимларнинг баъзилари ҳозирги кунларгача қишлоқ, шаҳар ёки сув манбаларида ифода этилиб сақланиб келинмоқда. Жанубий Қозоғистонда жойлашган Туркистон, Иқон (аслида Элкон) – эл дарёси; Тараз – Азлар суви; Талос – Ослар тепа кўрғони; Келес (аслан Калос) – Осларнинг сув тармоғи; шунингдек, Тошкент шаҳридаги айрим жойлар, кўча-кўй ва маҳаллалар: Сағбон (аслида Сағбон), Юқорикани, Пасткиқани ва Турккўрғон каби микротопонимлар; Қиёт, Оқуй – кичик ўтов, Қорасарой, Кўксарой, Бўка, Найман, Қанқа, Ўчоқли, Қирқсадоқ, Қорасироқ – йирик болдирли сингари этнотопонимлар; шунингдек, Туркарик, Бўрижар, Бойбўрисой, яъни Бийбўри (катта бўри) номлари билан юритилган гидронимлар қайд этилади.

Бўри тотемига эътиқоду эътимод қилиш хусусан Чинос, яъни «Аз» ёки «Ос» уруғлари онгони ҳамда бир нечта «бўри» номи баъзан тожикча «ланггург», яъни чўлоқ бўри (Фарғона Сўхсой бўйида) деб қайд этилган микроэтнонимлар ўз ифодасини топган. Этнологик маълумотлардан маълум бўлишича, чорвачи Уз – Ўз уруғларида бўрининг териси пўстак (ўсиқ жунли ошланган теридан иборат тўшак) қилиниб, ниҳоятда эҳтиёт қилиб сақланган. Чунки янги меҳмон – чақалоқ дунёга келишига яқин ҳомиладор аёлнинг дардини енгиллаштириш ниятида бўри пўстагли тўшакка ўтказилган. Ёвуз назар гўдакка зарар етказмаслиги учун бўри тиши ва ошиғи ипга кўз мунчоқдек тизиб, бешикнинг икки куббали рангдор ўймакор дастасига тақиб қўйилган. Она ва гўдакни муҳофаза этувчи тотемнинг бош суяги эса ўтов эшигининг тепасига осиб, намоён этилган.

Қадимги одатга кўра гўдак тиш билан туғилса бўридай абжир, барваста, соғлом ўссин деб унга Бўрибой, Бўри, Бўрибек, Бўритой, Бўримат, Бўрикул ва Бўриберди каби исмлар қўйилган. Гўдак қиз бола бўлса, яъни оила орзу қилгандек тошдек маҳкам бўлиб вояга етиб, бахтли, иқболли ва саодатли бўлсин деган ният билан Бўригул, Бўрижамол, Бўрик ё Борикбиби, Бўриниса, Бўритожи, Бория, Бўрихол ва Бўритош каби исмлар қўйилган.

Юқорида келтирилган археологик, этнологик ва исмшунослик маълумотларини назарда тутиб, «Паҳлавон ва аёл мингашган чўлоқ бўри ҳайкали» борасида фикр юритилса, беихтиёр, аввало, ўтмишимизнинг беназир осори-атикаси қачон ва нима учун олтин, кумуш, мис ёки темирдан, ҳатто тош ёки сополдан ясалмай, жез, яъни биринж – бронзадан деган савол пайдо бўлиши табиий.

Тарихдан маълумки, ушбу кимёвий элемент қайишқоқ ва чўкичланувчан қизғиш рангли соф мисга 10 фоиз юмшоқ кумушсимон оқ рангли маъдан – қалай қотишмасини эритиб қўшиш билан кашф этилган. У мисга нисбатан қаттиқ, темирга қараганда юмшоқроқ маъдан ҳисоблангани боис ҳунармандчилик тараққиётида жуда қўл келган. Дастлаб жездан буюм ёки асбоблар эмас, балки ҳаётий зарур ва табаррук деб ҳисобланган санам ва ҳайкалчалар ясалган, холос. Сўнгра эса илк чорвачилик, деҳқончилик ва ҳунармандчилик каби хўжаликлар юзага келгач, аёллар учун зеб-зийнат тақинчоқлари, жез кўзгу ойналар, игна, сўзон, пичоқ, ўроқ, теша, болта, найза учлари, ўқ ва ёй (камон) пайконлари ясалган. Сўнгги ярим аср мобайнида республикамиз ҳудудидан топилиб, тадқиқ этилган археологик ёдгорликлар асосида фикр юритилса, инсониятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида содир бўлган кескин силжишлар она уруғдошлиги даврининг сўнгги босқичи (мил. авв. III–II минг йиллик) да оналар жасорати билан амалга оширилганлигидан дарак беради.

Тарихимизнинг бундай тараққиёт босқичида оналар бошчилигида илк жамоатчиликнинг (уруғ – қабилаларнинг) турмуш тарзи, уларнинг шаклланишидаги тотемлик тушунчаси ва шунинг асосидаги эътиқод ҳамда эътимодий гоёларнинг ҳаётий моҳияти назарда тутилса, «биринж, яъни жездан қўйилган «чўлоқ бўри, аёл ва унинг забардаст катта бошли ўғлонининг ҳайкали» 3 минг йил муқаддам ўша замон жамоасининг асоси – уруғ ва қабиланинг эътиқодий санами, яъни бути шаклида ясала бошлаганлиги аён бўлади. Чунки ҳайкалда аввало уруғ тотеми – бўри, сўнгра унинг устида уруғнинг бош раҳнамози, деҳқончилик, чорвачилик ва бичиқчиликка асос солиб авлодларни тўйинтирган ва кийинтирган аёл она, сўнгра эса унинг орқасида чўлоқ бўрига миниб олган паҳлавон сиймолари тасвирланган.

Бу борада яна шуни таъкидлаш ўринлики, ушбу санам шаклидаги «чўлоқ бўри ҳайкаллари», айниқса илк ўрта асрларда Буюк турк хоконлиги парчаланиб кетгач, Евроосиёнинг кенг ҳудудлари бўйлаб туркий дунёнинг ворисий «балогардон» тимсоли сифатида қуйилиб тарқатилгани маълум бўлади.

Менимча, жез даврининг сўнги босқичида ота уруғдошлигига ўтиш арафасида содир бўлган машаққатли ўта оғир ҳаётий ривожланиш жараёнининг кескин шароитида содир бўлган воқеаларнинг қадимий даврлардаёқ афсонага айланган тарихан рамзий инъикоси деб тушуниш лозим. Чунки қадим замонларда ҳайкалнинг ноёб ва бебаҳо жездан қуйилишининг ўзиёқ аввало уни оддийгина илк тасвирий обида эмас, балки ниҳоятда муқаддас ашёвий далил – санамлигини билдиради, яъни ўз даврини «балогардон тумори», қолаверса, бу уруғнинг маънавий тушунчасини англатган. Кейинчалик, тасвирий тушунчалар асосида турли жанрларда қатор эртак ва ҳикоялар яратилиб, халқ оғзаки ижоди адабиёти бойитиб борилган.

«Осиё» ёки «Азия» қитъаси ҳамда «ос», «аз» ва «манг» атамалари борасида

Инсон дунёга келиб ақлини танибдики, оламни билишга ва унга қиёсан ўзини англашга ҳаракат қилган. Зеро, у табиатда содир бўладиган турли-туман сирли ҳодисалар ва уларни ҳаракатга келтирувчи кучлар ҳамда ҳаётий оқибатларни маълум даражада идрок этиб, озми-кўпми тасаввурга эга бўлгач, айрим амалий воситаларни топиб, имкон даражасида улардан фойдаланишга уриниб келган. Ўта муаммоли бундай ҳаётий иштиёқ, шубҳасиз, даставвал инсонни киндик қони тўкилган маскан – Ватанни белгилаб олишга ундаган. Сўнгра ушбу табаррук диёрда бунёд этилган обод қишлоғу шаҳар, туманлару вилоятлар, ўлкаю юртларни аниқлаб олиб, уларнинг ўзига хос табиати, аҳолиси ва унинг турмуш тарзи ҳамда истиқомат қиладиган гўшаларининг қиёфасига монанд номлар билан аташга чорлаган. Масалан, дунё харитаси ва глобусларида Ер курраси сатҳи жиҳатидан энг катта қитъа Осиё ёки Азия деб, унинг марказий қисми эса Ўрта Осиё номлари билан қайд этилади. Дунёда Ўзбекистон номи билан шуҳрат қозонган Ватанимиз эса азалдан Ўрта Осиёнинг марказий минтақасида жойлашган.

Агар юқорида келтирилган Осиё, Азия ва Ўрта Осиё макротопонимлари фонетик жиҳатдан таҳлил қилинса, ушбу лексемаларнинг ҳар бири алоҳида икки мустақил бўғинга ажралади. Уларнинг биринчи банди «ос» ёки «аз», иккинчи банди эса «иё» ёки «ия» талаффузида алоҳида-алоҳида лексемалар билан ифодаланади. «Ос» ва «аз» иборалари, ўз навбатида, макротопонимнинг негизи, яъни субстратини, иккинчи бўғинидаги «иё» ва «ия» шаклларидаги иборалар эса топонимнинг ном ясовчи бирикма – суффикси, яъни морфемаси сифатида изоҳланиши жоиз. Бундай талқинда «ос» ва «аз» иборалари макротопонимнинг маъносини белгилаб, унинг тарихан географик қиёфасини гавдалантирса,

«иё» ёки «ия» каби бирикмали морфемалар эса макротопонимнинг географик манзил ёки мавзе эканидан далолат беради. Ушбу дастлабки баъзи фикр ва мулоҳазалар тарихийлик нуқтаи назаридан кенгайтириб изоҳланса, Осиё макротопоними таркиб топиб, шаклланиш жараёни янада ойдинлашади. Ўтмишда Осиё, Азия ёки Ўрта Осиё «ос» ёки «аз» ва уларнинг жам бўлиб бирикиши асосида таркиб топган сак, скиф ёки массагетлар каби қадимги аждодлар юртни ўзлаштириб, уни ўз номи билан шарифлагани шубҳасиздир.

Бироқ шундай бўлсада, тарихан улкан юрт ҳаётан қандай омиллар асосида Осиё ва Азия номлари билан шарифланади. Табиатан бундай умумбашарий узвийлик қай тарзда изоҳланади каби ўта ҳаётий муаммоли саволлар ўз-ўзидан юзага чиқиши табиий. Бундай саволларга Тошкент – Назарбек (1966 й.) зилзилалари оқибатида ўтказилган жиддий илмий (географик, геологик, петрографик, литологик ва археологик) тадқиқотлар натижаларидан билиб олиш мумкин. Осиё қитъаси, хусусан унинг марказида жойлашган Тошкент воҳасининг таркиб топиши азалдан ернинг ички ва ташқи жараёнлари ҳамда уларнинг ўзаро нисбатига бевосита боғлиқ ҳолда кечган. Эътиборли жиҳати шундаки, Тошкент заминида тўққиз километр чуқурликкача ётқизилган тоғ жинслари орасида оҳақтошларнинг қатламланиши 400 миллион йил давомида куруклик билан денгиз тўрт маротаба ўрин алмашганидан далолат берапти. Тетис номи билан аталган сўнгги денгиз эса халқ ривоятларида Нух пайғамбар даврида содир бўлган даҳшатли тўфонда тилга олинади. Ўша замонларда денгизни фақат шарқ томондан куруклик ўраб турган. Милоддан 30–24 миллион йил аввал тектоник ҳаракатлар таъсирида денгиз гарчи ўлкани бутунлай тарк этган бўлсада, аммо Ғарбий Тангритов (Тянь–Шань) тизмаларидан бошланган Калос, Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари 24 миллион-йилликлардан то 100 мингинчи йиллар давомида тоғ

чўкмалари билан улкан чуқурликларни узлуксиз тўлдириб Тошкентнинг табиий пойдеворини бунёд этган. Милоддан аввалги 100–50 минг йилликларда унинг майдони кафтдек текис қиёфага кирган. Кейинроқ, у Қорақамиш, Бўзсув, Бўрижар, Шибли, Салор ва Қорасув каби сой ва жарликларга бўлиниб, дўнгу ўрликлар ҳамда текисликлару қирликлардан иборат ўнқир-чўнқир, паст-баланд ер сатҳи майдони юзага келган.

Қадимда миллион йилликлар давомида содир бўлган ўта мураккаб тараққиёт босқичлари асосида таркиб топган Осиё рельефи кейинчалик ҳам бир неча бор тубдан ўзгарган. Табиати ҳам ўзгача даражада унга мослашиб, барча мавжудотлари янги турлар қиёфасида муқимлашган бўлса-да, унинг ўта қиймаланган сирти қадимги тарихий манзарасининг инъикоси айрим ороним ва гидронимларда маълум даражада муҳрланиб қолган. Мисол учун, Ўрта Осиёнинг марказий қисмида ястанган Турон паст-текислиги; Қадимда Буюк дашт, сўнгра, Ясси дашти – Дашти қипчоқ; Ясси – Аҳмад Яссавийнинг она шаҳри (Туркистон); Пешқоқ – (ҳозирги Бишкек) – қўй отарлари сувлоти; Яссиқўл (ҳозирги Иссиққўл); Яланғоч – очик текисликлар, яъни яланглик; Бўз – қўриқ ер ёки қўриқхона каби атамаларда нафақат ландшафтнинг айрим қисми ёки сув манбалари, балки уларнинг ифодали шаклларида ҳам Ўрта Осиё сатҳининг қадимий жилоси ўзига хос тасвирда намоён этилган.

Ўрта Осиёнинг ўта мураккаб табиий географияси шаклланиб, юзага келган босқичда, дарё водийларида инсон мутлақо яшамаган. Ҳолбуки, у илк ўтмишда тоғли ҳудудларда асосан унгур ва ғорларда муқим қарор топган эди. Ўзбекистоннинг тоғли минтақаларида қайд этилиб, ўрганилган тош асрига оид 20 дан зиёд нодир археологик ёдгорликлар Селунгур (Фарғона), Кўлбулоқ (Охангарон), Омонқўтон, Қўтирбулоқ, Зерибулоқ (Самарқанд), Тешиктош (Бойсун), Обираҳмат (Бўстонлик) каби ибтидоий

манзилгоҳларда овчи, теримчи ва балиқчи тўдалари яшаганини тасдиқлайди. Осори-атиқалар илмий жиҳатдан жуда ноёб далилий ашёлар исботидир.

Шубҳасиз, ушбу манзилларда қарор топган инсон зотининг ҳаёти ниҳоятда оғир кечган. Аввало у яшаши учун тинмай ҳаракат қилган, ҳаётини омиллар излаб, ер сатҳини кезган, уни синчиклаб кўздан кечирган. Емиш топгач, хилватроқ ерга жойлашиб олган. Гарчи инсон ер юзидаги ноз-неъматлар тарқалган жойларни аниқлаб, унинг меваларини истеъмол этган бўлса-да, аммо бундай баракатли масканни номлашдек руҳий салоҳиятга ҳали эга эмасди.

Археологик қадриятлар кўлампидан аён бўлишича, милоддан аввалги 40–2-минг йилликлар давомида, она уруғдошлиги замонида одамзод тўплари тобора ортиб, ақл-идрокли авлод вояга етган. Сўнгра она уруғдошлик жамоалари ташкил топган. Улар тоғ ёнбағри, жар, кўл, сув адоқлари, булоқ бўйлари ва ўтлоқли марғий ерларда қарор топган бўлишсада, ғору унгуларини ҳамон тарқатишмаганди. Чунки уларнинг ҳаёти ов ва теримчилик билан муттасил боғлиқ бўлган. Шу боисдан ўзлаштирилган янги жойлар ҳам турдош номлар билан белгиланган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Милоддан аввалги VI–II минг йилликларда она уруғдошлиги ривожланган замонда хўжаликларда мис ва жез (бронза)дан хомашё сифатида фойдаланила бошланган. Даставвал ушбу маъданлардан муқаддас сиймо Она ва одамларнинг ҳаётини озукаси – гўшт, мой, тери ва жун билан таъминлаган турли ов ҳайвонларининг ҳайқалчалари, сўнгра эса аёллар зеб-зийнатлари, рўзгор буюмларини асбоблар ҳамда меҳнат қуроли ва яроғлар ясалган. Аёллар кашфиёти билан уруғ қабилалари ҳамда жамоаларнинг қорнини тўқлаб, кийинтирадиган илк чорвачилик, деҳқончилик ва хунармандчилик каби ишлаб чиқарувчи хўжаликларга асос солинган. Милоддан аввалги биринчи

минг йилликларда эса темирни оташгоҳда тоблаб хомашё сифатида фойдаланиш жорий этилгач, инсониятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида кескин тараққиёт бошланган. Аввало, оталар раҳнамолигида оила, уруғ ва қабилалар бирлашуви асосида жамоалар ва уларнинг алоҳида мулклари, элу элатлари ташкил топган. Осиёнинг бепоён даштлик ва пасттекисликларида кўчманчи чорвачилик хўжаликлари ривожланиб, алоҳида яйловлардан иборат улкан юрт бунёд этилган.

Дарё водийлари эса ўтроқ деҳқончилик пайкалларига айлантирилиб, қишлоқлару қалъалар қад кўтарган. Уларнинг ўта курама зироаткор ва ҳунарманд аҳолиси шакллانган. Ҳар икки маҳсулдор хўжаликлар билан ҳаёт кечирган қишлоқ (қишлоқчи) жамоалари ва кўчманчи ҳамда ярим ўтроқ чорвадор уруғу қабилалар ўртасида ўзаро иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатилиб, маҳсулотларни айирбошлашдек савдо муносабатлари муқимлашган.

Шуниси эътиборлики, чорвадор уруғ-аймоқлар ҳамда ўтроқ деҳқон соҳибкор жамоалар ўрнашган эл-юрт, музофот ёки айрим тураржойларнинг лисоний асосларидан маълумки, милoddан аввалги II–I минг йилликларданок Осиёнинг шимолий қисмида чорвачилик билан ҳаёт кечирган қабилалар асосан туркий тилли ва унинг жануб ва жануби-ғарбида истиқомат қилган қадимги ўтроқ жамоалар эса форс-эроний тилли бўлганларидан далолат бермоқда. Туркий уруғ ва қабилалар ўз келиб чиқиш ибтидоси – онгон – тотемлари: «аз», «аш», «ос», «уз» «ўз», «ўш» ва «манг» (минг) каби шакллардаги қатор турдош отлар билан, ўтроқ қишлоқ жамоалари эса тураржойларининг табиий белгиларига тахлитан шаклларда, масалан, Бахтар – оқар (оёқ) сув; Суғд – ғору-ғут (унгур) томон; Сурхон – кизил (лойқали) дарё; Хоразм – хуш – яхши (мустаҳкам) қалъали ерлар каби номлар тарзида ифода этишган.

Ушбу туркум турдош ва номдор атамалар қандай шаклларда қайд этилиб ифодаланмасин, бизнингча, улар Ўрта

Осиёни географик харитасида белгиланган энг қадимий юрт ва мавзеларнинг дастлабки илк номланишидан гувоҳлик беради. Тураржойларнинг худудий чегаралари белгиланиб атоқли номлари қатъий муқимлаша бошлаган жараёнда ном ясовчи морфема сифатида турдош отлар макро ва микропонимларнинг асосий негизи шаклида атоқли номларни юзага келтирган.

Милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярми ва I минг йилликнинг биринчи ярмида чорвачилик хўжалиги кенгайган. У уч мустақил тармоқлар: подачилик, йилкичилик ва қўйчивонликларга ажралиб, чорва бошқарувида, касбий соҳалар ташкил топган. Оқибатда ўтлоқлардан иборат яйловли бепоён кенг умумюртнинг шарқий қисмида асосан йирик шохли қорамол (сигир, хўкиз ва қўтос) подалари, ғарбий қисмида эса деярли йилқи подалари (от, тулпор ва арғумоқ биялари) уюрлари ва унинг жануби-шарқий яйлови даштларида фақат қўй (қўзи, эчки ва улоқ) отарлари боқилган. Ўтроқ аҳоли уч тоифали ушбу соҳа чорвачиларини касбига асосан «ос», «аз» ва «манг» ёки «минг» каби турдош номлар билан атаган. Ушбу касб отларига «қўноқ» маъносидаги «иё» ва «ия» каби иборалар бириктирилиб, мулкдор чорвачиларнинг ўтлоқларидаги ёзги қароргоҳларининг номи белгиланган. Натижада Ер куррасидаги энг катта қитъанинг шарқий қисми «Осиё», яъни ослар юрти, ғарбий қисми эса «Азия» ёки азлар мамлақати каби маъноларида икки шакллардаги макропонимлар билан номланган. Осиёнинг жануби-шарқий қисмидаги ўтлоқларда асосан қўй – манг отарлари боқилгани боис ушбу ўлка «Манглу» яъни қўйчивонлар, қўйлулар яйлови деб ифодаланган. Кейинчалик, Осиёдан Амударё жанубига томон силжиган, осларнинг каттагина қисми эгаллаб олган худудлари Хуросан (Харосон), яъни катта ослар, Эроннинг жануби-шарқий қисмига бориб ўрнашган сакларнинг жойлашган ерлари эса Сакистон (ҳозирги Сейистон) номлари билан шуҳрат топган.

Тарих саҳифаларида қайд этилган жой номлари шубҳасиз, ҳали қардош халқлар шаклланмасдан бир неча аср муқаддам яшаган ва мазкур диёрга ном бериб, уни обод этишдек хайрли умумбашарий фаолиятга биринчи бўлиб қўл урган қадимги аجدодлар сиймоси билан бевосита боғлиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, манбаларда қайд этилган далилий маълумотлардан аён бўлишича, Осиё ва Азия ҳамда унинг марказий қисмида жойлашган. Ўрта Осиёнинг ландшафти буюк қудратнинг боқий жилоси, тарихан улкан қитъанинг атоқли шаҳарлари номлари эса инсоният ҳаётининг баракатли, қутлуғ шарофатини билдиради.

II боб

ЖОЙ НОМЛАРИ – ТОПОНИМЛАРДА ТАБИАТ ВА ҲАЁТ ЖИЛОСИ

«Соҳибқирон» – Шарқ дунёси соҳиби

«Соҳибқирон» атамаси Амир Темур Кўрагоний ибн Амир Тарағай ибн Амир Буркулга ўз замонида берилган юқори даражали ҳарбий унвон. Бу атама тарихий манба ва адабиётларда, хусусан араб, форс-тожик-ўзбек тиллари лексемалари бўйича тузилган изоҳли луғатларда турлича талқин этилиб, нақл ва ривоятлардан иборат хилма-хил изоҳлар келтирилади. Масалан: «Навоий асарлари луғати»да бу тарихий атама «бахтиёр», «бахтга эришган» каби маъноларни англатувчи лексема сифатида тафсил этилиб, бундай ибора «жаҳонни эгаллаган улуғ подшоҳларга берилган лақаб», яъни «жаҳонгир» деган мазмунни билдиради. Шунингдек, илми нужум (Шарқ астрологияси) да икки сайёранинг тўқнашган пайтида туғилган бола, яъни фарзанд бахтли ва улуғ мартабали бўлади, деб ишониш деган таърифлар берилади. Айнан шундай маъноларга яқин тафсилотлар «Ғиёс-ул-луғат» ва кўп жилдлик «Луғатнома»ларда ҳам келтирилади. «Баъзиларнинг айтишича, – деб таъкидлайди луғат муаллифлари, – Зуҳал – Сатурн ва Муштарий – Юпитер юлдузлари туташган йилнинг ўша лаҳзасида таваллуд топиш ниҳоятда шарофатли бўлган. Бундай турдаги тўқнашиш, яъни Зуҳал ва Муштарий каби сайёралар туташган дамлардан сўнг йиллар давомида фаровонлик содир бўлиб, подшоҳлик узоқ вақт ҳукм сурган». «Ғиёс-ул-луғат»да ёзилишича, Зуҳра ва Муштарий юлдузлари яқинлашган пайтда дунёга келган шахс соҳибқирон номига мушарраф бўлган.

Шу асарда таъкидланишича, «соҳибқирон» атамаси олти иқлимнинг ҳукмдори бўлган Амир Темурга берилган лақаб, яъни қўшимча иккинчи ном ҳисобланган.

М.А. Ғаффаровнинг «Форсийча-русча луғат»ида ёзилишича, нафақат Зухра ва Юпитер балки Зухра сайёраси билан Куёш туташган пайтларда туғилганлар ҳам бахту зафар топиб, соҳибқирон номи билан юритилган. Муаллифнинг фикрича, бу атама Амир Темур ҳамда ғолибона фаолият кўрсатган барча ҳокими мутлақларнинг эпитетидир.

М.А. Ғаффаровнинг китобида «соҳибқирон» атамаси Амир Темурдан бошқа, ғолиб, мустабид подшоларга ҳам мансублиги ҳақида маълумотлар келтирилган. «Ғиёсул-луғат» саҳифаларида ҳам бундай маълумотга деярли яқинроқ ва унга ҳамоҳанг иборалар учрайди. Масалан, луғатда «соҳибқирон» атамаси қаторида «соҳибқирони соний», яъни «иккинчи соҳибқирон» каби ибора тилга олиниб, унга «Амир Темур даражотига қарийб етишган подшоҳ «Соҳибқирони соний» номи билан юритилади», деган изоҳ берилган.

Изоҳли луғатларда келтирилган маълумотларнинг қиёсий талқинидан маълум бўлишича, «соҳибқирон» атамаси фақат Зухал (Сатурн) ёки Зухра сайёралари билан Муштарий юлдузининг тўқнашуви натижасидагина эмас, балки порлоқ Зухра юлдузининг коинотнинг энг улкан ёритгичи – Куёш билан туташуви оқибатида ҳам кўринган. Демак, «соҳибқирон» атамаси коинотнинг уч туркум планеталари: Зухал – Муштарий, Зухра – Муштарий ва Зухра – Куёш тўқнашувлари асосида пайдо бўлган. Шу билан бирга бу атама Амир Темур номи билан бир қаторда унинг буюк даҳолик даражасигача ета олган ҳукмдорларга ҳам тегишлидир. Бундай подшоҳлар эса «Соҳибқирони соний», яъни «Иккинчи соҳибқирон» номи билан аталган. Ушбу муътабар мартабага етишиш эса фақат коинотнинг ўта сирли ҳодисалари билан чамбарчас боғлиқ деб тушунилган.

Изоҳли луғатлар ва уларнинг асосий манбаи ҳисобланган тарихий солномаларда «соҳибқирон» атамасининг семантикаси хусусида қайд этилган. Маълумотлар тўғрисида шуни айтиш жоизки, гарчи улар ўтмишда содир бўлган оламшумул аҳамиятга молик улкан тарихий воқелик ва ҳодисалар баёни бўлган бебаҳо қомусий асарлар қаторида турса-да, бу баённомалар ўз замонининг тушунчаси ва маънавияти асосида тузилган. Шу боисдан тарихий «соҳибқирон» атамасида, бизнингча, уларда ижтимоий ҳаёт билан бевосита боғлиқ шахснинг мантиқан асосланган жисмоний фаолияти эмас, унинг рамзий маънодаги ҳолати ифодаланган.

Бундай фикр назарда тутилса, «соҳибқирон» атамасининг юзага келиши коинот ҳодисалари билан узвий боғлиқ бўлмай, балки ўтмишда тарих саҳнасига кўтарилган буюк шахсларнинг кенг кўламда амалга оширган ишлари билан бевосита боғлиқ ҳолда содир бўлган. Шу боис «Ғиёс-уллуғат»да «соҳибқирон» атамаси «Амир Темурнинг лақаби» унинг мартабасига етишган подшоҳ эса «соҳибқирони соний» деб юритилади, деган қиёсий номлар бекорга ёзилмаган албатта. Бундай даражага, шубҳасиз, Амир Темур сингари улкан даҳолик билан фаолият кўрсатган ҳукмдоргина эриша олган.

Шуниси эътиборлики, ёзма манбаларда келтирилган «соҳибқирон» атамасига доир ибораларнинг аксарияти мазмунан (бахтиёр, бахтга эришган, бахту зафар топган, улуғ мартабали, толеи баланд каби) рамзий маънони англатса-да, аммо улар қаторида тилга олинган «жаҳонгир», «жаҳонни эгаллаган зўр подшоҳ» сингари сифатдош сўзларда эса атаманинг асл моҳияти ўз ифодасини топган. Бироқ бундай ифодага янада аниқлик киритиш эса, ўз навбатида, атамани лингвистик жиҳатдан таҳлил қилишни, яъни «Соҳибқирон» номини шакллантирган лексемалар – субстрат ва морфемасини аниқлаб, уларнинг

морфологиясини мазмун жихатдан ҳам алоҳида тадқиқ этишни талаб этади.

«Соҳибқирон» атамаси икки бўғинга: «соҳиб» ва «қирон» сўзларига ажратилади. «Соҳиб» – атаманинг субстрати, «қирон» – унинг морфемеи бўлиб, «соҳибқирон» бу икки лексеманинг бирикмасидан шаклланган. «Соҳиб» лексемаси «эга», «подшоҳ», «хўжайин» ёки «тасарруф этувчи» каби маъноларни англатади.

Бу шаклдаги сўзлар бирикмасидаги иборалар ўзбек тили лексикасида кенг ишлатилади. Улар аслида арабча сўзлардан ўзлаштирилган хилма-хил иборалар мажмуидир. Жумладан, «Соҳибжамол» – гўзал, хуснли; «соҳибкамол» – етук киши, билимли, илмли, олим; «соҳибназар» – олдиндан кўрувчи, каромат эгаси; «соҳиброй» – фикр эгаси, доно; «соҳибсарир» – тахт эгаси, подшоҳ; «соҳибтарих» – тарих эгаси, кўп воқеаларни бошидан кечирган киши каби маъноларни ифодалаган.

«Соҳибқирон» атамасини шакллантирган иккинчи бўғинидаги «қирон» сўзи изоҳли луғатларда «қарин» ва «қарн» шаклларда ҳам учрайди. Бу лексемалар бири иккинчисини тўлдирувчи турли шаклдаги қатор синонимик сўзлардан иборат хилма-хил маъноларни англатади. Масалан, «қирон» атамаси яқинлашиш, бирлашиш, тўкнашиш ёки йўлиқиш маъноларида шарҳланса; «қарин» атамасига яқин, яқинлашиш ва дўст сифатида изоҳ берилади. Шулар билан бир қаторда «қирон» атамаси халқ оғзаки нутқида ҳам ўзига хос маънода истифода этилади. Масалан, атоқли ўзбек адиби Ойбек «Қутлуғ қон» романида «қирон» атамасининг «давлат» ва «мамлакат» маъносида, Мирзакалон Исмоилий эса «Фарғона тонг отгунча» асарида «етти қирон» иборасини «олам» тушунчасида баён этади.

Қуёшнинг чиқиши ва ботиши томонлари, яъни дунёнинг тўрт томонидан иккиси – Шарқ ва унга қарама-

қарши Ғарбни белгилаган. Масалан, «Луғатнома»да келтирилган маълумотлар бўйича, Миср ва Бағдод шаҳарлари атрофида, яъни жануб томонида жойлашган икки қишлоқ, Африка қитъасидаги бир тоғ ҳамда Астрабод қишлоқларидан бири «Қарн» номи билан аталган. Шунингдек, Зарафшон тоғининг ғарбий ёнбағридан бош олган сойлардан бири Бухоро амирлигининг Кармана ва Зиёуддин бекликларида қайд этилган икки қишлоқ «Қарноб», Қарши вилоятининг шимолий чўл қисми эса «Дашти Қарноб» номлари билан юритилган. Ёзма манбаларда келтирилган маълумотлардан маълумки, маъно-мазмунларидан қатъи назар, «қирон ёки қарин ва қарн» талаффузидаги атамаларнинг асл шакли бизнингча, – «қарн», унинг кўплиги «қурун», арабча иккилик шакли «қарнайн» ва форс-тожикча кўплиги эса «қарнон» ёки «қирон» шаклларида истифода этилган.

Шубҳасиз, «соҳиб» субстратига «қирон» морфеми бирикиши билан у янги шаклда ифодаланиб, ўзгача мазмундаги ибора «соҳиб + қирон» тусини олади. Агарда «соҳиб» субсрати асосида юзага келган синонимик иборалар мазмунига эътибор берилса, «соҳибқирон» атамасининг маъноси рамзий «бахт, иқбол соҳиби»гина эмас, балки давлат, мамлакат, олам эгаси, яъни подшоҳи мутлақ маъноларини англатганига шубҳа қолмайди. Агарда «соҳиб» субсратига «қарн» морфемаси «кун чиқиш ва кун ботиш томонлар» сифатида бириктирилса, у вақтда «соҳибқирон» атамаси Шарқ яъни кун чиқишидан то кун ботишигача туташган мамлакатлар ҳукмдори, қисқача, олам молиги ёки жаҳонгир деган маънони англатади. Шундай қилиб, изоҳли луғатларда «Соҳибқирон, қирон, қарн, қарнайн» шаклларидаги атамалар изоҳи борасида келтирилган маълумотларнинг этимологик талқинидан маълум бўлишича, «Соҳибқирон» номи Амир Темурга берилган олий даражали ҳарбий унвон бўлиб, бу

«соҳибзамон» ва «соҳиб-адл», яъни адолат эгаси маънолари билан бир қаторда, умумий тарзда айтганда, замоннинг адолатли жаҳон подшоҳи маъносини англатган.

Темур ва темурийлар давлатининг асосий қисмида ҳукмронлик қилган Султон Хусайн Бойқаро ва Эрон шоҳи Насриддиншоҳ Хажарлар ўзларини «Соҳибқирон» – яъни Иккинчи Соҳибқирон деб аташган.

Андижон – сой бўйидаги шаҳар

«Андижон» атамаси Фарғона водийсида қад кўтарган энг қадимий шаҳарлардан бирининг номи. Халқ оғзаки ижоди адабиётида шаҳарнинг пайдо бўлиши ва унинг номини келиб чиқиши ҳақида гарчи турли мазмундаги афсона ва нақллар мавжуд бўлса-да, аммо шаҳарнинг илк бор қад кўтарган муайян даври ва «Андижон» топонимининг этимологияси борасида ишончли маълумотларга асосланган фикр-мулоҳазалар тадқиқотчилар томонидан ҳали баён этилмаган.

Афсоналарга қараганда, Туроннинг қадимий подшоҳи Афросиёбнинг Одинажон исмли қизи оғир бетоб бўлиб, шу диёрда келиб даво топган. Шу боис Тахти Сулаймон тоғ тизмаларидан оқиб тушадиган сой жилғалари бўйида ястанган бу шифобахш маскан Одинажон деб юритилиб келинган. Сўнгра Афросиёб бу диёрда қизига атаб ўрда қурдириб, боғ барпо этган. Кейинчалик, бу масканда қад кўтарган шаҳарни Афросиёб Турон мамлакатининг пойтахтига айлантирган.

Замонлар ўтиши билан Одинажон шаҳри Андижон номи билан шуҳрат топган. Баъзи бир ривоятларда эса шаҳарнинг номи «адоқ», «азоқ» ва «анди» каби этнонимлар билан боғлиқ экани ҳақида ҳикоя қилинади. Ривоятларга қараганда, қачонлардир қадимда бу диёрда «андилар», яъни ҳиндулар яшаган эмиш. Шу боисдан шаҳар «Андукон», яъни «андилар макони» номи билан аталган. Бу

ривоятни асослаш учун ҳатто шаҳарга яқин жойда кўҳна «Ҳинд мазори» сақлаб қолинганига ишора қилинади.

Айрим афсоналарга кўра, бу қадимги шаҳарни илк бор бино қилган шаҳарсознинг исм-шарифи «Анди» бўлган. Шунинг учун ҳам шаҳар Андижон деб аталган.

Ўтган асрда яшаган рус муаррихи В.П. Наливкин «Андижон» топонимини ўзбекларнинг «анди» қабиласи номи билан боғлаб, бу сўзга «гон» қўшимчаси қўшилиб, «Андигон» шаклида талаффуз этилган деган фикрни илгари суради.

Андижон шаҳрининг пайдо бўлиши ва унинг кенг ёйилиши тўғрисидаги ривоят ва афсоналардан келтирилган баъзи бир маълумотлар, тарихий асарларда баён этилган айрим фикр ва мулоҳазалар халқ оғзаки ижодини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Бироқ бундай маълумотлар «Андижон» топонимининг маъноси ҳақида фанда ҳозиргача ечилмай келаётган масалага илмий жиҳатдан ойдинлик киритишда далил бўла олмайди. Чунки масаланинг ечими бизнингча, аввало, «Андижон» топонимининг тарихий манбаларда тилга олинган аслий шаклларини белгилаб олишни ва уларни ҳам морфологик, ҳам мантикий жиҳатдан чуқурроқ таҳлил этишни тақозо қилади.

Фарғона водийсининг бу тарихий шаҳри илк бор X аср араб сайёҳлари Ибн Хавқал ва Муқаддасий асарларида «Андукон», форс-тожик тилидаги ёзма манбаларда «Андигон» шаклларида қайд этилади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома» асарида ўз она шаҳрини «Андижон» талаффузида таърифлайди.

Исҳоқхон Жунайдуллоҳ ўғли (Ибрат)нинг «Фарғона тарихи» номли китобида ёзишича, Андижон шаҳри аввалда «Андигон» деб аталиб, у арабчада «Андижон» деб юритилган. Унингча: «Андигон, андлар деган сўз Анда турклар уруғини ўзбекларини айтур». Хуллас, ўрта асрлар ёзма манбаларида тадқиқ этилаётган топоним Андукон, Андигон ва Андижон каби уч хил шаклда қайд этилган.

Шундай экан, бу атама ва унинг турли шакллари фақат Фарғона водийсининг тарихий географиясигагина хосми ёки бу топоним ва унинг баъзи бирлари Ўрта Осиёнинг бошқа дарё водийлари ва дехқончилик воҳаларида ҳам аҳоли тураржойлари рўйхатида тилга олинадими? – каби муҳим аҳамиятга эга бўлган саволлар пайдо бўлади. Айрим тарихий хужжатлардан бундай саволларга маълум бир жавобни топиш мумкин. Масалан, Бухоро амирлиги вазирлар маҳкамаси – Кушбеги девони архив хужжатларида қайд этилишича, Денов вилоятининг Даври Кўрғон амлокида жойлашган қишлоқлардан бири «Андижон» деб, Ҳисор вилоятининг Пуштайи Букри амлоки дехотларидан бири эса «Андигон» номи билан юритилган. XII аср муаллифи Самъонийнинг ёзишича, Херируд водийсидаги Серахс шаҳри яқинида Андукон номли қишлоқ бўлган.

Ёзма манбаларда дастлаб «Андукон» талаффузида тилга олинган топонимнинг Фарғона водийсидан ўзга ҳудудларда «Андукон», «Андигон» ва «Андижон» шаклларида қайд этилади. Аввало, бундай тарихий атамаларнинг пайдо бўлиши айрим этнос ёки шахсларнинг номлари билан эмас, балки аҳоли тураржойларининг географик хусусиятлари билан узвий боғлиқ эканига ишора қилса, қолаверса, бундай топонимлар табиий белгилари бир-бирига ўхшаш ёки яқин ҳудудлардагина шаклланганидан далолат беради.

Ўрта асрларда ҳам гидроним, ҳам топоним сифатида юритилган бу синонимик атамалар икки ўзакли бўлиб, уларнинг ҳар учаласида биринчи ўзакни «анду» ёки «анди», иккинчисини эса «кон», «гон» ва «жон» каби шакллардаги лексемалар ташкил этади. Топонимнинг бош ўзаги – «анди» ёки «анду» сўзи атамага сўз ясовчи компонент – морфема сифатида бириккан. Атаманинг ҳар уч шакллардаги иккинчи ўзак «кон, гон ва жон» асосий субстрати талаффузидаги лексемалар ва унинг асосий субстрати ҳисобланиб, Андижон шаклидаги ушбу синони-

мик топонимларни шакллантирган. Ушбу субстрат аслида сугдийча «канта» ёки «канда» сўзидан ҳосил бўлган лексемалар бўлиб, «қазимоқ», «ковламоқ» ва «ўймоқ» маъноларини англатган. Бу субстрат одатда «кан» ёки «кон» шаклларида юритилиб, баъзи ҳолларда унинг бош ҳарфи «г» ёки «ж» товушлари билан ўрин алмашган. Шу боисдан Ўрта Осиёнинг дарё водийлари ҳамда дехқончилик воҳаларининг тарихий географиясида «кон», «гон» ва «жон» компонентли атамалар морфема ёки топоформат сифатида кенг тарқалган. Хусусан, Зарафшон водийси, айниқса, Бухоро воҳаси топоним ва гидронимлари компонентлари тизимида улар «кон», «кан», «ком», «кол», «кал», «гон», «ган», «жон» ва «жан» шаклларида қайд этилади. Масалан, Конимех, Кумушкон, Харомком, Муғкон, Вобкан, Жондор, Сомжан, Арбинжан, Обижан, Хўжан ва ҳоказо жойлар шулар жумласидандир.

Бу борада шуни таъкидлаш жоизки, юқорида қайд этилган компонентларга бириккан лексемалар асосан гидронимларни ифодалаган ва жуда кенг маънони англатган. Чунки уларда сув манбаларининг умумий хусусиятлари мантиқан мужассамлашган. Шу боисдан бундай компонентли лексемалар сув, дарё, кўл, сой, анҳор, канал, шоҳариқ каби умумий маънони билдирган.

Андукон, Андигон ва Андижон топонимларининг субстратини ташкил этган «кон», «гон» ва «жон» сўзлари, бизнингча, шубҳасиз дарё ёки сой каби ягона тушунчани англатувчи синонимик лексемалардир. Демак, Андижон шаҳри номининг асоси сув, сой ёки дарё тушунчалари билан боғлиқ бўлиб, унга «анди» сўзи бириккан ҳолда унинг атамаси юзага келган. Хўш, шундай экан «анди» морфеме қандай маънони англатади, — деган савол туғилиши табиий.

Ўзбек ва форс-тожик тилларидаги айрим изоҳли луғатларда бу морфема «анди» ва «анда» шаклларида талқин этилади. Масалан, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да

Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романида истифода этилган «анди» ибораси тушунчасига асосланиб «келгинди» деб талқин этилган.

Исҳоқхон Жунайдуллоҳ ўғли Ибрат ва В.П. Наливкинлар «анди» атамасини, юқорида қайд этилганидек, турк – ўзбекларнинг «анди» қабиласи номи билан боғлайдилар.

«Ўзбек номлари маъноси» китобида «анда» лексемаси атоқли исм сифатида «жажжи» «кенжа» тушунчасида талқин этилиб, бундай атоқли от билан боғлиқ Андабой, Андагул, Андам (келишган гўзал қиз ва ойдек сулув қиз, Андахол «кичик», жажжи холдор қиз) тушунчалари берилган.

«Ўзбек тилининг изоҳли луғатида» эса гарчи «анда» атамаси алоҳида лексема сифатида қайд этилмаган бўлсада, лекин ўзбек тили лексикасида кишиларнинг ўзаро ижтимоий муносабатларини англатувчи қўшалок сўзлар: «куда-анда», «куда-андали» ёки «куда-андалик» ибораларида «анда» лексемаси «куда» сўзига синоним сифатида ёндашиб ифода этилади. Хўш, қуданинг андаси ким? Қудага яқин шахс яна қандай тушунчага эга?

Мазкур изоҳли луғатда «куда-анда» иборасига келин ва куёвнинг ота-оналари, шунингдек, қудалардан бирининг барча узоқ-яқин қариндошлари деган умумий маънодаги тушунча берилган.

«Куда-андали» дегани эса, – қуданинг андаси кўп: у бир неча ўғил уйлантириб, қиз чиқариб кўп оилалар билан куда-андалик муносабатлари ўрнатган деган тушунчани билдиради. Демак, ўзбек тили лексикасида мавжуд қўшалок «куда-анда» сўзида «анда» лексемаси куда сўзига синоним сифатида бирикиб, қуданинг узоқ ва яқин қариндош-уруғлари, яъни кудағай ва қуданинг қудаларини англатган. Техронда Муҳаммад Мўъин томонидан 1974 йили нашр этилган «Фарҳангги форсий» изоҳли луғатида «анда» сўзига «дўст» ва «рафик», яъни ўртоқ ва биродар деган талқин берилган. Андижон топонимининг сўз

ясовчи бош бўғинидаги «анди» ёки «анду» морфемаси, бизнингча, аслида «анда» шаклида юритилган. Бу қадимий турк – мўғулча ибора бўлиб у «аҳдлашиб оға-ини ёки дўст тутинмоқ, «якин биродар, калин иттифоқдош, ўрток, бўлмоқ, қариндошдек муносабат боғламоқ» каби тушунчаларни билдирган.

В.В. Бартольд ўзининг «Чингизхон давлатининг ташкил топиши» номли мақоласида XIII аср бошида Мўғулистонда содир бўлган ўта мураккаб ижтимоий ва сиёсий вазиятни баён қилар экан, Жожурот қабиласининг баҳодири Чжомуқа билан Темучин (Чингизхон) ўртасида ёшлигида калин дўстлик аҳдномаси тузилиб, улар бир-бири билан «анда» бўлгани ҳақида ёзади. Анда атамасини у «тутинган оға-ини, қардош» маъносида талқин этади. Шу боисдан Чингизхон уни ҳамиша «анда» деб чорлаган.

Қадимий турк-мўғул одатига биноан андалик қабила бошлиқларининг умумий қурултойида эълон қилинган. Анда бўлган қабила зодагонлари ўртасида қариндошлик аҳдномаси тузилиб, анда тутинишнинг бурчи, вазифаси ва масъулияти белгиланган. Масалан, 1269 йилда Талос яйловида мўғул зодагонлари умумқурултойга йиғилганда Чигатой улуси ҳудудлари Жучи, Хулагу ва Чигатой ворислари ўртасида тақсимланиб, ўзаро низога барҳам берилгач, барча чингиззодалар бир-бирига анда деб эълон қилинган. Улар кийим-бош ва қадахларни айирбошлаб, умрбод садоқатли ва вафодор анда бўлиб қолишга қасам ичишган.

Қасамга риоя этилмай, аҳднома бузилса, бундай анда ўлимга маҳкум этилган. 1205 йилда Тимучиннинг ёшлигидаги андаси Чжомуқа андалик аҳдига хиёнат қилиб, қурол кўтаргани учун Чингизхон ганимига айланган андасини қатл эттирса-да, андалик бурчига содиқлик рамзи сифатида андаси, яъни тутинган қардоши Чжомуқани тантанавор дафн эттирган.

Демак, қатор ёзма манбалар, қомусий асарлар ва изоҳли луғатларда ҳамда баъзи бир илмий асарларда

«анди» ва «анда» лексемалари тўғрисида келтирилган маълумотларнинг морфологик ва этимологик таҳлилидан аниқланишича, бу сўз қадимий турк-мўғулча бўлиб, «оғанини», «биродар», «садоқатли дўст» ва «иттифоқдош» ҳамда «қардош» каби тушунчаларни билдирган.

Ушбу лексемаларнинг аслий шакли, бизнингча, «анда» талаффузида юритилиб, ўзбек тили лексикасида у «куда-анда», «куда-андали» ёки «куда-андалик» каби қўшалок сўзли ибораларда ҳамда Анда, Андабой, Андагул, Андахол ва Андам сингари атоқли исмларда учрайди ва турлича талқин этилади. Агарда «анда» лексемаси хусусида берилган мавжуд талқинларга мантиқан ёндашилса, ушбу сўз бирор шахс ёки предметнинг тўлдирувчи – аниқловчиси сифатида унга яқин ёки ўхшаш каби тушунчаларни англатади. Шу боисдан Мухаммад Мўъиннинг форсча изохли луғатида «анда» сўзига нисбатан берилган «дўст» ва «рафик», яъни «қардош» ёки «эшу хеш» деган талқинлар мантиқан асослидир.

«Анди» борасида айтилган бундай тушунчалар назарда тутилса, «куда-анда» ибораси «куданинг яқини» ёки «куданинг дўсти» деган маънони англатади. Шунингдек, «Андам» исми «дўстим», «Андахол» – Холдордўст, «Андабой» – Дўстбой, «Андигул» исми эса Гулдек дугона деган маъноларни беради. Шулардан келиб чиққанда «Анда» лексемаси, бизнингча, қисқа тарзда айтганда «Тутинган яқин дўст, қардош ёки иттифоқдош» каби тушунчаларда баён этилган. Шундай қилиб, Андижон топонимиغا бириккан ҳар икки лексемалар – атаманинг субстрати ҳамда от ясовчи морфемасининг маънолари аниқлангач, ўз-ўзидан «анда» морфемига сув, дарё ёки сой тушунчаларини ифодаловчи «Андижон» топонимининг субстрати: «кон, гон ва жон» сўзларининг бирикишидан қандай маъно юзага келади, – деган савол туғилиши табиий. Агар «анда» лексемаси тўғрисида юқорида келтирилганларни назарда тутиб, уларни қисқача бир сўз билан «яқин» деб

ифодаласак, у вақтда «яқин» иборасига сув, дарё ёки сой маъноларини англатувчи «кон» «гон» ва «жон» морфемаларининг бирикиши билан «сувга яқин» ёки «сув ёқаси», «дарёга яқин» ёхуд «дарё соҳили» ва «сойга яқин» ёки «сой бўйи» атамалари ҳосил бўлади. Масалан, ўрта асрларда Ургут шаҳри «Андок», яъни сув яқинидаги жой номи билан юритилган. Бундай маъноларда Андижон топонимининг ҳар учала шаклларидаги атамаларнинг этимологияси мужассамлашган. Демак, «Андижон» номи сой бўйида қад кўтарган шаҳар, демакдир. Шубҳасиз, бундай сирли ном ёзма манбаларда Андижон ҳақида келтирилган таърифларга монанд бўлиб, унинг сержило табиатига мос. Дарҳақиқат, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сой бўйида жойлашган Андижон шаҳрини тасвирлаб: «Андижонсой Ўшнинг маҳаллотининг ичи била ўтиб, Андижонга борур. Бу руднинг ҳар икки жонуи боғот тушубтур, тамом боғлари рудқа мушрифтур»... (Шаҳарга) «тўққуз тарнов сув кирар. Бу ажибтурким бир ердан ҳам чикмас», – деб Андижоннинг сой бўйларини таърифлаган. Демак, «сой бўйи» маъносини англатган Андижон шаҳри қадимда хиндулар шаҳри деб талқин этилган «анди»лар эмас. Андижон сой бўйларидан сув чиқариб, ўз музофотини обод этган туб жойли ҳақиқий андижонликлар – андалар томонидан бино қилинган. Унга Андижон, яъни «сой бўйи»да қад кўтарган шаҳар деб ном берилган.

«Избоскан» номининг маъноси ҳақида

«Избоскан» атамаси Андижон шаҳрининг шимолишарқий томонида жойлашган қишлоқ тумани ва унинг маркази номланиши. Бу топоним Андижон вилоятида юзага келган қадимий деҳқончилик масканларининг номларидан биридир. Гарчи «Избоскан» иборасининг маъноси хусусида баъзи ривоятлар мавжуд бўлса-да, бу топонимнинг этимони илмий жиҳатдан ҳали аниқланмаган. «Избоскан»

атамаси тўғрисида фикр ва мулоҳазалар юритишдан олдин топонимнинг субстрати ва унинг от ясовчи морфемаларини белгилаб олиб, уларни топонимик ва лингвистик жиҳатдан талқин этиш билан атаманинг қадимий аслий шаклини тиклаш лозим. Чунки аксарият қадимги тарихий географик тураржойларнинг номланишида кузатилганидек, «Избоскан» топоними ҳам ўтмишда авлодлар талаффузида шаклан ўзгартирилиб, унинг сўнгги шакли бизгача етиб келган. Ушбу шаклда «Избоскан» атамаси ўзбек тили лексикаси нуқтаи назардан талқин этилса, бу ном икки бўғин: «из + боскан» шаклларида бирикиб, кимнинг ёки ниманингдир «изи тушган», яъни «изи қолган» ёхуд «изи қоплаган» каби маъноларни англатади. Бироқ бундай талқин, мантиқан мавҳум.

Ўйлашимизча, ушбу тарихий топоним аслида уч бўғин: «из» + «бос» + «кан» каби иборалар бирикмасидан юзага келган. Атаманинг субстрати «кан» ибораси бўлиб, суғд тилида у дарё, сой, анҳор ва сув маъноларини билдиради. Демак, «Избоскан» атамаси шак-шубҳасиз қадимий гидроним тушунчаси асосида шаклланган. Унинг биринчи бўғинидаги от ясовчи морфемаси — «из» ўзбек ва тожик тилларида «белги», «нишон», «нақш» ва «йўналиш» каби маъноларда истифода этилган. Гидротопонимнинг иккинчи бўғинидаги морфема «бос» эса, аслида «пас» ёки «паст» шаклида талаффуз этилиб, ўрта бўғиндаги бу аффикс «пастлик», «чуқурлик» ва «қуйи» каби мазмунларни билдирган. Оралиқ бўғиндаги бундай фонетик ўзгариш билан мазкур атама «Изпаскан» ёки «Изпасткан», яъни Из+пас(паст)+кан шаклида ифода этилиб, унинг мазмунига маълум даражада аниқлик киритилиши мумкин. Агар «Изпаскан» ёки «Изпасткан» шакллардаги атаманинг морфологик талқинига мантиқан ёндашилса, этимологик жиҳатдан тадқиқ этилаётган гидротопонимнинг «кан» субстрати дарё ёки сой; «бос» — «пас» ёки «паст» шакллардаги сифатдош морфемаси адоқ ёки қуйи; от ясовчи

«из» аффикси эса белги, нишон ёки нақш каби маъноларда ифода этилиб, бу тарихий номнинг «дарё ёки сойнинг адоғидаги излар», яъни «сой дельтаси» деган тушунча беришига шубҳа қолмайди.

Дарё ёки сойларнинг куйи оқими худудлари табиатан ерости сувларига ниҳоятда бой сернам партов ерлар бўлиб, қадимдан деҳқончилик, хусусан, шоликорлик ҳамда полиз экинлари учун қулай ва ҳосилдор ҳисобланган. Амударё оқимининг куйи тармоқлари соҳиллари бўйлаб ястанган лабоб ерларни хоразмликлар «қайр» деб юритганлар. Табиий сернам қайр пайкалларида ҳеч қандай суғориш тармоқлари тортилмасдан, сунъий суғоришсиз асосан қовун етиштирилган.

Шак-шубҳасиз Қорадарёнинг қадимий кўҳна ўнг қирғоқ ирмоқларидан ҳисобланган Мойлисойнинг куйи қисмида жойлашган Избоскан худудининг сертармоқ гидрографияси назарда тутилиб, унинг булоқларга бой ерларига назар солинса, бу қадимий масканда балки шоликорлик шаклланиб, ривож топган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Чунки Андижон вилоятида «Избоскан девзираси» номи билан шуҳрат топган юқори сифатли қизғиш биринч (гуруч) нави мавжудлигининг ўзи фикримизга далил бўлиши мумкин.

Бундай эҳтимолга асосланиб, «Избоскан» худудининг тарихий гидрографияси назарда тутилса, атаманинг от ясовчи биринчи бўғинидаги «из» морфемасидан «зах» ёки «намлик» тушунчаларини англатувчи «ғар» ибораси талаффуздан туширилиб қолдирилгани аён бўлади. Агар «из» аффиксига «ғар» сўзи бириктирилиб, бўшлиқ тўлдирилса, атама «изғари + пасти + кан» шаклида мантиқан тарихий гидрографиясига ўхшаш янада аниқроқ этимони юзага келади. Бундай ифодада мазкур гидротопоним «Сой адоғидаги партов» ёки «Дарё этаги – дельтасидаги сизот» каби маъноларда талқин этилади.

Ҳар икки турдаги лингвистик ва топонимик талқиндан маълумки, «Избоскан» атамаси қадимда аслида «Из-

пасткан» ёки тўлиқроқ «Изғари пасти кан» шаклларида талаффуз этилиб, бу тарихий қадимий жой номи «Сой адоғидаги из»лар, яъни Мойлисой дельтаси ёки «Сой этағидаги сизот» каби маъноларни англаган бўлиши мумкин.

Кармана – каттасарой

Кармина шаҳри Навоий вилоятида жойлашган қадимий масканлардан бирidir. Вилоят худудида ўтказилган археологик тадқиқотлар ва кузатишларнинг натижаларидан маълум бўлишича, Зарафшон водийсининг ўрта қисмида жойлашган бу кенг худудда аҳоли ўрта тош даврининг мустье (мил. авв. 150–40 минг йилликлар) босқичидан бошлаб яшаб келмоқда. Қалқонота қишлоғи яқинидаги Учтут мавзесида топиб текширилган мустье даври чакмоқ тош синдириб олинган хомашё кони – Сангбур, тош қуроқлар ясаш устахонаси ва ибтидоий одамлар макони ҳамда янги тош (неолит) даври (мил. авв. V–III минг йилликлар) да чакмоқ тош бўлаклари кавлаб олингани мисол бўла олади. Бундан ташқари, энг қадимги кон «Учтут шахтаси»нинг ўрни ва лағмлари (туннель қолдиқлари), шунингдек, Сармишсой ва Бийронсой бўйлаб жез (бронза) давридан бошлаб тош илк ўрта асрларгача ўтган минг йилликлар мобайнида қадимги овчи ва подачиларнинг қояларга ўйиб туширган турли мазмундаги тасвирлари ҳамда ов манзаралари каби ноёб осори-атиқаларни санаб ўтиш мумкин.

Қалқонота ва Конимех атрофларида қайд этилиб, тадқиқ этилган мил. авв. VI–IV ва милодий I–V асрларга мансуб қатор моддий маданият обидалари (Қумробод, Арабон ва Чордара каби қадимий қишлоқ харобалари, шунингдек, Шодибек, Шўровул ва Қалқонота мазор кўрғонлари) дан топилган археологик топилмаларга қараганда, қарийб минг йилликни қамраган бу даврда Кармина худудида, хусусан, дарёнинг ўнг томонида жой-

лашган унинг шимолий қисмида ўтроқ деҳқончилик ҳаёти анча ривожланган.

Аммо Навоий вилояти, хусусан, Кармина ҳудудининг қадимги тарихи, айниқса, бу кўҳна масканда деҳқончилик ва чорвачилик ёки ҳунармандчилик каби касб ҳамда ҳўжаликларнинг юзага келиши ва тараққий этиши, қолаверса, бу кўҳна заминда шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши тарихига оид моддий маданият обидалари ҳозирги кунгача етиб келмаган. Ёзма манбаларда келтирилган маълумотлар эса, асосан кейинги даврларга – ўрта асрларга мансуб. Бунинг устига улар ғоят қисқа ва узук-юлуқ. Шу боисдан Кармина тарихи билан қизиқиб, унинг узок ўтмишини тадқиқ этишга бел боғлаган муаррихлар бу қадимги масканнинг бир бутун тарихий манзарасини тасниф этиб, тарихшуносликда тўпланган бор маълумотлар бирон-бир рисола яратишга арзимаиди. Шуларни эътиборга олган ҳолда биз ушбу кичик маълумотда Кармина шаҳри тарихига доир борларини таҳлил этиб, бу қадимги атаманинг этимологияси устида фикр юритмоқчимиз.

X аср Бухоро тарихчиси Муҳаммад Наршахий бу қадимги масканни қуйидагича таърифлайди: «Кармина Бухоро қишлоқлари жумласидан бўлиб, унинг суви Бухоро сувидан келади; хирожи Бухоро хирожига қўшилади. Унинг ўзига тегишли алоҳида бир қишлоқ ҳам бор: унда масжиди жоме барпо этилган». Бухоро воҳасининг суғорма деҳқончилик ерлари Кармина ҳудудидан бошланган. Наршахийнинг таърифлашича, воҳанинг Зарафшон дарёсидан бош олган суғориш тармоқларидан дастлабкиси Кармина анҳори ҳисобланган. Уни Наршахий катта анҳор деб ёзади. IX–X асрларда Бухоронинг деҳқончилик ерларидан олинган хирож солиғидан тўпланган ҳар йилги даромад, Кармина ерларини қўшиб ҳисоблаганда, «бир миллион бир юз олтмиш саккиз минг беш юз олтмиш олти дираму беш ярим донакни ташкил этган». Кейинчалик Карминанинг хирожи Бухоро хирожидан алоҳида ажратиб олинган.

Бундан маълум бўлишича, Кармина Бухоро воҳасининг дехқончилик рустоклари (туман) қаторидан жой олган. У Зарафшон дарёсидан чиқарилган алоҳида канал орқали суғорилган. Кармина рустоғи илк ўрта асрларда Бухоро воҳасининг 15 та дехқончилик рустокларини ўраб ўтган қадимги мудофаа иншооти – Канпир деворидан ташқарида жойлашган. Ўрта аср ёзма манбаларида бу ташқи русток Кармина, баъзан эса Йасир (ясси>сар – текислик боши) номлари билан тилга олинади. Рустокнинг маркази ҳам Кармина номи билан шуҳрат топган.

Наршахийнинг маълумотига кўра, Бухоро билан Кармина оралиғи ўн тўрт фарсах (98 – 112 км) узунликда бўлган. XII аср муаллифи Муҳаммад ас-Самъоний бу масофани ўн саккиз фарсах (120 – 144 км) га тенг бўлган деб ёзади. Кармина рустоғи худудидан оқиб ўтган Зарафшон дарёсининг ҳар икки соҳиллари бўйлаб Арфуд ёки Варқуд, Мизйамажкас, Харамкас ёки Харгонкас ва Харжанкас ҳамда Худиманкан каби катта-кичик шаҳар ва қишлоқлар жойлашган. Аҳоли яшаган бу қадимги географик пунктлар орасида энг гавжуми Кармина шаҳри бўлиб, унда кўплаб адиб ва шоирлар яшашган. Карминадан шарқда қадимги Суғд йўли устида Арфуд ёки Варқуд қишлоғи бўлган. Истахрийнинг ёзишича, Пойканд томон йўналган қарвон йўлининг ўнг томонида, Карминадан бир фарсах ғарброкда, Мизйамажкас, икки фарсах шарқда Суғд йўлидан чапроқда эса Худиманкан, шунингдек, бир фарсах нарида дарёнинг нариги томонида эса Харгонкас ёки Харжанкас қишлоқлари бўлган.

В.В. Бартольднинг эътироф этишича, XII асрда Хоразмшоҳ Эларслонхон (1156 – 1172) томонидан Кармина шаҳри вайрон қилинган. Ўрта Осиёнинг машҳур муаррихи ва адиби Абу Саъид Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний (1153 – 1167) Бухородан Самарқандга қилган сафари пайтида (1153) Карминада бир кеча-кундуз тўхтаб, уни харобазор бўлиб қолганини кузатган. Кейинчалик у қайта тикланиб, XV асрда яна йирик шаҳарга айланган.

Сўнги ўрта асрларда, хусусан Бухоро амирлигида манғитлар сулоласи ҳукмронлик қилган давр (XVIII асрнинг охири ва XX асрнинг 20-йиллари) да Кармина вилояти алоҳида имтиёзли бекликка ажратилиб, Бухоро амирининг валиаҳди томонидан бошқарилган. Жумладан, Амир Абдулаҳад ва Саййид Олимхонларнинг қароргоҳлари Кармина шаҳрида бўлган. Ҳатто Абдулаҳад вафотидан сўнг майит Бухородан олиб келиниб, Карминада дафн этилган.

«Кармина» топонимининг этимологияси тўғрисида сўз юритишдан олдин, шуни қайд этиш ўринлики, бу атама ўрта аср ёзма манбалари, тарихий асарлар ва географик хариталарда турли шаклда қайд этилган. Масалан, барча ёзма манбаларда ва уларнинг ўзбекча, тожикча ва инглизча таржималарида «Кармина», русча таржималари ҳамда русийзабон адабиётда, шу жумладан географик хариталарда «Кармена», баъзан эса «Кярмина» шаклида ёзилган. Бу тарихий кўҳна шаҳарнинг туб аҳолиси ўз она шаҳрини «Кармана» талаффузида юритади.

«Кармина» топонимининг этимологияси тўғрисида ҳам ўрта аср ёзма манбаларида турлича талқинлар ва қиёслар келтирилган. Наршахий «Қадим вақтларда Карминани «Бодяйи Хурдак» («Кўзача») деб атаганлар» деган изоҳни беради. Самъоний Кармина номининг келиб чиқишини арабларнинг Мовароуннаҳрга кириб келиши билан боғлайди. Унинг ёзишича, араблар даставвал Кармина ерларига қадам қўйганларида бу худуднинг сувга сероблиги, ерларининг ҳосилдорлиги ва теварак-атрофининг ободлигидан ҳайратга тушишган. Бундай манзарани кўриб улар бу вилоятни Арманистонга қиёс қилганлар ва уни «Ка-Арминийа», яъни «Арманистонга монанд» деб аташган. Самъонийнинг бу қиёси «Карминийа» сўзини араб тили тилшунослиги асосида «Ка-Арминийа» шаклида талқин этиш асосида юзага келган халқ этимологиясидир. Ҳолбуки, «Кармина» топонимининг арабзабон атамашунослигига ҳеч қандай алоқаси йўқдир.

Наршахийнинг Карминанинг қадимги номи – «Бодяйи хурдак» тўғрисидаги маълумоти эса бевосита шаҳар ёки қишлоққа эмас, бу ҳудуднинг табиатига оиддир. Икки сўз бирикмасидан ташкил топган бу топонимнинг биринчи қисми «бодия» эмас, «бодя» шаклида ёзилган. Бодия сўзи арабча бўлиб, у «кўза» маъносини эмас, «дашт», «чўл» ёки «сахро»ни англатган. Бодия сўзига бириктирилган «хурд» сўзи эса, форсча бўлиб, у «кичик, майда» каби тушунчаларни билдирган. Бу сўзга бириктирилган «ак» суффикси воситасида у «жуда кичик, майдача» сифатига эга бўлган «Бодияйи хурдак» топонимини ҳосил қилган. Бундай шаклда топоним «кўзача» эмас, балки «Кичик дашт» ёки «Даштча» маъносини билдирган. Тарихда дашт ёки чўл аҳли ўзбек ва тожик халқлари тилларида «Бодия аҳли ва бодийа нишин» каби иборалар билан аталиб келинган. Араблар эса даштликларни бадавийлар деб аташган.

Қадимги Бодиявий хурдак даштининг шарқий қисми ўзлаштирилиб, илк ўрта асрларда Кармина рустоғи шаклландан, Зарафшон ва Нурота тизмаларининг оралиғида жойлашган бу даштлик ерларнинг ўзлаштирилмаган гарбий қисми сўнгги ўрта аср ёзма манбаларида Чўли Малик ва Маликчўл номлари остида тилга олинади. Бухородан Самарқанд томон йўналиб, Чўли Маликни кесиб ўтган қадимги қарвон йўли бўйлаб IX–XII асрларда қатор қарвонсаройлар ва работлар қад кўтарган. Вайроналари ҳозиргача сақланган Работи Малик ва Малик Сардоба каби иморату иншоотларнинг қолдиқлари ўша даврнинг нодир обидаларидан ҳисобланади. Шубҳасиз, «Кармина» топоними тўғрисида юқорида келтирилган маълумотлар ушбу атаманинг турли шаклларда ёзилиши ҳамда ривоятларга асосланган унинг этимологияси бўйича баъзи бир ўхшатишларга оид бўлиб, «Кармина» топонимининг ҳақиқий этимологияси унинг морфологик таҳлили асосида аниқланади.

Шуни қайд этиш жоизки, «Кармина» атамаси қандай шаклда ёзилмасин, у уч компонентли топонимлар қаторига

киради. У сўз боғловчи суффикс морфема «кар», субстрат — ўзак «мин» ёки «ман» ҳамда ном ясовчи топоформант «а» бирикмасидан шаклланган. Атаманинг морфемаси «кар» аҳоли талаффузида кўпинча «ҳар», баъзан эса «қал» шаклларида юритилиб, ундаги дастлабки «ю» ҳарфи «х» ёки «қ» ҳарфлари билан, охириги «р» ҳарфи эса «л» ҳарфи билан ўрин алмашган. Натижада, Бухоро воҳаси тарихий географиясида «Харқон», «Харқон», «Харжон» ва «Қалқон» каби қадимий атамаларни юзага келтирган. Бу атамалар, гарчи «Кармина» топонимига бевосита алоқадор бўлиб, унинг турли шаклдаги лексемалари эканига шубҳа қолдирмасанда, унинг этимологиясига аниқлик киритиш имконини бермайди. Бу борада масалани «ҳар» морфемаси сифатдош тарзида бирикиб ҳосил этган айрим атамалар: харсанг, хартум, харос, хартанг ва харчанг каби форс-тожик ва ўзбек тили хазинасида учрайдиган ҳамда маълум тугал фикрни англатадиган баъзи атамаларнинг таҳлили воситасида бироз ойдинлаштириш мумкин. Масалан, халқимиз йирик тошларни «харсанг», тоғ тизмалари оралигидаги қисикни «танг», кенгроқ қисик ерларни эса «хартанг», панжалари йирик қисқичбақани «харчанг», шалпангқулоқ қуённи «харғўш», филнинг улкан тумшугини «хартум», ҳайвон кучи билан ҳаракатга келтириладиган қатта тегирмонни «харос» номлари билан атаган.

Демак, бундай атамаларга бирикиб келган «ҳар» морфемаси «қатта», «йирик» ва «улкан» каби сифатларни ифодалаган. Агар «Кармина» ёки «Кармана» атамасига бириккан «кар» морфемаси «ҳар» шаклида белгиланса, у вақтда топоним «Хармина» ёки «Хармана» талаффузини олади. Бинобарин, «мин — ман» субстратининг сифатдоши тарзида унинг қатталигини ифодалаб, мазкур топоним этимологиясига маълум бир аниқликни киритади. Хуллас, «Кармина» атамаси бундай шаклда «Қатта мин» ёки «Қатта ман» иборасини ҳосил қилади.

Хўш, «мин» ва «ман» лексемалари қандай маънони англатади? Ўрта Осиёнинг тарихий топонимлари орасида

«мин» ёки «ман» шаклдаги ўзаклар бирикмасидан иборат қатор атамалар: Зомин, Кармин, Фамин, Хушминжакат ҳамда Манкат, Гардман, Зарман, Зерман, Саман, Суман, Сарманган, Чорманган ва Худиманкон каби жойлар ёзма манбаларда қайд этилса-да, уларнинг аксарияти «ман» ўзакли атамалар билан боглиқ. Шунинг эътиборига олсак, бизнингча, «Кармина» топонимининг асл ўзаги «мин» эмас, балки «ман» шаклида бўлган. Чунки «ман» суғдийча сўз бўлиб, «сарой», «кошона» ва «қароргоҳ» каби маъноларни англатган. Бундай таҳлилда «Кармина» эмас, «Кармана» топонимининг асл шакли «Харман» ёки «Хармана» бўлиб, у «катта сарой», «ҳашаматли кошона» ва «олий қароргоҳ» каби тушунчаларни билдирган, деган хулосага келиш мумкин. Чунончи, Ўрта Осиёнинг тарихий топонимлари орасида тарихан бирмунча кейинги даврларга оид Қорасарой, яъни Каттасарой, Оқсарой, Кўксарой, Ўртасарой ва Бўстонсарой каби қатор жой номлари учрайди.

Демак, «Кармана» ёки «Кармина» топоними аслида «Хармана» шаклида бўлиб, бу ном «Каттасарой қароргоҳи» маъносини англатган. Бундай ном билан, шубҳасиз, ўрта асрларда Бухоронинг шу номдаги русоғи (тумани) нинг маркази ҳамда ҳукмдорлари, валиаҳдларининг қароргоҳларини улуғланганидан далолат беради. Чунки Самарқанддан Бухорога ёки аксинча Бухородан Самарқандга сафар қилган қадимги ёки ўрта аср ҳукмдорлари Чўли маликдаги Малик работ – Хармана қароргоҳида кўниб ўтишган.

Марғилон – Марғинон, кенг ййловли сайхонлик

Марғилон азалдан шойи-атласи билан донг таратган. Бу шаҳар ўрта асрларда ислом ҳуқуқшунослиги фани ривожига бекиёс ҳисса қўшган Бурҳониддин Марғинонийнинг ватани. Фарғона водийсининг бир қатор тарихий номлари

орасида Марғилон атамаси фанда на лингвистик, на топонимик ва на тарихий жиҳатдан махсус тадқиқ этилмаган. Шу боис тарихий асарларда бу борада нақлий ҳикоялардан иборат маълумотларгина қайд этилади.

Ўзбек маърифатпарвари ва муаррихи Исҳоқхон Жунайдуллахожа ўғли Ибрат «Фарғона тарихи» китобидаги «Ажойиб ул-булдон» («Ажойиб шаҳарлар») бўлимида келтирган ҳикояда Марғинон атамасининг пайдо бўлиши тарихини қуйидагича изоҳлайди: «Искандар «ақсойи» (узок) Шарққа борганда Фарғона ерида ... дехқони бодиянишин (даштликлар) унга «пешкаш» (тортик) учун нону туз ўрнига бисотларидаги товукларни пишириб... Искандарни қарши олишган экан. Искандар: «Бу қандай тортуқ?» деб сўраган экан, улар «мурғу нон», яъни товуғу нон деб жавоб беришган экан. Шу боис товук билан нон тортилган ўша жой Марғинон шаҳри исми бўлиб қолган экан». Кейинчалик шаҳар авлодлар талаффузида Марғилон шаклида юрнтилиб кетган.

Бундай маълумотлар, шубҳасиз, нақлий ҳикоя бўлсада, бироқ унда қайд этилган «деҳқон», «бодия-нишин», «нон» ва «мурғ» каби ибораларда рамзий тарзда, Фарғона водийси, хусусан, Марғилонсой воҳасининг табиати, аҳолисининг тили, ижтимоий ва ҳўжалик ҳаётининг умумий манзараси ўз ифодасини топган.

«Марғинон» атамаси дастлаб X асрда яшаган араб географи Муқаддасийнинг «Ахсон ут-тақосим фи маърифат ил-ақолим» («Мамлакатларни ўрганиш учун энг яхши қўлланма») асарида тилга олинади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Марғинон Андижон шаҳрининг ғарбида етти ёғоч (84 км) узокликда жойлашган. Қасабаси яхши, «пурнеъмат»: анори ва ўриги асру (бениҳоя) кўп ҳўб бўлур... Ови куши яхшидур, оқ кийик ёвуқда (яқин) бўлур. Эли сартгур (шаҳарлик)», деб таърифлайди.

Айрим тадқиқотчилар, бу тарихий шаҳарни «Марғинот» шаклида қайд этишади. Топонимист Суюн Қораевнинг

фикрича, атаманинг Марғилон шакли кейинчалик вужудга келган.

Ўзма манбаларда Марғилон атамаси қандай шаклларда қайд этилган бўлмасин, тилшунослик жиҳатидан у икки бўғиндан иборат. Унинг биринчи бўғини аксарият «Марғ» атамасини айрим бузилган шаклларда, яъни «Мурғ» ва «Марж» талаффузда ҳам қайд этилади. Ҳар икки бу лексемалар унинг субстрати – асоси ҳисобланади. Атаманинг иккинчи бўғини «он», «лон» шакллардаги ном ясовчи морфемалар, яъни суффикслар бўлиб, кўпинча «об», «руд», «рўд» каби баъзи иборалар билан алмашади. Бундай шаклларда атаманинг талаффузи ва маъноси тубдан ўзгаради. Атаманинг аслий «Марғ» шаклига урғу берилиб, у «Марғ», «Марғий», шунингдек, «Марғзор» шаклларида ҳам келтирилади.

Навоий асарлари лугатида «марғ» сўзи «ўт», «ўсимлик», яъни кўкат, алаф, ўт-ўлан маъносида изоҳланади. «Марғзор» эса ўтлоқ, кўкатзор, яйлоқ ва кўкаламзор деб талқин этилган. Сугдийда «марғ» сўзига «он» суффиксининг бирикиши билан мазкур атама кўплик шаклида ифодаланади. Бундай лингвистик ва топонимик таҳлилдан аён бўлишича, Марғилон ва Марғинон шаклларидаги ҳар икки номлар кўкаламзор, ўтлоқ ёки майсазор, яйлоқ маъноларини англатган.

Бу қадимий топонимнинг турли шакллардаги синонимик атамалари Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистоннинг дарё водийлари, деҳқончилик воҳалари ва тоғ тизмалари этакларида ястанган ҳудудларда ороним, гидроним ва топоним шаклларида айниқса кенг ўрин олган. Улар «Марғ», «Марж» субстратлари асосида юзага келган Марғоб (Мурғоб), Маржон, Мардон, Марғон, Марғитта, Марғит каби шаклларда қайд этилади. Шу жумладан, Самарқанд яқинида жойлашган қишлоқ ва канал Марғилонтёпа, Деновнинг Марғилон қишлоғи, Нуротанинг машҳур булоғи жилғасидан ажралган Марғи Шарқий, Марғикози, Марғи

Мирхон (Миркон) ва Марғи Мирғадой (Миркадак) каби оронимларнинг номларини мисол тариқасида келтириш мумкин. Яна шуни таъкидлаш ўринлики, Эрон, қадимги Юнон ва Рим ёзма манбаларида қайд этилган Катта Хоразм худудида Амударёнинг жанубий томонида жойлашган ўтлоқларга бой машҳур Марғиёна ўлкасининг номи ҳам шаклан, ҳам маъно жиҳатдан Марғилон, Марғинон шаҳри номининг қадимги лисоний нусхасидир. Яна шуниси эътиборлики, қадимги Марғиёнада пиллачилик ривожланиб, бу ўлкада тут дарахтининг сербаргли Марварид ёки Марвируд, Маржон, яъни Марғиғон ҳамда меваси ниҳоятда сувли ва ширин Бедана, яъни Бедона (уруғсиз) каби бир неча навлари яратилиб, уларнинг селекцияси Шарқ мамлакатларига кенг тарқалган.

Кейинги йилларда Шоҳимардон – Марғилонсой ҳавзасида ўтказилган археолого-палеографик тадқиқотлар Фарғона тарихини ҳар томонлама синчиклаб ўрганиш учун ғоятда муҳим ва керакли натижаларни берди. Воҳанинг юқори ва қуйи қисмларга ажратилиб ўрганилиши туфайли унинг тадрижий ўзлаштирилиш йўналишлари ҳамда антропоген ландшафтнинг шаклланиш жараёни ойдинлашди. Рельефи жиҳатдан бири кўкаламзор, иккинчиси эса майин тупроқли ҳосилдор текисликларнинг бекиёс табиати, турли-туман неъматлари жуда қадим замонлардаёқ бу ғўшада инсонларнинг рўзғорини бут қиладиган икки хил ҳаёт тарзи, яъни деҳқончилик ва чорвачиликнинг юзага келиши ҳамда ривожланиши учун имкон яратгани маълум бўлди.

Шубҳасиз, узоқ вақт давом этган бундай ўзгаришлар табиат ҳамда инсон фаолияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечди. Ҳатто воҳанинг табиий манзараси уларнинг тарихий номларини маъноларида ўз инъикосини муҳрлаб қўйди. Археолого-палеографик ҳамда лингвистик, топонимистик ва тарихий тадқиқотлар буни тўла тасдиқламоқда. Булардан маълум бўлишича, Марғинон ёки Марғилон

шаклларида талаффуз этиб келинган номларнинг маъноси бу кўҳна диёрнинг кенг кўкаламзор ўтлоқлари умумий манзарасини англатади. Бу атама узоқ тарихий даврдаги табиий гўшага Фарғона халқи томонидан берилган табаррук номдир. Аслида, бу қадимий топоним «Марғижон» ёки «Марғикон» шаклида талаффуз этилиб, «Яйлоқсой», яъни кўкаламзордан оқиб ўтадиган сув деган маъноларини англатган.

Марғилонсой воҳасининг қуйи қисми ўзлаштирилиши билан унинг қадимий табиат манзараси аста-секин ўзгара бошлаган. Унда ўтроқ деҳқончилик, қатор қишлоқлар қад кўтариб, баъзи шаҳарлар барпо қилинган. Чунончи, Симтепа, Қизлартепа, Қамиштепа, Қоратепа, Лангартепа, Марғилон Оқтепаси, Мозортепа каби археологик ёдгорликлар сақланиб қолган.

Тадқиқотлардан маълумки, ўзлаштирилиб обод этилган Марғилонсойнинг адир орти қисмининг табиий манзараси ҳам қисман ўзгарган. Зеро, бу инсон қўли билан барпо этилган жамики ихтироларнинг акси уларга берилган номларда ифодаланган. Бу жараён ҳозир Марғилон шаҳри худудида қазилиб ўрганилган Қизлартепа ва Машад маҳалласидаги археологик ёдгорликларда ўз тасдиғини топди. Бундай моддий-маданий асотирлари Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик ёшини белгилаш учун асосий ашёвий хужжат сифатида қабул қилинди.

Шаҳарнинг Машад маҳалласининг номи унинг қадимги асл ифодаси экани аниқланди. Бу урбоним икки бўгинли атама бўлиб, «Машад» шаклида қайд этилган. Авлодлар талаффузида атаманинг биринчи бўғини «ма» бирикмасидан «с» ҳарфи туширилиб, иккинчи бўғини эса «кат» ўрнига «шад» деб талаффуз этилган. Аслида, мазкур атама «Маскат» шаклида юритилиб, унинг биринчи бўғинидаги «мас» ибораси суғдий «катта», иккинчи бўғини «кат» эса қишлоқ маъносини билдирган. Шунингдек, Наманган вилояти Чуст туманида жойлашган Машат қишлоғи,

Самарқанднинг Сиёб анҳорининг ирмоғи Оби Машҳад гидроними ҳамда Эроннинг Машҳад шахрининг номи ҳам айнан «Маскат» атамаси асосида шаклланган. Демак, ҳозирги Марғилон шахри ўрнида илк бор улкан қишлоқ қад кўтариб, у Маскат номи билан аталган. Бу атама «Катта қишлоқ» шаҳар қиёфасида шаклланганда ҳам ўз архаик номини эъзозлаб сақлаб қолган.

Хулоса қилиб айтганда, Марғинон – Марғилон атамалари Марғилонсой воҳасининг қадимги номи «Марғижон», яъни кўкаламзорсой номи асосида шаклланган бўлиб, «ўтлоқ» демакдир. Бу тарихий яйлоқда қад кўтарган қишлоқ ҳам, шаҳар ҳам «Маскат» (Машад) деб юритилган. Кейинчалик мазкур маскан воҳанинг бош шаҳарларидан бирига айлангач, ўзининг қадимий номини маҳаллада қолдириб, воҳанинг умумий кенг маъноли номи – Марғинон ва Марғилон деб аталган.

Наманган – сойликдаги янги сарой

Наманган шахри Фарғона водийсининг шимолий қисмида жойлашган шу номдаги вилоятнинг маъмурий маркази. Бу шаҳар Тошкентдан 432 км жануби-шарқда, Чотқол тизмаларидан бош олган Намангансойнинг Шимолий Фарғона канали билан кесишган ерида денгиз сатҳидан 450 м баландликда ўрнашган. Шаҳар тарихи, гарчи бевосита қадим замонларга бориб боғланмаса-да, унинг номи ва шу номдаги вилоятнинг ўзлаштирилиб, обод этилиши тарихи Фарғона водийсида юзага келган илк ўтроқ деҳқончилик ва унинг тадрижий тараққиёти асосида шаклланган шаҳарсозлик маданияти билан узвий боғлиқ. Шу боисдан водий бўйлаб қад кўтарган қишлоғу шаҳарлар, ташкил топган туману вилоятларнинг тарихий номлари, бу қадимий диёрнинг сержилва табиатига ҳамоҳанг бўлиб, унинг ўтмиши манзарасини ўзида акс эттирган. Бундай тарихий масканлар ҳақида асрлар оша

турли ривоятлар, ҳикоятлар, уларнинг номлари борасида бой халқ этимологияси юзага келган.

Тўрақўрғонлик маърифатпарвар Исҳоқхон Жунайдуллоҳ ўғли Ибратнинг «Фарғона тарихи» номли китобида баён этилишича, Наманган шаҳри қад кўтарган музофот қадимда бир тарафи дарё, иккинчи тарафи эса тоғ этаклари адирларига тутшиб кетган кимсасиз биёбондан иборат бўлган. Дарё тарафи буткул шўр кўл бўлиб ётган туз экан. Ибратнинг ёзишича, бу ерлар Бухоро ҳукмдори Абдуллоҳон даврида (1557–1598) ўзлаштирилиб, обод этилган. Унинг фармони билан тўрт маҳалладан иборат шаҳар барпо қилинган. Маҳаллалардан бири «Сардоба», иккинчиси «Чуқуркўча», учинчиси аҳолисининг касб-кори бўйича «Дегрезлик», яъни қозон қуювчилар маҳалласи деб юритилган. Тўртинчи маҳалла эса туб жойли аҳоли тили билан «Лаббай тоға» деб, аслида қамишзор сувбўйи бўлгани сабабли «Лабоби тўқай» номи билан юритилган. Шаҳар маҳаллаларининг дарё томони шўр кўл бўлиб, доимо оппоқ туз билан қопланган ерлардан иборат бўлгани сабабли шаҳар «Намаккон», яъни «Тузкон» деб аталган, кейинчалик «Намаккон» номи «Наманган» шаклида юритилиб кетган экан.

«Наманган» топоними илк бор XVII аср ёзма манбаларидан Маҳмуд Валининг «Баҳр ул-асрор фи маноқиб ул-ахъёр» асарида Аҳси шаҳрига тегишли қишлоқлардан бири сифатида қайд этилади. Тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, Фарғона водийсининг бу қадимги пойтахти – Аҳсикат 1620 йилда содир бўлган кучли zilзила оқибатида вайрон бўлган. Шу боисдан Аҳсикат аҳолиси Намангансойнинг куйи оқимида жойлашган ерларга кўчиб ўтган. Натижада сой этакларида Аҳсикат музофотига тегишли бир қишлоқ қад кўтариб, кейинчалик у шаҳарга айланган. Гарчи Наманган шаҳри тўғрисида келтирилган тарихий маълумотларда ушбу тарихий маскан «Намаккон» ва «Наманган» каби шаклларда тилга олиниб, халқ

этимологиясида бу номлар «Тузкон» маъносида талкин этилсада, ammo унинг этимонига аниқлик киритиш учун, аввало, «Наманган» атамасини морфологик жиҳатдан кенгроқ таҳлил этиб, топоним субстрати, яъни асосини аниқ белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир.

Бу борада шуни айтиш керакки, «Наманган» атамаси қандай шаклда тилга олинмасин, у уч компонентли – бўғинли топонимдир. Унинг сўз ясовчи бошбўғини – «На(в)», ўрта бўғини, яъни атаманинг асоси – «ман» ва охириги бўғини, яъни атаманинг сифатдош суффикси «ган» ёки «гон» каби уч шаклдаги алоҳида-алоҳида тугал фикр англатувчи лексемалардан иборат. Наманган топонимини шакллантирган «на(в)», «ман» ва «ган» ёки «гон» каби лексемалар, ўз навбатида, Ўрта Осиё воҳа ва водийларининг тарихий номларида от ясовчи морфема ёки субстрат шаклида бирикиб келади.

Аксарият ҳолларда бундай лексемалар бирикмасида ўзига хос маънони англатувчи топоним ёки гидронимлар юзага келган. Масалан, ўзлаштирилиб, обод этилган янги ерлар ўтмишда «Навза» ёки «Навобод», аҳолиси кўчирма бўлиб, янгитдан қад кўтарган тураржой, мавзе ёки кишлоклар «Нав», «Навди», «Навдих», «Навқад» ёки «Навқат», мевали дарахт ниҳоллари ўтказилиб, барпо этилган янги боғлар «Новбоғ», янгитдан қазилган суғориш тармоқлари «Навқанда» каби номлар билан юритилган.

Агар юқорида қайд этилган «нав» шаклидаги сифатдош морфемали атамалар таркибининг мантиқий таҳлили асосида фикр юритилиб, Наманган топонимининг бош бўғини «нав» талаффузида талкин этилса, шаҳарнинг номи аслида «Навмангон» деб аталганига шубҳа қолмайди. Фикримизнинг қанчалик ҳақиқатга яқин экани борасида X–XII аср ёзма манбаларида Термиз шаҳри атрофида қайд этилган «Чормангон» ва «Сармангон» ҳамда Кармана шаҳри яқинида жойлашган «Худиманкон» ёки Хулм дарёсининг ўнг қирғоғида ўрнашган «Саманган» каби топонимлар-

ни, Наманган атамасига ҳамоҳанг ва маълум даражада унга маънодош туркумдаги тураржой номларини мисол тариқасида келтириш мумкин. Бундай туркум топонимларнинг субстрати «ман» ёки «мон» ва «мин» шаклида бўлиб, уларга форс ва тожик тилларидаги «нав», яъни «янги», «се» – «уч», «чор» – «тўрт», «хар» – («кар») – «ката» ва «сар» маънодаги сифатдош лексемалар бириккан. Бундай атамаларнинг субстрати «ман», «мон» ва «мин» лексемаларга «гон» сўзи бирикиб, «мангон», «монгон» ёки «мингон» шаклидаги морфемалар юзага келган. Шу боис Ўрта Осиёнинг тарихий атамалари рўйхатида «Манкат», «Тарман», «Зерман», «Суман» билан бир қаторда, «Зармон», «Сомон», «Кермон», шунингдек, «мин» лексемали «Замин», «Фамин», «Хушмин» ва «Кармина» каби уч туркумдаги атамаларда учрайди.

Атамаларнинг субстрати шаклида иштирок этаётган «ман» ёки «мон» ва «мин» лексемалари аслида сугдий сўз бўлиб, у «сарой», «кошона», «қароргоҳ» ва «ўрда» маъноларини англатган. Шубҳасиз, Навманган атамасининг бош бўғини «нав» лексемасига «ман» субстрати бирикиши билан ушбу топонимнинг туб маъносини англатувчи «Навман» талаффузидаги шакли юзага келиб, у «Янги сарой», «Ҳашаматли кошона», «Олий қароргоҳ» ёки «Янги ўрда» каби тушунчаларни билдирган.

Тадқиқ этилаётган «Навмангон» атамасидаги «гон» кўшимча лексемаси эса аслида сугдийча «канта» ёки «канда» сўздан ҳосил бўлган. Бу сўзлар «казимоқ», «ковламоқ» ва «ўймоқ» каби маъноларни англатган. Мазкур лексема кўпинча «кан» ёки «кон» ва «ком» шаклларида ифода этилиб, баъзи ҳолларда унинг бош ҳарфи «г» ёки «ж» товушлари билан ўрин алмашган. Шу боисдан Ўрта Осиёнинг дарё водийлари ҳамда деҳқончилик воҳаларининг тарихий географиясида «гон» ва «жон» компонентли атамалар морфема ёки субстрат сифатида алоҳида ажралиб туради. Зарафшон водийси, айниқса, Бу-

хоро воҳаси топоним ва гидронимларининг компонентлари тизимида улар «кон», «кал», «қал», «гон», «ган», «жон» ва «жан» шаклларида қайд этилади.

Масалан, бу туркумдаги топоним ва гидронимлар тизимида Конимуғ, Ҳайдаркон, Кумушкон, Харомкон, Муғкон, Вобкан, Жондар, Арбинжон, Обижан, Сомжан, Миёнқал, Калобод каби жой номлари тилга олинади.

Бу компонентларга бириккан лексемаларда аксарият ҳолларда гидронимлар ифодаланиб, улар жуда кенг маънони билдирган. Шунинг учун бундай шаклдаги компонентли атамаларда сув манбаларининг турлари, катта-кичиклиги ва жойлашган ёки кесиб ўтган ҳудудларни англатувчи дарё, кўл, сой, анҳор, канал ва шоҳариқлар ўз ифодасини топган.

Демак, Наманган ёки Намаккон топонимларига аниқловчи сифатида бириккан «ган» ёки «гон» ва «кон» каби сўзлар, шубҳасиз, дарё ёки сой каби тушунчаларни англатувчи синонимик лексемалар бўлиб, Наманган шаҳри қад кўтарган ҳудуднинг табиий манзарасини ифодалаган. Шундай қилиб, келтирилган топонимик маълумотлар талқини, хусусан, тарихий атамаларнинг субстрат ва от ясовчи морфемаларининг шакли ва мазмунига асосан ёндашилса, тарихда Намаккон деб талқин этилган Наманган шаҳри аслида «Навмангон» талаффузида юритилиб, Фарғона водийсининг бу сўлим гўшаси «Сой бўйидаги Янги сарой»: «Дарё соҳилидаги Янги қаср»; «Сув ёқасидаги Янги қароргоҳ» ва «Сой лабидаги Янги ўрда» каби маънодор номлар билан шуҳрат топган. Шубҳасиз, бундай номдор Навмангон диёримизда ягона маскан бўлмай, балки «Чормангон», яъни «Сув бўйидаги «Тўртсарой»; «Саман (Семан)гон» – «Дарё қирғоғидаги «Учсарой» ёки «Учқўрғон», «Сармангон» – «Сой ёқасидаги Қасрбоши» ёки «Қасролди» ҳамда «Худиманкон» «Дарё соҳилидаги яхши қишлоқ қароргоҳи» каби таърифларни англатувчи топонимларга ҳамоҳанг ва маънодош шаҳар бўлган. Шаҳар сой бўйидаги

янги сарой номи билан шуҳрат қозонган. Чунки XVII асрнинг йигирманчи йилларида Фарғона водийсининг қадим пойтахт шаҳри Ахсикат зилзиладан вайрон бўлгач, унинг аҳолиси Наманган соҳилида янгитдан қароргоҳ барпо этиб, Наманганга кўчиб ўтган.

«Насаф», «Нахшаб» ва «Қашқадарё» – Кеш водийси

Қадимги ва ўрта асрлар ёзма манбаларида қайд этилган «Нахшаб» ва «Насаф» шакллардаги макротопонимлар ва «Қашқадарё» гидроними тарихий Кашк (Кешк) руд водийси ва у суғорилиб обод этилган воҳада қад кўтарган энг қадимги шаҳар ҳамда унинг асосий сув манбаининг номларини ифодалайди. Узоқ йиллар Қашқадарё вилояти худудида муттасил ўтказилган кенг кўламли археологик тадқиқот натижалари ҳамда ёзма манбаларда келтирилган далилий маълумотлар асосида Ўрта Осиёнинг икки дарё оралиғи минтақасида қад кўтарган тарихан энг кўхна шаҳарлардан яна бирининг ёши аниқланди. Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилеи нишонланди. Бироқ Ўрта Осиёда қадимий шаҳарсозлик маданиятининг марказларидан ҳисобланган кўхна Нахшаб ёки Насаб(ф) қаторида манбаларда қайд этилган турли шаклдаги бир қанча шаҳар ва қишлоқлар номларининг асл маъноси ҳамон номаълум. Чунки бундай тарихий топоним ва гидронимларнинг аксарияти табиий шароит, сиёсий ҳамда иқтисодий воқелик тақозоси билан авлодлар талаффузида фонетик жиҳатдан бузилиб, ўз аслий шаклларини йўқотган. Бунинг устига, улар фақат шаҳар номини англантибгина қолмай, балки оби ҳаёт манбаи – дарё, унинг водий ва воҳаси номлари каби бирмунча кенг маънони ифодалаган. Шу боисдан «Нахшаб», «Насаф» макротопонимлари ва «Қашқадарё» гидронимининг этимологик тадқиқоти илмий жиҳатдан мураккаб ва ўзига хосдир.

Нахшаб ва Насаф Қашқадарё вилоятнинг бош шаҳри Қаршининг қадимги ва ўрта асрдаги синонимик номланишидир. «Нахшаб» топоними ёзма манбаларда дастлаб милоддан аввалги IV асрдан бошлаб тилга олинади. Илк ўрта асрларга борганда шаҳар Нахшаб номи билан бир қаторда Насаф деб ҳам атала бошланади. Демак, Қарши шаҳрининг энг қадимий номи Нахшаб шаклида талаффуз этилиб, ўрта асрларда эса у қўшалок номлар: Нахшаб-Насаф деб юритилган.

Академик В.В. Бартольднинг тахминига кўра, қадимги маҳаллий «Нахшаб» атамаси араблар томонидан ўзгартирилиб, «Насаф» шаклида истифода этилган.

Аксарият ёзма манбаларда берилган тафсилотларга қараганда, «Нахшаб» топоними аслан Қашқадарё водийсининг қуйи қисмида шаклланган қадимги деҳқончилик (ҳозирги Қарши) воҳаси ва унинг бош шаҳри сифатида таърифланади. Қадимги Нахшаб шаҳри ҳозирги Қарши шаҳридан 9 км шимоли-ғарбда жойлашган Ерқўрғон шаҳар харобаси ўрнида бўлган. Ёдгорликнинг остки маданий қатламларининг қуйи қатлари милоддан аввалги IX–VIII ва VI–IV асрларга мансубдир.

Археологик қазилмалардан маълумки, шаҳар дастлаб Қашқадарёнинг ўнг соҳили тармоқларидан бирининг бўйида жойлашган ўтrock деҳқончилик қишлоғи ўрнида қад кўтарган. Милоддан аввалги VII асрда шаҳар атрофи илк бор ихота девори билан ўраб олинган. Милоддан аввалги VI–V асрларда шаҳар худуди кенгайиб, аввал ички, сўнг эса ташқи, яъни икки қатор мудофаа деворлари билан мустаҳкамланган. 2,5 км узунликдаги унинг ички девори милоддан аввалги VI асрда барпо этилиб, 35 га дан зиёдрок майдонни ўраб ўтган. 4,5 км ташқи девор эса милоддан аввалги III–II асрларда қурилган. У қарийб 150 га ли шаҳар худудини ўраган.

Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, Ерқўрғон шаҳар харобалари ўрнида қадимги Юнон ва Рим муаллифлари

асарларида қайд этилган Навтака (Навтоқ – А. М.) шаҳри бўлган. Бироқ шуниси эътиборлики, антик дунё солномачилари бу ўлкада Навтакадан ташқари Мараканда, Ксениппа, Басилея ва бошқа қатор шаҳарларнинг номларини ҳам тилга оладилар. Баъзи бир тарихшунос-археологларнинг таъкидлашича, Қашқадарёнинг куйи оқимида Ксениппа воҳаси, подшоҳ қароргоҳи «Басилея» шаҳри эса Ерқўрғон шаҳар харобалари ўрнида бўлган.

Манбашунос Ш.С. Камолиддиновнинг тахминига кўра, «Ксениппа» атамаси, эҳтимол, қадимдан сақланиб қолган ва Ерқўрғон шаҳри харобаларига яқин жойлашган Косон шаҳри номининг бузилган шаклдаги ифодасидир.

Археологик тадқиқотлардан аниқланишича, Ерқўрғон милоддан аввалги II аср охири – I аср бошларида ташқаридан уч қатор мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўралган Ксениппа воҳасидаги иккинчи йирик шаҳар сифатида қад кўтарган. V–VIII асрларда бу янги шаҳар воҳанинг ҳарбий-маъмурий марказига, V аср ўрталарида эса ҳатто кидарийларнинг қароргоҳига айлантирилган. Ушбу шаҳар харобалари Қарши шаҳри темир йўл станцияси ёнгинасида жойлашган. У Қалъаи Заҳоки Морон деб юритилган. Унинг майдони қарийб 250 га тенг бўлган.

Ўрта асрларда Қарши шаҳридан 8 км шимоли-ғарбда жойлашган дарё бандаргоҳи (гидроузел) яқинида юзага (III–IV асрларда) келган кишлоқ қадимги Нахшаб (Ксениппа) воҳасининг марказига айланган. IX–XII асрларда бу маскан ниҳоятда раванқ топиб, Мовароуннаҳрнинг энг гавжум ва обод шаҳарларидан бири, воҳанинг бош шаҳри сифатида шухрат топган. Нахшабнинг бу янги пойтахти Ерқўрғондан 5–6 км жанубда жойлашган Шуликтепа шаҳар харобалари ўрнида қад кўтарган. Унинг майдони қарийб 200 га тенг. X–XII аср ёзма манбаларида мазкур кўркем шаҳар Нахшаб ва Насаф каби қўшномлар билан таърифланади.

Нахшаб–Насаб бу даврда Бухоро, Самарқанд, Кеш ва Бобул-Ғубдин деб юритилган, тўрт дарвозали қалин

калъа девор билан ўралган. Шаҳар кўҳандиз (арк), мадина (шаҳристон) ва рабод (ташки шаҳар) каби уч қисмдан иборат бўлган. Араб географларининг таърифларича, шаҳарни дарё (Кашкруд) кесиб ўтган. Дарё ёқасидаги «Раъсул қантара» (Кўприкбоши) деб аталган жойда «Дорул имора» (ҳоким қароргоҳи) ва қамоқхона жойлашган. Дарёнинг ҳар икки соҳили бўйлаб ястанган тепаликларда кенг рабод қанот ёзган. Жоме масжиди рабодда Ғубдин дарвозасига яқин жойда, унинг қаторида обдон (сувхона) ва таҳоратхонали суфийлар лангари (ғарибхона), масжид билан ҳоким саройи оралиғида бозор жойлашган. Бундай қатор иншоотлар бўйлаб кетган йўл «Сиккат-аз-зухҳад» (Зоҳидлар, яъни дарвешлар сўқмоғи) деб аталган. Бухоро дарвозаси яқинида эса ийд намозгоҳи «мусалла» қад кўтарган.

XII аср муаллифи Абу Саъд Абдулкарим ас-Самъонийнинг таърифлашича, унинг даврида Насаф шаҳри Сиккат-ул-Баён (поён) Қуйи сўқмоқ, Сиккат-ул-Жўйбар (Анҳор бўйи сўқмоғи), Дарб-ул-Вассоф (Маҳобатли дарбоза), Жўбак (Бозорча), Қуйи шарғиён (Шарғликлар қўйи), Хон ул-Баззозин (Бўз тўқувчилар хонаси), Обахона (Сардоба) каби қатор маҳалла ва қўйларга бўлинган. Шубҳасиз, уларни кўча, йўл, сўқмоқлар ва анҳор (канал)лар кесиб ўтган. Шаҳар бўйлаб қудуқлар қазилиб, қувурлар ётқизилган ва лағм (тунел)лар ўтказилган. Хуллас, Нахшаб-Насаб IX–XII асрларда тўрт дарвозали мустаҳкам мудофаа девор билан ўралган, қатор хунармандчилик маҳалла-қўйлари, жоме масжиди, номозгоҳ, қарвонсарой ҳамда анҳор, обдон, кўприк, қудуқлари каби сув иншоотию тармоқлари барпо этилган каттагина гавжум ва кўркам шаҳарлардан ҳисобланган.

«Луғатномаи Деххудо» номли кўп жилдли, форсий изоҳли луғатда «Нахшаб» топонимига – Туркистон шаҳарларидан бирининг номи туркийча Қарши деб юритилади. Бу шаҳар Қашқадарё ҳавзасида жойлашган. У ноз-неъматларга сероб, дехқончилик ерлари кенг ва

кишлоқлари кўп обод шаҳардир. Аҳолиси гавжум бу азим шаҳар Мовароуннахрнинг энг йирик, энг кўркам ва энг машхур шаҳарларидан... деган қисқа ва маънодор изоҳлар берилиб, Нахшаб – Насабнинг тарихий-географик манзараси ифодаланган.

XIII аср бошларида Мовароуннахрнинг кўпгина шаҳар ва кишлоқлари қаторида Насаф Чингизхон кўшинлари томонидан вайрон этилган бўлсада, аммо бу ўлка мўғул нўёнларининг ёзги дам оладиган маскани ва қароргоҳига айлантирилади. XIV аср бошларида эса Капакхон (1318–1326) Насафга яқин жойда сарой қурдиради ва у Қарши номи билан юритилади. Кўп вақт ўтмай, сарой атрофи обод этилиб, у «боғлар ва ариқлар ила қуршалган мўъжаз шаҳар...»га айланади. Амир Темур Қарши шаҳрининг қалъа деворини қайта тиклаб, уни мустаҳкамлайди ва жомеъ масжид қурдиради. Натижада Қарши тез ривожланиб, Қашқадарё вилоятининг эътиборли шаҳарлари сифатида шаклланади.

Қашқадарё вилоятида қад кўтарган Нахшаб – Насаф – Қарши номлари билан шухрат топган шаҳарнинг юзага келиши, шаклланиши ва ривожланиш тарихига оид ёзма ва археологик маълумотлардан маълум бўлишича, улар дарё адоғида жойлашган воҳанинг гидрографик ҳолати ва тарихий воқеликларнинг кучли таъсири остида шаклланган воҳанинг ягона бош шаҳрининг номланишидир. Аслида бу тарихий маскан асрлар давомида табиий шароит, ижтимоий-сиёсий сабабларга кўра ҳаёт тақозоси билан бир неча бор жойдан-жойга силжиб, ҳатто номланиши ҳам шаклан ва мазмунан ўзгариб борган.

Дастлаб, милoddан аввалги IV асрда шаҳар Никшапа, Хитой манбаларида (IV – VII аср) Нашеболо ва Нашебо, ўрта аср ёзма манбаларида Нахшаб шаклларида қайд этилган. Қандай шаклда ёзилишидан қатъи назар, ушбу тарихий топоним икки бўғиндан иборат бўлиб, унинг биринчи бўғинида «Никш», «Наш» ва «Нахш», иккинчисида эса «апа», «ебо», «еболо» ва «аб» шакллардаги лексемалар

бирикмасидан ҳосил бўлган. Бу лексемалар имло жиҳатдан ўз замонида тўғри ифодаланган бўлса-да, аммо кейинчалик авлодлар талаффузида, маълум даражада бузилиб, шаклан ўзгариб кетган. «Никш», «наш» ва «нахш» каби иборалар ўзбек ва тожик адабий тилида «нақш» шаклида ифода этилиб, «чизик», «ўйик», «тасвир», «расм», «ёзув» каби маъноларни англатади. Тасвирий санъат ва бадий адабиёт тарихи саҳифаларида «Нақши чин» – зийнатли тасвир, хитойча нақш, «Нақши монавий» – Моний чизган расм, «Нақши Хотам» – муҳрга ўйилган ёзув, узук кўзига ўйилган муҳр каби чуқур маъноли қисқа иборалар ва «Нақшбанд» – нақш солувчи; «Нақшбин» – нақшга қаровчи; «Нақшбоз» – ўйинчи, ҳийлагар; «Нақшгир» – нақш ясовчи; «Нақшпайванд» – наққош, нақшли; «Нақш-соз» – сураткаш, гул солувчи маъноларни англатувчи атамалар учрайди.

«Нахшаб» топонимининг иккинчи бўғинидаги «апа», «ебо», «еболо» ва «аб» лексемалари форс-тожик тилларида «об», хоразмча «ёп» сўзларининг бузилган шакллари бўлиб, дарё, сой, анҳор ва канал каби маънолардаги сув манбаларини ифодалаган.

Демак, қадимги «Нахшаб» номи «нақш» ва «об» лексемалар бирикмаси асосида «Нақшоб» шаклида юзага келган. Шубҳасиз, атама рамзан «сув» ёки дарё қолдирган нақш, из, ўйик ва тасвир» маъноларини англатса-да, аслида мантиқан «дарё ҳавзаси» ёки «дарё водийси»ни ифодалаган. «Нахшаб» атамаси, дастлаб Қашқадарё водийсининг энг қадимий гидроними сифатида юзага келган. Сўнгра дарё қуйи оқимидаги даштлик ерлар суғорилиб обод этилгач, бу ном воҳа номига айланган. Мазкур воҳада бош шаҳар қад кўтаргач, унинг номи бўлиб қолган. Хуллас, Қарши қадимда «Нақшоб водийси шаҳри» номи билан шуҳрат топган.

«Насаф» топоними ва унинг этимони борасида аввало шуни таъкидлаш жоизки, илмий адабиётда мазкур

атама Нахшаб номининг ўзгартирилган шакли деган тахминдан ўзга аниқроқ маълумот у ёқда турсин, ҳатто халқ этимологияси билан боғлиқ бирор ривоят ҳам тилга олинмайди. Шу боисдан «Насаф», айниқса, унинг этимони ҳақида муайян фикр юритиш амри маҳол. Шундай бўлсада, Қашқадарёнинг куйи оқимида шаклланган Нахшаб воҳасининг қадимги гидрографияси, сув манбаининг мавсумий ва даврий тошқинлари ҳамда бош шаҳар (Нахшаб, Насаф ва Қарши) нинг асрлар давомида бир неча бор жойдан жойга силжиши каби тарихий манзара омиллари, шубҳасиз, «Насаф» топонимининг юзага келиши ва унинг қандайдир маънони англатишидан далолат беради.

Фикримизча, дарё адоғида шаклланган Қарши воҳасининг сертармок гидрографияси ва панжадек шохлаган суғориш каналлари бўйлаб қад кўтарган ўтроқ кишлоқларда хунармандчилик шаҳарларининг жойлашган ҳудудининг камрови бу ўлканинг «Насаб» деб номланишига ва унинг маъносини маълум даражада белгилайди. Тахминга кўра, «Насаф» топоними аслида «Нас(р)об» шаклида айтилган. Сўнгра аҳоли талаффузида «р» ҳарфи тушиб қолиб, у Насаф деб юритилиб келинган. «Наср+об» шаклда у «тарқоқ, ёйилган сув», «ёйиқ дарё», «дарё адоғи» каби маъноларни англатади. Бизнингча, бундай талқин Қарши воҳасининг гидрографияси, аҳоли яшайдиган тураржойлари, шу жумладан Қарши шаҳрининг тарихий манзарасига монанддир. Бизнингча, Насаф топоними Нақсаб атамасининг фонетик бузилган шакли бўлиб, у «сув йўли», ўзан, яъни водий маъносини англатган гидротопоними бўлиши эҳтимолга яқиндир.

«Қашқадарё» гидроними, шу номдаги водий, ўлка ва вилоят ҳамда Нахшаб, Насаф, Қарши ва Кеш – Шаҳрисабз каби қадимги шаҳарлар қад кўтарган тарихий диёрнинг номланишидир. Илмий адабиёт, жумладан баъзи топонимик луғатларда «Қашқадарё» атамаси икки бўғин – «Қашқа» ва «дарё» сўзларига ажратилиб, мазкур гидро-

нимининг ясалишда иштирок этган «қашқа» лексемаси билан бир қаторда «каш», «кош», «қош» ва «кеш» шакллардаги бирикмалар келтирилиб, уларнинг этимологияси ҳақида турли фикр ва мулоҳазалар айтилади ҳамда таснифланади.

Баъзи тадқиқотчилар гидронимнинг асосини «қашқа» сўзи ташкил этади, «қашқа» лексемаси – «қақшамок», «қуриб қолмоқ» каби маънони билдиради деган фикрни айтсалар, атоқли географ Х. Ҳасанов «дарё Қарши шаҳри худудидан оқиб ўтгач, унинг суви камайиб, ўзани олачалпоқ – «қашқа» ҳолига келгани боисидан у Қашқадарё номи билан аталган» деб ёзади. Топонимист С. Қораев эса ўз тадқиқотларида «қашқа» сўзини маъносини бир неча гуруҳларга (этноним, гидроним ва оронимларга) ажратиб, уни «суви тиниқ ёки тез оқар», «айрим ёлғиз тепа тоғ демақдир» деб изоҳлайди.

Шуни таъкидлаш жоизки, «Қашқа» ибораси бир бўгинли яхлит лексема эмас, балки икки сўздан иборат атамадир. Аслида у, бизнингча, «Кашкўҳ» яъни («каш+кўҳ») шаклида ифода этилиб, гидронимни эмас, балки оронимни, яъни Қаштоғи маъносини англатган. Қаштоғидан бош олган сойни белгилаш учун ушбу атамага «руд», яъни дарё сўзи бириктирилиб, тадқиқ этаётган гидронимининг аслий шакли – «Кашкўҳруд» юзага келган. Аҳоли талаффузида «Кашкўҳруд» шакли фонетик жиҳатдан ўзгариб, Кешкруд, Кешруд ва Қашқаруд каби шаклларда истифода этилган. Кейинги асрларда гидронимнинг охириги бўғинидаги «руд», «дарё» сўзи билан алмаштириб, «Қашқадарё» номи ҳосил бўлган. Демак, «Кашкўҳруд, Ҳашқаруд ва Қашқадарё» гидронимлари уч бўғиндан: «Каш» ёки «Кеш» ва «Ҳаш» + «Кўҳ (қа)» + «руд» ёки «дарё» сўзларининг бирикмасидан шаклланган. Бу борада В.В. Бартольд ҳақиқатга яқин фикрни айтган. Унинг асарларида келтирилган маълумотлардан аён бўлишича, Қашқадарё атамаси «Кешкруд» номининг фонетик ўзгариши оқибатида

юзага келган. Қадимда Кашкруд Нахр ул-Кассорин номи билан юритилган. Ибн Хавқалнинг ёзишича, дарё Сиём тоғидан бош олган.

Шундай қилиб, «Қашқадарё» гидроними қадимда Сиём, сўнгра Кашкўх, яъни Кеш тоғидан бош олган дарё Кашкруд ёки Нахр ул-Кассорин номлари билан юритилган. Шубҳасиз, Кашкўхруд, Кешкруд, Ҳашқаруд ва Қашқадарё каби синонимик гидронимларнинг шаклланиши ушбу номдаги водийда Каш ёки Кеш (Шахрисабз) шаҳрининг қад кўтариб, шуҳрат топиши билан бевосита боғлиқдир. Қашқадарё водийси эса қадимда Накшиоб – Нахшаб деб юритилиб, бу ўлканинг юқори қисмида ўтроқ деҳқончилик Кеш воҳаси шаклланиб, унинг бош шаҳри Кеш – Каш, қуйи қисмида эса Нахшаб – Насаф воҳаси ҳамда шу номлар билан шуҳрат топган унинг Марказий шаҳри – ҳозирги Қарши қад кўтариб, обод бўлган.

Фарғона – водий демақдир

Фарғона тарихда Туркистон – Ўзбекистон диёрининг дурдонаси сифатида шуҳрат топган водий бўлиб, бу гўзал ўлкада жойлашган Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари қад кўтарган кўркам ҳавзанинг номидир.

Фарбдан шарққа қарийб 300 км, кенглиги 150 км ли майдонда ястанган Фарғона водийси шимол, шимоли-шарқдан Курама ва Чатқол, шарқдан Фарғона ҳамда жанубдан эса Олой тоғ тизмалари билан ўралган. Бу тоғлар оралиғи бўйлаб Норин ва Қорадарёларнинг қўшилишидан ҳосил бўлган дунёдаги энг узун (2220 км ли) серсув Сирдарё – тарихий Сайхун оқиб ўтади.

Мазкур водий теварак-атрофини ўраган тоғ тизмалари ва улардан оқиб тушадиган дарёю сойларнинг оқизинди ётқизикларидан водийнинг ландшафти шаклланган, минералларга бой ҳосилдор ер майдони юзага келиб, табиатан ниҳоятда бой ўсимлик ва ҳайвонот дунёси яратилган.

Археологик тадқиқотлардан маълумки, бу диёрда қадим замонлардан бошлаб одамзод яшаб келган. Замонамиздан 3–3,5 минг йил муқаддам инсониятни муттасил рўзғорини бут қилган деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик каби бунёдкорлик ҳўжаликларга асос солиб, ҳаётий меҳнат тарзини тубдан ўзгартирган. Аввал тураржой, сўнгра эса қишлоқ ва шаҳарлар қад кўтарган. Деҳқончилик воҳалари ҳамда чорвачилик эл-юртлари шаклланиб, туману вилоятлар ва ўлкаю мамлакатлар ташкил топган.

Ўтмишда Фарғона водийсида муқим қарор топган барча қишлоқ ва шаҳарлар қаторида Андижон, Избоскан, Марғилон, Наманган, Фарғона, Кува ва Қўқон каби тарихий масканларнинг қад кўтариши ва номланиши, шубҳасиз, аввало, аҳолисининг асрлар давомида амалга оширган машаққатли меҳнатию ақл-заковати билан боғлиқ бўлиб, табиати ва иншоотларининг сифатлари билан уйғунлашган. Тарихий манбаларда «Фарғона» атамасининг юзага келиши ва унинг маъноси ҳақида турли нақл ва ривоятлар келтирилади. Масалан, тўрақўрғонлик муаррих Исҳоқхон Жунайдуллохожа ўғли Ибратнинг «Фарғона тарихи» номли китобида келтирилган ривоятда айтилишича, Искандар Зулқарнайн (мил. авв. 356–323) замонида унинг фармони билан Фарғона баҳодир исмли шахс Фарғонага асос солган. У ҳар бир шаҳарнинг ҳар хонадонидан одам олиб, ушбу ҳудудга жойлаштирган. Шу боис ушбу маскан аввал «ҳархона» сўнгра эса «пархона» ва «парғона» шаклларида юритилиб, кейинчалик «Фарғона» деб шуҳрат топган экан. «Ажойиб ул-булдон» китобида нақл этилишича, Фарғонанинг аксар жойлари сосонийлар ҳукмдори Хисрав Ануширвон (Нуширвон) (531–579) даврида обод этилган экан. Бундай ривоятларда келтирилган жой номлари ва уларнинг маъноси шак-шубҳасиз, халқ этимологиясидан иборат, холос.

Фарғона – энг қадимий тарихий номлардан ҳисобланади. Ушбу топоним дастлаб VIII асрга оид суғдий ҳуж-

жатлар, Тарихи Табарий, Худуд ул-Олам китоблари ва араб географлари Ибн Ҳавкал, Истахрий, Мукаддасий ҳамда Самъоний асарларида ўлка номи сифатида келтирилади. Суғд хужжатлари тадқиқотчиларининг аниқлашича, мазкур гидротопонимнинг қадимий шакли «Фрагана» ёки «Фарагана» бўлган. Атокли этнолог шарқшунос М.С. Андреевнинг фикрича, атама форс-тожик тилида «паркан ёки паркани» талаффузида юритилиб, у «атрофи берк водий» деган маънони англатган. Ўрта асрларда яшаган араб муаллифларининг асарларида эса, у «Фарғона» шаклида, яъни «Водий» деб қайд этилган.

Қадимги ва ўрта асрларда битилган Хитой солномаларида Фарғона атамаси хитой тилига таржима этилиб, у «Дайюан» деб, кейинчалик эса қисқача «Даван» каби шаклларда қайд этилган. Хитойшунос А. Абдурасул ўғли ва А. Хожаевларнинг таъкидлашича, ушбу атама фақат ўлка ёки шаҳар номларинигина англатмай, давлат ва унинг ҳукмдорларини ҳам ифодалаган. Масалан, «Дайюан» атамаси «Катта бўстонлик»; «Дайюан Гў» – «Фарғона давлати»; «Юанченг» – «Юан шаҳри» ва «Юанван ченг» эса – «подшо қароргоҳи, яъни пойтахт шаҳар» демақдир.

А. Хожаевнинг ёзишича, «да», «дай» ёки – «дат» иероглифлари «катта, улуғ, улкан» каби, «Юан», «Юн» ва «Юй»лар эса – «атрофи тоғ ва адирликлар билан ўралган ҳавза» маъносини билдирган. Хитой ёзма манбаларида таърифланишича, Фарғона водийси худудининг тевараги қадимда 10 минг ли (500 км) узунликда бўлиб, тўрт томони тоғлар билан ўралган. Демак, Хитой манбаларидан аён бўлишича, «Юан» – Фарғона, «Дайюан» атамаси эса «Катта Фарғона» деб икки тарзда қайд этилган.

Фарғона топоними тилшунослик жиҳатидан икки бўғинли номдир. Унинг биринчи бўғини «фар» ёки «пар» шаклларида, кейингиси эса «гон», «ган», «кон» ва «кан» каби иборалар тарзида қадимий тарихий макротопонимларнинг таркибида субстрат ёки морфемалар сифатида

учрайди. Икки хил туркумдаги бундай сўзлар сугдий, форс-тожик ва ўзбек тилларидаги атамаларда кенг истифода этилган.

«Фар» ёки «пар» шакллардаги лексемалар – тушмоқ, энмоқ, инмақ, пастламоқ каби маъноларни билдирган. Топонимнинг иккинчи бўғинидаги «ғон», «ган», «кон» ва «кан» каби сўзлар эса – дарё, сой, ҳавза ва водий тушунчаларини билдирган. Таққослаш учун қуйидаги топоним ва гидронимларни келтириш мумкин: Масалан, Фароб – соҳил, қирғоқ, сув бўйи; Фаробдиз ва Фаровиз – дарё ёқасидаги қалъа ёки истехком; Паркан – Паркон – сувлот; Паркат – қуйи қишлоқ; Партов (Палтов) – ташлама (ер ёки сув); Шунингдек, Наманган – сой бўйидаги янги сарой; Ҳайдархон – азим дарё; Харомкон – сер сувли анҳор каби қатор тарихий атамалар шулар жумласидандир.

Демак, Фарғона топоними борасида келтирилган барча турдаги синонимик макротопоним ва гидронимларнинг лисоний ва топонимик таҳлилидан аён бўлишича, Фарғона номи – «тоғ тизмалари оралиғидаги дарё ҳавзаси»; Захриддин Муҳаммад Бобур ибораси билан айтганда – «дарёнинг қия икки ўрчини», яъни «Водий» ёки «Улкан ҳавза» демакдир. Хитой манбаларида «Дайюан», яъни Катта Фарғона ёки «Даван» деб қайд этилган давлатнинг қадимги пойтахти Эрши деб юритилган. Ўрта асрлардаги ёзма манбаларида Фарғона бош шахрининг маҳаллий номи «Хашкад» ёки «Хушканд» шаклларида талаффуз этилган. Бу атама «яхши шаҳар», «латиф шаҳар» маъноларини англатган, IX аср муаллифи Балазурий эса Фаргонанинг ўрта асрлардаги пойтахти Ахсикатни «Хушкат» шаклида қайд этади. Ушбу далилий маълумотлардан маълум бўлишича, Фарғона давлатининг пойтахти «Хушкат» ёки «Хушканд» номи билан юритилган. Бу атама эса «яхши, латиф ва гўзал» каби маъноларни билдирган. Ушбу бош шаҳар ўрта асрларда Ахсикат номи билан шуҳрат топган. Шу боисдан Абу Саъд ас-Самъоний Ахсикатни Фарғона

водийсининг энг гўзал ва покиза шахри сифатида таърифлаган. Ёкут Ҳамавийнинг ёзишича, у Шош (Сир) дарёсидан бир фарсах (6–7 км) шимолда тоғ тизмалари оралиғидаги сайҳонликда жойлашган.

Хитой солномаларида Эрши шаклидаги иероглиф билан битилган Фарғона пойтахти – Хушканд милоддан аввалги 104–102 йилларда Хитой императори томонидан қилинган ҳарбий юришлар оқибатида вайрон этилгач, пойтахт «Гуйшан», яъни Қавабат – Қайбод (Кува) шахрига кўчирилган. Ушбу атамалар ҳукмдор қароргоҳи, яъни пойтахт маъносини билдирган.

Ушбу тарихий шаҳарнинг харобалари замонамизгача сақланган. Бу археологик ёдгорлик Эски Аҳси деб юритилади. Ўтган асрнинг 60-йилларидан Аҳсикат харобаларида қазишмалар ўтказилиб, тадқиқ этилди. Натижада Фарғона давлати пойтахти жойлашган ўрни масаласида тарих фанида узоқ вақт мобайнида давом этиб келаётган муаммоли тортишувларга биров бўлса-да ойдинлик киритилди. Бу борада ўз фикр ва мулоҳазаларини баён этган тадқиқотчиларнинг «Эрши» – «Аҳси» ҳамда «Гушан» – «Кува» масаласи бўйича айтган фаразлари топономик, лингвистик ва тарихий тадқиқотлар уйғунлигида ўз тасдиқифодасини топди. Юанчэн – Хушкат, Аҳсикат ва Қавабат шакллардаги топонимлар «яхши, латиф ва гўзал» сифатлари билан ўтмишда машхур бўлган. Демак, Фарғона водийси ва унинг пойтахтлари «Гўзал водийнинг латиф шаҳарлари» номи билан тарихда шуҳрат қозонган.

Кува – Фарғона пойтахти

Ўрта асрлар ёзма манбаларида Кубо номи билан қайд этилган Кува Фарғона водийсида қад кўтарган энг қадимги шаҳарлардан бири. Кува шахрининг барпо бўлиши ва уни номланиши ҳақида турли ривоятлар мавжуд. «Фарғона тарихи» асари муаллифи Исҳоқхон Жунайдуллохожа

ўгли Ибратнинг (1862–1937 й.) ёзишича, Кубо шахри подшо Кубод хукмронлик қилган даврда қад кўтаргани боис шаҳар унинг номига қиёсан Кубод деб номланган. Кейинчалик эса ундаги «д» ҳарфи туширилиб у Кубо деб юритила бошланган. «Авом уннослар... оғизда Кува дерлар. Кува (сўзи)ни ҳеч маъноси йўқ». Дарҳақиқат, ўрта аср муаллифлари Ибн Ҳавқал, Истахрий, Муқаддасий, Ёкут Ҳамавий, Самъоний ва бошқаларнинг асарларида Кува Кубо шаклида келтирилади.

Фарғона водийси, Даван давлати, Кува ва Кувасой тўғрисида дастлабки маълумотлар милоддан аввалги II асрга мансуб Хитой манбаларида келтирилган. Манбашунос А. Хожаевнинг аниқлашича, Фарғона водийси Дайюань (Катта Фарғона), унинг пойтахти Юаньчэн (Фарғона шахри) номлари билан юритилган.

Фарғона давлати Хитойдан 10 минг ли (5 минг км) ғарбда жойлашган. Унинг 70 дан зиёд шаҳарларида бир неча юз минг аҳоли яшаган, шоли, бугдой етиштирилган ва узумдан мусаллас тайёрланган. Унда уюр-уюр зотли чопқир тулпор отлар боқилган ва кўпайтирилган. Шаҳар унинг ташқарисидан оқиб ўтадиган сойдан бош олган шохариқ орқали сув билан таъминланган. Шаҳристон ва арк худудида қудуқ ёки ҳовуз каби сув манбалари бўлмаган. Давлат аскарлари ўқ-ёй, найза билан қуролланган, от устида камондан ўқ узишга моҳир бўлган.

Хитой императори У-ди (мил. авв. 140–87 й.) хукмронлик даврида хунларга қарши иттифоқ тузиш мақсадида Фарғона орқали ғарбий давлатларга бир неча бор махсус элчи ва катта савдо қарвонлари жўнатади.

Милоддан аввалги 125–124 йилларда Хитой элчиси Жон Чянь, ҳатто Даван давлатининг хукмдори Мугуа қароргоҳида бўлиб қайтади. Милоддан аввалги 104–102 йилларда эса хитойликлар водийнинг зотли тулпорларни қўлга киритиш баҳонасида икки мартаба катта (60 минглик) қўшин билан Фарғонага бостириб қирадилар.

Пойтахт 40 кундан зиёд қамалда тутиб турилади. Шаҳар сувсиз қолдирилиб, ташқи деворга рахна урилгач, у ишғол этилади. Хитой манбаларида берилган баъзи маълумотлардан маълум бўлишича, сувсиз қамалда тутиб туриш йўли билан пойтахтни мажбуран таслим этиш мақсадида император ҳатто дарё оқимини тўсиб уни боғлайдиган махсус мутахассис гидротехникларни қўшин билан Фарғонага йўллаган. Бироқ ривоятларга қараганда, хитойликлар Куvasойни боғлаб, оқимни тўсишни уддасидан чиқа олишмаган. Ҳар икки томон учун ҳаёт-мамот кураши авж палласига кўтарилган вақтда Кува ҳукмдори қизининг севгиси мудофаачиларга панд бериб, хитойликларга қўл келган экан. Чунки Хитой саркардасини севиб қолган малика машуқиға йўллаган мактубида «висолимга етишмоқни истасанг, сойга бир қанор сомон оқиз», деган сўзлар битилган экан. Куvasойга сомон оқизилиб, у сой гирдобига тортилиб кетган жойдан пойтахтга икки тош (12 – 14 км) масофа бўйлаб ётқизилган ер ости қувурларининг оғзи аниқланиб, сув йўли тўсилгач, шаҳар сувсизликка маҳкум этилган экан.

Илк ўрта аср Хитой манбаларида Кува Дайюань (Даван) давлатининг Эрши (Ўш), Юй (Ўзган), Юань (Фарғона) каби тарихий шаҳарлари қаторида Гуйшан ва Квэйсан (Куvasой) каби шаклларида Кува тилга олинади. Бу даврда Кува Фарғона давлатининг маркази ҳисобланган Гуйшанда 60 минг оила, яъни 300 минг нафар киши яшаган. Аскарликка яроқли 60 минг нафар ўғлон сафга тортилган. Давлат подшо, вазир ва унинг ёрдамчилари томонидан бошқарилган. Бу даврда Кува кенгайиб, у қўҳандиз (арк), шаҳристон ва рабод каби уч қисмдан иборат бўлган. Шаҳар тевараги икки қатор баланд ва қалин мудофаа деворлари билан ўралган. Рабодда баландлиги 3,5 м ли яхлит тагкурси устида будда ибодатхонаси қад кўтарган. Ибодатхонанинг току равоқларида будданинг маҳобатли ҳайкали ўрнатилган.

Ибодатхона VIII аср бошларида араблар томонидан вайрон этилган. IX–XII асрларда Кува обод этилиб, равақ топган. Кувада комусий олим Аҳмад Фарғоний, Абу Бакр Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарини арабчадан форс-тожик тилига ағдариб, кўшимчалар билан уни тўлдирган муаррих Абу Аҳмад ал-Кубовий, шоир Рукниддин ал-Кубовий каби машхур мутафаккирлар етишиб чиққан. Шу боис IX–XII аср араб географлари асарларида Кува Фарғонанинг йирик, кўркам ва обод шаҳри сифатида таъриф этилади. Ёқут Ҳамавий Кувани катта шаҳар деб атайди. Истахрийнинг таъкидлашича, катталиги жиҳатдан Кува Ахсикатдан кейин иккинчи шаҳар ҳисобланса ҳам, сувга сероблиги ва боғларнинг кўплиги билан ҳатто Ахсикатдан устун ва унга нисбатан кўркам ҳамда покизароқ бўлган.

Ибн Ҳавкалнинг ёзишича, Кува шаҳри ўша вақтларда оқими Сайхун (Сирдарё) гача етиб борадиган шу номдаги анҳор (Кувасой) соҳилида қад кўтарган. Шаҳарнинг марказида Регистон майдони, кўҳандизда жума масжиди, рабодида эса сарой, қамоқхона ва бозорлари жойлашган. Кува мўғуллар истилоси оқибатида вайрон этилиб, XIV–XVI асрларда қасаба шаклидаги масканга айланган.

Кува харобалари тепа шаклида сақланган. Аҳоли ўртасида у «Шаҳристон» номи билан юритилади. Майдони 12 га (ўз вақтида 100 га дан зиёдроқ бўлган). Кувада ҳунармандчилик (кулолчилик, темирчилик, шишапазлик) ривож топиб, танга зарб этилган. 1956–1958 йилларда Я. Ғуломов раҳбарлигида археологик қазишлар ўтказилиб, Шаҳристон ва аркида тураржой харобалари, маданий қатламлари ва VII–VIII асрларга мансуб будда ибодатхонаси вайроналари қазиб ўрганилган. 1998 йилда эса Шаҳристонни уч дарвозаси, Кува атрофидан 21 та археологик ёдгорликлар қайд этилиб, Куванинг остки қатлами (8,2 м чуқурлик) дан милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг иккинчи ярмига онд сопол идиш бўлаклари топилди.

Манбалардан маълумки, Кува шаҳри Фарғона водийсининг қадимий шаҳарларидан бўлиб, дастлаб у Хитой битикларида Юаньчэн – Фарғона шаҳри номи билан юритилган. Милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг охири асрларида Даван – Фарғона давлати ташкил топгач, Гуйшан ва Квэйсан (Кувасой) соҳилидаги шаҳар унинг пойтахти сифатида юритилган. У ўрта асрларда дастлаб Кубод ва Кубо деб аталиб, кейинчалик Кува шаклида талаффуз этилган.

Кува атамаларининг лингвистик ва топонимистик таҳлилидан кўринадики, бу ном аслида «Қавийбод», «Қавабод» ёки «Кайбод» шаклларида талаффуз қилинган. У кейинчалик авлодлар талаффузида ўзгариб кетган. Атама икки бўгинли – «қавий», «қава» ёки «кай» ҳамда «бод» ёки «бот» ва «бат» иборалари бирикмасида шаклланган. «Қавий, қава ва кай» ушбу топонимнинг асоси бўлиб, «бод» эса унинг от ясовчи суффиксидир. Бу қадимий эронча сўзлар «улуғ», «зўр», «забардаст» ва «мартабали» йўлбошчи, етакчи, сардор, бошлик, ҳоким ва шоҳ (подшоҳ) каби маъноларни англатган. «Кай» ва «қавий» каби синонимик сўзларга «бод» ёки «бот» иборасининг бирикиши билан атама «Кайбод» ёки «Қавийбат» шаклларида ифода этилиб, у «кай» ёки «қавий»ларнинг қароргоҳи, тождор ҳукмроннинг каёний тахти ўрнатилган қаср ва мамлакатнинг бош шаҳри – пойтахти маъносини билдиради. Демак, Кува аслида «Кайбод» ёки «Қавийбот» номи билан аталган. Қадимги Фарғона давлати – Даван илк пойтахтининг бундай номланиши, шубҳасиз, узок ўтмишда «кай» ва «қавий» даражотлари билан улуғланган етакчи йўлбошчиларнинг юқори мартабали мавқеига монанд бўлиб, уларнинг олий даражасига қиёсан «кай» ва «қавий»лар қароргоҳи ва пойтахти каби маъноларни билдирган. Хуллас, Кува шаҳрининг номи подшоҳ қароргоҳи ва мамлакат пойтахти маъносини англатади. Кува («Кайбод») пойтахт демакдир.

Хива – Полвонёпми ёхуд азим дарё?

Хоразм вилояти пойтахти Хива шахрининг ёши аниқланиб, санаси белгиланган бўлса-да, «Хива» номи ва бу атама остида яширинган маъно ҳамон сирлигича қолаётир. Атамашунослар ўргасида ҳам Хива номининг қандай шаклда ёзилиши борасида ягона фикр мавжуд эмас. Ваҳоланки, бу кўҳна шаҳарнинг номи қадимги Хоразм аҳли талаффузида шаклланган унинг қатор топонимларида Амударё ҳавзаси, хусусан, Хива жойлашган ҳудуд, сув манбаи, атрофидаги кумликлардан иборат ажойиб табиатида ўзиньякосини топган. Ҳатто Хива номининг ўзи шаҳар аҳлининг қадимий тили ҳақида ҳам сўзлайди.

Хива Туронзаминнинг энг кўҳна шаҳарларидан ҳисобланади. Хоразм диёрининг бу гўзал шарқона шаҳри Самарқанд, Бухоро, Термиз, Нахшаб (Қарши), Тошкент ва Марғилон каби қадимий ва бой тарихга эга. Ўтмишда Хоразм воҳасининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида муҳим аҳамият касб этган бу тарихий шаҳарнинг номи X асрдан бошлаб ёзма манбаларда тилга олинади. Ўрта аср манбаларида у Хайвак, Хивак, Хива, Рамл шаклларида қайд этилади.

X аср араб географлари Истахрий, Ибн Ҳавқал ва Муқаддасий асарларида Хоразмнинг ўша даврдаги йирик шаҳарларининг каттагина рўйхати келтирилади. Бу рўйхатда Хива шаҳри ҳам қайд этилиб, у тўғрисида баъзи бир аниқ маълумотлар берилади.

Масалан, Истахрий «Китоб ал-масолик ва-л-мамолик», (Йўллар ва мамлакатлар ҳақида китоб) номли асарида Хоразмнинг ўша вақтлардаги йирик шаҳарларидан ўн учтасини номма-ном келтиради. Шу жумладан, Кас, Даргон, Ҳазорасп, Хива, Хушмисан, Ардахушмисан, Сафардиз, Нузвар, Кандаронхас, Кардар, Қарйа Барантегин, Мадминия ва Журжания шаҳарлари санаб ўтилган. Бу рўйхатда тўртинчи ўринда киритилган Хива шаҳри ва унинг теварак-

атрофидаги экинзор обод ерлар Омулдан (Чоржуй), куйида Жайхун (Амударё) дан бош олган шу номдаги каналдан суғорилган. Бу анҳор Ҳазорасп ва Кандаронхас номли суғориш тармоқларидан кенгрок бўлиб, кемалар анҳор бўйлаб то Хива шаҳригача бемалол қатнаган.

Қадимги Хоразм шаҳарлари, хусусан, Хива тўғрисида Х аср географлари орасида, айниқса, Муқаддасий бирмунча тўлиқрок маълумот берган. У Хоразмнинг ўттиздан зиёд йирик шаҳарларининг номларини бирма-бир келтиради. Муқаддасий уларни Амударёнинг ўнг ёки сўл қирғоқлари бўйлаб жойлашганига қараб икки гуруҳга ажратади. Унинг ёзишича, дарёнинг ўнг соҳилида Кас, Гардман, Ойхон (Вайхон), Аразхива (Ардахива), Нукфағ, Кардар, Миздахон, Жашира, Садвар, Зардух, Қарйа Барниянтегин ва Мадминия каби 12 та шаҳар қад кўтарган экан. Амударёнинг сўл қирғоғи бўйлаб эса Журжания, Нузвар, Замахшар, Рузанд, Вазарманд, Даскахонкас, Рахушмисан, Мадамисан, Хива, Кардаронхас, Ҳазорасп, Жигарбанд, Жуз, Даргон, Жит (Ғит), Кичик Журжания, Иккинчи Жит, Садфар, Масасан, Кардар ва Андарастан каби 21 та шаҳар жойлашган экан. Қизиғи шундаки, Муқаддасийнинг Хоразм шаҳарлари рўйхатида ном жиҳатидан бир-бирига яқин икки шаҳар: сўл қирғоқдаги Хива ҳамда ўнг соҳилдаги Арзахива шаҳарлари тилга олинади. Агар Муқаддасийнинг ушбу маълумотига асосланилса, Х асрда Хоразмда Хива номи билан аталган икки шаҳар: биринчиси Амударёнинг ўнг қирғоғида бунёд этилган Арзахива ёки Ардахива, иккинчиси дарёнинг сўл қирғоғида қад кўтарган Хива шаҳри мавжуд бўлган.

Муқаддасийнинг таърифлашича, сўл қирғоқдаги Хива шаҳри дашт чегарасида, дарёдан чиқарилган анҳор бўйида жойлашган йирик шаҳар бўлган. Шаҳарда муҳташамгина жоме масжиди барпо қилинган. Хиванинг атрофи эса мудофаа девори билан ўралган. Хоразмда, шу жумладан Хивада ҳам узум ва кунжут етиштирилган, магиз мўл бўлиб,

гиламлар, қимматбаҳо совғабоп кимхоблар тўқилган, рангдор ва йўл-йўл кийимлар, «мулҳам» деб аталган ёпқичлар тикилган. У ерда ниҳоятда бақувват, кучлиларгина ёйини торта оладиган камонлар ҳамда кемалар ясалиб, уларга ишлов берилган.

XIII аср муаллифи Ёкут Ҳамавий Хоразмнинг бу кўҳна шахрини Хайвақ шаклида қайд этади ва уни пойтахт шаҳар Касдан 15 фарсах (90–105 км) масофада ўрин олган деб кўрсатади.

XVI–XVII аср ёзма манбаларида Хива шаҳри «Хивақ» талаффузида тилга олинади. Шуниси эътиборлики, ўрта асрларда битилган тарихий асарларда Хива шаҳрининг таърифига кўпинча Кубровия тариқатининг асосчиларидан бири Нажмиддин Кубро (1145/1146–1221)нинг исм-шарифи кўшилиб, шаҳарга нисбат берилади. Чунки Чингизхон бошлиқ мўғул bosқинчиларига қарши олиб борилган жангу жадалларда жасорат кўрсатиб, шаҳид бўлган бу шайх Хива шаҳрида таваллуд топган эди. Шу боис шаҳар бу машҳур муршиднинг номи билан улуғланиб, «Хива – Нажмиддин Кубронинг Ватани» деган сифат билан тилга олинади. Ёзма манбаларда келтирилишича, XVII аср бошларида Хоразмнинг пойтахти Урганч шаҳридан Хивага кўчирилган. Бунинг сабабларидан бири Амударё оқимининг шимолга томон силжиб, қадимги пойтахтнинг асосий оби ҳаёт манбаи ва сув йўли – Амударё ўзанидан узоқлашиб қолишида эди. Оқибатда Хива шаҳри XVII асрдан бошлаб хонликнинг маркази ва унинг пойтахт шаҳрига айланади. Бу воқеа тахминан 1610–1612 йиллар орасида содир бўлган.

XVIII аср охири XIX асрнинг биринчи ярмида яшаган хивалик муаррих Худойберди ибн Қўшмуҳаммад Хивакийнинг «Дили ғаройиб» асарида келтирилган маълумотларга қараганда, Хива шаҳри дастлаб Рамл деб юритилган. Рамл атамаси арабча сўз бўлиб, «қумлок», «қумлик», «қумзор» ёки «қумтепалар билан қопланган жой» деган маънони

англатган. Қумлик ерларни араблар «Арозу Рамлиййату» — деб аташган.

Худойберди Хивакий шаҳарнинг барпо этилиш тарихи ҳақида сўз юритар экан, Хива номининг келиб чиқиши борасида хоразмликлар ўртасида кенг тарқалган ривоятни келтиради. Унда ҳикоя қилинишича, Хива шаҳрига Сом Ибн Нуҳ асос солган. Кунларнинг бирида Амударёнинг сўл қирғоғи томонида ястанган бепоён қумтепалар оралаб шикор қилиб толиққан Сом овдан сўнг қумлик овлоқда ёнбошлаб уйқуга кетган. Тушида у ўзини ёниб турган 300 та машъала ўртасида кўрган. Тетик руҳ билан уйқудан турган Сом ўзидан бир ёдгорлик қолдириш мақсадида бу ерга тупроқ тўшаб шаҳар барпо қилган. Кейинги сафар бу ерга келганида шаҳар атрофини баланд девор билан ўраб, унинг ғарбий қисмида бир кудуқ қазиб сув чиқарган. Шаҳар худди жаҳон тўфони даврида Нуҳ пайғамбар ясаган кема шаклида икки томонга чўзилган узун қилиб қурилган экан. Бу янги шаҳар орқали карвонлар қатнаб, йўл устида қазилган бу кудуқдан йўловчилар сув ичиб «Хей вах» ширин сув дер эканлар.

Шундан сўнг бу афсонавий кудуқнинг муздек тотли суви туфайли шаҳар «Хейвах», халқ талаффузида эса «Хейвак» деб юритилиб келинган экан. Шундай қилиб, Хива номининг келиб чиқишини хоразмликлар афсонавий кудуқ билан боғлайдилар. Аммо бу Хоразм аҳли ўртасида кенг тарқалган ривоятдан олинган афсонадир. Маълумки, жой номлари тасодифан пайдо бўлмайди. Уларнинг шаклланиши ва талаффузи ўз қонуниятларига эга. Шу нуқтаи назардан ҳис-ҳаяжон билдирувчи бирикманинг топонимга айланиши гайритабиий ҳодисадир.

Хўш шундай экан, Хива атамаси қандай йўсинда шаклланган ва муайян маънога эгами? Маълумки, Истахрийнинг ёзишича, Хива ва унинг теварак-атрофидаги ерлар шу номдаги каналдан суғорилган. Демак, шаҳар ҳам, уни сув билан таъминлаган анҳор ҳам бир хил ном билан, яъни

Хива ёки Хивақ деб юритилган. Бироқ Я. Гуломовнинг аниқлашича, ўрта асрларда жанубий Хоразм ерларини суғорган ушбу арна Хайконик ва Ҳайваник номлари остида тилга олинади. Бу атамалардан биринчиси – Хайконик дастлаб XVI аср вақф хужжатида, сўнгра эса Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» номли асарида тилга олинади. Бизнингча, қадимги Хоразм тилига хос шакл ва талаффуздаги бу икки атама Хива шахрининг энг кўхна номларидан бўлиб, кейинчалик халқ талаффузида улар Хивақ ва Хива шакллари олигандир эҳтимол. Чунки «Хайконик» ва «Ҳайваник» атамаларининг этимологик талқини билан ушбу фикрнинг қанчалик тўғри эканини аниқлаш мумкин.

Ўрта асрларда ҳам гидроним, ҳам топоним сифатида ишлатилган Хайконик ва Ҳайваник атамалари икки ўзакли сўзлардир. Уларнинг ҳар иккисидан ҳам бош ўзак «хай», кейингиси «кон» ва «ван» шаклидаги сўзлардан иборат. Атамаларнинг сўнгги бўғинидаги «ик» қўшимчаси аслида «ак» шаклида бўлган, у атамаларнинг морфемаси, яъни сўз ясовчи компонентларининг нисбат сифатидир. Бу суффикс кичиклаштириш маъносини англатади. Агар «Хайконик» ва «Ҳайваник» атамаларидан кичиклаштирувчи «ик» морфемасини ажратиб талаффуз этилса, у вақтда лексема «Хайкон» ёки «Ҳайван» шаклида намоён бўлади.

Бу ҳар икки атамаларнинг биринчи ўзагидаги «хай» компонентининг охириги «й» ҳарфи кўпинча халқ талаффузида фонетик жиҳатдан ўзгариб, «р» товуши билан ўрин алмашар ва «катта, улкан, йирик, азим ёки буюк» каби маъноларни англатувчи «хар» шаклида ҳам сўз ясовчи компонент тарзида истифода этиб келинган. Масалан, ўзбек ва тожик халқлари лексикасида «хай» ёки «хар» компонентли атамалар жуда кўп учрайди: «хайбат – улкан, баҳайбат – жуда катта, ҳайкал – катта иншоот, катта шакл; шунингдек, харпуш – кирпи ва ҳоказо»лар шундай шаклдаги сўзлардир.

«Хайкон» ёки «Хайван» атамаларининг иккинчи компоненти – «кон» ва «ван» бирикмалари эса суғдийча «канта» ёки «канда» сўзидан ҳосил бўлган. Бироқ шуни ҳисобга олиш керакки, «Хайван» атамасининг «ван» шаклидаги иккинчи бўғиндаги «в» ҳарфи «к» ҳарфи билан эҳтимол ўрин алмашган бўлиши мумкин. У вақтда «Хайкон» ёки «Хайван» шаклидаги ҳар икки атамаларнинг иккинчи ўзаги аслида «кон» ёки «кан» талаффузи бўлиб, бу сўзларнинг келиб чиқиши, юқорида қайд этилганидек, суғдийча «канта» ёки «канда» сўзига бориб тақалади. Бу эса дарё, анҳор, сув, канал ёки шоҳариқ каби маъноларни англатган.

«Кон» компоненти Зарафшон водийсида, хусусан Бухоро воҳасининг тарихий географиясида сўз ясовчи компонент тарзида «кон, ком, кол, гон, ган, жон, жан ва баъзан хон, қон ёки қол» шаклларида кенг тарқалган бўлиб, уларнинг айримлари ҳозирги вақтгача сув манбалари – канал, анҳор ва жой номларида халқ лексикасида сақланган. Масалан, Шопурком, Коми Акка, Кумушкон, Вобкан, Коми-Абомуслим, Комот, Конимех, Коми Зар, Муғкон, Арбинжон, Сомжон, Жондор, Колобод, Харконруд, Қалқонота ва бошқа кўпгина гидроним ва топонимлар бунга мисол бўла олади.

Шундай қилиб юқоридаги таҳлилга асослансак, «Хайкон» ва «Хайван» атамаларининг субстрати «Харкон» шаклида бўлиб, у «хар» – катта, йирик, улкан, азим маънолари ҳамда «кон» – сув, анҳор, канал тушунчаларига эга бўлган икки компонент бирикмасидан ҳосил бўлган. Бундай шаклда у «дарё», «катта сув», «анҳор», Хоразм аҳолиси шевасидаги «арна» ёки «ёп» маъноларини билдирган. Аммо бу борада шуни таъкидлаш лозимки, «Харкон» шаклида атама ҳали шаҳар номи сифатида тўла маъно бермайди. Чунки бу шаклда «Хайкон» субстратининг аслий талаффузи бўлиб, шаҳар номига тугал маъно берувчи от ясовчи «ик» суффиксига қиёсий нисбатдир. Бизнингча, қадимда «Харкон» деганда серсув Амударё назарда тутилиб, унинг

сўл қирғоғидан чиқарилган канал – ёп, «катта сув – дарёдан бош олган кичик арна» маъносини англатувчи «Харконик» деб юритилган бўлиши мумкин.

XIX аср солномаларида қайд этилишича, Хива ва унинг теварак-атрофларини сув билан таъминлаган бу канал гоҳ «Хайконик» ва гоҳ «Ҳайваник» номлари билан юритилган. Я. Гуломов «Ҳайванак» атамаси «Хайконик» талаффузининг энг сўнгги бузиб айтилган шакли бўлиши мумкин, деган фикрни билдиради. Мунис ва Огаҳий асарларида эса Хайваник канали билан Паҳлавонёп канали битта канал деб кўрсатилади. Бу тўғрида улар «Ҳайваник ким Паҳлавон ёпига машхурдир» деб таъкидлашади. Демак, Мунис ва Огаҳий маълумотлари бўйича XIX асрдан бошлаб қадимги Хайваник канали Паҳлавонёп, халқ талаффузида эса Полвонёп номи билан шуҳрат топган. Охирги бу икки синонимик атамалар кучли, бақувват, забардаст ва баҳодир каби маънолар билан бир қаторда йирик, азим, катта, баҳайбат сингари сифатларни ҳам белгилайди.

Ўрта асрларда Хайконик ва Ҳайваник, кейинчалик Паҳлавонёп ёки Полвонёп номлари билан шуҳрат қозонган Жанубий Хоразмнинг бу йирик суғориш тармоғи «Катта сувдан бош олган анҳор; дарёдан чиқарилган ёп; дарёдан ажралиб чиққан арна» маъноларини англатган синонимик атамалардир.

Милоддан аввалги I минг йиллик ўрталарида бу каналнинг чап соҳилида қад кўтарган Хива шахрининг асл номи ҳам Хайконик (фонетик жиҳатдан), тўғри талаффузи Харконак бўлиб, бу ном «Дарёдан ажралган ёп бўйидаги шаҳар» маъносини билдирган «Харканакат» шаклида бўлгани шубҳасиздир.

Ўрта аср ёзма манбаларида бу шаҳар Хивақ, XIX аср иккинчи ярмидан бошлаб Хива шаклида ёзилган. Шаҳар номининг Хивақ ва Хива шаклларида ёзила бошланиши, бизнингча, «Ҳайвоник» атамаси билан узвий боғлиқ. Маълумки, бу атама «Хай-ван-ик» каби икки ўзак ва «ик»

шаклидаги кичрайтирувчи суффиксидан ташкил топган. Халқ талаффузида атаманинг биринчи «хай» бўғинидан «а», иккинчи «ван» бўғинидан «н» ва «ик» суффиксдан эса «и» ҳарфлари тушиб қолган. Натижада «Ҳайваник» атамаси «Хивак» шаклини олган. Кейинчалик атаманинг охирги «к» ҳарфи «қ» билан ўрин алмашиб, ёзма манбаларда «Хивак» шаклида баён этилган. Хивак ёки Хивак атамасидан охирги ундош ҳарфнинг талаффузидан тушиб қолиши оқибатида «Хива» номи юзага келган. Шундай қилиб айтиш мумкинки, қадимги «Ҳайкониқ» атамасида Хива шахрининг этимологияси, «Ҳайваник» атамасида эса Хива номининг аслий шаклларида бири яширинган. Демак, Хива – катта ёп соҳилидаги шаҳар демакдир, шунингдек, Полвонёп – Хива шахрини суғорувчи катта сув, яъни катта анҳор демакдир. Дарҳақиқат, ўрта асрларда Полвонёп Хоразм диёрида Амударёдан бош олган энг йирик суғориш тармоғи ҳисобланади. Демак, Хива номи Полвонёп бўйидаги шаҳар маъносини билдирган.

Бу икки атама шакл ва талаффуз жиҳатидан бири иккинчисидан мутлақо фарқ қиладиган икки хил иборалар бўлса-да, мазмун жиҳатидан маънодош бўлган синонимик топонимлардир. Хива – катта сув, Полвонёп – катта анҳор яъни, арна демакдир.

Хоразм – мустаҳкам қальалар диёри

Хоразм – Турон ва Эрон минтақалари оралиғида жойлашган тарихий ўлка ва қадимий давлат. Хоразм ҳудуди қадимда Амударё адоқларидан жанубга томон Мурғоб ва Тажан дарёларининг юқори оқимларигача чўзилган. Ёзма манба ва археологик тадқиқотлардан маълумки, қадимий Хоразм ҳудудлари шу номдаги ҳозирги вилоят майдонидан анча кенг бўлган. Шу боисдан бу қадимий тарихий ўлка фанда 2 хил – Қадимги Хоразм ва Катта Хоразм номлари билан таърифланади. Хоразм ҳақидаги илк маълумотлар

«Авесто», Доро I нинг «Бихустун» китоблари, қадимий юнон муаллифлари (Гекатей, Геродот, Страбон ва бошқа) ҳамда илк ўрта асрларнинг араб географлари асарларида учрайди.

Хоразм атамаси (топоними) «Авесто»да Хваиризем, қадимги Уваразмис, лотинчада Хорасмия ва юнончада Хоразмия деб юритилган. Арабча ёзма манбаларда бу ўлка Хворазм талаффузида тилга олинади. VIII аср бошларида Хоразмда зарб этилган тангаларда эса бу диёр Хварзм шаклида ёзилган. Манбаларда турлича шаклда қайд этилган бу қадимий ўлка номларининг ҳар бири, шубҳасиз, ўзига хос маънони англатган. Шу боис фанда Хоразм атамасининг семантикаси ҳақида қатор фикрлар мавжуд. Хоразм тарихининг билимдони С. П. Толстов Хоразм атамаси талқинлари орасида эронча «Хурр-Хуршед» ва «зм-зем» сўзлари асосида юзага келган номнинг «Куёшли ер» деб аталиши унинг ҳақиқатга энг яқин этимонидир, деб таъкидласада, Хоразмни «Хварри ёки Харри (Хуррий) халқи ери» деб изоҳлайди.

Суғдшунос олим М.Н. Боголюбовнинг фикрича, Хоразм айрим-айрим учта сўзлардан таркиб топган. Ху (Хуш, Хаш), вар (вара) ва зм (зим, зем), яъни эроний тилларда ху – «яхши», «маъкул», вар (вара) – «девор», «марза», «ғов», «қалъа», «қўра» деган маъноларни билдирган. Зм (зим, зем) эса – «ер», «ўлка», «диёр», «мамлакат» каби маъноларни англатган. Демак, Хоразм атамаси қандай шаклда қайд этилмасин, у «яхши қўрали ер», «ажойиб қалъали ўлка», «мустаҳкам қалъалари бор диёр», деган маънони билдирган.

«Авесто»нинг «Яшт» қисмида Хоразм «Минг ирмоқли дарё», «Кўллар ва ўтлоқларга бой ўлка», дунёдаги барча мамлакатлар ичра аъло ва бирламчиси сифатида мадх этилади. Амударёнинг тармоғи қадимий Оқчадарё адоғи, Мурғоб ва Тажан дарёлари ҳавзаларида қазиб очилган мил. авв. 4–3 ва 2–1 минг йилликнинг 1-ярмига мансуб моддий-

маданият обидаларининг тадқиқоти натижалари билан қадимги юнон муаллифларининг Хоразм ҳақидаги ёзма маълумотлари мажмуасининг таққосий таҳлилидан маълум бўлишича, Қадимги Хоразм худуди табиий жиҳатдан 2 минтақага ажралган. Унинг шимолий қисмида – Амударё этакларида сон-саноксиз серсув ўзанлару, шимолий ва шимоли-шарққа томон ястанган кенг яйловлардан иборат бепоён пасттекисликлар, унинг жанубий қисмида эса Мурғоб ва Тажан дарёлари водийларининг каттагина қисми тоғ ва адирликлар ҳамда улардан бош олган каттакичик дарё-ю жилғалар этакларида юзага келган ҳосилдор ерлар жойлашган.

Қадимги Хоразм минтақалари худудларининг ўзига хос табиати, шубҳасиз, фақатгина қадимий аҳолисининг турмуш тарзини белгилабгина қолмай, бу диёрда юзага келган қадимги маданиятларнинг шаклланиши, ривож ва бир-бирига қоришуви ҳам кучли таъсир этган. Шу боис Хоразмнинг шимолий қисми (Оқчадарё дельтаси) да аввал мил. авв. 4–3 минг йилликларда овчилик ва балиқчилик билан кун кечирган аҳоли (Калтаминор маданияти) яшаган бўлса, мил. авв. 2-минг йилликда эса чорвачилик ва деҳқончиликнинг соддагина усулларидан хабардор бўлган қабилалар (Тозабоғёп ва Сувёрган маданияти) истиқомат қилган. Мил. авв. 2-минг йилликнинг 2-ярмига борганда, хусусан, унинг охири ва мил. авв. I-минг йиллик бошлари (IX–VIII асрлар) да суғорма деҳқончилик мукаммаллашиб, яйлов чорвачилиги (Амиробод маданияти) ривож топган.

Бу даврда Тозабоғёп, Сувёрган ва Амиробод маданиятларини яратган қабилаларнинг қоришмаси асосида таркиб топган Қовунди (Кавонди) қабилалари яшашган. Улар Хоразмнинг қадимий аҳолиси – массагетларнинг бевосита аждодлари бўлган. Айнан шу даврларда Хоразмнинг шимолий қисмида яйлов ва кўчманчи чорвачилик хўжалигида йилқичилик таркиб топиб, от, туя ва эшаклардан транспорт

воситаси сифатида кенг фойдаланилган. Кўчманчи чорвачилик, хусусан, йилқичиликнинг ривожланиши Хоразм аҳолисининг ижтимоий ҳаётига ҳам кучли таъсир этиб, суворийлар табақасини шакллантирган.

Хоразмнинг жанубий қисмида жойлашган қатор водий ва воҳалар (Тажан, Ҳерируд, Мурғоб ва Гёксур) да эса мил. авв. 4–3 минг йилликлардаёқ ўтроқ суғорма деҳқончилик маданияти қарор топиб, тараккий қилган. Бу даврларда ушбу минтақа аҳолиси қабилалар уюшмасига бирлашиб, деҳқончилик хўжалигида мотиға (кетмон) дан ташқари омочдан ҳамда турли хилдаги катта-кичик суғориш иншоотларидан ҳам фойдаланган. Аввал улар сомонли гувалалардан бир хонали, сўнгра эса кўчалар бўйлаб гувала ва хом ғиштлардан бир неча хонали уйлар бино қилиб, гирди девор билан ўралган турар-жой ва истехкомли кишлоқлар барпо этган (Жойтун маданияти ва Намозгоҳтепа). Мил. авв. 2-минг йиллик охири – I-минг йиллик бошларида қадимги суғорма деҳқончилик маданиятининг ҳудудлари шарқ ва жануби-шарқ томон кенгайиб, Ҳерируд водийсининг юқори оқимигача ёйилган. Шу боисдан Авестода Хваиризем ўлкаси Ареядан шарқда Ҳилманд водийсида жойлашгани ҳақида ишора қилинади.

Археологик маълумотлардан маълум бўлишича, айнан шу даврда Амударё этакларида яшаган кўчманчи чорвадор қабилаларнинг бир қисми жануб томон силжиб, шимолий Ҳиндистон ҳудудларидаги ерларгача бориб ўрнашишган. Милетлик Гекатей (мил. авв. VI аср) маълумотлари асосида Геродот (мил. авв. V аср) Аҳмонийлар давридан аввал гирканлар Харкон (Каспий денгизининг жануби-шарқи, Гуркон дарёси ҳавзаси), парфияликлар (Шимолий Хуросон), дранглар ва таманийлар (Ғарбий Афғонистон) нинг ҳудудлари билан туташган кенг ўлкада хоразмийлар ҳукмронлик қилгани ҳақида маълумотлар келтиради.

Геродотнинг ёзишича, кейинчалик ўлка Аҳмонийларга қарам бўлиб қолгач, тоғ дараларидан оқиб тушадиган Акес

(Ҳерируд) ўзани дарвозали тўғон билан боғланиб, хоразмийларнинг экин ерлари сувсиз қолган. Улар шоҳ саройига бориб арзи-дод қилиб, сув учун алоҳида солиқ тўлагач, шоҳ тўғон дарвозаларини очишни буюрган.

Византия муаррихларининг хоразмийлар ҳақидаги маълумотлари таҳлилидан аёнки, ўша даврларда карвон (шоҳ) йўли Мидиядан Каспий бўйлаб гирканлар ерига, ундан парфянларнинг тоғлик ерларидан ўтиб, тоғлик ва текисликлардан иборат бўлган хоразмийлар ерига кириб борган.

Мил. авв. VI–V асрларда Хоразмийлар Аҳмонийлар давлатининг 16-сатраплик таркибига кирган. Мил. авв. V аср охири – IV аср бошларида эса у алоҳида сатраплик ҳисобланган. Мил. авв. III – мил. III асрларда Хоразм Сирдарё ҳавзасининг ўрта қисмида ташкил топган Қанг давлатининг таркибида бўлган.

Тарихий манбаларнинг таққослама таҳлилидан маълумки хоразмийларнинг дастлабки қадимий ватани Бактриядан жанубда, Ареядан шарқда, Ҳерируд ва Ҳилманд дарёларининг юқори ҳавзасида жойлашган. Шарқий Эрон қабилалари қаторида Аҳмоний подшоҳларидан тазйиққа учраган хоразмийлар ноиложликдан қадимий ватанларини тарк этиб, далаю даштлари кенг, серсув Амударё этакларига кўчиб ўтиб ўрнашишган. Натижада улар бу диёрда аввалдан яшаб келган чорвадор йилқичи сак-массагет қабилалари билан ёнма-ён яшаб, этник жиҳатдан қоришиб кетишган.

Шубҳасиз, хоразмийлар Хоразмнинг туб аҳолиси бўлган массагетлардан фарқли ўларок, парфянлар, марғиёналиклар, бохтарийлар, ареяликлар, гирканияликлардек суғорма деҳқончилик ва унинг асоси ҳисобланган суғориш иншоотлар барпо этишда бой асрий тажрибага эга эдилар. Уларнинг бинокорлик ва хунармандчиликдаги кўп асрлик тажрибалари ва амалий кўникмалари туфайли асрлар оша Амударё этаклари обод этилиб, қатор монументал бинолар қад кўтарган, йирик суғориш тармоқлари ва сув

иншоотлари-дамбалар барпо этилиб, хунармандчиликнинг барча соҳалари кенг ривож топган. Оқибатда мил. авв. VI–V асрларда Хоразм аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўлган. Булардан ташқари, бу янги диёрга улар ўзлари билан Хоразм атамасини ҳам олиб келишган. Мил. авв. VI–V асрлардан бошлаб массагетларнинг қадимий юрти Авесто-да «Хваиризем», юнон муаллифлари асарларида эса «Хоразмия» шаклларида тилга олинган.

Мил. авв. IV асрнинг 2-ярмида Хоразмда мустақил давлат қарор топади. Абу Райхон Берунийнинг ёзишича, Хоразм давлатига афсонавий қахрамон Сиёвуш (Сиёвахш) асос солган. Мил. авв. 328 йил баҳорида Ўрта Осиёга юриш қилган македониялик Александр (Искандар) қароргоҳига музокара қилиш учун Хоразм ҳукмдори Фарасман 1500 суворий билан ташриф буюрган. Фанда массагетлар конфедерацияси (туркуми) номи билан тилга олинган Хоразм давлатини афсонавий сиёвушийлар, кейинчалик эса африғийлар сулоласи бошқарган. Давлат пойтахти дастлаб Окчақалъада, сўнгра Тупроққалъада бўлган. Кейинчалик (305 й.) эса Кат шахрига кўчирилган. Беруний хоразмшоҳлардан 22 нафарининг номини баён этади. Тупроққалъадан уларнинг аверси (бети) да тождор ҳукмдор, реверси (ортида) да суворий тасвири туширилган дастлабки кумуш тангаси топилган. Танга мил. авв. I асрга мансуб. Нумизматик маълумотлардан аёнки бундай шаклдаги тангалар мелодий VIII асргача зарб этилган.

Хоразм давлати Ўрта Осиёда ташкил топган ўзига хос энг қадимги давлатлардан бири бўлиб, унда ўтрок зироаткор ва кўчманчи чорвадор аҳолининг удумлари, деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик каби хўжаликлар бошқарувини асрий тизимлари мужассамлашган эди. Демак, Хоразм аҳолисининг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида юз берган тадрижий ривожланиш давомида унинг шимолий ва жанубий қисмларида аввал бири

иккинчисидан тубдан фаркланувчи 2 турдаги маданиятлар шаклланган. Сўнгра уларнинг қоришуви натижасида Хоразмнинг ўзига хос юксак даражадаги маданияти юзага келиб, раvнақ топган.

Қадимдан Олд Осиё, хусусан, шимоли-шарқий Эрон ҳудудлари билан бевосита алоқадор бўлган Хоразмнинг қадимий мушгарақ маданиятининг кўлгина жиҳатлари, хусусан, бадий маданияти, аҳолисининг тили, урф-одатлари, уй-жойларининг тузилиш тартиблари, рўзгор буюмларию зеб-зийнатларида ўз ифодасини топган.

Хоразмийларнинг жанубдан шимолга Амударё куйи оқими томон силжиши, уларнинг сак-массажет қабилалари билан қоришуви натижасида Хоразм давлати ташкил топгач, тубдан янги маданият шаклланади. Амударё адоғи (дельтаси) ўзлаштирилиб, ўлкада қатор монументал бинолар (Кўзалиқир ва Қалъалиқир каби) қад кўтаради. Мил. авв. IV–III асрларда Хоразм иқтисодий ва маданий жиҳатдан раvнақ топиб, йирик суғориш каналлари (бўйи 60–70 км эни 30–40 м ли саёз) барпо этилиб, янги шаҳарлар, кўрғону қалъалар (Жонбосқалъа, Бозорқалъа, Кўйқирилганқалъа) қурилади. Ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо ҳамда санъат ривож топиб, пойтахт (Тупроққалъа) барпо этилгач, Хоразмда қалъа ва шаҳарлар аниқ режа асосида тўғри тўртбурчак ва доирасимон шаклларда қурилган. Улар қалин ва баланд мудофаа девори билан ўралиб, ташқарисидан кенг (10–15 м) ва чуқур хандақ қазилган.

Қалъа ва шаҳарларнинг мудофаа кудратини стратегик жиҳатдан кучайтириш мақсадида уларнинг ташқи деворлари бир ёки икки қатор шинак (нишон, туйнук)лари, дарвоза оғзи эса, ғуломгардиш (лабиринт) – ихота истехкоми билан мустаҳкамланган. Бундай мудофаа иншоотлари мажмуи, шубҳасиз, аниқ режалар асосида, стратегик жиҳатдан ниҳоятда мустаҳкам қилиб барпо этилган. Масалан, тўрт бурчакли қалъалар (Жонбосқалъа, Бозорқалъа) деворлари

бўйлаб 2 қаторли шинаклардан нишонга 4 томондан ўқ узиш учун мўлжалланган бўлса, доира шаклдаги қалъа (Қўйқирилганқалъа) дан қамал вақтида шинаклардан бир йўла 360 даража йўналишида ўқ узилган. Бундай услуб, ҳарбий тактикада доира бўйлаб марказдан ўққа тутиш деб юритилади.

Хоразмда шаҳарсозлик санъати, айниқса, монументал меъморчилик мил. авв. I-минг йиллик ўрталаридан то мил. VIII аср бошларигача ўтган давр ичида кенг ривожланган. Йирик қалъалар, хусусан, пойтахт шаҳар (Тупроққалъа, Кат) ўлка ибодатхонаси (Ҳазорасп), мақбаралар (Чирик-работ, Тегискен ва бошқа) турдаги жамоат бинолари қад кўтарган. Тупроққалъада 3 минорали қароргоҳ, мухташам шоҳона сарой (саҳни 280 кв.м), марказий кўчалар бўйлаб жойлаштирилган ҳунармандчилик турар-жойлари ва бозор ўрин олган. Шаҳарда кулолчилик, темирчилик, мисгарлик, курулсозлик, заргарлик, бинокорлик ва тўқимачилик каби ҳунармандчиликнинг турли соҳалари юксак даражада ривож топган.

Тупроққалъа харобаларидан топилган турли хилдаги ашёлар, тасвирий санъат асарларининг айрим бўлаклари, хусусан, лойдан ишланган қавартма одам ҳайкаллари, деворий рангли тасвир (чилтор чалаётган аёл, кўлида анор тутган маъбуда Ноҳид), табиат манзаралари ва сопол ҳайкалчалар бадиий юксак даражада ясалган. Қадимги хоразмий ёзувида ёғоч ва чармга битилган ҳужжатлар ўлка аҳолиси маънавиятининг асоси бўлган саводхонлик даражасидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, Хоразм вилоятининг тарихи ва номланиши борасидаги изланишлардан маълумки, «Хоразм» топоними «Ажойиб кўрғонли ўлка», яъни «Мустаҳкам қалъалар, истехкомлар диёри» каби маънони англатган. Қадимги маданият ўчоқларидан бири ҳисобланган ушбу мамлакатнинг табиати дарёю арна ва ёплари, серҳосил пайкалларию кенг ўтлоқ даштлари ҳамда

уларни ўзлаштириб, обод этган аҳолисининг машаққатли меҳнати билан қад кўтарган беқиёс осори атиқаларию суғориш иншоотларининг тадрижий манзараси, шакшубҳасиз, тарихан буюк Хоразм номида ўз ифодасини топган.

Шопурком – Сувёрган ёки дарё тармоғи

Шопурком топоними Бухоро вилоятининг шу номдаги тарихий тумани ва унинг бош шаҳри ҳамда бу кўҳна масканларнинг асосий суғориш тармоғи – Шопурком (Шофиркон) рудининг номланишидир. X асрда яшаган Бухоро муаррихи Абу Бакр Муҳаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи» китобида Шопурком номининг юзага келиши тўғрисида қуйидаги тарихий ҳодисалардан бири ҳақида ҳикоя қилинади. Унда баён этилишича, «Сосонийлар сулоласидан бўлган Кисронинг фарзандларидан бири ўз отасига аччиқ қилиб, бу вилоят (Бухоро) га келган; унинг номи Шопур эди. «Пур» эрон тилида «ўғил» демакдир. У Бухорога келганида Бухорхудот уни яхши қабул қилади. Шопур ов қилишни яхши кўрар эди. Бир куни овга чиқиб у Шопурком томонига бориб қолади. У вақтларда ўша ерда ҳеч бир қишлоқ ва обод жой бўлмай, яйлоқ ва ов қилинадиган ер бўлган. Бу ер Шопурга ёқиб қолиб, уни обод қилиш учун улуш йўсинида ўзига берилишини Бухорхудотдан сўрайди. Бухорхудот бу мавзени Шопурга беради ва Шопур у ерда катта анҳор қаздириб, уни ўз номи билан яъни «Шопурком» деб атади ва анҳор бўйлаб қишлоқлар ва қаср барпо қилади. Бу теваракни «Обавия қишлоқлар» дейишади. Шопур яна Вардона қишлоғини барпо қилади ва қаср қуриб, уни ўзи учун тураржой қилиб олади. Шундай қилиб, у ерда катта бир мулк пайдо бўлади ва Шопурнинг вафотидан кейин қишлоқлар унинг авлодига мерос бўлиб қолади.

Х аср ёзма манбаларида баён қилинган ушбу маълумотлардан аёнки, Шопурком атамасининг келиб чиқиши сосонийлар шахзодасининг номи билан боғлиқ бўлиб, дарёдан чиқарилган йирик суғориш тармоғи сифатида тилга олинади. Бизнингча, ушбу гидроним Наршахий замонида «Шохпурком» ёки «Коми Шохпур» шаклларида талаффуз этилиб, «Шох ўглининг анҳори» ёки «Шахзода наҳри» каби маъноларни англатган. Ушбу суғориш тармоғи бўйлаб барпо этилган қаср ва қишлоқлар «Обавия қишлоқлари», яъни «Суғорилиб обод этилган ёки сувли қишлоқлар» – «Обикор қишлоқлар» каби маъноларни англатувчи ном билан юритилган. Дарёват бўйлаб ястанган чакалакзор бўз ерларда барпо этилган қишлоқлар эса «Вардонзе» ва бундай обод жойда қад кўтарган қароргоҳ – қаср «Вардона» каби номлар билан аталган.

Х аср муаллифлари маълумотларига кўра, Бухоро воҳасининг обод ерлари 22 русток (туман)га бўлинган. Бу рустоклардан 15 таси воҳа атрофини ўраган қадимги мудофаа истеҳкоми – Канпир девор ичкарасида ва 7 таси унинг ташқарисида жойлашган.

Бухоро воҳасининг Канпир девор билан ўраб олинган обод қисмининг узунлиги ҳам, кенглиги ҳам 12 фарсах бўлган. Наршахий ва Истахрий ўз асарларида Бухоро рустокларини суғорган йирик сув тармоқларининг рўйхатини келтиришади. Наршахийнинг ёзишича, унинг замонида Бухоро рустокларининг экин ерлари куйидаги 12 та серсув анҳор: Кармана анҳори, Харканот ул-Улё, Харқонруд, Овхатфар, Сомжан, Байқонруд, Фаровиз ул-Улё, Фаровиз ус-Суфло ёки Даймун, Аркон, Кайфур, Руди Зарлар орқали суғорилган. Шопурком анҳори эса рўйхатга киритилган ўн икки сув тармоқларидан иккинчиси ҳисобланган. Бу анҳордан Обавия ва Вардонзе қишлоқлари ва уларнинг теваарак-атрофида жойлашган катта мулк ерлари оби ҳаёт билан таъминланган. «Ҳамма анҳорларни халқ қазиган, – деб таъкидлайди Наршахий, –

аммо Овхатфар (Обихудфар) анҳорининг қазилишида у ернинг халқи заҳмат чекмаган, уни сувнинг ўзи ўйиб қазиган».

Наршахийнинг Бухоро анҳорлари борасидаги бундай таъкиди, шубҳасиз, гарчи Шопурком атамасининг юзага келишидаги тарихий манзарани акс садосидек туюлса-да, аммо унинг ажабланарли томони шундаки, Наршахий рўйхатида қайд этилган сув тармоқларининг номланишида, Шопурком гидронимини ҳисобга олмаганда, на шахс, на аҳоли номи, яъни антропоним ёки этноним шаклида иштирок этмайди. Шу боис Наршахийнинг мазкур гидронимлар рўйхати топонимик жиҳатдан бекиёс ноёб далилий манба, тадқиқот борасида нақадар бебаҳо маълумот сифатида истифода этилмасин, Шопурком атамасининг шахзода исми билан юритилиши бироз шубҳали кўринади.

Бундай шубҳага ойдинлик киритиш, аввало, Зарафшон водийсининг қуйи оқимида жойлашган Бухоро воҳасининг қадимий гидрографияси ва унинг умумий манзарасини шакллантирган кўпдан-кўп суғориш тармоқларининг юзага келиши ва номланиши борасидаги айрим тарихий далилларга эътибор бериш лозим. Қолаверса Шопурком гидронимини топонимик ва лингвистик жиҳатдан қайта таҳлил этишни талаб этади. Чунки аксарият тадқиқотчилар, жумладан В.В. Бартольд, Н.Ф. Ситняковский ва С. Қораевлар Шопурком атамасининг келиб чиқиши тўғрисида ёзганда фақат Наршахий асарига мурожаат қилсалар-да, кўшимча фикр ва мулоҳаза билдиришмайди.

Гидрографик тадқиқотлардан маълумки, ўтмишда Қадимги Зарафшон – Руди Мосафнинг қуйи оқимида унинг тошқинларидан Харқонруд, Руди Нафар (Обхудфар) – Вобкентдарё, Харомком, Сомжан (Қоракўлдарё), Рудизар, (Шохруд), Мохондарё ва Тайқир каби қуйи тармоқлари ҳосил бўлган. Уларнинг ўзани адоқларида Шўркўл, Мохонкўл, Баҳр ул-Сомжан, Байконкўл ва Денгизкўл каби сув

ҳавзалари вужудга келган. ОбхуДФар – Вобкентдарёнинг жўшқин сувлари ўндан ортиқ тармоқлари бўйлаб оқиб хатто Амударёга бориб қуйилган.

Ўтган асрнинг 60–70-йилларида Бухоро вилоятининг ғарбий дашт қисмида қайд этилган қадимги суғорилган ерларда (майдони қарийб 120 минг га) ўтказилган археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, Зарафшоннинг кўҳна ўзанлари Вобкентдарё ва Руди Сомжан адоқларида милоддан аввалги III–I ва милодий I–IV асрларда бу икки тармоқнинг панжадек атрофга тарқалиб кетган курук ўзанлари саҳни туби бўйлаб сон-саноксиз каналлар чиқарилган. Бу қадимги деҳқончилик воҳаси V–VI ва IX–XII асрларда кенг қўламда обод этилиб, унда Бухоро ҳукмдорлари – бухорхудотларнинг машҳур қароргоҳи Варахша қад кўтарган.

Наршахий Варахша воҳасидаги қадимги ободончиликни тасвирлар экан, унинг 12 та канал орқали суғорилганлиги тўғрисида ёзади. Ёзма ва археологик манбалардан келтирилган ушбу маълумотларда тасдиқланишича, Наршахий келтирган Бухоронинг суғориш тармоқларини барпо этилишида Зарафшоннинг қуриб қолган кўҳна ўзанларидан фойдаланилган. Шу боис уларнинг номланиши аҳоли ёки шахс исмлари билан эмас, балки сув тармоқларининг табиий сифатлари (кенг ёки камбарлиги, пасту баландлиги, серсув ёки кам сувлиги)га асослаб белгиланган.

Наршахийнинг «Бухоро тарихи» китобида келтирилган икки бўғинли «Шопур» антропонимига «ком» лексемаси бириктирилиб, шакллантирилган «Шопурком» гидротопонимининг морфологик талқини устида сўз юритилар экан, шуни айтиш керакки, қадимги бу атама асрлар оша авлодлар истеъмолида шаклан бирмунча бузилиб, Наршахий яшаган даврдаги ўзининг аслий ифодасидан узоклашган ва «шоҳ ўғли анҳори» маъносида талқин этилган. Бундай талқиндаги ифода, шубҳасиз, жой номларининг пайдо

бўлиши конуниятига ҳам, турли манбаларда келтирилган далиллар асосида намоён бўлган гидрографик манзарага ҳам зиддир.

Бизнингча, Шопурком гидронимининг субстрати – Шопур антропонимининг биринчи бўғини «шо»дан ха «х» ҳарфи тушиб қолган. Иккинчи бўғиндаги пе («п») ҳарфи эса каттиқроқ бе «б» товуши билан талаффуз этилган. Бундай тарзда субстратнинг биринчи бўғини «шоҳ» ва иккинчи бўғини эса «бур» шаклларида ифода этилиши эҳтимолдан узоқ эмас. Натижада субстрат ўз аслий шакли – «шоҳбур»га «ком» лексемаси бирикиши билан, мазкур гидроним «Шоҳбурком» шаклида ўзининг асл номига эга бўлади. Бундай шаклда ушбу гидроним «Шопур анҳори» маъносини тарк этиб, бутунлай ўзгача мазмунни англатади.

«Шоҳбурком» гидроними уч бўғин: «шоҳ» + «бур» + «ком» каби субстракт ва топоформант бирикмасидан иборат. Унинг биринчи бўғинидаги «шоҳ» лексемаси ўзбек, форс ва тожик тилларида алоҳида ёки бир неча турли шакллардаги сўзларга қўшилиб, кенг истифода этилади. «Шоҳ» сўзи аввало ҳайвон шоҳи – мугуз; дарахт ёки ўсимлик булоғи, сув, дарё, анҳор ва ариқ тармоғи, сув йўли ёки ўзани – арна каби маъноларни билдиради. Бу ибора бирикмасидан турли мазмундаги сўзлар ҳосил бўлади. Масалан, йирик ва майда шоҳли ёки шоҳсиз ҳайвон, буғу шоҳи; дарахтнинг шоҳ-булоғи, шоҳ-шабба; шунингдек, сув, дарё, сой, анҳор, жилға ва ариқ тармоғи, сув йўли, арна, қуриқ ўзан ва бошқалар.

Ушбу гидронимнинг ўрта бўғини «бур» ёки «бурр» шаклларидаги форс-тожикча «буридан» феълининг инфинитивидир. Бу ибора киркмоқ, кесмоқ, ажратмоқ, олмоқ, ўпирмоқ, бўлмоқ, бўлакламоқ, бурдаламоқ, синдирмоқ, тешмоқ ва арраламоқ каби маъноларни англатади. «Бур» топоформанти асосида бурган, бурда, бурма, буриш, бурро, буррон каби турли мазмундаги қатор иборалар

шаклланган. Шунингдек, кайбур, найсанбур (найзанбур), нишопур, чоҳбур, занбур, шохбур, ғулабур шаклларидаги қатор тарихий атамалар ҳам юзага келган.

«Шохбурком» атамасининг охирги бўғини «ком» шаклидаги субстрат суғдийча бўлиб, бир қанча гидроним ва топонимларнинг шаклланишида асос ёки топоформант тарзида ифодаланади. «Ком» лексемаси субстрат ёки топоформант шаклларида «кан», «кон», «кал», «қал» ва «кан» шаклларида ҳам учрайди. Масалан, Калот, Коми Зар, Комот, Конимуғ (Конимех), Миёнкол, Миёнқолот, Харкон, Харқонруд, Қалқонота, Қалқонруд, Харомком ва ҳоказолар. «Ком» ва унинг маънодош қатор синонимик лексемалар сув, дарё, тармоқ, сой, ўзан, кўл, анҳор ёки канал, шохариқ ёки шохоб каби сув манбалари – гидронимларни билдирган.

«Шохбурком – Шопурком – Шофиркон» гидротопонимнинг морфологик шаклидан аниқланишича, бу атама уч бўғин «шоҳ + бур + ком», яъни «тармоқ + ёрган + сув» каби лексемалар бирикмасидан иборат бўлган. Ушбу атама шаклининг эътиборли томони шундаки, унинг бўғин лексемалари тарихий топонимия лексикасида жуда сийрак тилга олинса-да, ҳар ҳолда улар субстрат ёки топоформант шаклларида қатор ўзига хос гидротопонимларни ёки баъзи шаклан мавҳум атамаларни юзага келтиради. Масалан, атаманинг дастлабки бўғини «шоҳоб» ва «шоҳжўй» сўзлари «катта ариқ, сув тармоғи ва канал» маъноларини англатади. «Шохруд» гидроними эса «дарёнинг йирик тармоғи ёки шоҳоби ҳисобланган». «Шохсор» – шоҳу бутоқ; «Шохи шакар» атамаси – шакарқамиш каби тушунчаларни билдирган. Ушбу гидротопонимнинг «ёрган, кескан ёки тешкон» каби маъноларда ифодаланувчи ўрта бўғиндаги «бур» топоформанти бирикмасида «бурама» – бурамамих; «бурган» – ўсимлик; «бургана» – сув ёрган; «буржар» – жарёрган; «бурда» – бўлак; «буржан» – сув ёрган; «бурма» – ажин, «кўкрак бурма» – бичик; «бурмабор» – чидамли;

«буранда» – кескир; «буриш» – қирқиш, кесиш; «бурро» – сўзамол, нотик; «тили бурро» – тили ўткир, сўзи қатъий, аччиксўз; «буррон» – кескир, ўткир; «занбур» – тешгич, ари; «занбур ниши» – ари найзаси, «тиғи буррон» – кескир тиғ; «кайбур» – қатта арра, энли камон ўқи пайкони каби атамалар.

Шунингдек, «найсанбур – найзанбур» – найсоз, кориз қазувчи; «танбур», «танбура» – «дўнбура» – чолғу, мусиқа асбоби; «чоҳбур» – ўра, яъни чоҳ қазувчи, кориз қовловчи каби касб-ҳунар ва машғулот атамалари; «ғўлабур» – тахта тиладиган узун арра каби меҳнат қуроллари; «бургана» – сой кесган, сув ёрган каби оронимлар ҳамда «Обурдон», «Нишопур» (Нишобур) ва «Шофиркон» (Шохбурком) каби гидронимлар шаклланган. Бу борада яна шуни ҳам қайд этиш ўринлики, республикамизнинг воҳа ва водийлари тарихий топонимиясида «бур» лексемасига маънодош синонимик атамалар: «обгир», «ёр, ёрган» ва «хўр ёки хўра» шаклларидаги иборалар бирикмасида айрим гидроним ва гидротопонимлар ҳам қайд этилади. Масалан, «Айғир» (Андижон) шаклида ифодаланган жой, аслида «обгир», яъни сой ўпирган ёки сел олган қишлоқ маъносига; «Ёрбоши» (Фарғона), «Ёр қишлоқ» (Жалолқудуқ), «Куйганёр» (Андижон), «Кўкёр» (Янгиқўрғон). «Сувёрган» (Хоразм) каби тарихий гидротопонимлар қайд этилади. Бухоро воҳасининг Ғиждувон туманида Зарафшон дарёсида барпо этилган бандаргоҳ – гидроиншоот «Хархўр», яъни «улкан ўпирилиш», «ўпқон» деб юритилган. «Говхўра» (Хоразм) номи билан аталган жой аслида «обхўра», яъни сув оладиган, тошқин ағдарадиган ер ёки мавзе, яъни хоразмликлар ибораси билан айтганда «дегиш» – тегиш олган маскан демакдир; Шунингдек, Қадимги Хоразмнинг жез даври (мил. авв. 2-минг йилликнинг 2-ярмига мансуб) қадимги деҳқончилик обидалари «Сувёрган» номи билан машҳурдир.

«Шохбурком – Шопурком – Шофиркон» гидротопонимининг сув, дарё, сой ёки анҳор маъноларини англатувчи

учинчи охирги бўғини «ком» субстрати юқорида келтирилган (кан, кон, кал, кол, қал ва қол) шаклларда қатор тарихий гидроним ва гидротопонимларни юзага келтиради. Уларнинг аксарияти ўрта аср ёзма манбаларида тилга олинган. Масалан, «Комот» ёки «Калот» – сув ёки дарё тармоклари, «Комизар (Коми Зер)» – дарёвот, ўзан; «Коми муғ» (Конимех) – Муғдарё (ўтпарастанлар анҳори); шунингдек, «Миёнкол» – икки сув ораси; «Миёнколот» – икки сув ўрчини, икки дарё ёки икки тармоқ оралағидаги ерлар – Миёнрудон, яъни орол демақдир. «Харкон», «Харқон» – серсув анҳор, катта сув, «Харқонруд» – серсув тармоқ; «Харомком» – серсув дарё каби шаклларда қайд этилади. Бундай хилма-хил қадимий гидронимлар сермазмун маъноларни билдирган.

Демак, ҳозирги вақтда Шофиркон талаффузида юритиладиган, тарихий ёзма манбаларда Шопурком шаклида қайд этилган гидротопоним ва уни шакллантирган субстрат ва топоформантлар ҳамда улар асосида юзага келган қатор турли шакл ва мазмундан иборат морфемалар топонимик, морфологик ва тарихий жиҳатдан тадқиқ этилиб, мазкур атама аслан «Шохбурком» шаклида талаффуз этилгани аниқланди. Бизнингча, бундай ифода мантиқан асосли ва илмий жиҳатдан ҳақиқатга яқин. Чунки «шох» лексемасини – тармоқ, айри, шохоб, сув йўли; «бур» сўзини – жар, кесик, ёрган, ўпирган, ўпқон, тешган, кескан ва «ком» иборасини – сув, сой, дарё, анҳор, ўзан каби маъноларни англатиши назарда тутилиб, «Шохбурком – Шофиркон – Шопуркон» гидротопонимининг этимони борасида фикр юритилса, ушбу тарихий ном «Сувёрган; Дарё тармоғи кескан; Тармоқ оқими ўпирган» деган маъноларни англатишига шубҳа қолмайди. Бизнингча, ҳозирги Шофиркон шаҳри «Дарё шохоби соҳилидаги маскан», «Шофиркон Руди» эса «Зарафшон тармоғи» каби маъноларни англатади деб изоҳлаш мақсадга мувофиқ.

Инсониятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаёти билан бевосита боғлиқ бўлган икки тарихий жараён бир вақтда содир бўлиб, бирданига шаклланмаган. Башарият бошқарувининг илк куртаклари ҳаёт тақозоси билан унинг тўда, тўп ва айрим гуруҳларга бирикиши оқибатида юзага келган. Кейинчалик уруғдошлик замонида узлуксиз кенгайиб шаклланган. Тўпу гуруҳлараро муносабатларнинг фаоллашуви (экзогамия), гўштни чўғда кабоб қилиб истеъмол қилиниши ва бетиним ҳаётий кураш натижасида одамзод вужуди куч тортиб чехраси очилган. Тубдан янги авлод – «Ақл идрокли одам – кроманьон» дунёга келган. Унинг ўзгача янги ҳаёти ва илк маданияти пайдо бўлган. Тарихда она уруғдошлиги (матриархат) номи билан юритилган бу даврда инсон зоти шарифи – Она зурриёти ҳисобланган. Бу авлод асосида аввал уруғ, сўнгра эса бир қанча уруғлар уюшмаси – қабила ифодаланган. Бундай илк ижтимоий гуруҳларни дастлаб биби оналар бошқарган. Фарзандларни дунёга келтирган ва уларни бирлаштириб илк жамоатчиликка асос солган. Она сиймоси Авестода «нмана» деб қайд келтирилган. Суғдшунос олим Мирсодик Исҳоқовнинг таъкидлашича, инсон зоти шарифи Онаси мақомига берилган бундай улугвор ном «қўриқловчи, химояловчи ва муҳофаза этувчи» маъноларни билдирган. Шундай тизимда ўзбек лексемасида ифода этиладиган «сақловчи» ёки «пойловчи» каби ибораларда «нмана» атамаси ўз этимологик ифодасини топган бўлса, «посбон» ёки «қўйчивон» сўзларида эса оналарнинг қадимий ҳаётий кашфиётлари акс этган. Бундай талқинда оналаримизнинг ҳаётан буюк эканлиги – уй, хонадон ва жамоат қўриқчиси ва беназир бекаси каби умумбашарий сифатлари намоён бўлади.

Оналар муҳофазаси остида юзага келган умумбашарий ҳаётий бошқарув милоддан аввалги 40 минг – I минг йилликларда икки босқичда кечган. Унинг 40–32 минг йилликларнинг дастлабки палласида одам зурриёдлари оналар раҳнамолигида овчилик, балиқчилик билан шуғулланган ва табиатнинг турли хил неъматларини териб-тўплаб кун кечиришган. Шу боисдан ушбу босқич тарихда «одамзоднинг табиатга боқимлик» даври деб аталиши айтилиши ҳаётийдир.

Милоддан аввалги 3/2–I минг йиллик бошларида чорвачилик, деҳқончилик ва ҳунармандчилик (хусусан кулолчилик, тўқимачилик ва тикувчилик) каби бунёдкорлик хўжаликларга асос солинди, қўшимча емаклик маҳсулотлар, ҳаётий зарур уй-рўзгор буюмлари, жиҳозлар ишлаб чиқариш кашф этилди. Ушбу хўжаликлар билан она ўғлонлари шуғулланишган. Оналар кашфиётларини улар узлуксиз ҳаётий касб-ҳунарларга айлантиришган. Натижада ота уруғдошлиги даври бошланган.

Зардуштийлик ва Авестода таъкидланишича, дунёнинг маркази инсон ва унинг оиласи – «нмана» (дмана) дан бошланган. Нмананинг онаси билан бир сафда отаси ҳам руҳпарвар раҳнамоси – «нмаутпати», яъни «уй отаси» бўлган. Ота оилани емиш билан таъминлаши, парвариш-лаши, ҳимоя қилиши билан бир қаторда оиланинг руҳий асосчиси, эътиқодий етакчиси сифатида гавдаланган. Шу боисдан оилада ота ва оналар фарзандларнинг камолоти учун масъул ҳисобланишган.

Тарихан илк бундай ижтимоий бирлик археология фанида патриархат, яъни «катта оила», ота уруғдошлиги шаклида қарор топган. Бундай кўп сонли оила тураржойининг умумий манзараси мил. авв. 2-минг йилликнинг дастлабки чорагига тегишли Сополлитепа ёдгорлигида кузатилган. У ердан атрофи қалин мудофаа девори билан ўралган қўрғон саҳнида жойлаштирилган саккизта тураржойларнинг вайроналари қазиб ўрганилди.

Бу саккиз ота – патриархал уруғнинг уюшмаси ўзаро қон-қариндош оилалар бирлиги сифатида «вис» деб аталган. Виснинг раҳнамоси «виспати» эса, уруғнинг маъмурий руҳпарвар етакчиси ҳисобланган. Улар нманупат йиғинида жамоат маслаҳати асосида сайланган. Бир неча вислар уюшмаси қабила – занту, унинг бошлиғи зантупати деб юритилган. Зантулараро алоқалар кенг катта ҳудудларни, воҳаю водийлар, элу юртларни бошқарган.

Зантулар уюшмаси даҳйу деб аталган. Уни бошқарган маъмурий ҳукмдор даҳйупати номи билан шуҳрат қозонган. Ижтимоий уюшмаларнинг бошқарув машварати усули тарихда «ҳанжамана» номини олган. Ушбу сўз ўзбек тилида анжуман – «мажлис» демакдир.

Ҳанжамана жамият ҳаётининг барча масалаларини муҳокама этиб, зарурий вазифаларни белгилаган. «Авесто»да илк бошқарувчилик тарихи ҳақидаги маълумотлар билан бир қаторда, давлатчилик жараёнларининг ғоявий асослари ҳам ёритилган. Унда таъкидланган «Эзгу ўй, эзгу ният ва эзгу амал» каби хайрли ибораларда инсонга хос муқаддас самимий хислатлар ўз жилосини топганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Инсоният фаолиятида ижтимоий ҳаётнинг илк бошқаруви оналар номи билан боғлиқ. Сўнгра, ота уруғдошлиги замонида ишлаб чиқариш хўжаликлари ривож топиб кенгайгани сари дарёларнинг қуйи тармоқлари бўйлаб шаклланган катта-кичик воҳалар ва уларда қатор қишлоқлару шаҳарлар барпо этилади. Кейин эса кенг даштликларнинг чорва ўтлоқларию яйловларга айланиши билан ўтроқ деҳқончилик ва кўчманчи ёки ярим ўтроқ чорва хўжалиklarини бошқариш тартиблари қатъий барқарорлашиб, муқимлашади. Бу даврда етиштирилган маҳсулотларнинг бир қисми аввало жамоалар ихтиёрида, сўнгра эса айрим шахслар, хусусан уруғ, қабила оқсоқоллари қўлида тўплана бошлаган. Оқибатда уруғдошлик жамоати таркибида табақаланиш юз бе-

ради. Баъзи уруғ ёки қабилаларнинг ҳарбийлашган бирикмаси, эл-юрт, воҳа ёки қишлоқ ва илк шаҳар буюбеклари воҳа ҳокими, ҳатто айрим ўлка ҳукмрони каби сиёсий даҳолар тарих саҳнасида намоён бўла бошлайди. Қишлоқлар ободлашиб, ҳукмдорларнинг муқим истиқомат қароргоҳи – «Маскат», яъни Самарқандча «Шоҳ-ўр-стон» «хон турадиган» «катта уй»лар қад кўтаради. Чорвадор хўжаликларнинг етакчи бийлари эса ёзги ва қишки манзилларда қарор топади. Бундай манзиллар қадимги туркий талаффузда балиқ, аслида «боғлиқ», яъни «хон» ёки «бек» боғланган қароргоҳ маъносида юритилган. Тарих, сиёсатшунослик ва ҳуқуқшунослик фанларида давлат тўғрисида келтирилган назарияга асосан, ҳатто уруғдошлик гуруҳларнинг ўзаро бошқарув тартиблари урф-одат тусида шаклланган матриархат даврида ҳам давлат бўлмаган.

Шунингдек, ишлаб чиқарувчи хўжаликлар тобора кенгайиб, уруғдош жамоалар асосий бош кучга айлана бошлаган даврда ҳам ҳокимият ҳали мавжуд эмасди. Шундай бўлсада, деҳқончилик ва чорва хўжаликларини бошқаришда аввало аҳолини ер ва сув билан таъминлаш тартибга солинган ҳамда жамоалараро муносабатларда юзага келган ҳаётий муаммоларни ҳал қилишда уруғ, қabila ва улар иттифоқида камол топган обрўли шахслар бошчилик қилишган. Ёзма манбаларда бундай омилкорлар «пешдодий», «ябғу ёки жабғу» ва «қавий (кава)» каби номлар билан шуҳрат топишган. Улар ҳали ҳукмдорлик ҳуқуқига эга эмасди. Жамоалар, эл ва юрт аҳлининг адолатли элчиси, ҳимоячиси, ўзаро муносабатларни тартибга солувчи, холис бу шахслар ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий муаммоли масалаларни «ханжамана»да муҳокама этиб тасдиқлашган, ҳаётда урф-одат ва қоида тусини олган қатъий тартиблар асосида ҳал эта олишган.

Давлат қисқа бир даврда бирданига ташкил топган воқъелик эмас. Балки асрлар мобайнида ишлаб чиқарувчи

хўжаликларнинг тараққиёти билан бевосита боғлиқ мўътадил босқичма-босқич ташкил этилган сиёсий тузум киёфасининг шаклий тамойилидир.

Қадимги ва ўрта асрларда Ўрта Осиёда қарор топган Турон ва Мовароуннаҳр музофотларида дастлаб кичик, сўнгра йирик ҳукмронликлар пайдо бўлган. Худудий жиҳатдан давлатлар, шаҳар, воҳа ёки ўлка ҳамда марказлашган йирик салтанатлар – Турон ва Эрон юртлари, Қанғ, Кушон, Турк хоқонлиги, Хоқония – Қорахонлар каби султонликлар ташкил топган. Уруғдош жамоалар даврида «бий», «ябғу», «кавий» атамалари билан улуғланган жамоа бошлиқлари – беклар ҳукмронлик даражасига кўтарилиб, тахтга ўтиргач, хоқон, хон, шоҳ ва султон деб олқишланган буюк подшоҳлик атамалари билан юритила бошланган.

Ушбу ҳукмдорлар, давлатнинг бош бошқарув тизимини, ҳаётий йўналишлари мажмуи – маъмуриятини шакллантириб, ҳукукий фаолиятини қонунлаштиришган. Тубдан янгиланган бундай бошқарув тизими эндиликда барча шакллардаги ҳокиму ҳукамоликларнинг сиёсий ва худудий ҳукмронлиги барқарорлигини мустаҳкамловчи ва уларни ҳар томонлама ҳимоя этувчи марказий маъмурият, яъни давлатчилик маҳкамаси вазифасини ўтаган.

Бундай тузум ва бошқарув тизимини назарда тутганда Олий ҳукумат ва унинг мутлақ ҳукмдори давлат ва унинг фармону қарорларини ҳаётга татбиқ этган мамлакатнинг марказлашган тартибдаги бошқарув тизими тарихшунослик фанида «давлатчилик» атамаси билан ифодаланади. Давлат ва давлатчилик атамалари иккига ажратилиб алоҳида-алоҳида талқин этилса-да, аммо тарихий ва лисоний жиҳатдан уларнинг илмийлик моҳияти борасида келтирилган маълумотлар, шубҳасиз бири иккинчисини тўлдирибгина қолмай, балки давлат ва давлатчилик тузumi ва тизимларини илмийлик жиҳатдан чуқурроқ тадқиқ

этишга ундайди. Уларнинг ҳаётий фалсафий тушунчаларини белгилашга ёрдам беради.

Хуллас, ушбу кўхна тарихий босқичда ҳали давлат шаклланмаганди. Одам тўпларию жамоаларини бирлаштирган тизими шаклланиб қарор топганди. Она уруғдошлиги замонида ушбу омилкор бошқарувчи шахс сифатида узоқ минг йилликлар оша муттасил фаолият кўрсатишган. Кейинчалик эса оналар орттирган ҳаётий тажрибаю кўникмалар урф-одатга айланиб тартибу қоидалар ўрнатилган. Оқибатда бундай асрий тартибот асосида умумбашарий бошқарув тизими шаклланиб муқим қарор топган. Жамият бошқарув тизимининг ривожини, шубҳасиз эл-юрт ва мамлакат аҳолисининг ижтимоий ҳаётга кучли таъсир этган. Натижада умумбошқарув асосида жамиятнинг сиёсий ташкилоти – ҳукмронлик мақоми – тузум сифатида қад кўтарган.

Агар бошқарувчилик тизимининг тараққиёти ишлаб чиқарувчи хўжаликларининг кашф этилиши билан белгиланса, Ўзбекистон ҳудудида давлат тузуми тахминан уч минг йилдан зиёдроқ тарихга эга. Давлат тузуми эса илк бошқарув тизимидан камида 40 минг йил кейин ташкил топганига шубҳа қолмайди.

Ўзбек тилининг беш жилдлик изоҳли луғатида «давлат» атамаси – мамлакат сифатида таърифланади ва у ўз фуқароларининг ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, бунга қарши турувчи кучларнинг қаршилигини синдирувчи ҳокимият органлари ва сиёсий ташкилотлари тизимига эга бўлган мустақил мамлакат деб талқин этилади.

Ўзбек тили лексикасида ушбу атама халқ тилида оддийгина тушунчада – бойлик, мол-дунё, мол-мулк, ният, маблағ, сармоя; кўчма маънода бахт, толе, омад, ҳамжихатлик, хотиржамлик, ота-она; ҳатто эркак ва аёллар исми шаклларида таъриф этилади.

Бундай талқинларни умумлаштириб таърифлаганда давлатчилик атамаси давлат сўзига нисбатан қадимийроқ ва кенгроқ маънодаги тарихий бирикмани англатади. Демак, давлатчилик ва давлат узоқ ва яқин даврларнинг тарихий маҳсули. Уларни Ўзбекистон ёки Марказий Осиё тарихи билангина эмас, балки жаҳон тарихи билан боғлиқ тарзда ўрганиш илмий жиҳатдан муҳим аҳамиятга моликдир.

III боб

МУДОФАА ВА ИҲОТА ИНШООТЛАРИ, ОБОДОНЧИЛИК ҲАШАРЛАРИ ҲАМДА МАРОСИМИЙ АТАМАЛАР

Бадахшон – Довон йўли манзили

Бадахшон – Амударёнинг юқори оқимида Помир тоғларининг бир қисмида жойлашган қадимий тоғли ўлканинг номи. Ҳозирги даврда Помирнинг ғарбий қисмида Тоҷикистон Республикасининг Тоғли-Бадахшон мухтор вилояти, унинг шимоли-шарқий қисмида эса Афғонистоннинг шу номдаги шимоли-шарқий ўлкаси ўрин олган. Бадахшон тарихда Шарқ ва Ғарб давлатларини боғлаган қадимий карвон йўли устида жойлашган йирик савдо маркази бўлган. У ислом дунёсининг Тибетга томон йўналган чорраҳадаги энг сўнгги қароргоҳи ҳисобланган. Бу ўлкадан чет мамлакатларга лаъл, ложувард, ёқут, биллур ва зумрад каби қимматбаҳо тошлар олиб кетилган. Бундай ноёб ва харидоргир дуру-жавоҳирлар орасида, айниқса, лаъл энг қимматлиси бўлиб, жаҳон бозорида у «лаъли бадахш» номи билан шуҳрат топган. Аксарият тадқиқотчиларнинг фикрича, «лаъл бадахш» ёки «балахш» ёқутнинг тиниқ тўқ қизил рангли олий навидир. Зарафшон водийсининг баҳодир ўғлонлари эса севгилисининг лаби, қизил шаробни лаъл Бадахшонга қиёс қилишган.

Ҳатто келинникига боришда куёв-навкарлар «ёр-ёронай, ёри Бадахшонай» деган яллани баралла айтишган.

Ёқут Ҳамавий Бадахшон номини «Базахшон» ва «Балахшон» шаклларида ҳам қайд этиб, ушбу атамани «базахш» ёки «балахш», яъни лаъл конлари номидан келиб чиққан деб изоҳлайди.

Шу боисдан Бадахшон топонимининг семантикаси борасида сўз юритган бошқа муаллифлар ҳам уни «базахш», яъни Бадахшон лаълиси номидан олинган бўлиши мумкин деб ҳисоблашади.

Аммо топонимист В.А. Никонов бу ҳақда сўз юритиб, «Бадахшон» эронча «бадаш» – «лаъл» сўзидан келиб чиққан, яъни товуш ўхшашлигидан бошқа нарса йўқ, деб ҳисоблайди. Шу сабабли фанда Бадахшон топонимининг этимони ҳақида ҳануз аниқ бир фикр мавжуд эмас.

Тарихдан маълумки, қадим замонлардаёқ жаҳон бозорида шуҳрат топган Бадахшон лаълиси Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига олиб чиқилиб сотилган. У Шарқ жавоҳиршунослари-ю зебу зийнат ясовчи заргарларини лол қолдирган улкан Шарқ ҳукмдорларининг сарой, тожу тахтларини безаган. Бундай ноёб ва қимматбаҳо жавоҳирлар маскани – Бадахшон узоқ ва саҳифалари ҳали тўла очилмаган тарихга эга. Милоддан аввалги II асрда Бадахшон ўлкаси Тоҳаристонга қараган, сўнг Кушон подшолигига тобе бўлган. V–VI асрларда у Эфталлар давлати, VIII асрда Араб халифалиги, XII асрнинг 2-ярмида эса, Гурийлар ҳукмронлиги, XIII асрнинг 1-чорагида Мўғул давлати қўл остида бўлган. XV–XVI асрларда Бадахшонда Темурийлар ҳукмронлик қилган. 1520 йилда Бобур Бадахшонни аввал тўнғич ўғли Ҳумоюнга, 1530 йилда эса Мирзо Ҳиндолга топширган. 1584 йилда Бадахшонни Бухоро хони Абдуллахон эгаллаган. XVII асрда Бадахшонга аввал аштархонийлар, кейинроқ Самарқанд (Даҳбед) саййидларидан Мир Ёрбек (1656–1706) асос солган сулола намояндалари бошқаришган. Мир Ёрбек Бадахшоннинг пойтахти Файзобод (Жузғун) шаҳрига асос солган. XVIII–XIX асрларда Бадахшон ҳукмронлиги Қундуз беклари тасарруфига ўтган. 1872 йилда тузилган рус-инглиз ахдномасига биноан Бухоро амирлари билан Афғонистоннинг Бадахшондаги чегараси Панж дарёси деб белгиланган. 1873 йилда Афғонистон ҳукмдори Дўст

Муҳаммадхон Бадахшонни ўз давлати тасарруфига кўшиб олган.

Ўрта асрлар ёзма манбаларида «Бадахшон» кўплик шаклида «Бадахшонот» ҳамда «Манжан» ёки «Мунжон» каби номлар билан ҳам тилга олинади.

Баъзи маълумотларга қараганда, Кошғар чегарасида бир шаҳар ва бир нечта работлар Бадахшон номи билан юритилган. Шунингдек, Зарафшон водийсининг тоғли юқори қисмида икки қишлоқ ва Қашқадарё вилоятининг Қамашитуманида бир қишлоқ Бадахшон номи билан юритилади.

Ўрта Осиёнинг тарихий географиясида «Бадахшон» шаклидаги қатор топонимларнинг учрашидан маълум бўляптики, бундай атама фақат Помирнинг тоғли ўлкасигагина тегишли бўлмай, балки Кошғар, Зарафшон ва Қашқадарё водийларининг тоғли минтақа ҳудудларида ҳам мавжудлиги қайд этилган. Гарчи манбаларда Помирдан ташқари «Бадахшон» ёки «Бадахшонот» каби ҳудудлардан, лаъл кони топилиб, ундан бундай жавоҳир қазиб олингани тўғрисида бирон-бир маълумот учрамаса-да, ҳар ҳолда бу жойларнинг орографияси Помирнинг Бадахшон ўлкасининг тоғли ва тоғ олди минтақасига табиатига жуда яқин бўлиши эҳтимол. Шу боисдан этимологик жиҳатдан тадқиқ этилаётган макротопоним – «Бадахшон» атамасининг юзага келиши, унинг лаълиси ёки лаъли қазиб олинган конининг номи билан эмас, балки тоғлик ўлкаларнинг табиий манзараси билан узвий боғлиқ ҳолда кечган бўлиши мумкин. Фикримизнинг қанчалик ҳақиқатга яқин эканини ушбу ороним – Бадахшонни морфологик таҳлил этиш билан аниқлаш мумкин.

Бадахшон атамаси уч компонентли бўлиб, у «бад» + «ах» + «шон» сўзлари кўшиливидан ясалган. Унинг биринчи компоненти «бад» сўғдийча «ват//вата» сўзидан юзага келган. Бу лексема «кўнок» ва «манзил» маъноларини билдиради.

«Вот» субстрат ёки морфема шаклларида ўзбек ва тожик лексикаларида от ясовчи композит сифатида «вот», «бод»,

«бат», «Бед» ва «бит» ҳамда «беда», «бедона» шаклларида кенг истифода этилади. Бундай от ясовчи қўшимчалар воситасида одатда айрим ойконим, гидроним ёки оронимларнинг маънос лексемалари шаклланган. Масалан, «обод» — аслида «об+бод» — суғорилган, ўзлаштирилган ер ёки майдон, боғу бўстон, экинзор, пайкал, гавжум тураржой.

«Уват» — аслида (ўр+ват) — марза, рош ёки чел, яъни сув тўхталган жой; «навбат» — гал, навбатчилик; «кават» — қатма-қат жойлашган баланд биноли уйлар ёки хоналар; тоғ жинслари ва тупроқ қатламлари; «қозираво» — қозихоналар, ҳукм белгиланиб ижро этиладиган жой; «ғазовот» — жанг, уруш майдони, жангоҳ; «турнаво» — турналар қўноғи, турна уяси; «шеробод» — шерлар макони, уяси, тўқай(зор), чакалакзор; «укубат» — жазо, азоб ва қийинчилик каби маъноларни англатган.

Ўрта аср араб географлари асарларида келтирилган маълумотлардан маълумки вот, бат, бет, бод, бед, бўд ва бит ҳамда беда, бедона шакллардаги композитли атамалар кўпроқ Зарафшон водийси ҳамда Сирдарё ҳавзаси вилоятларида жойлашган қишлоқларда учрайди. Масалан, XII–XIII аср муаллифлари Абу Саъд Самъоний ва Ёкут ал-Ҳамавийлар Бухоро шаҳри теварак-атрофида Боданий (Бодоний), Бадихун, Навжабод, Навзибод, Себадмун, Худобод ва Себидғук каби, Самарқандга яқин жойларда эса Сангобат ёки Сангбат ҳамда Битнин ёки Битйин, Бедана, Барлос каби қишлоқларнинг жойлашганини қайд этишади.

Аммо ушбу атамаларнинг аксариятини аслий талаффуздаги шакллари мутлақо ўзгариб кетган. Уларни морфологик жиҳатдан таҳлил қилиб, этимологиясини аниқлаш эса бирмунча мушкул.

Бадахшон макротопонимининг иккинчи компоненти «ах» турли тарихий номлар таркибида «ак», «ақ», «оҳ», «ах» ва «оқ» шаклларида ҳам учрайди. Масалан, Аҳси, Аҳсикат, Аҳча Сузах, Сузоқ, Ағба, Ақдон, Оқчоб, Ақба,

Ақаба кўноқ, (Д)Жизз(ак) (ах)(оқ) каби номлар шулар жумласидандир.

Бадахшон атамасининг турли шаклларда истифода этилган иккинчи «ах» компонентининг вариантлари орасида тўлиғи ва аниқроғи «ақба» шаклида ифода этилгани бўлиб, у географик атама ҳисобланади. Ёзма манбаларда у «ақаба», кўплиги эса – «ақабот» шаклларида тилга олинади.

Бу атама IX–XIII аср ёзма манбалари: «Худуд ал-Олам», «Тарихи Табарий», араб географлари Ибн Хавқал, Истархий, Самъоний, Ёкут Ҳамавий ҳамда Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий асарлари бўйича тузилган изохли лугатларда учрайди.

Ўзбекистон билан Тожикистоннинг тоғли худудларида, айниқса Зарафшон, Ҳисор ва Помир тоғларида бир қанча топонимлар хусусан, доvon номларининг субстрати сифатида қайд этилади. Масалан, Ақба, Ағба, Ақабоши, Ақваводиф, Ақбайи Ғишхун, Ақбайи Фароб, Чоши Ақба, Ақбайи Сурхат, Ахба Испан, Ақбайи Оббурдон ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Бундай ибора ҳозирги вақтларда ҳам Ўрта Осиёнинг тоғли жойларида ахба, ағба, авға шаклларида турли маъноларда ишлатилади. Масалан, Самарқанд вилоятининг баъзи жойларида доvonга кўтариладиган тик тоғ йўли «овға» деб юритилади.

Ўрта аср муаллифларининг аксарияти доvon ва унга томон йўналган оғир ва пасту баланд ҳамда сер муюлишли тоғ йўллари таърифлаганларида «ақба» ва «ақаба» каби ибораларни ишлатишган.

Демак, Бадахшон макротопонимининг иккинчи «ах» компоненти ва унинг турли шакллардаги синонимик морфемалари (ақ, ох, оқ, ақба ва ақаба каби иборалар) доvon маъносини англатган. Масалан, Фарғона водийсини Шарқий Туркистон билан боғлаган қадимги тарихий Кошғар доvони, Тошкент воҳасини Фарғона водийси билан туташтирган Қамчиқ доvони ва Самарқанд вилоятини

Шахрисабз билан улаган серкатнов Тохтакарача довони мисолида тасаввур этиш жоиздир.

Довон атамаси ўзбек тили лексикасида «бел, кифт, елка, ошув» каби қатор иборалар воситасида ҳам ифодаланади. Мисол учун, Фориш туманидан Самарқанд томонга йўналган тоғ йўли Совурбел, Жиззахни Булунгур билан туташтирган адир йўли Музбел каби номлар билан юртилади.

Бадахшон атамасининг учинчи «шон» шаклидаги компоненти «шона» ва «сон» шаклларида ҳам қайд этилади. Масалан, Арасон, Арашон, Аршон, Афшона, Зарафшон, Нишон, Обушон, Устурушон, Хабушон каби шакллардаги топонимларда ушбу морфемалар бирикиб келади. Бу компонент ўзбек ва тожик тилларида из, белги, йўл, чизғи, хат, асар, аломат, нишон, белги, чегара, худуд каби маъноларни билдирган.

Хулоса қилиб айтганда, Бадахшон атамасининг морфологик тахлилидан кўринадики ушбу топоним «бад – манзил ёки қўноқ» + «ах//ақ – довон ёки ошув» ҳамда + «шон – йўл», каби маъноларни англатувчи иборалар бирикмасидан юзага келган. Бадахшон макротопоними, шубҳасиз, тоғли ва тоғолди худудларига мансуб ороним бўлиб, у «Довон йўли манзили», «Довондаги қўноқ» ёки «Тоғ ошувидаги қароргоҳ» каби маъноларни англатган.

Бегор – умумбашарий муқаддас ҳашар

Хоразм диёрининг суғорилиб обод этилиши тарихини ҳар томонлама чуқур синчиклаб тадқиқ этган академик Яҳё Ғуломов ўз асарларида «бегор» атамасини шарҳлаб, хоразмликларнинг тарихий ўтмишида, ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий ва маънавий ҳаётидаги улкан асрий моҳиятини қатор далиллар асосида белгилаб илмий талқин этади. Устоз олимнинг таъкидлашича, обикор деҳқончилик билан кун кечирган суғорма Шарқ ва унинг бир қисми

бўлган Ўрта Осиё аҳолиси, хусусан, хоразмликларнинг зироатчилик билан бевосита боғлиқ бўлган барча оғир жисмоний меҳнатининг асосий қисми «бегор» тартибию воситасида амалга оширилган.

Дарҳақиқат, деҳқончилик хўжалиги шаклланиб, унинг ривож топиши билан қадим замонлардаёқ жамоатчилик томонидан ўрнатилган ушбу оммавий ҳаракатнинг изчил меҳнати туфайли йирик суғориш тармоқлари қазилган. Улар муттасил лойқадан тозаланган, хилма-хил конструкцияли сув иншоотлари барпо этилиб, бўз ва қўриқ ерлар ўзлаштирилган. Сон-саноксиз қишлоқлар қад кўтариб, хунармандчилик шаҳарларининг гирди мудофаа деворлари билан ўраб олинган, қалъалар, кўрғонлар барпо қилинган. Шаҳарларда ибодатхона ва мадрасалар, ҳаммому тижорат расталари, савдо йўллари бўйлаб кўноқхонали бекатлар – жомлар ва карвонсаройлар, дарёю сойлар устига кўприклар, сувсиз чўлу биёбонларда усти гумбазли ҳовуз – сардобалар қурилган.

Қадимги хоразмликлар икки ҳаётбахш табиат манбалари ер ва сувдан тежаб, унумли фойдаланишда «бегор»га ниҳоятда жиддий аҳамият беришган. Шу боис хоразмликлар одатда «бегор» деганда аввало «қазув», яъни дарёдан канал қазиб чиқариш, уни лойқадан тозалаш, тошқинлар оқибатида лойқа аралаш кум ва шағал босиб, кўмилиб кетган арналар сақоси – канал бошини қайта қазиб, сув даҳанасини очиш, дарё ёки магистрал шоҳариқ ёқалари бўйлаб қочи – кирғоқ дамбалари – кўтармалар барпо этиш ва сув айиргичлар ўрнатиш каби ўн икки кунлик баҳорги ва кузги мавсумий оммавий йиғинни тушунишган. Бегор Хоразм воҳасидаги барча деҳқоннинг бурчи ҳисобланган.

Одатда қазув икки босқичда амалга оширилган. Биринчи босқичи «сақо қазуви», яъни «улу қазу ёки ташқи қазу» – арна бошини тозалаш ёки қайта очиш. Бундай қазув хон фармони билан тайинланган «соҳибкор» томо-

нидан унинг назоратида бошқарилган. Иккинчи босқич «обхўра қазуви» – магистрал каналлар «арна ва ёп», яъни сугориш шоҳариклари ва улардан бош олган сув тармоқларини лойкадан тозалаш қазуви бўлиб, у ички маҳаллий, яъни сувдан фойдаланувчиларнинг умумжамоа ҳашари ҳисобланган. У сугориш тармоқларининг мироблари назоратида олиб борилган.

Бундай тартибдаги оммавий мавсумий меҳнатнинг ташкил этилиши ва уни одат тусига айланиши, шубҳасиз, деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик ва улар билан чамбарчас боғлиқ қурилишлар, яъни ишлаб чиқарувчи хўжаликларнинг ҳаётий ишончли манбаи сифатида кенгайиб, тараққий топиши билан бевосита боғлиқ бўлган. Давлатнинг ташкил топиши билан марказлашган бошқарув тизимининг жорий этилиши оқибатида у дастлабки илк жамоатчилик шакли-шамойилини йўқотмаган бўлса-да, янгича ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиёт босқичи эҳтиёжларига мослаштирилиб, мажбурий ялпи меҳнат тизимига айлантирилган. Шу боисдан «бегор» атамаси, гарчи умумихтиёрий қадимий меҳнат тури сифатида қайд этилса-да, тарихий асарларда, хусусан изоҳли луғатларда турли маъноларда талқин этилади. Масалан, Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» китобида келтирилган «бегор» сўзига – «феодаллар тарафидан аҳолини мажбурий иш (йўл чиқариш; кўприк қуриш; канал қазуви; қалъани таъмирлаш ва ҳоказолар) га сафарбар қилиш тартиби» деб изоҳ берилган.

Алишер Навоий асарларига бағишланган луғатда эса «бегор» лексемаси форсийча сўз сифатида «мажбурий равишда текин ишлатиш; мажбурий ҳашар» деган иборалар билан изоҳланади.

Хоразмлик адиб Жуманиёз Шариповнинг «Хоразм» номли асарида «Хоннинг фармонига кўра ҳар ким бегорга ўн икки кун текинга ишлаб бериши керак эди», деб таъкидланади.

Икки жилдлик «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да (1981 йил) «Мажбурий хизмат, ҳашар (феодализм даврида хон-беклар томонидан камбағал фуқарони бепул ишлатиш усули)» деб изоҳланади. Ушбу луғатнинг янги нашрида (2006 йил) бегор – мажбурий ва бепул хизмат, мажбурий хизмат, ҳашар (ўтмишда хон-беклар томонидан камбағал фуқарони бепул ишлатиш усули) каби шарҳлар берилди.

Ҳақиқатан ҳам, дастлабки ишлаб чиқариш хўжаликлари шаклланиб, ривож топаётган ота уруғдошлиги жамоалари даврида оёқ (оқар) сувдан тежаб ва биргалашиб фойдаланиш каби ҳаётий эҳтиёж Шарқ мамлакатларида илк зироатчи соҳибкорларни ихтиёрий жамоатларга бирлашишга мажбур этган. Ер ва сувдан фойдаланишда улар сув хўжалигининг пойдевори ҳисобланган бегорни уюштириш ва уни амалга ошириш тартиб ва қоидаларини белгилаб уни мунтазам мавсумий урф-одатга айлантиришган.

Суғориш тармоқларини барпо этиш ва унинг мунтазам меъёрий оқимини жорий этиш мақсадида шакллантирилган ихтиёрий жамоалар Хоразм воҳасида «сув», Бухорода «корак», яъни «пайкал» иборалари билан юритилган. Чунки Хоразмда «арна» (шоҳарик)дан бош олган «ёп» (суғориш тармоғи)дан бир кеча-кундуз давомидаги оқар сувдан фойдаланиш ҳисобида, Бухоро воҳасида эса ушбу вақт (кеча-кундузги)да оқар сувнинг суғорган майдони (пайкал)нинг ҳажми асосида соҳибкорларнинг ихтиёрий бирикмалари ташкил топган. Мазкур ҳамкор суғориш уюшмалари Хоразмда «жабди», яъни жуйи < об < ди – (кишлоқ ариғининг суви), Бухорода эса «корак», яъни деҳқончилик мавсумида белкурак билан бир нафар шахс деҳқончилик қила оладиган майдон – яъни бир қўшли пайкал ер асосида номланган. «Бегор» мавсумида ҳар жабди ёки қўшдан бир ҳашарчи жалб этилиб, улардан ўн нафари бир тўпга, яъни «жабди»га бириктирилиб, унга «жабди боши», айрим вилоятларда ўн қўшга эса бир «қўшбоши», яъни ишбоши тайинланган. Улар маҳаллий

миробга, мироб эса хон ёки амир томонидан тайинланган ва шахсий васиқа (гувоҳнома)си бўлган «бегор»ни бошқарувчиси – соҳибкорга итоат қилишган. Чунки соҳибкор ташқи қазувни белгиланган муддатда амалга ошириб, деҳқончилик туман ва вилоят майдонларини сув билан таъминлашга масъул эди.

Суғориш тармоқларини мавсумий ҳашарга ҳар қўшдан бир нафардан мардикор жалб этиш қазув тартиби Бухоро воҳасида «якмарда»; бош сув айирғич тўғон ёки соқаларни таъмирлаш ёки қайта тиклаш борасида чақирилган ҳашар эса (ишнинг кўлами асосида) «думарда», яъни қўшдан икки нафар деб; дарёнинг баҳорги тошқинлари тўғон ёки қирғоқ дамбаларини бузиб ёки бутунлай ўпириб олиб кетган фавқулодда содир бўлган ҳодисалар оқибатини бартараф этиш вақтларида эса барча вилоятлар бўйича умумаҳоли ҳашари ташкил этилган. Бундай умумхалқ «бегори» – «марди вило ёки мардивилоят», яъни бухороликлар сўзи билан айтганда «мардивала» деб юритилган. Марди вилода етти яшардан то етмиш ёшгача бўлган ватанпарварларнинг деярли барчаси холисан иштирок этган. Масалан, бундай ҳолларда биргина Бухоро шахрининг бош Шаҳруд тўғонини тузатиш учун «марди вилоят» чақирилганда ўн мингдан зиёд мардикор тўпланган. Хоразм воҳаси бўйича ирригация тармоқларини лойқадан тозалашда йилига бир миллион ҳашарчи-кун сарф этилган. Жанубий Хоразм каналларидан йилига 7 мил. куб метр лойқа қазилиб чиқарилган.

Ниҳоятда оғир жисмоний меҳнат, беҳисоб ҳажмдаги қурилиш материаллари сарф этиладиган ҳамда асрлар давомида сув хўжалиги ривожига тўпланган оқилона тажрибаларнинг ҳосиласи бўлган сув учун оммавий кураш – «бегор» атамаси ва унинг синонимик шакллари қандай маънони англатади. Лексик жиҳатдан қайси тилга тегишли, деган саволларнинг туғилиши табиий.

Шуни таъкидлаш лозимки, ёзма манбаларда қайд этилган «бегор» атамасига адабиётларда, хусусан «Ўзбек

тилининг изоҳли луғати»да тўрт: ҳинд, форс-тожик тили ва маҳаллий шевага мансуб сўз ва иборани билдиради, деб изоҳ берилган.

Умумлаштирилган маълумотлардан маълумки, «бегор» атамасининг маъноси ҳақида адабиётларда изоҳ ва баъзи талқинлар берилган бўлса-да, унинг лексик маъноси фанда ҳалигача аниқланмаган. Шунингдек, атаманинг қайси тилга мансублиги аниқ далилий исботини топган эмас. Чунки атаманинг дастлабки тарихий шакли асрлар давомида авлодлар талаффузида ўзгариб, сўнгги соҳибкорлар истеъмолига «бегор» шаклида кирган. Шундай бўлса ҳам, ушбу мавҳум атаманинг дастлабки шаклини аниқлаб, унинг асосида юзага келган синонимик сўзларни белгилаш, сўнгра уларнинг маъноси ҳақида баъзи фикр-мулоҳазаларни билдириш мумкин.

Ўрта Осиё халқлари тарихи ёзма манбаларини синчиклаб тадқиқ этган шарқшунос олим В. В. Бартольд кўпжылдлик бир қанча асарларида «Бухоро» номини Ҳинд-Европа тилларига оид санскрит (қадимги ва ўрта асрлар ҳинд тили)га мансуб «вихара-бехар» сўзлари ва уларга синонимик эфтал, уйғур ва мўғулча «бухар» атамаси асосида юзага келгани ҳақида фикр юритади. Ушбу икки синонимик сўзлар монастир, бутхона, ибодатхона, яъни саждагоҳ каби маъноларни англатган. Олим ўз фикрини тасдиқлаш учун Хуросоннинг бир қатор Балх шаҳарларида жойлашган тарихий Навбехар, яъни Янги ибодатхона, шу жумладан, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларининг Навбехар дарвозалари номларини келтиради. В.В. Бартольднинг фикри назарда тутилиб, «Бухоро» топоними таҳлил этилса, у икки бўғин; «бух + оро» шаклларидаги икки лексемаларга ажралади. Биринчи бўғиндаги «бух» сугдийча бўлиб, ёзма манбаларда у «бағ», «боғ» ва «фағ» шаклларда тилга олинади. Ушбу синонимик лексемалар тангри, худо, худованд каби маъноларни англатган. Иккинчи бўғиндаги «оро» сўзи эса форсийча бўлиб, безаган, зийнатланган,

жило берган маъноларни билдирган. Бундай лексемалар бирикишидан шаклланган Бухоро топоними эса «Тангри зийнати» – «безаги» – «жилоси» ёки «жамоли» каби сифатлар билан зийнатланган. Бухорхудот номи бўлса, ушбу сифатларни мужассам этган макон эгаси, яъни ҳукмрони демакдир. Бундай талқинда, бизнингча, «Бухоро» топоними бутхона, ибодатхона ёки саждагоҳ каби маъноларни англатиши мантикий жиҳатдан ўтмиш тарихидаги номланишига ҳамоҳангдир.

Ҳамон «вихара ёки бехар ва бухар» сўзлари асосида Бухоро номи юзага келиб, ушбу топоним ибодатхона маъносини англатар экан. Хоразмча «бегор» лексемаси шаклан «бехар» сўзининг синоними сифатида аҳоли талаффузи оқибатида шаклланган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Бироқ «бегор» атамасини хоразмликлар жой номи тарзида эмас, балки оммавий ҳашар тушунчасида қабул этишган. «Ҳашар» – арабча сўз бўлиб, тўда, гуруҳ, тўпланиш, йиғилиш каби маъноларда юритилган. Жамоа аҳли йиғилиб ўзаро кўмаклашиш яъни ёрдам бериш демакдир.

Ҳақиқатан ҳам, ибтидоий жамоа даврида илк деҳқончилик хўжалиги шаклланаётган жараёнда жамоалар ўртасида ўзаро ёрдам, яъни ҳашар юзага келган бўлса, ушбу хўжаликнинг кенгайиб ривожланиши билан ўзаро кўмак, оммавий ҳашар шаклига кириб, зироаткорларнинг умумий меҳнат ҳаракатига айланган. Кўпчилик меҳнати билан етиштирилган ҳосилотни баракати учун шукрона қилиб, ибодатхона қуриш ва етказувчисига ибодат қилиш одат тусини олган.

Ибодатхона эса муқаддас жойга айланиб, уни бино қилишда иштирок этиш ниҳоятда хайрли савоб иш деб тушунилган. Шу боис ибодатхона қурилиши каби оммавий ҳашар эълон қилинган, қурилиш соҳибкорлари холисона тўпланган жамоага қарата – бу муқаддас ибодатхона ҳашари учун фақат ҳалол инъом-эҳсон қабул этилади, қурилишда эса зоҳид тақводорларгина қатнашади. Мабо-

до ораларингизда айрим ахлоқсиз фосиқ бўлса, ғойибона эҳтиётлик билан даврани тарк этсин деган иборани айтиб ҳашарчиларни огоҳлантирган. Чунки нопок маблағ ёки кимсалар ҳиссаси аралашган ибодатхонада тангрига сиғиниш кўпчиликка насиб этмасдан кўп вақт ўтмай у вайронага айланади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўрта Осиё хусусан, Ўзбекистоннинг ўтроқ деҳқончилик воҳаларида оммавий ҳашар, яъни бегор ибодатгоҳлар қурилишидан бошланган. Ҳар бир йирик марказий шаҳарда махсус ер ва жойлар ажратилиб, шаҳар атрофи, тумани ёки вилоятнинг умумаҳоли саждагоҳи муқим қарор топган. Масалан, қадимда Зарафшон дарёсининг қуйи оқимида ундан бош олган Зерируд тармоғи бўйларида қад кўтарган бешта қўрғонлар асосида тарихий Навмичкат – яъни Бухоро шаҳри қад кўтарган. Бешта қўрғондан бири (ҳозирги Телпакфурушон ва Саррафон меъморий обидалари оралиғида жойлашган Масжидда мағоки атторий саждагоҳи ўрнида X аср Бухоро муаррихи Наршахий сўзи билан айтганда, бутпараст ёки оташпараст мугларнинг бутхонаси бўлган. Бу ибодатхона ўз замонида Бехар талаффузи билан юритилиб, вилоят ва унинг марказий шаҳри Бухоройи Шариф – яъни шарофатли саждагоҳ номи билан шуҳрат топган. Мана шундай фазилатли ибодатгоҳу илмгоҳлар қурилиши бошлангач қурилишнинг соҳибкорлари томонидан умумбашарий «бехар» (бегор) ҳашари (йиғилиш) эълон қилинган.

Бундай йиғинни хоразмликлар «бегор» (бехар) яъни холисона умумбашарий ҳашар деб аташган. Ушбу тарихий атама Бухоро (вихара) – саждагоҳ; Навбехар – янги ибодатхона; Навбехар дарвозаси – янги ибодатхона ёнидаги дарвоза, Бухарзе (Бехарзе) – ибодатгоҳ ерлари; Бухарзий (Бехарзий) худудий (тахаллус) каби номларда ўз ифодасини топган.

Демак, «бегор» ўзбек халқи ҳаётида кенг жорий этилиб, удумга айланган ўзаро кўмак – ёрдам бериш шаклидаги

ихтиёрий кундалик ҳашардан фарқли ўларок, деҳқончилик, йирик халқ курилишлари, мамлакат, эл-юрт шаҳар ва қишлоқ ҳамда маҳалла-қўйларни обод этиш билан бевосита боғлиқ умумбашарий ҳолисона ҳашардир. Илк бор бундай турдаги оммавий меҳнат ибодатхона қилишдан бошланган. У муқаддас эзгу иш ҳисобланган. «Бегор» туфайли нафақат диёримиз ободлаштирилиб, покланган, балки ёш авлодлар меҳнатда чиниктирилиб, улар ишлаб чиқарувчи хўжаликлар учун ишончли куч сифатида шакллантирилган. Бундай буюк куч, шубҳасиз, мамлакат, – яъни давлатнинг умуммудофаа шуҳратини мустаҳкамлаган. Шундай экан, «бегор» халқимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаётида умумбашарий аҳамиятга молик эзгу фазилатли қадриятларимиздан биридир.

Байтқўргон, Бурчмулла, Муллабулоқ ҳамда Қорёғди номларининг маъноси

Тураржой номлари ва уларнинг шаклланишида иштирок этган лексемалар шаклан ниҳоятда хилма-хилдир. Бундай турланувчанлик, шубҳасиз, табиат билан жамият ўртасидаги мулоқотнинг бевосита уйғунлашуви асосида мужассамлашган. Шу боис Ўзбекистоннинг турли минтақаларида аجدодлар тили ва талаффузида яратилган барча тарихий топонимлар ўзига хос маънони англатади. Улардаги географик ҳудуднинг табиий хусусиятлари, туб аҳолисининг тили ва маънавиятнинг ҳолати ўз инъикосини топган. Шу боисдан ҳар бир топонимнинг этимонини, яъни маъносини илмий жиҳатдан аниқлаш уларнинг аслий шакли ва бирикмаларини тўғри белгилаб олинишига боғлиқ. Ваҳоланки, асрлар мобайнида авлодлар истеъмолида ўз талаффузларига мослаштирилиши оқибатида қадимий жой номларининг аксарияти ўз шаклини йўқотган. Натижада топонимларнинг этимони мавҳумлашиб, турлитуман ривоятлардан иборат халқ этимологияси юзага

келган. Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича: «...тили бошқа бўлган қабилалар бирон жойни эгаллаганларида номлар тез-тез ўзгариб туради, ўзга аҳоли худди юнонлар сингари маҳаллий номларни бузиб талаффуз этади... номларнинг маъносини бошқа тилга таржима қилганда ёки талаффузини осонлаштирадиган товушлар билан ёзганда номлар ўзгариб кетади. Кўпинча араблар чет эл номларини арабчалаштириб, ўзлаштирадилар ва бузиб айтадилар».

Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида жойлашган Бурчмулла, Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги Муллабулоқ қишлоқларининг аслий номланиши ўзгариб кетган тарихий масканлардан бири ҳисобланади. Ривоятларга кўра қадим замонда Чирчиқ дарёсининг Чотқол ва Кўксув ирмоқлари туташган муюлиш бурчагида бир саводхон мулла яшаган экан. Йиллар ўтиши билан унинг авлоду аймоқларининг тўпи катталашиб, жамоага айланибди. Улар бир қишлоқ барпо этиб, номини Бурчмулла, яъни мулла (бобо) ўтирган бурчак – муюлиш деб аташган экан. Аслида «мулла» лексемаси ва мулла ўтирган «бурч» сўзи ҳам «Бурчмулла» топонимининг юзага келишида на шаклан, на мантиқан алоқаси йўқ.

«Бурчмулла» топоними икки бўғиндан иборат бўлиб, унинг биринчи бўғинида «бурч» сўзи аслида «бурж» шаклида, иккинчи бўғинидаги «мулла» лексемаси эса «мўла» тарзида талаффуз этилган. Бу лексемалар бирикмасидан эса «Буржмўла» талаффузидаги тарихий топоним юзага келган. Кейинчалик аҳоли тилида бу ном «Бурчмулла» шаклида юритилиб кетган.

«Бурж» сўзи моддий маданият тарихида шаҳар, қалъа ёки кўрғон деворлари туташган бурчакларидаги минора тарзида бино қилинган мустаҳкам мудофаа иншоотини билдирган. Буржлар доира ёки тўртбурчак шаклда қурилган. Қалъа ёки кўрғон қамалга олинган пайтларида бурж ичкарисидан ташқарига ўқ узиш учун унинг деворлари бўйлаб бир нечта қатор нишон туйнуқлари – шинаклар ишланган.

«Буржмўла» топонимининг иккинчи бўғинидаги «мўла» лексемаси «бурж» сўзининг маънодош синонимидир. Мўлалар қалъа ва шаҳарларнинг мудофаа деворларининг мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида ҳар 50–60 м масофада ўрнатилган. Мўлалар баланд бўлгани учун кўпинча тасқара (куш) мўла тепасига кўниб, ўз ўлжасини узоқ вақт пойлаган. Шу боисдан халқимизда «Мўлага кўнган тасқарадек тепамда турма» деган ибора пайдо бўлган.

Демак, «Бурчмулла» топоними «бурж» ва «мўла» шакллардаги маънодош синонимик лексемалар асосида «Бурж+мўла» тарзида юзага келган. Лексемаларнинг ҳар икки шакллари ҳам «мулла бурчаги» эмас, балки «мудофаа иншооти» маъносини англатган. Шубҳасиз, буржу мўлалар қурилиш иншоотларининг энг маҳкам қисми ҳисобланган ва улар воситасида истехкомли тураржойлар, мустаҳкам қалъа ва кўрғонлар қад кўтарган. Агар шулар назарда тутилса, «Буржмўла» топоними истехкоми мустаҳкам қалъа ва маҳкам кўрғон маъноларини билдирган. Дарҳақиқат, қадимдан Чотқол ва Кўксув водийларининг серўт яйловлари чорвачиликда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Чорва молларини бу икки водий бўйлаб ўтлатишда Чотқол ва Кўксув дарёлари туташган жой – Бурчмулла қишлоғи муҳим бандаргоҳ – табиий дарвоза ҳисобланган. Стратегик жиҳатдан алоҳида ўрин тутган бу жойда, шубҳасиз қадим замонлардаёқ мустаҳкам истехком кўрғон – Буржмўла қад кўтарган.

Буржмўла топонимига ҳамоҳанг ва маънодош жой номи Ғаллаорол туманида жойлашган «Муллабулоқ» қишлоғи атамасида ҳам ўз ифодасини топган. Бу қишлоқнинг номи ҳам, худди «Бурчмулла» топоними тарзида, «мулла» ҳамда «булоқ» сўзлари бирикмаси асосида юзага келган. Агар «Буржмўла» топонимининг морфологик таҳлилидан келиб чиқилса, «Муллабулоқ» номи ҳам аслида «мўла» ва «булоқ» сўзларининг бирикмасидан ясалганига шубҳа қолмайди. Шундай экан, қишлоқнинг азалий номи «Мўлабулоқ» деб

юритилиб, бу шаклда у «Мўлали булок», «Мўла билан ўралган булок», «Мўласи бор булок» ёки «Мўла ичидаги булок» каби маъноларни англатган.

Демак, «Мўлабулок» топонимининг этимонидан маълум бўлишича, тарихда Сузангарон, Катвон ва Ёрйлоқ номлари билан шуҳрат топган Ғаллаоролнинг лаълмикор ерлари азалдан сувга танқис бўлган. Шу боис бу худуднинг чорвадор ва деҳқон аҳолиси сув манбаларидан ниҳоятда тежамкорлик билан фойдаланишган. Ҳатто тоғ ва адир ёқасидан қайнаб чиққан булок сувларини ифлосланиб, оёқости бўлишига йўл қўймаслик мақсадида булок боши атрофи махсус ихота иншооти – мўла билан ўраб қўйилган.

Тошкент шаҳридаги тарихий маҳаллалардан бири «Қорёғди» топонимини элшуносларнинг аксарияти «қорёғди» деб номланган хотира маросими билан боғлиқ бўлса керак, деган фикрни айтишади. Аслида бу топонимнинг ҳеч қандай маросимга алоқаси йўқ.

«Қорёғди» илк ўрта асрларда Мадинат аш-Шош номи билан шуҳрат топган қадимги Тошкентнинг шимоли-ғарбий томонида шаҳарга яқин жойлашган қишлоқдир. Ушбу топоним икки бўғинли бўлиб, «қарйа» ва «ди» каби сўзлардан ташкил топган. «Қарйа» сўзи арабча, «ди» форс-тожик тилида қишлоқ маъносини билдирган. Ҳар икки тилда ҳам «қишлоқ+қишлоқ» сўзлари бирикмасидан юзага келган бу топонимнинг мазмуни, шубҳасиз, ўз замонида икки тилда сўзловчи аҳолига тушунарли бўлган.

Қўш тилли лексемалар асосида шаклланган жой номларидан яна бири «Байтқўргон» топонимидир. «Байтқўргон» Тошкент вилоятининг Қибрай туманида, Тошкент–Чирчиқ–Ғазалкент темир йўли ёқасида жойлашган. Ушбу жой номи ҳам икки сўздан иборат бўлиб, у «байт» ва «қўргон» каби лексемалар бирикмасидан ҳосил бўлган. «Байт» сўзи арабча бўлиб, уй, хона, жой ва зиёратгоҳ каби маъноларни билдирган. Масалан, Байтул-Харам – Каъба;

Байтул-муқаддас – Қуддус шаҳри; Байтул-мол – давлат хазинаси тушунилган. «Байтқўрғон» топонимининг иккинчи компоненти – «қўрғон» ўзбекча бўлиб, у бирмунча кенгроқ тушунчага эга. У шаҳардан ташқарида дала жойда атрофи девор билан ўралган ҳовли-жой; истехкомли қишлоқ; қалъа ва умуман ҳар қандай баланд ва мустаҳкам девор каби маъноларни билдирган.

«Байтқўрғон» топонимини шакллантирган арабча «байт» – уй ва ўзбекча «қўрғон» сўзлари бирикмаси умуман олганда кенг дала шароитида қад кўтарган «девор билан ўралган тураржой», яъни қўрғон маъносини англатган.

«Байтқўрғон» этимони борасида шуни таъкидлаш лозимки, республикамизнинг вилоят ва туманларида «қўрғон» ва «қўрғонча» ўзакли топонимлар жуда кенг тарқалган. Масалан, Ерқўрғон, Ёрқўрғон, Жарқўрғон, Каттақўрғон, Оққўрғон, Тепақўрғон, Тупроққўрғон, Тўрақўрғон, Учқўрғон, Шерқўрғон, Шўрқўрғон, Чимқўрғон, Янгиқўрғон, Янгиқўрғонча, Қорақўрғон, Қумқўрғон, Қўрғони Варданзе, Қўрғони Ромитан ва Қўрғонтепа шулар жумласидандир.

Қўрғон ва қалъа тарзидаги топонимлар географиясидан маълумки, аждодлар қадимдан ўз меҳнати билан обод этган эл-юрт ва уни тинчлигини муҳофаза қилиш масаласига жиддий эътибор бериб келишган. Ҳар бир шаҳар, қишлоқ ёки алоҳида тураржой, ҳатто айрим деҳқончилик воҳалари мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Бундай истехкомлар мамлакатимизнинг шимолий ва марказий ҳудудларида «қўрғон», Хоразм диёрида ва унинг шимоли-ғарбий ўлкасида жойлашган юртларда «қалъа» номи билан юритилган. Чунки мамлакат шимол, жануб ва ғарб томонлардан табиий очиқ кенг даштликлар билан ўралган.

«Қорёғди» ва «Байтқўрғон» каби икки тилда маънодош лексемалар (араб, форс-тожик ва ўзбекча) бирикмаси асосида шаклланган топонимларда арабча компонентларнинг иштироки эса маҳаллий жой номи айнан таржима

қилиниб, бириктирилганидан далолат беради. Бундай кўшалок тарздаги топонимлар, ўлкамиз араблар томонидан фатҳ этилганидан сўнг пайдо бўлган. Ваҳоланки, VIII аср бошларида Мадинат аш-Шош атрофида Бинкат, Бўзгон, Кугайт, Калковуз, Коҳота, Окқўрғон, Тарнауш, Товкат ва Хирман каби ўндан ортиқ қишлоқ, қўрғон, ровот ва мавзелар бўлган. Бу қишлоқлардан фақат бири араблар учун ҳам тураржой экани тушунарли бўлиши учун «Қарйа+ди», яъни «қишлоқ+қишлоқ» деб аталган. Кейинчалик Тошкент шаҳри ташқарисида жойлашган Қарйади қишлоғи авлодлар талаффузида Қорёғди талаффузида юритилиб кетган. Қарйади қишлоғининг харобалари яссироқ тепалик тарзида то Тошкент зилзиласигача (1966 й.) Қорёғди маҳалласида сақланган эди. Маҳалла аҳолиси бу моддий маданият ёдгорлигини «Қишлоқтепа» деб аташарди.

«Калобод», «Калковуз», «Калос» ва «Миёнкол» гидронимлари

Мамлакатимизнинг тарихий географиясида ҳар хил «кал», «кол» ва «колот» каби лексемалар асосида шаклланган қатор гидронимлар ва уларга бевосита бириккан топонимлар ўрин олган. «Калобод», «Калковуз» («Кайковуз»), «Калос» («Келес»), «Миёнкол» («Миёнколот»), «Калти», «Калвак» ва бошқа шунга ўхшаш тарзлардаги кўпгина жой номлари шулар жумласидандир. Бундай шакллардаги гидронимлар ва топонимларнинг субстратлари: «кал», «кол» ва «колот» шаклан ўзгарган тарихий топонимлардан ҳисобланади. Шу туфайли уларнинг этимони турлича талқин этилиб, улар тўғрисида ҳар хил ривоятлар ва афсоналар ҳамда уларга асосланган халқ этимологияси яратилган.

«Калобод» топоними тарихий манбалар ҳамда баъзи илмий адабиётларда ўрта асрларда Бухоро шаҳрида барпо этилган маҳалла, гузар, дарвоза, мадраса ва шаҳар

анҳорининг дарвозали бош тўғони каби иншоотлару турар-жойларнинг номлари сифатида қайд этилади. «Калобод» гидротопопимининг юзага келиши ва Бухоро шахрида аҳоли пунктларини ягона ном билан аталиши борасида ривоятлар ҳам мавжуд. Улардан бирида қайд этилишича, Амир Темур Қўкон ҳукмдори билан шиддатли жангда тўқнашган ва мағлубият хавфи туғилган. Кейин каллардан иборат ҳарбий гуруҳ жангга кириб, жасорат кўрсатгач, ғалабага эришилган. Каллар жасорати эвазига Амир Темур Бухоро шахрида уларга атаб махсус мадраса қурдирган. Шу боисдан ушбу мадраса «Калобод» номи билан юритилган. Бошқа бир ривоятда ҳикоя қилинишича, Фарғонада қанақадир сирли ёзувлар топилган. Уларни ҳеч ким ўқий олмаган. Амир Темур бу ҳужжатни ўқиш учун жаҳондаги барча тилларнинг билимдони Хожа Исҳоқ Калободийни Фарғонага юборган. Олим сирли ёзувларни ўқиб, ҳужжат юнонча эканини ва унда «мамлакат тахти Темурга мансубдир» деган сўзлар битилганини айтган. Бундай башоратли фатводан ниҳоятда ғазабланган Фарғона ҳукмдори Хожани ўлимга маҳкум этади. Шаҳид жасади Бухорога келтириб дафн этилган. Қабр тепасида эса «Калобод» мадрасаси бино қилинган экан. Таниқли элшунос олима О.А. Сухарева «Калобод» этимонини «каллар бино қилган» мадраса деган маънода талқин этади. Аслида «Калобод» топоними икки бўғин: «кал» ва «обод» каби лексемалар бирикмасидан шаклланган эмас. Балки, у уч бўғинга: «кал», «об» ва «бод» каби лексемаларга ажралади. Бу сўзлар бирикишидан юзага келган топонимнинг тўлиқ ва тўғри шакли қўшалок «б» ҳарфи билан «Калобод» тарзида талаффуз этилган. Аҳоли талаффузида «б» ҳарфларидан бири едирилиб кетган.

Атаманинг бош бўғини «кал» қадимий «кан, кон, ган ва гон» сўзларидан олинган. Баъзи ҳолларда бу суғдий лексема «кал ва кол, баъзан эса қал» шаклларида истифода этилади. Бу сўзларнинг аксарияти сув, дарё, тармоқ, сой, ўзан, қўл, анҳор ёки канал ва шоҳариқ каби сув манбала-

ри – гидронимларни билдиради. Топонимнинг иккинчи бўғинидаги «об» сўзи қадимги «кал ёки кол» лексемаларининг форс-тожик тилларидаги маънодош синонимидир. Учинчи бўғинидаги «бод» сўзи эса, топонимикада от ясовчи лексема тарзида «бат, ват ёки вот» тарзларида ҳам қайд этилади. Бундай сўзлар «кўнок», «тўхташ жойи», «тўпланиш жойи», «тўсилган жой яъни тўсиқ» каби маъноларни англатади. Демак, «Калобод» топонимининг морфологиясидан маълум бўлишича, бу қадимий гидроним «каллар обод этган» маънони билдирмай, балки дарё ўзани тўсилган ёки суви тўпланган жой, яъни тўғон барпо этилган бандаргоҳ – тўғонбоши маъносини билдирган.

X асрда яшаган Абу Бакр Наршахийнинг ёзишича, Бухоро шахрини сув билан таъминловчи анҳор Руди Зар деб аталган. Шаҳар анҳорининг бош тўғони «Мифтоҳ», яъни дарвозали сув ташлағич – «шлюз»лар номи билан тилга олинади. Шаҳар ҳовузларини сув билан тўлдириш вақтида дарвоза оғзига ўрнатилган қатор ходалар – қозик (шандор) лар бирин-кетин олиниб, дарё оқими шаҳар анҳорига очилган. «Манбаларда Мифтоҳ» – шлюзлар ўрнатилган «Фашун», яъни пашанг – кўтарма деб юритилган. IX–XII асрларда бу иншоот Бухоронинг шарқий дарвозасидан қарийб чоракам бир фарсах, (5 км) ташқарида жойлашган. Шу боис X асрда яшаган араб географи Муқаддасий Бухоро шахрига сув «Калобод» томонидан, яъни дарё оқими тўсилган тарафдан оқиб келади, деб ёзади.

Бухоро шахрининг кенгайиши туфайли, X аср ўрталарида уч қатор алоҳида-алоҳида мудофаа деворлари билан ўралган арк, шахристон ва рабодлар атрофи бўйлаб ягона янги девор қад кўтаради. Унинг шарқий томонига Дарвоза номли дарбанд ўрнатилади. X–XI асрларда Нахшаб йўли устида қад кўтарган бу дарвозанинг ташқарисида жойлашган ерлар ўзлаштирилиб, Дарвоза номли маҳалла, Бу-Лайс кўчаси ва қатор боғу роғлар бунёд этилади. Наршахийнинг ёзишича, Қорахонлар давлатининг ҳукмдори

«Арслонхоннинг (1102–1130 й.) фармони билан Бу-Лайс кўчасидаги Дарвоза маҳалласида сарой ва унинг ичида подшоҳликка хос ҳаммом қурилди... сарой кўп йиллар давомида Бухоро подшоҳининг қароргоҳи бўлиб турди. Кейинроқ эса Арслонхоннинг фармони билан у саройни фақиҳлар учун мадраса қилиб бердилар, сарой дарвозаси олдидаги ҳаммомни ва бир қанча кишлоқларни мазкур мадрасага вақф қилдилар». Тарихда XII аср бошларида бино қилинган бу мадраса Арслонхон мадрасаси номи билан шуҳрат топди.

Шубҳасиз, Бухоро шаҳрининг маҳалла, гузар, кўй, мадраса ва масжидларини ичимлик суви билан таъминловчи Руди Зар анҳорининг бандаргоҳи – «Калобод»да ўрнатилган «Мифтоҳ» – дарвозали шлюзлар, сув хўжалигининг омилкор билимдонлари: Миробу варқбонлар каби тўғончилар томонидан назорат қилиб турилган. Бухорони сув билан таъминлашда катта тажрибага эга бўлган мироблар бошлиғи – хожаси «Калободий» нисбаси билан шуҳрат топган. Шу боисдан X асрда яшаган Абу Бакр Исҳоқ Калободий «Дарбони Бухоро», яъни «Бухоро (суви) нинг дарвозабони» тахаллуси билан улуғланган. Бу машҳур шайх ва варқбон Бухоро шаҳрининг шарқий дарвозасидан 5 км ташқарида, қадимги бандаргоҳ «Калобод» яқинида жойлашган «Фашун» мавзеида дафн этилган. Бухоро миробларининг пири сифатида шон-шуҳрат қозонган бу табаррук зотнинг қабри устида туғ ўрнатилиб, бу жой зиёратгоҳга айлантирилган.

Келтирилган тарихий топонимлардан маълум бўлишича, IX–X асрларда Бухоро шаҳрининг шарқий дарвозаси, унинг ташқари томонида барпо этилган маҳалла, кўй ва гузар «Дарвоза» номи билан юритилган. XII аср бошларида бу маҳаллада подшоҳлик учун сарой, ҳаммом, сўнгра Арслонхон мадрасаси қад кўтарган. Кейин ўрта асрларда бу аҳоли пунктлари умумий ва ягона «Калобод» номи билан юритилиб кетган. Шундай қилиб, «Калобод» гидроними-

нинг этимони Бухоро шахрининг тарихий топографияга, озгина бўлса-да, аниклик киритиб, унинг тарихий манзари билан бироз ойдинлаштиради.

Аҳоли талаффузидаги «Калковуз» гидротопоними тарихий асарларда «Кайковус» деб ифодаланиб, у қадимий Эроннинг афсонавий сулоласи Каёнийларга мансуб Кайковус номи билан боғлиқлиги таъкидланади. «Калковуз» ва «Кайковус» каби икки хил номдаги бу атама Тошкентнинг асосий сув манбаи; сув бошида қад қўтарган истехком; анҳор соҳилида барпо этилган боғлар каби қатор тарихий пунктларнинг номидир. Бу гидротопоним аслида «Калкохдиз» тарзида ифодаланиб, у «кал» (сув), «кох» (қаср) ва «диз» (қалъа ёки истехком) каби лексемалар бирикмасидан таркиб топган уч бўғинли тарихий пунктларнинг аталишидир. «Калкохдиз» тарзидаги ушбу топонимнинг этимони «Сув бошидаги қасрли истехком» маъносини англатади. Аслида бўзсув қадимда «Калкохдиз» номи билан юритилган. Тошкент шаҳридан бу анҳор уч фарсах (18 км) шимоли-шарқда Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳилидан бош олган.

Муҳаммад Солихнинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида ёзишича, бўзсувнинг бош тўғони «Банди подшоҳ» деб юритилган. Бўзсув Тошкентнинг Тахтапул дарвозаси (Шайхонтахур ГЭС) яқинида Коҳакота мавзеида Калковуз ва Анҳор шохобларига ажралган ва шаҳарнинг тўрт даҳаси ҳудудларини суғорган. Калковуз бўйида (шаҳар қўрғони ташқарисида) Суюнчхўжагон (1511–1530 й.) томонидан боғ бунёд этилган. Бу боғ ҳам «Калковуз чорбоғи» деб аталган. Зайнуддин Восифий «Бадоеъ-ул-вақоеъ» асарида «Кайковус чорбоғини» таърифлаб, «Теграсин куршаган гўзал чорбоғлар, Алардин Эрамнинг кўксида доғлар» деб, ёзган эди.

«Калос» (Келес) гидроними – Сирдарёнинг ўнг ирмоғи, Тошкент туманининг маъмурий маркази. «Абдулланом» асарида бу гидроним «Калас суви» номи билан тилга олинган. Илк ўрта асрларда Сирдарёдан шимолда жойлашган

кенг даштлик (Жанубий Қозоғистон) «Калос дашти», сўнгра эса «Дашти Қипчоқ» номлари билан аталган. Х аср араб географлари асарларида «Калос» биёбони деб юритилган. Дастлаб, «Калос», «Калас» ва «Қалос» шаклларида талаффуз этилган ушбу гидроним қозоқ тили таъсирида «Келес» тарзида юритилиб кетган.

«Калос» гидроними икки бўғинли: «кал» ёки «қал» ва «ос» лексемалари бирикмасида юзага келган. «Кал» – сув ёки дарё, «ос» Сирдарё хавзасида илк ўрта асрларда яшаган туркий чорвадор қабиланинг номи. Демак, «Калос», «Калас», «Қалос» ва «Келес» тарзлардаги ушбу этногидроним «Ослар дарёси», «Ослар суви» ва «ослар» яшаган дарё соҳиллари каби маъноларни билдиради.

Шубҳасиз, «Калос» этнотопоними туркумидаги «Камти» (Бухоро гузарларидан бирининг номи) ва «Калвак» (Тўрақўрғон тумани қишлоқларидан бирининг номланиши) топонимлар аслида «Калди» ва «Калобак» шаклларида талаффуз этилиб, улардан биринчиси «кал+ди» — сув бўйидаги ёки соҳилдаги қишлоқ; иккинчиси «кал+об+ак», яъни кам сувли сойча ёки жилға каби маъноларини билдирган.

«Кол» ва «калот» субстратлари асосида шаклланган «Миёнкол» ва «Миёнколот» каби топонимлар Зарафшон дарёсининг Оқ ва Қорадарё тармоқларига ажралиб, сўнгра улар туташган жойгача бўлган орол ҳудуднинг тарихий номи. Миёнкол Самарқанд шаҳри яқинидаги Чўпонота мавзеи билан Оқтошга яқин Хатирчи қишлоғи оралиғида жойлашган. Миёнкол дастлаб Истахрий, Ибн Хавқал ва Муқаддасий асарларида тилга олинади. Бу топоним икки бўғиндан иборат бўлиб: «миён» форс-тожикча «оралиқ» ва «ўрта» ҳамда «кал» суғдий тилида «дарё ва тармоқ» сўзлар бирикмасидан шаклланган. Баъзан бу номга «от» суффикси қўшилиб, «Миёнколот» деб ҳам тилга олинади. Ҳар иккала шаклларда ҳам бу топоним «Икки дарё ораси», «Икки сув ўртаси» ёки «Сувлар оралиғи» ва «Дарёлар

ўртаси» маъноларини билдирган. Заҳириддин Бобур бундай ҳудудларни «икки сув ўрчини» номи билан атайди. Амударё билан Қашқадарё оралиғида жойлашган Ғузор ва Қарши даштлари ҳам ўрта асрларда «Миёнколот» номи билан юритилган. Шунингдек, Фарғона водийсида Наманган ва Андижон вилоятлари оралиғидан оқадиган Норин ва Қорадарё ўртаси ҳам «Миёнколот» топонимига синонимик форс-тожикча атама «Миёнрудон», яъни «икки дарё оралиғи» номи билан аталган. Бобур бу ҳудудга «Работак ўрчини» уни «икки сувнинг ўрчини», яъни «икки сувнинг ораси ҳам дерлар» деган таърифни беради.

Демак, сугдийча «кан ёки кон баъзи ҳолларда қал» шаклларида истифода этилган субстрат ёки морфемалар ҳам «сув, дарё, тармоқ, сой, ўзан, кўл, анҳор ёки канал ва шоҳариқ» каби сув манбалари – гидронимларни англатган. Бундай лексемалар бирикишидан шаклланган турли-туман тураржой номлари – гидротопонимлар республикамизнинг водий ва воҳаларини табиий географиясига хосдир.

Пирмаст – Бухоро вилоятининг катта девори

«Маст» ёки «мас» шаклидаги сўзлар бириккан «Пирмаст», «Дехмаст», «Кўймас» за «Пулемас» каби жой номлари Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистоннинг тарихий географиясида жуда кам учрайдиган нодир ва этимологик жиҳатидан биров мураккаб қадимий топонимлардан ҳисобланади. Шубҳасиз, асрлар давомида бундай тарихий топонимлар оғиздан-оғизга кўчиб, авлодлар лаҳжасида уларнинг талаффузи маълум даражада ўзгариб, аслий шакллари бузилиб кетган. Шу боисдан уларнинг морфологик таҳлили, аввало, атамаларни алоҳида-алоҳида талқин этиб, улардан ҳар бирининг субстрати, яъни ўзагини белгилаб чиқишни талаб этади.

«Пирмаст», «Дехмаст» ёки «Димас», «Кўймас» ва «Пулемас» топонимлари икки компонентли номлар

бўлиб, улардан дастлабкининг бош бўғини «пир», иккинчисиники – «деҳ» ёки «ди», учинчисиники – «кўй» ва тўртинчисиники – «пул» каби лексемалардан иборат. Бу тўрт шаклдаги сўзлар тадқиқ этилаётган топонимларнинг субстрати бўлиб, улар форс, тожик ва ўзбек тилларида турли тушунчаларни англатади. Масалан, «пир» сўзи «қари» ёки «кекса» маънолари билан бир қаторда «оқсоқол», «бошлиқ», «рахбар», «эшон», «устоз» ва «шайх» каби тушунчаларни ҳам билдиради. «Луғатномаи Деҳхудо» номли кўп жилдли форсий луғатда «пир» сўзига «шайх» деган маънодан ташқари, «калонсол», яъни «катта ёшли» ва «ёши улуғ» каби мазмундаги изоҳлар берилган.

«Деҳ» субстрати кўпинча «дих» ёки «диҳа» ва баъзан «ди» ва «даҳа» тарзларида келтирилиб, «қишлоқ», «манзилгоҳ» ва баъзан «туман» маъносини англатган. «Кўй» субстрати «йўл», «кўча», «гузар», «махалла» ва «равот» каби тушунчаларни билдирган. «Пул» субстрати эса «кўприк» маъноси билан бир қаторда «ақча», яъни «майда мис чақа» деган тушунчаларда ҳам кенг қўлланилган.

Бу ўринда шуни ҳам эътиборга олиш керакки, гарчи «пир», «деҳ», «дих», «ди», «кўй» ва «пул» каби субстратларнинг луғавий маънолари борасида ўзбекча, тожикча ва форсча изоҳли луғатларда келтирилган турли мазмун ва шакллардаги синонимик сўзлар, шубҳасиз, таҳлил этилаётган топонимларнинг этимони тўғрисида маълум бир фикр юритиш имконини берса-да, аммо уларнинг аксарияти ўлкамизнинг тарихий географияси билан бевосита боғлиқ маънони англатмайди. Шу боис бу борада кенгрок фикр юритиб, масалага бироз бўлса-да ойдинлик киритиш учун, авваламбор, «пир», «ди», «деҳ», «кўй» ва «пул» тарзларидаги субстратлар асосида юзага келган синонимик атамалар ва уларда ифодаланувчи ўзига хос географик белгиларни аниқлаб олиш мақсадга мувофиқдир.

Ёзма манбаларда диёримизнинг тарихий географияси бўйича биргина «пир» ўзакли атамалардан: «Канпирак

девор», «Канпираккум» (Кимереккум), «Тали Қандпирак» (Бухоро); «Кампир девор» (Тошкент ва Самарқанд); «Кампирравот» (Андижон); «Кампиртепа» (Сурхондарё) ва «Пироста» (Нурога) каби қатор топонимлар қайд этилади. Улар ҳақида турли мазмундаги афсона ва ривоятлар, айрим ҳолларда эса, қисқача бўлса-да баъзи бир тушунтиришлар берилади. X асрда яшаган Бухоро тарихчиси Муҳаммад Наршахийнинг ёзишича, кўчманчи-чорвадор қабилаларнинг ҳужумларидан ҳимояланиш мақсадида Бухоро воҳасининг теварак-атрофи ҳижрий 166–215 (милодий 782–830) йилларда мустаҳкам девор билан ўраб олинган. Аҳоли ўртасида бу улкан мудофаа иншооти «Канпирак девор», «Девори қанди бузург» номлари билан юритилган. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида қайд этилишича, «канд» ёки «канд» сўзи кишлок ёки шаҳар билан бир қаторда, вилоят маъносини ҳам билдирган.

Муҳаммад Наршахий томонидан «Канпирак» атамаси «девор» ёки «девори қанди бузург», яъни «катта канд девор» деб таъкидланиши; «канд» ибораси эса Маҳмуд Кошғарий томонидан «вилоят» деб изоҳ берилишини эътиборга олиб, уларга асосланилса, у вақтда бу тарихий иншоотнинг аслий номи ва аниқроқ талаффузи «Кандпирак» ёки қисқачароқ «Кандпир» тарзларида юритилганига шубҳа қолмайди. Биринчи шаклда атама «канд + пир + ак» каби уч бўғинга ажралиб, у «вилоят + девор + ча», яъни маъно жиҳатдан «вилоятнинг кичик девори» деган тушунчани англатган. Шунингдек, кейинги «Канпир» шаклида эса, у икки бўғинда «канд + пир» – «вилоят + девор»и мазмунини ифодалаган. Шу боисдан Самарқанд ва Тошкент вилоятларининг атроф-теварагини ўраган бундай қадимги мудофаа иншоотлари аҳоли ўртасида «Кампир», аниқроғи, «канд + пир» ёки «вилоят + девор»и номи билан машҳур бўлган.

Шундай қилиб, ушбу топонимнинг субстрати «пир» лексемаси бўлиб, қадимда, аҳоли тилида бу сўз «девор» маъносини билдирган. Бунинг яна бир ёрқин далили

сифатида Нурота воҳаси атрофини ўраб ўтган қадимги деворнинг «Пироста», аниқроғи, «пиростона», яъни «Девор остонаси» ёки маъноси жиҳатдан изоҳлаганда «воҳа бўсағасида қад кўтарган девор» номи билан юритилганини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Келтирилган маълумотларнинг яна бир эътиборли томони шундаки, Бухоронинг қадимги бу мудофаа иншоотининг ўзаги икки шаклда: «пирак» ва «пир» деб ифодаланиб, улар «Канпирак» ёки «Девори канди пирак», яъни «Вилоятнинг кичик девори» ҳамда «Кампир девори» ёки «Девори канди бузург», «Вилоятнинг катта девори» каби сифатлар билан таърифланган. Бизнингча, манбаларда берилган маълумотлар икки турдаги иншоотга тегишли бўлиб, улардан бири ички – «кичию» девор – «Канпирак» деб, иккинчиси ташқи – «катта» девор, «Кампир – канпир» девор деб номлангани эҳтимолдан йироқ эмас. Чунки Канпирак шаҳар, Кампир – вилоят девори маъносини англатган.

«Девор» маъносини билдирган қадимий «пир» субстратига «маст» тарзидаги морфеманинг бирикиши билан Бухоро воҳасининг шимоли-ғарбий ҳудудларида ташкил топган туманнинг номи – «Пирмаст» топоними юзага келган. Агарда «Канпирак» номи вилоятнинг кичик девори маъносини англатиши назарда тутилса, «Пирмаст» топоними ўз-ўзидан Бухоронинг «Катта девори» эканлигига шубҳа қолмайди. Чунки «маст» ва «мас» тарзларидаги бирикмалар суғдшунос Мирсодик Исҳоқовнинг маълумоти бўйича, суғдийча «мазех» сўзининг қисқартирилган шакллари бўлиб, улар «катта, улкан ва йирик» маъноларини билдирган. Қадимда топонимнинг аслий шакли «Пирмазех» талаффузида юритилган бўлиб, ушбу қадимий мудофаа девори ўраб ўтган тураржой, кишлоқ, туман ёки вилоят «катта девор» ичидаги ерлар номи билан шуҳрат топган.

Х аср географи Истахрийнинг маълумоти бўйича, Канпирдевор ўраб турган ҳудудларнинг умумий майдонининг бўйи ҳам, кенлиги ҳам 12 фарсаҳ (72 км)га тенг бўлган.

Бухоро воҳасининг 22 рустоқи (тумани)дан 15 таси девор ичкарасида, қолган 7 таси эса мудофаа иншоотининг ташқарисида жойлашган. Девор бўйлаб қад кўтарган чегара истехкомларидан бирининг харобалари «Тали Канпирак», иншоот ташқарисида деворнинг шимоли-ғарбий томонидаги кенг худудларда пайдо бўлган оғир барханлар эса «Канпираккум» номлари билан аталган. Географик хариталарда бу кумлик «Кимереккум» деб қайд этилган. Демак, сугдийча «мазех», яъни «катта» маъносини англаувчи лексеманинг «зех» бўғини авлодлар талаффузида қисқартирилиб, «с» ёки «ст» ҳарфлари шаклида истифода этилади. Натижада, «мас» ва «маст» тарзларидаги морфемалар юзага келган ва улар «пир» субстрати билан бириккан ҳолда тарихий «Пирмазех» топоними «Пирмаст» деб юритилган ва унинг аслий шакли ҳам, мазмуни ҳам йўқолган.

«Пирмаст» топонимининг «пир» субстрати ва «мас» ҳамда «маст» морфемаларининг этимологиясига аниқлик киритилиши билан «Димас», «Дехмаст», «Кўймас» ва «Пулемас» топонимларини юзага келтирган лексемалар ва уларнинг мазмуни борасидаги масала ҳам ўз-ўзидан ечимини топади. Масалан, Бухоро воҳасида Қоракўлдарёдан Рудизар (Шохруд) тармоғига ажралган Дуоба мавзеси яқинида жойлашган «Дехмаст» қишлоғи ўрта асрларда «Димас», «Даймас», кейинчалик эса «Дехмаст» ва «Дихи Маст» шаклларида юритилиб, у «Катта қишлоқ» маъносини англаган. Бундан ташқари, Бухоронинг Коми Оби муслим туманида «Дихи Масти боло», «Дихи Масти бешработ», «Дихи Масти қипчоқ» ва «Дихи Масти кўргон» номлардаги қишлоқлар қайд этилган.

Илк ўрта асрларда Бинкат (Тошкент) нинг жануби-шарқий томонидан шаҳарга кириб келган катта йўл «Кўймас», яъни «Катта кўй» (катта кўча) деб юритилиб, кейинчалик бу йўл устида шаҳар деворига ўрнатилган дарвоза «Кўймас дарвоза», яъни «Катта кўча дарвозаси», шунингдек, дарвоза қаршисида Анҳор сувнинг чап

соҳилида, шаҳар ташқарисида барпо этилган истехком харобалари «Кўймастепа – «Катта йўлдаги тепа» номлари билан шуҳрат топган. «Тарихи жадидаи Тошканд» номли асарда бу жойлар «Кўймас» ва «Қирилмас» шаклларида кайд этилади. Аслида бу топонимлар «Кўймас» шаклида талаффуз этилган. X аср ёзма манбаларида ёзилишича, Бинкат шахрининг работларидан бири икки дарвозали бўлиб, биринчиси «Кўйи Хоқон», яъни «Хоқон кўча дарвозаси» ва иккинчиси «Кўйи Саҳл» – «Тўғри кўча» номлари билан юритилган.

Тарихдан маълумки, ўтмишда Тошкентнинг жануби-шарқий қисмидан оқиб ўтадиган Қорасув анҳорининг бўйлари шоликор майдонлардан иборат бўлиб, Шайхонтахур қабристонига вақф тарзида берилган экан. Бу мавзе «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида «Пул емас» ва «Пул емас» тарзларида тилга олинади. Аҳоли ўртасида «Пул емас» номининг келиб чиқиши ҳақида қизиқ бир ривоят кенг тарқалган. Айтишларича, куз кунларининг бирида етиштирилган ҳосилни туяларга ортиб, Шайх Хованди Тохур ҳузурига олиб борган корандага хизмат хақи деб, пири муршид ҳамёнда ақча тутган экан. Мурид ақчани олиш у ёқда турсин, ҳатто ҳамёнга қўл тегизмаслигини айтади. Ўшанда шайх муридига: «Сиз пул емас экансиз», – дейди. Шу воқеа сабаб коранда мурид «Пул емас ота», Қорасув ёқасидаги шоликорли мавзе эса «Пул емас» номи билан юритилиб кетган экан.

Аслида бу атама Қорасув анҳори устига қурилган кўприкнинг номи бўлиб, у «Пулимас», яъни «Катта кўприк» маъносини англатган. Чунки Бўзсув анҳоридан бош олган серсув Қорасувнинг соҳилларидаги жойлар ўша даврда барпо этилган энг катта кўприк орқали туташтирилиб, «Пулимас» мавзеси бевосита шаҳар билан боғланган. «Пулимас»дан эса оғир юкли туя карвонлари-ю, от ва аравалар бежавотир ўтиб, шаҳар томон йўналган. Шундай қилиб, «маст» ёки «мас» морфе-

мали «Пирмаст» ёки «Пирмас» топоними «Катта девор»; «Димас» ёки «Дехмаст» – «Катта қишлоқ»; «Кўймас» – «катта кўча»; аслида «Пулимас» тарзида ифода этилган «Пул емас» эса – «Катта кўприк» маъноларини билдирган.

Шубҳасиз, бундай қадимий жой номлари тарихий топонимлардан ҳисобланади. Уларнинг лингвистик, этимологик ва тарихий жиҳатдан ҳар томонлама кенг ўрганилиши диёримиз тарихини, хусусан, шаҳару қишлоқлар ҳамда маҳалла-кўйларимиз ўтмиши ва тарихий географиясини, бу жойларни обод этган аجدодлар тили ва лаҳжаларини ўрганишда муҳим илмий аҳамият касб этади.

Посира – ерсиз ялангоёқ қоранда

Республикамизнинг тарихий топонимияси ниҳоятда бой, сермазмун ва ўта мураккаб шаклларга эга. Унинг хилма-хил намуналари халқимизнинг этногенези ва этник тарихи жараёнида вужудга келган сон-саноксиз атамаларнинг турли-туман компонентларида ўз ифодасини топган. Кўпинча улар моддий маданият обидалари, хусусан, ўтроқ деҳқон ва чорвадор аҳолининг иқтисодий, ижтимоий ва айниқса, маънавий ҳаёти билан боғлиқ бўлган айрим лексемаларда яққол намоён бўлади. Бироқ бундай лексемаларнинг морфологик таҳлили биров мушкулроқ бўлиб, у топонимик жиҳатдан чуқур ўрганишни талаб этади. Чунки тарихий лексемаларга бириккан субстрат, морфема ва топоформантлар, бир томондан, турли қадимий ва воририй тилларга мансуб бўлса, иккинчи томондан эса, халқ талаффузида кучли диффузияга учраб, уларнинг аслий шакллари қисқариб мутлоқ ўзгариб кетган. Мана шундай атамалардан бири Тошкентнинг Яланғоч мавзеи яқинида жойлашган «Посира» қишлоғининг номидир. Ҳозирда Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманининг кўчаларидан бири «Куйи посира» ва иккинчиси «Юқори посира» деб юритилади.

Ёзма манбалардан, хусусан, ўзбек, тожик ва форс тилларида тузилган изоҳли луғатларда «посира» атамаси турли мазмундаги изоҳ ва талқинлар билан келтирилади. Масалан, XVII асрнинг ўрталарида Муҳаммад Ҳусайн Табризий томонидан тузилган «Бурхони қотиъ» луғатида «экишга тайёрланган ер майдони», «зироат», «деҳқончилик» ва «ер эгаси» «посира» номи билан юритилади деб изоҳ берилган. Шунингдек, 1957–1962 йилларда Техронда нашр этилган «Луғотномаи Деҳхудо»да 1974 йилда чоп этилган «Фарҳанги Муъин» каби изоҳли луғатларда эса «посира» сўзи ер эгаси – мулкдор томонидан корондаларга деҳқончилик билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш учун ажратиб бериладиган «махсус ер-участка» деган мазмунида талқин қилинган. «Посира»га ажратилган ердан олинган ҳосил девон маъмурлари ҳамда хўжалик харажатларига сарф этилган. «Бурхони қотиъ», «Луғотномаи Деҳхудо» ва «Фарҳанги Муъин» мажмуалари «посира» атамаси «босира» шаклида ҳам келтирилиб, унга «экинзор», «зироаткор ер», «экин экиладиган пайкал» ва «деҳқончилик» каби изоҳлар билан берилади. Булардан ташқари, З.М. Маъруфов таҳрири остида нашр этилган «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (икки жилдлик)да «посира» атамаси ўзининг янада аниқроқ изоҳини топган: Атама – «Катта ер эгалари томонидан батрақларга, уларнинг меҳнати эвазига вақтинча фойдаланиш учун ажратилган ер – участка», яъни «томорқа» деб талқин этилади.

Демак, бу тарихий атама кўп жилдлик изоҳли луғатларда икки хил «посира» ва «босира» шаклларида келтирилиб, унга «экин», «зироаткор ер», «пайкал», «деҳқончилик» ҳамда ердорлар томонидан вақтинчалик фойдаланиш учун меҳнат эвазига ажратилган «махсус томорқа» тарзида талқин этилади. Бироқ ушбу изоҳли луғатларда келтирилган маълумотларда «посира» атамасининг хўжалик (деҳқончилик) билан боғлиқ хусусиятларигина талқин этилган, холос. Шу боис улар тадқиқотчилар учун «посира»

атамасини ҳосил этган бирикмалар, уларнинг аслий шакллари ва тушунчалари борасида мушоҳада этишга имкон бермайди. Бу эса «посира» атамасини морфологик жиҳатдан таҳлил этиб, этимологик талқин қилишни талаб этади.

«Посира» этнотопоними ва атамаси икки компонентли бўлиб, тожикча оёқ маъносини англатувчи «по» ёки «пой» ҳамда «илик» ёки «болдир» маъносидаги эски ўзбекча «сироқ» ёки «чироқ ва широқ» сўзларининг бирикмасидан ҳосил бўлган. «По», «пой», «пойон» ва «поя» шаклларида учрайдиган лексема фақат «оёқ» маъносидагина эмас, балки «куйи, этак, адоқ» (дарё, сой, жар, дара, тоғ ва адирга нисбатан) тушунчаларини ҳам билдиради. «По», «пойон» ва «поя» шакллардаги компонентлар морфема тарзида, айниқса, Зарафшон ва Фарғона ҳамда Тошкент воҳасининг тарихий топонимикасида кенг тарқалган. Масалан, биргина «по» ва «пой» лексемалари морфема ёки топоформант тарзида бир қанча атамаларни ясашда учрайди. Бундай атамалар кўпроқ Ўрта Осиё халқларининг хўжалик ёки сиёсий ҳаёти билан боғлиқдир. Мисол учун «пойтахт», «пойтуғ», «поймал», «пойандоз», «сарпо», «пойабзал», «пойдевор», «пойтеша» ва бошқа шунга ўхшаш атамаларни келтириш мумкин.

Булардан ташқари, лексема «поя» шаклидаги донли ўсимликларнинг номлари билан бирикиб, бир қатор қишлоқ хўжалик атамаларини ҳосил қилади. Масалан, «шолипоя», «арпапоя», «бедапоя», «жўхориپоя», «зиғирпоя», «кунжутпоя» ва ҳ.к.

«Посира» этнотопоними ва атамасининг иккинчи компоненти «сира» Ўрта Осиё халқларида этномаданиятнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида кўпроқ субстрат тариқасида «сироқ» шаклида иштирок этади. У жуда кенг маънога эга. «Болдир ёки илик суяк» тушунчасини билдирувчи лексема, аввал шахс, уруғ ёки зотнинг жисмоний киёфасини белгиловчи ўзига хос ёрқин нишонларидан бирини англатган. Мисол учун, ўзбек ва қорақалпоқларнинг баъзи этник гуруҳларида «жувонсироқ» – йўғонболдир,

«қорасирик» – қораболдир ҳамда «қаттасирик», – яъни йирик болдирли кимса тарзида тилга олинади.

Бухоро амирлиги Кушбеги маҳкамаси ҳужжатларида «сирик» тарзидаги топоним Қарши ва Кармина вилоятларида, «Қорасирик» тарзидаги қишлоқлар эса Зиёвуддин ва Чирокчи вилоятларида ҳамда Коми Абу Муслим туманида қайд этилади.

Келтирилган илмий маълумотларга кўра, ўтмишда «сирик» компонентли этнонимлар кўпроқ Хоразм, Зарафшон ва Фарғона водийлари ҳамда Қашқадарё ва Тошкент воҳалари ҳудудларида истиқомат қилган манғит ва очамайли (ашамайли) қабилаларига мансуб этник гуруҳларда учрайди. Қадимдан бизгача етиб келган «сирик» этнонимнинг республикамиз ҳудудларида бирмунча кенгрок тарқалганини элшунос олима Л.С. Толстова, бу минтақада Дашти Қипчоқ ўзбек уруғ-аймоқларининг кенг жойлашгани билан чамбарчас боғлиқ эканини таъкидлайди.

Кўпинча «сирик» лексемаси халқ тилида «силла» тарзида истифода этилади. Бундай тарзда лексема «болдир ёки илик суягини» ҳамда унинг қуч-қувватини ва тинка-ю мадорини билдиради. Масалан, одатда кишининг умумий ҳолати назарда тутилиб, жисмонан бақувватлиги ёки ожизлиги борасида сўз юритилганда «силласи қурибди» ёки юришга «силласи йўқ» каби ибораларини халқимиз кенг қўллайди. Ўз навбатида, «сирик» лексемаси баъзан «шилинг» шаклида ҳам учрайди. Буни «шилинг поча» атамаси мисолида кўриш мумкин. Шилингпоча – оёқяланг, сарпойчан, яланғоч ва кимсасиз маъноларни англатади. Шу билан бирга, лексема «ширик» шаклида яна бир қатор атамаларни ифодалайди. Масалан, Ўрта Осиёда ўтроқ аҳолининг ёзги мавсумий пойафзали – кавушнинг тўпикқа боғланадиган тасмаси ёки боғичи «ширик» деб аталган.

Шунингдек, йирик сопол идишлар (жомашов, тос, жом, лаган ва тоғора) каби идишларни пиширишда ораларига қўйиладиган «сопол оёқчалар» ҳам «сирик» деб юритил-

ган. Булардан ташқари, «сироқ» атамаси халқимизнинг миллий кураш усуллари номларида ҳам учрайди. Мисол учун, полвонлар ракибларини енгиш мақсадида ёнбошга олиб йиқитиш усули «сироққа урмоқ» ёки «сироққа қоқмоқ» деб юритилади. Шулар билан бир қаторда, «чи-роқ» ва «қорашироқ» тарзидаги лексемалар XIX асрда Бухоро хонлигида ҳарбий юришлар вақтида сафарбар этилган лашкарий қисмларни англатган. Улар кўпинча «чи-роқ» ёки «чирик» тарзида номланган.

Демак, ўзбек, тожик, форс тилларида тузилган кўп жилдлик изоҳли луғатларда қайд этилган «посира» ёки «босира» шаклидаги атама «экин», «экин майдони», «деҳқончилик», «ердор» ва «коранда» маъноларини билдирган. «Посира» атамасининг морфологик таҳлили шуни кўрсатадики, у «пой», «поя», «поён», «поча» шаклларида учрайдиган «по» морфемасининг «чи-роқ», «широқ», «чирик», «сира», «силла» ва «шилинг» шаклларида халқ лексикасида тилга олинадиган «сироқ» субстрат бирикмасидан ҳосил бўлган икки компонентли иборадир. Бу компонентларнинг айрим шаклидаги ҳолати ўзига хос маънога эга. Масалан, «по» — оёқни тўпикқача бўлган қисмини англатса, «сироқ» — унинг болдир ёки илик суягини билдирган. Маъно жиҳатидан бир-бирига яқин ва бири иккинчисини тўлдирадиган бу икки лексемаларнинг бирикиши билан улар аслий мазмунини йўқотиб, тамоман янги шаклдаги маънога эга бўлади. Эндиликда бу атама киши аъзосини эмас, балки уни ижтимоий ва иқтисодий ҳолатини англатган. «Посира» атамасининг морфологик тузилишидан маълум, унинг тўлиқ ва тўғри шакли «по — сироқ», яъни «пойи сироқ» талаффузида «ялангоёқ», «оёқ-яланг», «сарпойчанг», «шилингпоча» ва «ер ва мулкисиз қашшоқ» маъноларини англатган.

XIX—XX аср бошларида посиракор деҳқонлар Тошкент воҳаси ва Фарғона водийси аҳолисининг энг қашшоқ тоифаси ҳисобланган. Улар йирик ердорлар асоратида эзилган ва уларга қарам қишлоқнинг мазлум меҳнаткаши бўлиб,

оғир меҳнати учун ердорлар томонидан ажратиб берилган бир парча ердан вақтинча фойдаланиш эвазига мулкдорлар пайкалларида ҳақ ва улушсиз деҳқончилик қилишган. Корандаларга вақтинча фойдаланиш учун ажратиб берилган ер участкаси, яъни томорқа «посира ери» деб юритилган. Посирага деҳқон топган уруғи: ғалла, полиз ёки сабзавотми экиб, ҳосилидан фойдаланган. Бунинг эвазига у йил ўн икки ой йирик ердорлар пайкалларида меҳнат қилган.

«Посира»лар меҳнати билан деҳқончилик қилинган майдонлар «посиракор ерлар» деб аталган. Посиракор корандаларга мулкдорлар томонидан ажратиб берилган «томорқа»нинг ҳажми тўғрисида манбаларда бирор маълумот қайд этилмаган. Бироқ шундай бўлсада, ерни ижарага олувчи деҳқонларга нисбатан посиракорларнинг даромади ниҳоятда оз бўлган. Агар оддий коранда деҳқон одатда ердан олинадиган ҳосилнинг 1/3, яъни 33% ҳисобида деҳқончилик қилса, чоракор 1/4, яъни 25%, панжакор эса 1/5, яъни 20% эвазига меҳнат қилган. Булардан маълумки, «посиракорлар» қишлоқнинг энг арзон ишлаб чиқарувчи меҳнаткаш кучи ҳисобланган.

Посиракорлик, айниқса, XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистонда майда ердорларнинг ерсизланиши билан кучайиб корандаларнинг посиракорлик билан шуғулланиши оқибатида унинг сафи ортиб борган. Шу боисдан халқимизда «ерни посира»га бердим», «мана сенга бу томорқа посира» каби иборалар пайдо бўлган. Халқимиз ўз кучи билан деҳқончилик қилмай ерни ижарага берган ердорни «посира касалига учраган» деб ҳисоблаган. Ҳатто меҳнатдан бўйин товлаган дангасалар ҳам «посира касали»га учраганлар қаторида таъна қилинган. Баъзан эса ўзига тўқ мулкдорлар томонидан хайрия йўлида иктисодий тангликка тушиб қолган оға-иниларига ўз еридан бир қисмини ажратиб уларга «бу томорқа сизларга «посира», бир амаллаб тирикчиликни тиклаб оларсиз» деган мақсадда ҳам бу атама «сийлов» маъносида истифода этилган.

«Посира» этнотопонимининг морфологик таҳлилидан маълум бўлишича, у лексема сифатида, халқ тилида «ялан-гоёқ», ўта қашшоқ, коранда деҳқон маъносини англатган. У қишлоқ аҳолисининг қулга яқин энг қуйи табақасига мансуб бўлиб, йирик ер эгалари асоратига тушган мазлум корандалар қаторида турган. Меҳнати эвазига улар ердорлар томонидан вақтинчалик экин экиш учун ажратилган ер – «томорқа» ҳам «посира» ери номи билан, шунингдек, улар томонидан ўзлаштирилган майдонлар эса «посиракорлик» деб юритилган. Посиракор деҳқонлар яшаган мавзе ҳам, ўз навбатида, «Посира тўпи», «Посира қишлоқ» номлари билан аталиб кетган.

Работ – равоат атамасининг этимологияси ҳақида

Работ-равоат компонентли атамалар Ўрта Осиё ҳудудларида, хусусан унинг дарё водийлари, деҳқончилик воҳаларида, шунингдек, шаҳар ва қишлоқ атрофларида кенг тарқалган жой номларидан ҳисобланади. Форс-тожик тилининг изоҳли луғати «Ғиёс ул-луғат» ва «Навоий асарлари луғати»да ушбу атама работ шаклида қайд этилса-да, халқ талаффузида у равоат деб юритилади. «Равоат» деганда халқимиз, авваламбор, тураржой, қўноқ, дарвоза ёки дарвозахонани тушунади. Атаманинг бундай маъноларни англатиши ота-боболаримиз томонидан қўлланиб келинган. «Орка равоатдагилар нима деркин», «Меҳмонларнинг отуловини равоатдан киритиб боғлаб қўйинглар» ёки «Учарда қанотим, қўнарда равоатим эди» каби ибора ва жумлаларда ўз ифодасини топган.

Работ-равоат атамаси икки компонентли бўлиб, у «ра» ҳамда «бот-во» сўзлари қўшилиғидан ясалган. Атаманинг биринчи компоненти «ра» аслида форс-тожик тилида «йўл» маъносини англатувчи «роҳ-рах» сўзидан. Унинг иккинчи компоненти «бот-во» эса суғдийча «ват-вата» сўзидан. У «қўноқ» ва «манзил» маъноларини англатган. Атаманинг

ҳар икки компонентлари луғавий маъносидан келиб чиқиб, фонетик транскрипция жиҳатидан тўғри талаффуз этилса, у ҳолда ушбу ойконим композитининг аслий шакли «роҳ + ват», ёки «роҳ + вата» тарзида бўлгани маълум бўлади. Бу икки топоформантлар бирикмасидан ҳосил бўлган «роҳват» атамаси кейинчалик халқ талаффузида фонетик жиҳатдан ўзгариб, унинг «роҳ» композитидаги «о» товуши «а»га, «ват» композитидаги «а» товуши эса «о»га ўтиб, «роҳ»даги «ҳ» товуши талаффуздан тушиб қолган. Натижада атама ўзининг дастлабки шакли ва аслий маъносини йўқотиб, мажҳул «работ-равот» тарзидаги лексемага айланган.

Работ атамасининг аслий «раҳват» талаффузи шаклидаги аниқ маъноларни англаувчи ҳар икки – «роҳ» ва «ват» компонентлари айрим ҳолда талқин этилса, у ҳолда «қўноқ» ва «манзил» маъноларини англаувчи «ват-вот» композити атаманинг субстрати сифатида гавдаланиб, унинг олдида қўлланган «йўл» маъносидаги «роҳ» композити эса атаманинг аниқловчиси тарзида унга бириктирилган. Шундай қилиб, «қўноқ» маъносини англаувчи «ват-вот» субстратига «роҳ» композитининг бирикиши билан унинг асл маъносига аниқлик киритилиб, функционал мазмуни бирмунча кенгайган.

Эндиликда «равот» шаклини олган бу янги атама оддийгина, «қўноқ ёки манзил» маъносида эмас, балки йўл устидаги, яъни карвон йўллари бўйлаб жойлашган махсус тураржой қабилида таъкидланади. Шу боисдан ёзма манбаларда ушбу атама турлича талқин этилади. Масалан, «Ғиёс ул-луғат»да «работ» атамасига «мусофирхона» деб изоҳ берилади. Алишер Навоий асарларида бу атама «йўловчилар қўниши учун қурилган бино, бекат, мусофирхона, карвонсарой» тарзида таърифланади. Хаср Бухоро муаррихи Муҳаммад Наршахий эса «работ» атамасини қўчманчилар босқинига зарба бериш мақсадида мамлакат ҳудудлари бўйлаб ғозийлар учун бино қилинган «лашкаргоҳ», яъни қалъа сифатида изоҳлайди.

Работ-равот атамасининг талқини хусусида сўз юритилар экан, шуни қайд этиш лозимки, субстрат «ват» ўзбек ва тожик тилларида от ясовчи композит тарзида вот, бод, бат, бед ва бит шаклларида кенг қўлланилади. Бундай от ясовчи қўшимчалар воситасида, одатда айрим ойконим, гидроним ва оронимларнинг махсус лексемалари ясалган. Мисол учун, «уват» – марза, рош ёки чел; «навбат» – гал, навбатчилик; «қават» – қатма-қат жойлашган баланд бино ёки тоғ жинслари ва тупроқ қатламлари; «абад» (аслида обвод) – суғорилган, ўзлаштирилган ер ёки майдон, боғу бўстон, экинзор, гавжум тураржой маъноларини билдирган. Шуларга ўхшаш бошқа қўпгина атамаларни ҳам келтириш мумкин.

Ўрта асрларнинг арабнавис муаллифлари асарларида келтирилган маълумотларга қараганда Зарафшон водийси ҳамда Сирдарё ҳавзаси вилоятларида жойлашган қишлоқларнинг аксарияти «ват, бат ёки бод ҳамда бед ёки бит» тарзларидаги атамалар билан номланган. Масалан, Самъоний ва Ибн Ёкутлар Бухоро шаҳри атрофида Бадоний, Бадихун, Навжабод, Навзибод, Себадмун, Худобод ва Себидғук каби, Самарқанд яқинида эса Сангобат ёки Сангбат ҳамда Битнин ёки Битйин номли қишлоқларнинг жойлашганини қайд этишади. Бироқ ушбу атамаларнинг аксариятида аслий талаффуз бутунлай ўзгариб кетган. Уларни лингвистик жиҳатдан таҳлил қилиб этимологиясини аниқлаш эса бирмунча мушкул. Чунки ўрта асрларнинг арабзабон муаллифлари маҳаллий жой номларини келтиришда, араб лексикаси қонунияти бўйича, чўзиқ унлилар (алиф, айн, ё ҳамда вов) ҳарфларидан сўнг икки ундош ҳарфларни ва калта унлилар (фатҳа, касра ва замма) дан сўнг эса учта ундош ҳарфлар ёзилмаслиги қоида сига риоя қилиб, атамаларнинг аслий шакллари бузилишига йўл қўйишган.

Шундай қилиб, «работ-равот» сўзи «бот-вот» тарзларидаги субстрактга «ра, яъни роҳ-рах» композит бирикиши натижасида ҳосил бўлган ойконим бўлиб, илк ўрта аср-

ларда «кўнок, мусофирхона ва карвонсарой» маъноларини англатган. Бироқ ўрта асрларнинг ўта мураккаб ижтимоий ва сиёсий шароитида работларнинг вазифаси бирмунча кенгрок бўлиб, улар турли мақсадларда фойдаланиш учун бино қилинган махсус қароргоҳ, омборхона ва бекат маъноларини ҳам билдирган. Шу боисдан илк ўрта асрларнинг кўлэзма асарларида работлар – гозийлар қароргоҳи, қалъа ва истехкомли тураржой маъносида талқин этилади. Наршахийнинг ёзишича, IX аср ўрталарида Пойканд шаҳри атрофида мингдан ортиқ работлар бўлган. Бухоронинг «ҳар бир кишлоғининг аҳолиси у ер (пойканд – М.А.)да бир работ куриб, – деб таърифлайди X аср муаррихи – унга бир тўда кишиларни жойлаб қўйган ва уларнинг нафақаларини кишлокдан юбориб турган. Киш фаслида (ғайридинлар) йиғилиб хужум қиладиган вақт бўлганида ҳар бир кишлокдан у жойга кўп халқ тўпланиб, ғазот қилишган. Шунда ҳар бир қавм ўз работига келиб тушган.

Шунингдек, X асрнинг яна бир арабнавис муаллифи Муқаддасийнинг гувоҳлик беришича, Сомонийлар давлатининг шимолий худудларини кўчманчи мажусийлар босқинларидан муҳофаза қилиш мақсадида эътиқод курашчилари – гозийлар учун Исфижоб шаҳри ва унинг атрофида 1700 та работ бино қилинган. Шубҳасиз, Исфижоб работларининг бир қисми ёвгарчилик кучайган вақтларда Ватан мудофаачилари учун лашкаргоҳ вазифасини ўтаган бўлса, иккинчи қисми эса осойишталик даврларида Мовароуннахрнинг Самарқанд, Бухоро ва Накшоб каби марказий шаҳарларидан Итил бўйи ва Ғарбий Сибирь худудларига савдо карвонини тортган савдогарлар учун карвонсарой вазифасини ўтаган.

Работ-равот ойконими ва унинг этимологияси тўғрисида сўз юритилар экан, шуни эътироф этиш ўринлики, бу лексема аффикс ёки суффикс тарзида ушбу атаманинг мансублиги ёки турли-туман сифатларини ифодаловчи атамалар ясалишида иштирок этади. Эътиборли томони шундаки,

агарда у аниқловчисини суффикс тарзида ўзига бириктир-
са «бот» шаклида, сифатдоши аффикс шаклида бирикса,
«вот» шаклида талаффуз этилади. Масалан, Работи Малик,
Работи Зулқарнайн, Работи Тоҳир, Работи Хожа, Работи
Сарҳанг ва ҳоказо. Шунингдек, Окравот, Қизилравот,
Кумравот, Қўшравот, Шўравот ва кўпгина бошқа жой
номлари. Ҳатто тошкентликлар талаффузида «работ», «ра-
вот» сўзи «варот» шаклида ҳам эътироф этилади. Мисол
учун, «орқаварот»дан келган гапларга қараганда...» деган
жумлада бунинг ифодасини кўриш мумкин.

Работ-равот атамаси этимологияси борасида шуни қайд
этиш керакки, бу сўз «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»
ҳамда «Навоий асарлари луғати»да арабча сўз деб қайд
этилади. Аввало араб тилидаги луғатларда бу сўз «рибот»
шаклида ёзилган. Қолаверса, илмий адабиётларнинг ак-
сариятида «работ» кўпинча «рабоз», яъни охириги ҳарфи
«зод» билан ёзилиб, «рабад» талаффузида юритиладиган
атама билан чалкаштирилади. Рабаз-рабад атамаси эса
одатда шаҳар ёки қалъа девори, ташқи шаҳар (микрорай-
он) ёки шаҳар ташқарисида жойлашган мавзе ва маҳалла
каби маъноларни англатади. Араб тилида «рубз ёки рубуз»
шаклида ҳам келтирилиб, у уй бекалари, хона аҳли аёл-
лари (хонадон онаси, опа-сингиллари, қиз ва келинлари)
маъносида қўлланилади.

Работ ва рабад-рабаз номлари билан боғлиқ археологик
ёдгорликларнинг тадқиқоти, хусусан уларнинг функционал
вазифаларининг аниқланиши шуни кўрсатдики, бундай ту-
раржойлар қадимда кўноқ маъносини англатувчи «ват» ёки
«бат» шаклидаги тарихий манзиллар асосида пайдо бўлган.

Садоқ тўйи – хатнами ёки суннат

Қадимда Турон, Туркистон ва илк ўрта асрларда Мова-
роуннаҳр номлари билан шуҳрат топган диёримиз –
Ўзбекистон худудида, хусусан унинг дарё, водий ва

воҳаларида ўтроқ деҳқончилик ва хунармандчилик, шунингдек унга ёндашган дашту биёбонлар, тоғу адирларда ястанган яйловларда чорвачилик каби ишлаб чиқарувчи хўжаликлар таркиб топиб ривожланган. Уларда етиштирилган ҳосилларнинг баракоти билан ўтмишда аждоду авлодлар озиқ-овқат билан муттасил таъминланган, уст-боши бутланиб, бошу оёқ кийинган. Қишлоқ ва шаҳарлар қад кўтариб, эл-юрт обод бўлган. Ўтроқ деҳқончилик воҳалари шаклланиб, ҳудудий туману вилоятлар ташкил топган. Шаҳару қишлоқлар гавжумлашиб шаҳарларда турли-туман хунармандчилик маҳалла-қўйлар юзага келган. Зироаткор воҳа пайкалларида ғаллакор, шоликор, полизчилик, сабзавотчилик ва боғдорчилик; поёнсиз кенг ўтлоқ яйловларида эса қўйчивонлик, подачилик, йилқичилик ҳамда туячилик каби ҳаёт учун энг зарур эҳтиёжий хўжаликлар кенгайиб, хилма-хил деҳқончилик маҳсулотлари билан бир қаторда майда ва йирик шохли чорва молларини боши ва туёғи, инсоннинг оғирини енгил, узоғини яқин қиладиган оту хачир ва туялар ортган. Бундай табиий неъматлардан кундалик истеъмолдан ортиб қолган бир қисми яна бир янги хўжалик — хунармандчиликнинг пайдо бўлиб, уни таракқий топишида асосий хомашё сифатида бош бўлинмас қўр-қутга айланган.

Мазкур табиий хомашёлардан ясалган буюм, асбоб, курол-яроғ ва турли шакллардаги тақинчоқлар дастлаб уруғ-аймоқ ва қабилалар, сўнгра эса элу халқ, кейинроқ қишлоқ ва шаҳарлар, ҳамда атроф ҳудуд ва мамлакатларни бир-бирига яқинлаштириб, улар ўртасида ўзаро маҳсулотлар айирбошлаш муносабатларини шаклланишида ва аста-секин кенгайишида асосий омил бўлган. Натижада жуда қадим замонлардаёқ ҳудудий жиҳатдан бири-иккинчисига яқин жойларда истиқомат қилган одамзот гуруҳи — тўплари даврасида ўзаро боғланиш ўрнатилиб, зарурий эҳтиёж маҳсулотларни айирбош қилиш, яъни ҳозирги замон ибораси билан айтганда, илк бозор муносабатлари юзага кела бошлаган. Зарафшон водийсининг

куйи қисмида ўтказилган археологик тадқиқотлардан аён бўлишича, диёримиз худудида илк маҳсулот айирбошлаш эрамиздан аввал 3,5–5 минг йил муқаддам бошланган. Кармана (Навоий) шаҳри яқинида Учтут қишлоғи худудида қазилиб очилган неолит (янги тош) асрига мансуб сангбур¹ конидан 100 та илк шахталаридан оч қўнғир ва кул ранг чакмоқтош бўлаклари ковлаб олинган экан. Бундай сифатли чакмоқтош парракчаларидан карманаликларнинг бобокалонлари аввало камон ва найза пайкон қадамалари ясаб ов қилган бўлсаларда, қолаверса уларнинг бир қисми, шубҳасиз, ов маҳсулотларига айирбош қилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Ҳолбуки, Кармананинг қадимги чакмоқтош конидан қазиб олинган оч жигар ранг ва кул рангли хомашёдан ясалган тош куролларнинг тарқалган археологик ёдгорликлари умумий майдони Қизилқум дашти бўйлаб қарийб 200 кв км ни қоплайди.

Ҳамон деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик каби ишлаб чиқарувчи ҳўжаликларнинг юзага келиши ва улар билан бевосита боғлиқ илк айирбошлаш муносабатларининг ўрнатилиши тарихи борасида сўз юритилар экан, шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, одамзот аждоду авлодларини тўқлаб кийинтирган бундай тарихан уч йўналишдаги муқаддас ҳаётий омилларга аёл зоти шарифи – қадимги буюк биби-оналар асос солган экан. Масалан, тоғ қоятошларининг силлиқ юзасида (Сармишсой ва Такали-тош мисолида) тасвир этилган ёввойи ҳайвонларни овлаш манзарасини хаёлан тасаввур этилса, чапдаст қадимги мерганнинг овлаётган турли зотли ҳайвонларнинг ўтлоқда тентираб қолган улоқ, қўзичоқ, бузоқ ёки тойчоқлари ушланиб, тураржой қароргоҳларга олиб келинганига шубҳа қолмайди. Фикримизча, аёллар бешак улоғу қўзичоқларни боқиб, хонакилаштирганлар, уларнинг бошу туёқлари кўпайтирилиб, илк чорвачилик бошланган. Жониворларни

¹ Сангбур – тош қазиб олинадиган коннинг турдош номи.

Ўтлатиш ниятида ўриб келинган бошоқли ўсимликларнинг донлари ерга тўкилиб, уларнинг селекцияси – нави яхшиланиб борган. Бундай донлар намли ерларга сепилиб, илк деҳқончилик юзага келган. Бу орада, тиниб-тинчимаган аёллар ўз қўллари билан етиштирган дастлабки қўшимча неъматларни сақлаш ва саранжом қилиш мақсадида бута навдаларидан сават, лойдан турли шакллардаги идиш-товоқ ва кўзалар ясашган, эчки ва қўй жунларини қирқиб олиб, йигириб илк бор қўлаки мато тўқишни жорий этишган. Тубдан янги йўналишдаги илк кулолчилик ва тўқимачилик, гарчи ниҳоятда содда шаклларда бўлса-да, улар оналар томонидан ихтиро этилган қадимий муҳим ҳаётий кашфиётлар эди. Асрлар оша бундай ибтидоий ишлаб чиқариш хўжаликлар кенгайиб, дастлабки касаначилик касби шаклланган.

Қизиғи шундаки, сополчилик эса тасодифан ўт кетган чайланинг алангасида қизариб қолган лой идишнинг сополагидан бошланган экан. Ҳар қандай ҳаётий ўзгарувчан ҳодисаю воқеъликларга қизиқувчан онанинг назари сополакка тушгач, лой идиш-товоқларни ўтда кизартириб мустаҳкамласа бўлар экан, деб махсус кўра (ўчоқ) ясаб, кулолчиликка асос солган экан. Сопол идишлар дастлаб қўлда, сўнгра чархда ясалиб пиширилган, масалан, Сурхондарё вилоятининг Шеробод даштида қазилиб ўрганилган Сополлитепа маданиятига мансуб, милоддан аввалги иккинчи минг йилликни биринчи ярмига оид чархда тайёрланган ниҳоятда нафис жарангдор 50 дан ортиқ шакллардаги сопол идиш-товоқлар (хумча ва кўзасимон буюмлар, катта ва майда ичимлик идишлар (қадах, жом яъни бокал) бир оёқли кўра (ваза) кабилар ва улар қаторида ниҳоятда тор ва ингичка новачали ёки найчали чойнаксимон суюқлик идишлари қайд этилиб, ўрганилган. Фикри-мизча, бундай идишчалардан, шубҳасиз, онасидан ажралган етим қолган гўдаклар учун сўргич сифатида фойдаланилган бўлиши мумкин. Чунки бундай шаклдаги буюм фақат она ва болалар даҳмасидагина қайд этилган холос.

Балки эмизувчисидан ажралган гўдакка бибиси бундай тарзда эчки сутини томизиш ниятида илк сопол сўргични ихтиро этгандир. Қандай вазият юзага келганидан қатъи назар, чойнаксимон суюқлик ичадиган бундай идишнинг ихтироси хўжалик тарихида буюк кашфиётдир. Чунки чойнай (чойнак) туфайли Шарқ аҳолисининг аксарияти кейинчалик чойхоналарда шифобахш чойни ичишга муяссар бўлган.

Дехқончилик воҳаларида қад кўтарган қишлоқ ва шаҳар аҳолиси ортиб йирик патриархал оилалар юзага келган. Ишлаб чиқарувчи хўжаликларнинг кенгайиши оқибатида хўжалик ва ижтимоий муносабатларда эркакларнинг иш юритувчилилик мавқеи ортиб, патриархал тузум муқим қарор топган. Оилада дунёга келган фарзандлар эндиликда отанинг зурриёти, оила ёки уруғ-аймоқнинг наслий авлоди сифатида белгиланган. Оилада фарзандларнинг ёши ва салоҳиятига монанд ўрни белгиланиб, уларнинг камолоти борасида тарбиявий муносабатлар шаклланиб борган. Шу бонсдан бўлса керак халқимизда «бола азиз, одоби ундан азиз» деган ўта маънодор мақол юзага келган. Халқимиз ниҳоятда болажондир. Гарчи у фарзандларини ўғил ёки қизалоқларга ажратмасдан тенг муносабатда бўлса-да, аммо аксарият хонадонларда ўғил фарзандларга эътимотлироқ муомалада бўладилар. Бола 5 ёки 7 ёшга тўлгач, эл-юртга баҳоли қудрат дастурхон ёзилиб, тўйга тараддуд қилинган. Тантанавор тарзда ўтказиладиган бундай шодиёна маросимни ўтмишда деҳқон ва касбу хунарманд аҳолиси «Ўғил тўйи», чорвадорлар эса «Садок тўйи» деб юритганлар. Мазкур маросим уруғ-аймоқ, қариндош, яқин дўсту ёронлар ва девор-дармиён қўни-қўшнилар иштирокида маслаҳатдан бошланган.

Гарчи ўғил тўйини қишлоқ, шаҳар ёки чорвадор «Садок тўйи» деб юритса-да, бироқ ушбу халқ маросими ҳар бир табиий муҳитда шаклланган удум, урф-одат аънаналари асосида ўтказилиб, у бири иккинчисидан маълум даражада ўзига хослиги билан фарқ қилган. Тўйни ташкил қилиш ва уни байрамона тантана билан ўтказишда аввало ота-оналар

орзу-умиди, қолаверса жамоатчилик маслаҳатига эътибор берилган. Йиғинда, хусусан таклиф этиладиган жамоалар ёппасига ёки маҳалла-қўй, яқин ва узоқ мавзеларда истиқомат қилувчи қариндош-уруғ ва дўсту биродарни чорлаш каби асосий ижтимоий масала келишиб олинган, тўй кунини, уни ўтказиш тартиби ва тараддуди бошланган. Уй бекалари тўйга атаб кўрпа-ёстиқ, тўй болани ясантриш учун бош-оёқ сарполар, тўёна билан келувчи яқин қариндошга ва бошқага атаб махсус совға-саломлар тайёрланган. Сўнгра кўпчиликка ёзиладиган тўй дастурхонинини ёпиш учун тўйхонада тандир қурилиб, тегирмону жувозлар ишга туширилган, бир неча дошқозонлар осилган, пудлаб буғдой ёрма қилиниб, шоли оқланган.

«Садоқ тўйи» ва шу каби оммавий йиғин ва маросимий маъракалар, шубҳасиз шаҳар ва қишлоқларда ҳам, чорвадор эл-юртларида ҳам оқсоқол ва унинг кенгаши аъзоларининг бевосита бошчилигида ўтказилган. Қишлоқ оқсоқоллари «катхудо», аёл бўлса «катбону», шаҳар, қўй ва кўчалар бошчилари «кўйбоши», унинг фаоллари эса Бухорода «пойкор» ёки «югурдак» чечанлар (Тошкент) яъни чакқонлар деб юритилган. Чорвадор аҳолининг уруғ ва қабила бошлиғи «бий» атамаси билан аталган. Кейинчалик чорвадор аҳолисининг ижтимоий ҳаётида мулккий тенгсизлик юзага келиб, бошқарув тизими ривож топган, қадимги «бий»лардан мулкдор «бой»лар ва ҳукмдор «бек»лар каби маъмурий ва мулкдор табақа вакиллари, даражали номдорлар пайдо бўлган.

Чорвадор аҳолининг эл-юрти кенг, қишлоқлар эса сийрак ва узлуксиз пайкалдан иборат бўлгани боис тўйдан 1–2 кун аввал отда чорланган. Шаҳарлар эса, гирди девор билан ўралган кўрғон сифат майдони чекланган тураржой бўлгани боис¹, тўйхона соҳиби ва соҳибаси маҳалладошу қариндошларни уйма-уй юриб, тўйга таклиф этган.

¹ Энг қадимги тарихий Самарқанд барпо этилиб, шухрат топган ўтмишда майдони 219 га тенг бўлган.

Тарихий шаҳарларимиз замонасининг мустаҳкам истехкоми шаклида қад кўтарган бўлса-да, майдони ихчам кўча-кўй иморату, иншоотлар ва тураржойлари ниҳоятда тигиз жойлашгани боис ўтмишда даставвал шаҳар деб юритилмаган. Одатда бундай мавҳум масканлар кат, кос, кош, кеш, қалъа, қўрғон ёки кент каби туркум турдош номлар билан ифодаланган. Ҳатто ёши улуғ Самарқанд ёки машҳур Марғилон тарих саҳифаларида «катта тураржой», яъни «катта қишлоқ» маъносини англатувчи «Маскат» номи остида қайд этилган. Самарқанднинг бундай шакллардаги ифодаси «Афросиёб ёдгорли»ги атрофидан оқиб ўтадиган Сиёб «Сиёҳоб»нинг тарихий гидроними Оби Машҳад¹ аслида Оби Маскат «Катта қишлоқ»нинг суви, Марғилоннинг кўҳна номи эса, унинг Машҳад (Маскат) маҳалласининг номлари орқали замонамизгача асли талаффузидан бирмунча шаклан бузилган тарзда сақланган. Маскат қадимий Самарқандча ибора бўлиб, «мас» катта ва «кат» қишлоқ маъноларини англатувчи икки сўз бирикмасида шаклланган. Бунинг лексик тасдиғи борасида Тошкент шаҳрида жойлашган Ўқчи маҳалласини тарихий номи Қўймас – яъни Катта маҳалла ёки Катта кўча; Пулимас (Пулемас) – катта кўприк; Масдеҳқон – катта деҳқон яъни катта ер эгаси; мосбат – катта кўноқ ёки кенг кўноқ хона, мас бола – катта бола, яъни балоғат ёшига етмаган 7–8 яшар ўғлон каби қатор топоним, гидроним ва айрим атамалари келтириш мумкин.

«Садок тўйи» арафасида пешинда кеч тўйига атаб тана сўйилади, ҳалим ёки полов ош дамлаш учун сабзи-пиёз

¹ Афросиёб вайроналарининг шарқдан оқиб ўтадиган Обимашҳад анҳори Самарқандлик муаррих Абу Тахирхожанинг таърифлашича, Афросиёб қўрғони тагидан оқиб ўтиб, Сиёҳобга қуйилган «Аббос ўғли Қуссам бу булоқ сувининг ёкасида шаҳид бўлиб, унинг яқинига қўмилгани сабабли «Машҳад» (шаҳид бўлган ер) деб аталган». Аслида бу табиий анҳор Оби Маскат деб юритилиб, қадимда унинг соҳилида қад кўтарган катта қишлоқнинг ҳадлари учун табиий ихота – хандак вазифасини ўтаган.

тўғралиб, гараддуд қилинади. Куюқ овқат тунда қайнати-
либ, дам егач, меҳмонлар аксарият тўёнаси билан кела
бошлайди. Шу аснода тўйхонанинг она бибиси фотиҳаси
билан тўйболанинг онаси, амма ва холалари иштирокида
унга сарпо кийдириш маросими ўтказилган, унинг боши-
га шойи салла ўралган, кулоҳига уқпар қадалиб, эғнига
оҳарли ички кийим, устига зангори бахмал поча пўстин,
оёғига ағдарма кўн этик кийдирилгач, аёллар наздида
тўйбола «маскат», яъни уйнинг катталари қаторида, унинг
катта ўғлони «боламас», яъни ўсмирлардек гавдаланган.

«От босмаган ерни той босади, йигитлар сафига ўсмир-
лар қадам кўяди» деган эзгу ният билан тўйболанинг
тоғалари ёлига садаф қадаб, қашқасига тумор тақиб
устига қизил бахмал ёпинчиқ – сарпўш ёпилган тойни
тўёна қилиб, етаклаб келганлар. Уни эпчил, забардаст ва
мард чавандоз бўлиб, камол топишини ният қилганлар.
Амакилари эса тўй бола белига етти ўқ солинган ўқдон
садоқ боғлаб, чап елкасига камон осканлар ва уни яқин
келажакда нигоҳдор мерган, хонадон ва юртнинг дов-
юррак посбони бўлиб, вояга етишини умид қилганлар.
Дарҳақиқат халқимизда яхши ният – ярим мол деган
эътимодли мақол бор. Чин дилдан айтилган бундай эзгу
орзулар амалга ошиб, фарзандлар ота-оналари бағрида
тарбияланиб, оилада вояга етса, у ўз одоби, хулқ-атвори
ва меҳнатсеварлиги, дўст-ёрларига нисбатан бўлган меҳр-
оқибати билан кўпчиликнинг ҳурматиغا сазовор бўлган.
Шундан бўлса керак, халқимизда «ўғли борнинг ўрни бор,
кизи борнинг қадри бор» деган мақол бор.

Ваҳоланки, Туроннинг қадимги аجدодлари бўлган Сак
қабилалари ўз замонида камондор чавандоз суворийлар
номи билан шуҳрат топишган.

Эрта билан ёзилган дастурхон атрофига ўтказилган
узоқ ва яқиндан ташриф буюрган тўйчи меҳмонларга
овқат (ҳалим ёки палов ош) тортилиб, улар кузатилгач,
маҳалланинг чечан фаол югурдак пойкорларидан бири

тўйболани опичлаб олиб, яқин кўни-кўшни, амма-хола ва катта бувиларнинг уйлари томон сурнай ва доира садосида, ўйин кулгилар билан баралла «қичқир хўрозим қичқир, сен қичқирадиган замон – вақт келди» деган сўзлар ҳамда «амма-холаси «хаводор», яъни қани совғаларни чиқаринглар, тўйбола ўғлонлар ёшига етиб «боламас», катта бола бўлди деган шодиёна қичқириклар билан ҳар бир хонадон ҳовлисига кириб боришган. Уй бекалари тўйболани опичлаб олган йигитнинг елкасига қийикча ёки дурра ташлаб, боламаснинг бошидан чақа-танга ва канд-курс аралаш чочик сочиб, тўйчи болаларнинг чуввос қичқириклари садоси остида кузатишган.

Пешинга яқин тўйболани дунёга келтириб, уни тарбиялаб қаторга қўшган онасининг ташаббуси билан аёллар учун махсус зиёфат, ўйин кулги маросими (бизнинг замонимизда бундай зиёфат хотиноши деб юритилади) ўтказилган. Бош-оёқ тўёна сарпо кийган бахтиёр онани табриклаш учун қариндош-уруғ, маҳалла-кўй аёллари ўз совгалари ва миёнчалари (ширинликлар) устига кийимликлар қўйилган тугун-терсақлари билан ташриф буюришган. Аёллар зиёфатида донгдор яллаци аёллар ҳам қатнашиб, йиғин базмга айланиб, авжига чиққан. Яллацилар гулхан атрофида ашула айтиб, шўх ва шодон ўйинга тушиб, аёлларнинг кайфиятини чоғлаб, хурсанд этган.

«Садок тўйи»нинг якуний қисмида эркаклар иштирок этиб, у окшомда бошланиб, тонг саҳаргача давом этган. Кечки бу зиёфат ва базм машшоқлар, хонанда ҳамда раққосларнинг иштирокида ўйин-кулги билан ўтказилган. Тун кечада чалинган сурнай навоси ҳамда карнай-сурнай жўрлигида ўтказилган ноғора базми тўй кечасига файз бағишлаган.

Шуни таъкидлаш ўринлики, бундай дабдабали «Садок тўйи»ни ҳар қандай оилалар, хусусан бир кунлик ризқи-рўзига қаноат қилиб яшайдиган фақир-фуқаролар ўтмишда ўтказа олишмаган, Садок тўйи майдони кенг чорвадор яй-

ловлари, кишлокларнинг дала-ю-пайкаллари аҳоли ўртаси садок тўйи умумэлат маросимига айланиб, тантанавор ўтказилган. Бундай тўйларда эзгу орзулар ушалиб, улок (кўпқари) ва чавгон ўйинлари уларга аталган қимматбаҳо соврину тўёналар (бедовлардан тортиб қўша-қўша гиламлар, тўп-тўп шойилару, бошоёқ сарполар, мовут чакмонлару мўйнали пўстинлар ва бошқа турли-туман буюму жиҳозлар) беҳисоб келтирилиб, намойишқорона тақдим этилган. Бундай дабдабали «Садок тўйи» аввало ўғил бола шахсига бўлган ишонч ва эътиқод туфайли, бешик тўйларидан кейин ўтказилган умумжамоанинг тантанали, шодиёна маросими ҳисобланган. Чунки ўғил юқорида қайд этилганидек, аввало авлод зурриёдининг бевосита давомчиси, қолаверса, уй, маҳалла-қўй, эл-юрт ва мамлакатнинг посбони ҳамдир.

«Садок тўйи» ўтмишда қанчалик дабдабали, тантанавор ўтказилган бўлмасин фанда хануз ўрганилмаган. Ушбу мавҳум ҳаётий маросим ҳақида тарихий ёзма манбаларда, хоҳ йирик қомусий асар ёки элшуносликка бағишланган тўплам, рисола ёки мақолалар бўлмасин уларнинг саҳифаларида бирор-бир маълумот қайд этилиши у ёқда турсин, хатто «садок тўйи» шаклидаги ибора ҳам тилга олинмаган. Ваҳоланки, уларнинг аксарияти, хусусан нонуштали зиёфат, турли маросимий тўйларнинг барчаси халқимизнинг ўзаро муносабатлари асосида юзага келган хайру саховатли меҳнати эвазига ҳурмат ва иззатнинг ҳаётий фазилатини англатган. Чунки ҳар қандай меҳнатдан сўнг кўпчилик олдига дастурхон ёзилган. Шу боис ҳар бир хонадон соҳиби буни ўз бурчи деб билган. Тўй қилиб, эл-юртга дастурхон ёзиб, кўпчиликнинг дуойи фотиҳасини олишни ният қилган. Шубҳасиз, бу меҳмондўстлик ва бағрикенгликдир.

Ўрта Осиё (Мовароуннаҳр)да, жумладан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида хатна – ўғил болаларнинг қўлини ҳалоллаш зарурий ҳаётий эҳтиёж туфайли тўйга айланиб, яхши урф-одат, яъни «бидъати ҳасана» тарзи сифатида

қабул этилган. Нагижада қадимги «садок – ўғил тўйи», хатна ёки суннат тўйи номлари билан юритилиб келган.

«Хатна» – атамаси арабча бўлиб ўғил бола олатининг чекка кертмаги (ргаerutum)ни кесиш маросимидир. Хатна қилиш сингари расм-русумлар дастлаб ибтидоий жамоа тузумида пайдо бўлиб, ўспирин болаларни балоғатга етиб, катталар сафидан ўрин олиши муносабати билан бажариладиган чидамлилиқ синовидир. Бунда улар ҳар хил жисмоний азият-азоб (оч қолдириш, терини тилиш, кулоқ супрасини йиртиш, тишини синдириш ёки эговлаш ва шу кабилар)га дучор этилган. Шундай одатлар Австралия, Океания, Африкада яшовчи айрим халқларда сақланиб қолган. Хатна бир қанча халқларда, жумладан яҳудийлар ва мусулмонларда эътиқод шаклини олган. Шу боисдан мамлакатимизда ўғил болалар одатда 3-5-7 ёшидан, айрим ҳолларда эса 9-11-12 ёшигача хатна қилинади. Мазкур ўғил, яъни хатна тўйи суннат тўйи номи билан юритилади.

Ўрта Осиёда, хусусан Ўзбекистон ҳудудида ўғил тўйи жуда қадим замонларда юзага келган. У деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик, хатто ўзаро айирбош савдо билан узвий боғланиб кетади. Чунки оилада дунёга келган ўғил аввало аждоду авлодлар қувончи, ноз-неъматлар етказиш борасида етишаётган буюк куч, қолаверса эл-юрт, мамлакат посбони сиймосида эътиборга эга бўлган. Шу боисдан ўспиринлик ёшига етиши арафасида уни маҳалла кўйга таништириш ниятида элга дастурхон ёзилиб тўй қилинган. Келажакда тўй болани жасур чавандоз, нишондор мерган бўлиб камол топиши орзусида тоғалари той ва амакилари камон билан етти ўқ жойлаштирилган садок каби тўёна қилишган. Ўғил тўйи тарихда «Садок тўйи» номи билан юритилган. Ўғил тўйи маросимини одат тусига айланишига қарийб уч минг йил бўлган. Бироқ ўтмишда тўй қилингану, хатна маросими бўлмаган. Хатна эса бизнинг юртимизда Садок тўйига хатна қўшилиб, байрамона

нишонланган. Сўнгра бу тарихий ўғил тўйи «Суннат тўйи» номи билан юритилиб кетган.

Профессор Р.А. Каценовичнинг фикрича, хатна ис-
сиқ тропик минтақанинг табиатининг ўзига хос таъсири
тақозоси туфайли юзага келган. Масалан, Исроил ва араб
қабилалари тарихида хатна узок ўтмишлардаёқ одат туси-
ни олган. Чунки улар истиқомат қилган минтақада дунёга
келган ўғил болаларнинг олати туғма нуқсонли бўлган. Шу
боисдан болалар хатна воситасида соғайиб, камолга етиш-
ган. Шунинг учун ҳам хатна ҳаётий зарурат ва сихатлик
учун фойдали одат ҳисобланган. Илмий тиббиётда болалар
касалланганда ва туғма нуқсонлари бўлганда жарроҳлик
воситасида даволанган.

«Садок тўйи»нинг ҳаққоний тарихи ва у билан боғлиқ
маросимий удумларнинг тартибу манзараси ҳақида ёзма
манбаларда, юқорида таъкидлаганимиздек, далилий маъ-
лумотлар мавжуд эмас. Шу боисдан элшунослик фанимиз-
да бундай қадимий маросимларнинг тарбиявий аҳамияти
ҳали тўлалигича ўрганилган эмас.

*Миллий мафкурани шакллантириш-
даги энг катта манба – бу ҳаққоний ёри-
тилган тарихдир. Тарихни билмай туриб,
мафкуранинг фалсафий негизларини ан-
лаб бўлмайди.*

Ислом КАРИМОВ

IV боб

ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИ ТОШКЕНТ 2200 ЁШДА

Чочанап – Бинкат – суворий азаматлар шаҳри

Чирчиқ водийсининг серунум ва обод марказий қисмида жойлашган ҳозирги Тошкент Ўрта Осиёда қад кўтарган қадимий шаҳарлардан бири бўлиб, у икки минг икки юз йиллик тарихга эга. Ўзининг йигирма икки асрдан зиёд ўтмиши давомида бу кўҳна шаҳар ташқи босқинчиларга қарши олиб борилган не-не жангу жадалларни ва не-не ўзаро қонли урушлар-у қўзғолонларни кўрмади. Неча бор шаҳар вайрон бўлди, яна қайта-қайта қад кўтарди. Шаҳар фақат тикланибгина қолмай, унинг номи ҳам бир неча марта ўзгарди.

Хўш, бу кўҳна шаҳарнинг илк бинолари ҳозирги Тошкентнинг қайси қисмида қад кўтарди ва у қачондан бошлаб «Тошкент» номи билан шуҳрат топди? Бу ерда шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиб, унинг ривожланиши боиси нимада?

Афсуски, бундай ҳақли саволларга ёзма манбаларда аниқроқ жавоб топиш бирмунча мушкул. Чунки Тошкентнинг узок ўтмиши ва у қад кўтарган қадимги Чоч ёки Шош вилояти ҳақидаги маълумотлар тарихий манбаларда жуда хилма-хил ҳамда узук-юлуқ тарзда қайд этилиб, бир-

бирига зиддир. Масалан, оташпарастрларнинг қадимий муқаддас китоби «Авесто»да Сирдарё ҳавзасидаги вилоят «Турон», аҳолиси эса «тур»лар деб юритилган.

Бу ўлкада тур қавмлари уруғ ва қабила оқсоқолларининг диний ва сиёсий қароргоҳи Қанғха (Қанғ) шаҳри борлиги тилга олинади. Қадимги форс китобларида келтирилган маълумотларга қараганда, Сирдарёдан шимолда «сак» номи билан шуҳрат топган жанговар қабилалардан ҳисобланган «сака хаумаварка», яъни зардуштийларнинг муқаддас ичимлиги «хаума» – мусаллас тайёрлаб истеъмол қилувчи саклар яшашган. Саклар тарихда камонкаш суворийлар номи билан шуҳрат топган.

Ҳозирги Тошкент воҳасида қадимги шаҳарсозлик маданиятининг вужудга келиши, бу ўлкада илк бор катта-кичик шаҳарларнинг барпо бўлиши тарихи, ёзма манбалардан кўра Тошкент ҳудудида қад кўтарган қадимги шаҳарларнинг харобалари ҳисобланган тепалар қаърида тўлароқ ва аниқроқ сақланган.

Шунинг учун ҳам Тошкент шаҳрининг қадимги тарихий саҳифаларини тиклашда бизнинг давримизгача тепа шаклида сақланиб қолган археологик обидалар асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда. Чунки бундай ёдгорликларда археологик тадқиқотлар олиб бориш билан фақат шаҳарнинг қадимий қиёфасигина эмас, балки Тошкентга асос солган қадимги шаҳарликларнинг турмуш тарзи, хўжалиги, маданияти ҳамда диний эътиқодлари ҳам ашъвий топилмалар воситасида аниқланипти.

Кўп йиллик археологик тадқиқотлар натижасида шундай воқелик аниқланди. Яъни Сирдарё ҳавзаси ҳудудларида яшаган қадимги сак қабилаларининг ҳаммаси ҳам кўчманчи чорвадор бўлмаган. Чунончи, Оҳангарон ва Чирчиқ дарёларининг тармоқлари бўйлаб жуда кенг майдонда бундан 3000 йилча муқаддам деҳқончилик хўжаликлари шаклланиб, қадимги сакларнинг бир қисми дарё тармоқларининг тошқин сувларидан ҳосил бўлган табиий захоб ерлар ва

кўлмак ҳамда лойқалардан фойдаланиб ўтроқ деҳқончилик билан кун кечиришган.

Шу асосда кўплаб дастлабки ўтроқ манзилгоҳу қишлоқлар ва кейинчалик илк шаҳарлар ҳам вужудга келган. Маълум бўлишича, ҳозирги Тошкентнинг жанубий қисми ўша қадимги ибтидоий деҳқончилик маданияти ташкил топган воҳанинг ўрнида экан. Шунинг учун ҳам, ҳозирги вақтда худди шу ҳудуддан ибтидоий деҳқончилик маданиятига тааллуқли ёдгорликлар ҳамда илк шаҳар маданияти излари топилиб ўрганиляпти.

Тошкентнинг қадимги тарихи тўғрисидаги лавҳаларидан маълумки, ўлкада илк шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиб, шаҳарнинг қад кўтариши шу ўлкада яшаган қадимги чорвадор ва деҳқон аҳолисининг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётидаги улкан тарихий жараён-дир. Унда шубҳасиз, ўлканинг ўзлаштириб обод этилиши, айниқса, чорвачилик ва деҳқончилик хўжаликларининг ташкил топиши ҳамда хунармандчилик, ички ва ташқи савдонинг ривожланиш тарихи билан узвий боғланиб кетади. Тошкент воҳасида чорвачилик, айниқса, деҳқончилик маданиятининг шаклланишининг чуқур илдизлари эса, ўз навбатида, бу ўлкада жуда қадим замонлардан бери яшаб келган туркий «Аз» ёки «Сак» аҳолисининг тарихи, у яратган ноёб маданияти билан белгиланади.

Тарихий манбалардан аёнки, милоддан аввал VIII–III асрларда Евроосиёнинг дашту сайхонлик, тоғолди чўлу адирликларида чорва (кўй, от, қорамол ва туя) чилик билан шуғулланган қадимги туб ерли аҳоли яшаган. Геродотнинг ёзишича, ушбу нуфузни юнонлар «скиф» (аслида сакоф), яъни денгиз ортидаги саклар деб аташган. Форсий битикларда сакларнинг уч туркум тоифаси: сака тира-тигра-хауда – чўққи қалпоқли саклар; сака хаумаварка – хаума (мусаллас ичимлиги) тайёрловчи саклар ва сака тиай-тара-дарайя каби лексемалар қайд этилади. Уларнинг асл ватани Хитойнинг Хуанхэ дарёси сохилларидан то Дунай

ҳавзасигача бўлган улкан кенгликда ястанган. Майдони бекиёс, ниҳоятда кенг ушбу Евроосиё қитъасининг серўт улкан яйловлари бўйлаб асрлар давомида Шарку-Ғарбга ёки Ғарбдан Шарққа томон от сурган суворий саклар маҳсулдор чорва хўжалигининг деярли барча тармоқларини кенгайтиришган ва ниҳоятда бойиб кетишган. Кўч-кўронлари, ҳатто кигиз қопламали қора уй-ўтов (юрта) ларини ҳам четанли (ғов-кузов) ли баланд ғилдиракли араваларга ортиб, ўтлоқлар бўйлаб яйловма-ййлов кўчиб юришган. Шу боис Хоразмнинг шимолида, хусусан, Орол денгизи соҳиллари атрофида яшаган чорвадор саклар Массaget (аслида Хоразмча Массакат), яъни Катта уйлилар шаклига монанд шуҳрат топишган. Бироқ саклар ўзларини скиф ёки сак ва ҳатто массагет деб аташмаган. Ушбу номлар уларга чегарадош форсийлар томонидан берилган.

Буюк даштнинг қадимги чорвадор аҳли ўзлари учун муқаддас деб белгиланган онғони (тотем – уруғ ёки қабиланинг келиб чиқиши), яъни бирор жонзотнинг номи билан юритишган. Саклар ўзларини «Аз» яъни от ёки отлик суворийлар деб аташган. Азлар қадимий илк турк лаҳжасида сўзлашишган. Эронга туташган Жанубий ҳудудларда яшаганлари эса форсий тилни мукаммал ўзлаштириб ҳам олишган. Хитой манбаларида эътироф этилишича, улар чуқур кўзли, қирра бурунли азаматлар қиёфасида гавдаланишган.

«Аз» атамаси гидроним сифатида Азов – Азоқ, яъни азларнинг Оқ – кичик денгизи ҳамда Банди аз, яъни азларнинг катта – Қора денгизи номлари остида Евроосиёнинг машҳур сув ҳавзаси Қора денгизнинг тарихий гидронимлари ва уларнинг қадимий ифодаси бизнинг давримизгача етиб келган. Шундай бўлса-да, баъзи манбаларда, айниқса, тарихий карталарда ушбу атама «ас, аш, ос, уз, ўз ва ўш» каби тарзлардаги сўзлар бирикмасида ҳам ифода этилган. Бундай шакллардаги аффикс ёки суффиксли номлар, масалан, Азия ёки Осиё – Марказий ва Ўрта Осиё, Асака –

Ассака, Калос, Чинос, Ўзган ва Ўш каби топоним ва айрим гидронимларда ўз ифодасини топган.

Саклар ниҳоятда тезкор ва омилкор бўлишган. Улар жез, олтин, кумуш, темир, ёғоч, суяк ёки ҳайвон шохидан турли-туман хўжалик асбобу ускуналари (жез дошқозон), зеб-зийнатлар (билагузук, медальон, қадахлар), қурол-яроғлар (дудама ханжар, шамшир, ўқ ва найза пайконлари), эгар-жабдуклар, хилма-хил сопол идишлар (кўза, кўра, идиш товоқлар) ясашган. Улар қўли билан бунёд этилган олтин асбобу буюм ва зеби-зийнат тақинчоқлар моҳир санъат асарлари қаторида саналиб, санъат тарихида «Ҳайвон тасвирлари услуби» номи билан шуҳрат топган. Ушбу услубда ясалган ноёб археологик топилмалар жаҳон маданияти хазинаси сифатида «Эрмитаж» ва Киев санъат музейларида намоиш этилган.

Милоддан аввалги III асрда саклар Или дарёси водийсидан кўзгалган туркий Юечжий – Рузие чорвадор қабилалардан зарбага учрашади. Жануб (Ҳиндистон ва Эрон)га силжиб, қадимги Дрангиёна ўлкасида Хамун кўли атрофига ўрнашадилар. Кейинчалик вилоят Сакистон – саклар юрти ва Сейистон деб аталади. Мазкур жойда барпо этилган Ҳинд-сак давлатининг асосчиси, ворислари Аз – Азилис (Аз > Элос) каби номлар билан улуғланишади.

Тошкентнинг тоғдан дарё ва воҳага кўчган номлари

Тошкент шаҳри ўзининг йигирма икки асрдан зиёдроқ ўтмиши мобайнида ўлканинг табиий шароити ва уни ўзлаштириб обод этган қадимги аҳолисининг ижтимоий ва иқтисодий ҳамда сиёсий ҳаёт тақозоси билан бир жойдан иккинчи жойга силжиган. Ер юзасининг бир неча бор ўзгаргани сингари, унинг номи ҳам асрлар давомида кўп маротаба ўзгарган. Пойтахтимизнинг ҳозирги номи унга берилганларнинг энг сўнггиси бўлиб, «Тошкент» сўзи ёзма

манбаларда даставвал XI асрнинг машҳур алломалари Абу Райҳон Беруний ва Маҳмуд Қошғарийларнинг асарларида тилга олинади.

Ҳозиргача келтирилган ёзма манбалардаги маълумотларга қараганда, Тошкентнинг энг қадимги номи «Чоч» бўлган. Араб алифбосида «ч» ҳарфининг йўқлиги боисидан арабий ва форсий асарларда у «Шош» деб юритилган. Илк ўрта асрларда у Чоч, Шош, Шошкент, Мадинат аш-Шош Бинкат ва Таркан деб номланган.

Хўш, республикамиз пойтахтининг бу қадимий номлари қачон пайдо бўлган ва улар қандай маънони англатади?

Авалло шуни айтиш керакки, Тошкентнинг энг қадимги номи – «Чоч» шаҳарнинг ёшига нисбатан қадимийроқдир. Чунки бу ном ҳали Тошкент шаҳри пайдо бўлмасидан бир неча асрлар муқаддам Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари, водийлари ва бу икки дарёнинг суви билан обод этилган Тошкент воҳасига берилганди. Бу ўлканинг қадимги маҳаллий аҳолиси томонидан у «Чоч» деб юритилган. Даставвал, бу атама оташпарастларнинг қадимий муқаддас китоби «Авесто»да тилга олинади. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, бу атама милoddан аввалги I минг йиллик ўрталарида юзага келган.

Маълумки, водий, воҳа ёки жой номлари – топонимлар, одатда, улар жойлашган ўлка табиатининг айрим хусусиятлари ёки қадимги аҳолиси ва манзилларининг сони ва сифатига нисбатан берилади. Хўш, шундай экан, ўлка табиатининг қандай сифатига нисбатан Тошкент воҳаси қадимда «Чоч» деб юритилган?

Бунинг учун аввало Тошкент вилоятининг тутган географик ўрнига назар ташлаш лозим. Бу қадимги ўлка шарқдан «Чоткол-Курама ва Қоржантов (Қоржовгантов)» тизмалари, жануб ва ғарбдан Сирдарё ва шимолдан қадимда «Буюк Дашт – Қипчоқ дашти» деб аталган Жанубий Қозоғистон худудлари билан ўралган. Унинг бундай

табий шароити ўлканинг иқтисодий ҳаётида айниқса, бу ерда чорвачилик ва деҳқончилик хўжаликларининг вужудга келиши ва ривожланишида катта ўрин тутган. Чотқол-Курама тоғлари ва тоғолди адирликлар чорвачилик учун кенг яйлов, Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари деҳқончилик учун асосий обиҳаёт манбаи бўлиб хизмат қилган. Бу тоғлардан қовлаб олинадиган турли хил маъданлар ўлкада қадимдан хунармандчилик: чилангарлик, мисгарлик, заргарлик ва ҳоказоларни ривожлантиришга имкон берган. Тошкент воҳасини кун чиқиш томонидан «Саддичин»дек тўсиб, уни обиҳаёт билан таъминлаб турган Чотқол-Курама тизмалари III аср Эрон ёзувларидан бу тоғ «Кўҳи Чоч» номи билан тилга олинади.

«Чоч» сўзи қадимда маҳаллий аҳоли тилида «тоғ» ва «тош» каби икки хил маъноларни англатган. Чоч тоғидан оқиб тушадиган дарё (ҳозирги Чирчиқ дарёси) ҳам ўша вақтларда «Оби Чоч» яъни «Чоч суви» ёки «Чоч дарёси» деб аталган. Чирчиқ дарёсини ҳосил қиладиган тўртта тоғ ирмоқлари: Чотқол, Пском, Угом ва Кўксувлардан охиргиси маҳаллий аҳоли ўртасида «Оби Кўҳ» номи билан машҳур бўлиб, у «Тоғ суви», «Тоғ дарёси» маъносини билдиради.

Ўрта асрларда Чирчиқ дарёси «Парак», «Оби Парак», «Дарёи Парак» номлари билан юритилган. «Пар» ёки «парак» аслида суғдийча бўлиб, у «юқоридан пастга тушиш», «эниш», «қулаш» маъноларини билдирган. Масалан, ягнобликлар тоғдан тош кўчиб қулайдиган жойни «сангпар», яъни «Тош қулаш» деб аташади. Шуларга асосланса, «Оби Парак» сўзма-сўз «Тоғдан оқиб тушадиган дарё», «Тезоқар дарё ёки бир сўз билан айтганда, «Шаршара дарё» – «Шаршарача» деган маънони беради. Чирчиқ дарёсининг бош ирмоғи Чотқол дарёсига Обираҳмат яқинида қўшиладиган сойнинг номи «Оби палтов» бўлиб, у юқоридан ташланган сув ёки «ташлама» сой маъносидадир. Агарда Чирчиқнинг қадимги

атамалари маъносига қараб фикр юритилса, улар ушбу дарёнинг кўзга яққол ташланадиган асосий сифатига жуда монанддир. Дарҳақиқат, Чирчиқ дарёси юқори оқимининг нишоби жуда катта бўлгани учун у тоғдан шаршарадек катта тезлик билан оқиб тушар ва ўзи билан олиб келган беҳисоб оқизинди жинслар: харсанг, тош, шағал, кум ва лойқаларни бутун водий бўйлаб ётқизган.

Бу қадимги водий бўйлаб барпо этилган Қорасув суғориш тармоғининг бир тармоғи яқин кунларгача «Тошариқ» номи билан машҳур бўлган. Ушбу атамалар, шубҳасиз, Чирчиқ дарёси унинг ирмоқлари ва улардан чиқарилган суғориш тармоқларига ном берган қадимги аجدодларнинг ўта кузатувчан бўлганидан далолат беради.

Демак, «Чоч» атамаси Чотқол-Қурама тизма тоғларидан бош олган Чирчиқ дарёси суви билан суғорилиб обод этилган Тошкент воҳасининг номи бўлиб, «Чоч» сўнгра «Шош» ёки «Вилояти Шош» деб юритилган.

Қадимги Хитой манбаларида (милоддан аввалги II аср ва милоднинг V асрлари) бу вилоят Лою-ени, Юни сўнгра Чжеше, Чжечжи, Чжеси ва Ши деб номланган. Бу атамалар (аввалгисидан ташқари) «Чоч» сўзининг хитойча талаффуз этилиши натижасида ҳосил бўлиб, ҳатто охириги «Ши» топоними «тош» маъносини англаган.

Маҳмуд Кошғарийнинг маълумотича, илк ўрта асрларда Тошкент шаҳри «Таркан» деб ҳам юритилган. Унинг бу нодир исми «Оқар сув» Хоразмга оёқсув бўйидаги шаҳар маъносини англаган, яъни шаҳарнинг Калковуз ва Анҳор сувлари бўйида жойлашганига ишорадир.

XI асрда Тошкентнинг қадимги номларидан бири Шошкент турк тилига таржима қилиниб, у «Тошканд» деб, юритила бошланган. Бу қўшалок номлар: Шошкент, Бинкат, Тошканд номи билан шаҳар бир неча аср давомида аталиб келинган. Захириддин Бобур ўз эсдаликларида «... асарларда Тошканд номини Шош, баъзан Чоч деб ёздилар», – деб қайд этади.

XVI аср муаллифларидан Фазлуллоҳ ибн Рӯзбихоннинг ёзишича, Тошкент ва унга қарам бўлган ерлар «Шош вилояти» номи билан юритилган. XVI аср 90-йилларига тегишли қозилик ҳужжатида эса, шаҳарнинг кўпроқ Тошканд номи билан машҳур бўлгани таъкидланган. Ҳужжатда: «Шошкандда, яъни Тошканд номи билан машҳур бўлган шаҳарда», – деган сўзлар қайд этилган.

XVII асрда яшаган қомусшунос олим Маҳмуд ибн Валининг ёзишича, Тошкент унинг даврида ҳам уч ном билан юритилган. «Шош-Сайхун (Сирдарё)нинг у томонига жойлашган шаҳар ва у Туркистон (вилояти)га қарайди... Уни Чоч деб атайдилар. Бироқ ҳозирги вақтда у Тошкент номи билан машҳурдир», – деб ёзади бу ҳақда Маҳмуд ибн Вали.

Демак, XVI аср охири ва XVII аср бошларида Тошкентнинг Чоч, Шош ва Бинкат каби қадимий номлари аҳоли ўртасида муомаладан чиқиб, унинг сўнги атамаси шуҳрат топа бошлади. Худди шу вақтдан бошлаб у ягона Тошканд номи билан юритилиб кетади. Тошкентнинг қадимги номлари остида яширинган унинг барча сифатлари фақат мустақиллик даврида, у юксак санъат ва маданият маркази, Шарқнинг ҳақиқий машъалига айланган даврда ўз ифодасини тўла топди. Шундай қилиб, Тошкент воҳасининг табиий сифатлари асосида пайдо бўлган қадимги «Чоч» атамаси, аввал тоққа, ундан дарёга ва воҳага ўтиб, сўнгра бу обод воҳада қад кўтарган шаҳарга нисбатан берилган. Бу номларнинг келиб чиқиш даври ва уларнинг маъносини аниқлаш Тошкент шаҳри тарихини бизгача сақланиб қолмаган саҳифаларини тиклаш имконини беради.

Қанғ – аравасозларнинг қадимий юрти

Милоддан аввалги III асрда қадимги Чоч вилоятида чорвадор сак қабилалари иттифоқи асосида ташкил топиб, милоднинг III асригача ҳукм сурган давлат «Қанғ»,

«Қанқа» ёки «Қанғха» деб аталган. Хитой ёзма манбаларида у «Қангюй» ёки «Кандзюй» номлари билан тилга олинади. Қадимги тохарлар (Сурхондарё воҳасининг қадимги аҳолиси) тилида «Қанғ» сўзи ҳам «тошдек яхлит юрт» маъносини англатган. Милоддан аввалги II–I асрларда Қанғ давлати ниҳоятда кучайиб, унга бешта вилоят: хитойча Сусе «Кеш», Фуму (Суғд), Юни (Чоч), Ги (Бухоро), Юецзянь (Хоразм) ҳокимлар бўйсунилган.

Ўрта асарларда Ўрта Осиёга юборилган Хитой элчилари ўз ахборотларида маҳаллий ўлка номларини ўз тилларига таржима қилиб баён этишган. Шунга асосан Хитой императорлари ҳамيشа бу ўлкаларни ўзларига тобё деб кўрсатишга уриниб келишган. Ёзма манбаларда келтирилишича, бу давлат ниҳоятда мустақил ва кучли бўлиб, чет давлатлардан келган элчиларни қабул қилиш вақтида ўз мустақиллигини намойиш этиш мақсадида Хитой империяси элчиларини қадимги Еттисув вилоятида яшайдиган Усун қабилалари элчиларидан пастроққа ўтказган. Зиёфат вақтида эса аввал усун элчилари олдида дастурхон ёзилиб, улар обдан овқатланиб бўлишгач, сўнгра Хитой вакилларига таом тортилган. Бу давлатнинг пойтахти Битянь шаҳри бўлиб, у Иоша дарёси (Сирдарё) бўйида жойлашган.

Битянь шаҳри Даван (Фарғона водийси) дан 1510 ли (755 км) масофада бўлган. Бу қадимги пойтахтнинг харобалари тепа шаклида бизнинг давримизгача сақланиб қолган. У 70-йиллар бошидан эътиборан то 90-йилларгача Ю. Ф. Буряков раҳбарлигида Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институтининг махсус экспедицияси томонидан қовланиб ўрганилган. Бу ажойиб археологик обида маҳаллий аҳоли ўртасида «Қанқатепа» номи билан машҳур бўлиб, у Тошкентдан 70 км жанубда Сирдарёга яқин ерда Оҳангарон дарёсининг қуриб қолган қадимги ўзани бўйида жойлашган. Археологик тадқиқотлардан маълумки, Қанқатепа милоддан аввалги III асрлардаёқ

атрофи мудофаа девори билан ўралган ҳамда аркли улкан шаҳарнинг харобаси бўлиб, майдони 200 гектарга тенг. Обидалар ҳамда Қанқа топилмаларидан аён бўлишича, у Ўрта Осиёда қад кўтарган йирик маданий, хунармандчилик ҳамда савдо марказлари: Самарқанд, Бухоро, Пайканд, Марв, Ахсикат ва Ерқўргон (Қарши) лар қаторида бўлган.

Қадимги Қанғ давлатининг фуқароси ҳам «қанғи» (кейинчалик қани талаффузида қанқа) деб номланган. Улар хиндларнинг қадимги китоби «Махабхарата»да саклар ва тоҳарлар номлари қаторида тилга олинади.

Қадимда тоғ, сўнгра ундан оқиб тушадиган дарё кейинчалик шу дарё туфайли обод этилган воҳага берилган «Чочнап» атамаси, ниҳоят шу воҳада қад кўтарган дастлабки аҳоли яшайдиган қишлоқ ва шаҳар номига айланган. Бу атамага аввал «кат», сўнгра «қанд» ёки «кент» сўзлари қўшилиб юритилган. Кейинги қўшимчалар эса аҳоли яшайдиган жой эканини белгилаб берувчи сўзлардир. Қадимги Чоч ёки Шош воҳасининг дашт билан туташган шимолий чегарасида барпо этишган дастлабки аҳоли яшайдиган деҳқончилик қишлоғи (кейинчалик у хунармандчилик шаҳрига айланган) Чочкат деб аталган. Унинг бизгача етиб келган тепа шаклидаги харобаси тошкентликлар ўртасида «Шоштепе» номи остида шуҳрат топган.

Милоддан аввалги I–II асрларда Чочанап воҳасида шаҳар маданияти кенгайиб, Қорасув, Салор ва Жўнарик суғориш тармоқлари бўйлаб, янги ерлар ўзлаштирилиб обод этилиши натижасида қадимги Чоч шаҳри янги жойда, ҳозирги Шимолий темир йўл вокзали яқинида Салор суви бўйида янгитдан қад кўтаради. V асрга келиб у кенгайди ва Шош вилоятининг марказига айланади. Бу қадимги шаҳарнинг харобалари Мингўрик (аслида минг уруғ) тепасидир. Шу вақтдан бошлаб бу янги марказ шаҳар ҳам Чоч номи билан атала бошланади. Араблар бу шаҳарни Шош ва Мадинат аш-Шош деб атайдилар. Археологик

маълумотларга караганда, Мингўриктёпада топиб текширилган қадимги Чочканд шаҳри, айниқса, IV–VIII асрларда гуллаб-яшнаган. VIII аср ўрталарида Тошкентнинг Араб халифалиги томонидан босиб олиниши билан бошланган халқ кўзғолонлари даврида Мингўриктаги Шош шаҳри вайрон этилиб, у бўшаб қолади. IX асрга борганда шаҳар янги жойда ҳозирги Хадра майдони ва «Чорсу» меҳмонхонаси жойлашган аввалги Хадрада қайтадан қад кўтаради. Бу янги жойда шаҳар IX–XI асрларда «Бинкат» деб юритилади. «Бинкат» арабча-суғдча сўзлар бирикмасидан юзага келган топоним бўлиб, у кўркам шаҳар деган маънони билдирган.

Ушбу суворий қабилаларнинг дастлабки яйловлари Сирдарёнинг ўрта соҳилида қадимги Чоч воҳаси, Талос водийси ва Чу дарёсининг қуйи оқими (ҳозирги Жанубий Қозоғистон)да ястанган. Қанғ ҳукмдори ябғуларининг Қароргоҳи икки ерда: ёзгиси Қорасув (Иссиқкўл)нинг жанубий соҳили (Қирғистон)да Бешқоқ яйлови (х. Бешкек) яқинида, қишкиси эса Оҳангарон водийсида Битан, Хитойча Битьян (аслида Батон), яъни «Кўноқлар» деб юритилган жойда қарор топган. Хитой элчиси Жан Чяннинг (мил. авв. 138 й.) ёзишича ёзги ва қишки қароргоҳларнинг оралиғи туяда етти кунлик масофа ҳисобланган. Хитой ёзма манбаларида қанғарлар юрти Лоюани, яъни «Турк улуғ ери» маъносида қайд этилади. Унинг қишки қароргоҳи жойлашган Чоч воҳаси, хусусан, Оҳангарон водийси эса Юни, яъни «Кичик юрт» деб юритилган. «Тош» маъносидаги «ши» сўзи нафақат тоғ, дарё, шаҳар ёки воҳа гидронимлари ва топонимларини шакллантирган, балки «Шиго» (Қанғ, Қанҳа ёки Кангюй) каби номдор ва улкан юрт, давлат ҳамда ушбу ҳукмронликка асос солган дастлабки ҳукмроннинг исмини ҳам англаган.

Қанғ юрти Шарқда Даван (Фарғона), шимоли-шарқда усун (уйғур) ва юечжи (тоҳар) қабилаларининг ерлари, шимоли-ғарбда Сарису дарёси, Ғарбда Иоша (Яксарт

– Сирдарё)нинг қуйи оқими ва Хваразм (Хоразм) қўли (Орол)нинг шарқий қирғоқлари ҳамда жанубдан Уху (Амударё)нинг шимолий соҳили билан чегараланган. Қанғ аҳолиси 600 минг нафар 120 минг уйли бўлган. Ёвгарчилик вақтларида 120 минг нафар қўшинни сафга торта олган.

Мамлакат бир қанча эл, юрт ва ўтроқ деҳқончилик воҳаларига бўлинган. Давлатни хоқон бошқарган. У во-рисий бўлиб, отадан ўгилга мерос тарзида ўтган. Эл ва юрт бошқарувида қабила оқсоқоллари ҳамда саркардалардан иборат Олий кенгаш «Ханжамана» ҳал этувчи муҳим мавқега эга бўлган. Эл ва юртлар эса хоқон уруғига мансуб шахслар, йирик уруғ ёки қабила бошлиқларидан тайинланган «жабғу» деб юритилган юрт ва ўтроқ воҳа ҳокимлари томонидан бошқарилган.

Қанғ давлати Хитой, Кушон, Парфия, Рим ва Кавказор-ти мамлакатлари билан савдо-сотик ва маданий алоқада бўлган. Ташки савдода сарбонлик қилишга уринган Хитой ва унинг иттифоқдоши усунлар билан тўқнашган.

Қанғ аҳолисининг чорвадор қисми асосан турк ҳамда суғд ва хоразм тилларида сўзлашишган. Ушбу қўштилли нуфуз асрлар оша ёнма-ён яшаб, муттасил иқтисодий ва маданий алоқалар натижасида қоришиб кетган. Янги топилган айрим ҳужжатларда қайд этилишича, III асрда суғдча «Чачанап», яъни Чоч мамлакати ёки эли маъносида ёзув битилган ўз танга пулларини зарб этишган.

Чачанап V асрда эфталлар томонидан эгалланган. VI аср ўрталарида эса у Турк хоқонлиги зарбасига дучор бўлган... Турк ябғу хоқони зарб этган тангаларда эса суғдча «Туркиш чачан ходан ва мрай», яъни Турк хоқони ва мири (амири) каби маънолардаги ёзувлар битилган.

Хуллас, мил. авв. III асрда Қадимги Чоч воҳасида ташкил топган туркий буюк Қанғ давлати то милодий V аср ўрталаригача етти юз йил, яъни 21 авлоднинг умри мобайнида ҳукм сурган. Бу даврда Марказий Осиёда дастлаб ўзбеклар, сўнгра қардош аҳолилар халқ бўлиб

шаклландилар. Қанғли ёки Қани номли этнос Евроосиёнинг қатор халқлари таркибида то XIX аср охири ва XX аср бошларигача яшаб келди. Йигирма икки асрлик қанғарлар ва улар томонидан ташкил этилган «Буюк қанғ» давлатининг тарихи Ўзбекистонда давлат тузуми ва давлатчилик тизимларининг шаклланиши ва тараққиёти тарихини тадқиқ этишда муҳим аҳамиятга моликдир.

Тошкентнинг тўрт даҳаси

XVIII асрнинг иккинчи ярмида Тошкент шаҳри тўрт даҳа (туман) га бўлинган эди. Манбаларда шимолий даҳа – Қаффоли Шоший, жанубийси – Зангиота, шарқийси – Шайхонтоҳур ва ғарбийси – Шайх Зайниддин номларида қайд этилса-да, шаҳар аҳли кўпроқ Себзор, Бешёғоч, Шайхонтоҳур ва Кўкча деб юритилар эди. Бу даврда Тошкентда шаҳарликлар томонидан тан олинган ва сайланган ягона ҳоким – бошқарувчи арбоби мавжуд эмас эди. Шу боисдан шаҳар тўртта мустақил даҳаларга ажралиб кетганди. Ҳар бир даҳа ўз ҳокимини сайлаб, шаҳарликлар ва чорвадор аҳоли вакиллари иштирокида тўпланган умумқурултойида (хонжамана) тасдиқлаб олар эди. Ҳар бир даҳа ҳокими тайин этилгач, даҳаларни бошқариш маъмурияти – қозиси, раиси ва бошқа лавозимларга мулкдор шаҳар аслзодаларидан лавозимларга тайинланар эди. Бозор, шаҳарнинг мудофаа масалалари билан боглик масалаларни чор ҳокимлар ҳал қиларди. Шу сабабли бу давр шаҳар тарихида «Чорҳокимлик» номи билан шуҳрат топган эди. Ҳокимлар ёв босган даврларда ўз навкарларини навбатма-навбат ҳарбий қўшин сафига юбориб туришган. Муҳим масалаларни биргаликда ҳал этишган. Кўпинча олий ҳукуматни эгаллаш учун улар бир-бирлари билан тўқнашиб туришган. Шаҳар ҳокимларининг бундай ўзаро низолари кучайиб, шаҳар гоҳ у, гоҳ бу ҳоким кўлига ўтар эди. Бундай шароитда шаҳар ниҳоятда нотинч бўлиб,

Тошкент ахли жуда азоб-укубатда яшар эди. Кўпинча Себзор даҳаси билан Кўкча даҳаси бирлашиб, Шайхонтохур даҳасига қарши уруш бошлар эди. Бундай вазият содир бўлган вақтда Шайхонтохур даҳаси билан Бешёғоч даҳаси бирлашар эди. Ўзаро низо кучайган пайтларда шаҳар марказидан оқиб ўтадиган Лабзак сувининг (ҳозирги Абдулла Қодирий номидаги шаҳар истироҳат боғи ва Эскижува автобуслар бекати) икки чети жанг майдонига айланарди. Шунинг учун Лабзак сувининг номи шаҳарликлар тилида «Жангоб», яъни «Уруш суви» ва бу анҳорнинг икки ёқаси эса «Жангоҳ», яъни «Уруш жойи» ёки «Жанг майдони» деб шуҳрат топган эди. Тошкентнинг бу машҳур атамалари ҳозирги вақтгача халқ ичида сақланган.

«Тарихи жадидаи Тошканд» – («Тошкентнинг янги тарихи») асарининг муаллифи Муҳаммад Солиҳнинг ёзишича, чор ҳокимлик даврида Шайхонтохур даҳасида Юнусхўжа бинни Ҳидоятхўжа, Бешёғоч даҳасида Дониёрхўжа, Кўкча даҳасида Исҳоқхўжа ва Себзор даҳасида Шоҳбек (Шебек) лар ҳокимлик қилишган. Тошкент ҳокимларининг бир-бирлари билан ўзаро курашларидан хонавайрон бўлиб, тинка-мадори қуриган шаҳарликлар кўзғолон кўтаришган. Шаҳарда ягона ҳоким ва ягона ҳарбий бошлиқ бўлишини талаб қилиб чиқишган. Юнусхўжадан ташқари уч даҳа ҳокимлари ағдариб ташланган. Голиблар талаби билан кенгаш чақирилиб, Девонбеги маҳалласидан бўлган Салимсоқтўра ҳарбий кўмондон, оталик вазифасига Рустамтўра, қўшин бошлиғи қилиб Бобохонтўра, парвоначи вазифасига эса Одилтўра таклифи билан Шайхонтохурлик хўжалар авлодидан бўлган Юнусхўжа Ҳидоятхўжа ўғли Тошкент ҳокими этиб тайинланган.

Ҳар бир даҳада ўнлаб маҳалла, бир нечта масжид ва мадраса, ҳаммом ва бозорлар бўлган. Масалан, Себзор даҳасида 38 та маҳалла, 3 та мадраса ва 10 та масжид бўлган. Себзорликлар асосан этикдўзлик, бўёкчи – нилчи-

лик ва бўзчилик билан кун кечиринган. Бешёғоч даҳаси 32 та маҳалладан иборат бўлиб, унда 3 та мадраса ва 68 та масжид бўлган. Бешёғоч даҳаси ўзининг боғу роғлари, эгарчи – хунармандлари, «қизил иш» (отларни эгар остидаги ёпинчиғи – сарпўш тикувчилари ва ғиштчилари билан машхур бўлган. Шайхонтохур даҳасида 48 маҳалла, 6 та масжид ва 3 та мадраса бўлиб, аҳолиси эгарчилик билан шуғулланган. Кўкча даҳасида 31 маҳалла 3 та мадраса, 51 та масжид бўлган. Кўкчаликлар асосан кўнчилик ва этикдўзлик билан тирикчилик қилишган.

Бу даврда Тошкент ҳам Ўрта Осиёдаги бошқа шаҳарлар каби баланд пахса девор билан ўраб олинган эди. XIX асрда яшаган тошкентлик муаррих Муҳаммад Солиҳ «Тарихи жадидаи Тошкент» номли асарида Ўрта асрларда тўрт даҳани ўраб ўтган шаҳар деворининг 12 та дарвозаси рўйхатини келтиради. У шаҳар дарвозалари атамаларини изоҳлар экан, ўз вақтида ҳар бир дарвоза маълум бир қабила вакилларига топширилганлиги учун улар шу қабилалар номи билан аталган деб ёзади.

Шаҳар майдони кенгайиши билан дарвозаларнинг ўрни, сони ҳам, ҳатто номи ҳам ўзгариб турган. Шундан бўлса керак шаҳар дарвозаларининг сони турли даврларда ёзилган манбаларда ҳар хил кўрсатилган. Масалан, 1738–1739 йилларда Тошкентга юборилган биринчи рус савдо карвонининг бошлиғи Миллернинг ёзишича, Тошкент дарвозалари 8 та; 1800 йилда Тошкент ҳокимининг таклифи билан келган рус тоғ муҳандиси М. Поспеловнинг кўрсатишича – 6 та; Филипп Назаровнинг (1813–1814) саёҳатномасида эса 12 та бўлган. Ҳатто, Миллер дарвозаларнинг номи ва улар шаҳарнинг қайси томонида жойлашганини айтиб ўтган. Самарқанд дарвозаси жануби-ғарбда; Бешёғоч ва Терсарик дарвозалари жанубда, Шайхонтохур дарвозаси шарқда, Тарсахон дарвозаси шимоли-ғарбда, Капкан (Қопқа) дарвозаси шимолда, Точки (Кўкча) дарвозаси ғарбда қад кўтарган. XIX

аср бошларида лашкар бекларбеги ҳокимлиги даврида Тошкент шахрининг сўнгги девори қайта тикланиб, унинг атрофи бўйлаб Кўймас, Кўқон, Қашқар, Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Сағбон, Чигатой, Кўкча, Самарқанд, Камолон, Бешёғоч каби 12 та дарвоза қурилган. Бу дарвозалардан 4 таси: Лабзак, Окқўрғон (Қашғар), Кўқон ва Кўймас шарқ томонда шаҳарга кейинчалик кўшиб олинган қисмидаги янги деворга ўрнатилган эди. Муҳаммад Солиҳнинг ёзишича, шаҳар деворининг 12 та дарвозасидан ташқари девор бўйлаб ҳар минг қадамда биттадан «бору» (мўла), ҳар 4 минг қадамда эса биттадан бурч (минора)лар барпо қилинган. Шаҳарнинг шарқий дарвозаларидан то ғарбий дарвозасигача 8500 қадамни, шимолдан жанубгача эса 8100 қадамни ташкил этган. Ёз ойларида шаҳар ичи ниҳоятда дим, чанг ва куёшли бўлган.

Ҳар бир дарвозадан шаҳар марказига – бозорга элтувчи кўю кўчалар ва улардан эса кўплаб тор кўчаларга бўлиниб кетган эди. Бозор, хусусан, Эскижува бетараф жой ҳисобланиб, жанглар вақтида ҳам савдо-сотик давом этаверган. Кўчалар туташган чорраҳалар гузар деб юритилган. Гузарлар маҳаллалардаги марказ ва гавжум жой ҳисобланган. Гузарлар ён атрофларида баъзан сарҳовуз теvaraгида тол ёки сада карағочлар ва супалар бўлиб, субҳидамдан супа атрофига сувлар сепилиб, супурилган... Бу ерда ўзига хос хушманзара иқлим пайдо бўлар эди. Кўйлар, яъни катта кўчалар бўйлаб қад кўтарган пастбаланд иморатларнинг дарвоза ёки эшик олдида ҳам супачалар бўлиб, атрофига сув сепилиб тозаланарди. Уйларда дераза ўрнида дарча (туйнук)лар бўлиб, уларга бўз ёки қоғоз ёпиштирилиб совуқдан сақланарди. Қаҳратон қиш кунлари дўконхона, чойхона каби кўпчилик йиғиладиган уйларда гулхан ёқиб, оддий уйларни эса сандал қуриб иситиларди. Кечаси хоналар асосан пахта мойидан ёнадиган пиликли қорачириклар билан ёритилиб, давлатманд кишиларнинг уйларидагина шам ёқилар эди.

Шаҳарнинг энг гавжум ва сершовқин ери бозорлар бўлиб, уларнинг донғи атроф ўлкаларга таралган эди. Қадимдан йирик савдо шаҳри сифатида машҳур бўлгани учун ҳамда географик жойлашувнинг қулайлиги туфайли Тошкентга бошқа мамлакатлардан муттасил савдо қарвонлари келиб турарди. Масалан, Тошкентда бўлган рус сайёҳи Филипп Назаров уни турли мамлакатлардан қарвонлар узлуксиз келиб-кетадиган йирик савдо маркази дея таърифлайди.

Муҳаммад Солиҳ шаҳарнинг Регистон майдонидаги асосий савдо марказини таърифлаб: «Бозорнинг дўкон-расталари Чорсудаги қандолатпазлик дўконигача давом этади. Рамазон ойида бу ерда кечаси ҳам бозор бўлади, халқ савдо-сотик, ҳар-хил ўйин-кулгу қиларди», – деб ёзади. Дарҳақиқат, шаҳар бозори фақатгина савдо-сотик учун хизмат қилибгина қолмай, шаҳарликлар ҳордик чиқарадиган жой ҳам эди. Шаҳар ҳокимининг турли фармонлари жоме масжиддан ташқари, Регистон бозорида ҳам жарчилар томонидан эълон қилинар эди. Бозор майдонида дорбозлар, кизиқчи ва бошқаларнинг томошаси намойиш этиларди.

Рус тадқиқотчиси В. Масальский XX аср бошларидаги Тошкентнинг эски шаҳар бозори манзарасини тасвирлаб қуйидагиларни ёзган эди: «Бир қисми тимдан иборат бозорда 4,5 мингта дўкон, чойхона, ошхона, устахона ва қарвонсарой борки, улар бозор кунлари ниҳоятда тикилинч бўларди. Бозорга туташган кўчалар ва бозорнинг ўзи шаҳарликлар, даладан келган деҳқонлар, туя қарвонлари, отликлар, аравалар билан шу қадар тўлиб кетардики, юришга илож бўлмай қоларди. Аллопу қандолатчи, баззозу сомсапаз, мисгару чилангар, новвою холвофуруш, каллапазу кабобпазларнинг бақирик-чақириғи, гадоларнинг хайру садақа тилаши, каландару маддохларнинг қироатли ўқишлари, туяларнинг бўқириши, эшакларнинг ҳанграши

аралаш-қуралаш бўлиб кетарди, бу маҳобатли гулдурос бозордан олис-олисларгача эшитилиб турарди...

Ўрта Осиёнинг бошқа йирик шаҳарларида бўлгани каби Тошкентда ҳам ҳайит ва рўза кунлари бозоршаб (тунги бозор) ўтарди. Бозоршабда шаҳарнинг марказий кўчаларидан бири ёки майдон безатилиб, кўчанинг икки четидаги чойхона ва дўконлар олдига чорпоялар қўйилиб, ҳар хил мева-чева, озиқ-овқат сотилган. Карнай, сурнай ва ноғоралар чалиниб, махсус жарчилар одамларни бозоршабга чорлаган. Бир томонда кураш, бир ёнда ўргатилган ҳайвонлар томошаси... чойхоналарда созанда, хонанда, аскиячи, қизикчи, раққослар ўз санъатларини намоён қилган. Бозоршаб турли шаҳарларда бўлгани каби Тошкентда ҳам маҳаллий урф-одат, расм-русмга қараб ўтказилган...».

Бозорлардан ташқари, Тошкент ўз атрофидаги сўлим чорбоғлари билан ҳамиша машҳур бўлган. XVI аср адиби ва шоири Зайнулдин Восифий Тошкентда бўлганида унинг Калковуз бўйидаги гўзал богини кўриб лол қолган ҳамда ўзининг «Бадоеъ ул-вақоеъ» («Нодир воқеалар») асарида Тошкент боғларини таърифлар экан:

*Теграсин қуршаган гўзал чорбоғлар
Алардан Эрамнинг кўксиди доғлар,*

деб ёзади.

Сўнгги ўрта асарларда ҳар бир даҳа аҳолисининг чорбоғ учун ўз тегишли мавзелари бўларди. Шаҳар аҳли баҳор, саратон ва кузни ўша ерда ўтказишарди. Чунончи, Шайхонтохур даҳасининг чорбоғлари Оққўрғон, Дархон, Яланғоч ва Қорасув бўйларида; Бешёғоч даҳасининг чорбоғлари эса Чилонзор, Зангиота (Чўпонота) Миробод, Дўмбирабод, Қозирабод; Себзор даҳасининг чорбоғлари Ҳасанбой, Кўктерак, Кўкча даҳасининг чорбоғлари эса Назарбек, Кўксарой ва Колос бўйлари каби мавзеларда бўларди.

Баҳор келиши билан тошкентликлар от ва араваларда бирин-кетин боққа кўчишар, кеч кузда боғдан йиққан-терганлари билан қоп ва хуржунларни тўлдириб, от-араваларга юклаб, шаҳар ҳовлиларига кўчиб келишарди. Эрта баҳорда далага кўчиш вақтида шаҳардан далаларга томон йўналган кўчалар... Рус тадқиқотчиси В. Масальский бу кўчаларнинг умумий манзарасини қуйидагича тасвирлайди: «...дала кўчаларининг икки томонидаги нураган пахса деворлар орқали шафтоли, ўрик, олма, гилос ва бошқа мевали дарахтларнинг анвойи ранг гуллари келинчаклардек мўралаб туради, офтобда қизиган, упадек майин, билқ-билқ тупроқли кўчалар ажабтовур бир сукунат оғушига чўмади. Аҳён-аҳёнда ғилдираклари осилиб тушган ларзон шохларга тегай-тегай деб Қўқон арава, ё эшаги ҳам ўзи сингари оҳиста мудраб бораётган деҳқон, ёхуд деворни паналаб кетаётган паранжили аёл ўтиб қолади-ю, кейин кўча яна улуғвор ва шарқона сокинлик қўйнига чўмади...».

Келтирилган тасвирлар ва айрим тарихий маълумотлар Тошкент шаҳрининг узоқ ҳамда яқин ўтмишидан кичик-кичик лавҳаларгина, холос. Унинг ниҳоятда қизиқарли ва бой тарихининг кўпгина саҳифаларини тиклаш борасида археологик ва тарихий тадқиқотлар давом этмоқда. Айниқса, пойтахтимизнинг мустақиллик даври тарихини ўрганиш алоҳида диққатга моликдир. Чунки нисбатан жуда қисқа тарихий давр мобайнида унинг қиёфаси таниб бўлмайдиган даражада ўзгарди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўрта Осиёдаги энг қадимги шаҳарлардан бири бўлган Тошкент 2200 йилдан ошиқроқ тарихга эга. Тошкент даставвал, Жўнарик сўнгра Салор бўйида вужудга келган. Тошкент географик жиҳатдан қулай ерда жойлашганлиги ва иқлим шароитининг қулайлиги туфайли азалдан деҳқончилик ва чорвачилик ривож топган. Қадимда Тошкент атрофи баланд ва қалин девор билан ўралган қўрғон шаклидаги кичкина шаҳарча бўлган. У

«Чоч» деб юритилган. Араблар уни «Шош» деб аташган. VIII аср бошларида шаҳар халифалик кўшинлари томонидан вайрон этилгач, у шимоли-ғарбий ҳозирги Хадра майдони ҳудудларига кўчган. У «Мадинат аш-Шош» ва Бинкат номлари билан тилга олинади. Бинкат – камондор суворий мардлар шаҳри деган маънони англатган. Бинкатнинг ўрни Тошкентнинг айнан аввалги «Эски шаҳар» деб аталган қисмига тўғри келади. Маҳмуд Кошғарий уни «Таркан» деган ном билан ҳам атайди.

Ёзма манбалар ва археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, Бинкат алоҳида-алоҳида қалин ва баланд деворлар билан ўраб олинган тўрт қисм, арк (ўрда) шахристон (ички шаҳар) ҳамда ички ва ташқи рабод (шаҳарнинг хунарманд ва косиблар яшайдиган қисм)ларидан иборат бўлган. Шаҳарнинг бўйи ҳам, эни ҳам бир фарсах (6–7 км) узунликка тенг бўлган. Шаҳарнинг маркази ҳисобланган арк ва шахристон қисмлари Тошкентнинг Хадра, Эскижува ҳамда Чорсу майдонлари оралиғидаги ҳудудга тўғри келади. Аркнинг умумий саҳни бир гектар, шахристоннинг майдони эса 15 гектарча бўлган. Аркнинг икки дарвозаси, шахристоннинг Абул Аббос, Қаср ва Гунбаз деб аталган учта дарвозаси бўлган Бинкат ички рабодининг ўнта, ташқи рабодининг еттита дарвозаси бор эди. Қадимги Тошкентда шаҳар ҳокимининг саройи, қамокхона, чақа ва тангалар сўқиладиган зарбхона аркнинг ичида бўлиб, ибодатхона эса унинг ташқарисига жойлашган. Хунармандлар маҳалласи, амирлар қароргоҳи, ердор деҳқонларнинг кўшк ва кўрғонлари, бозор, Бинкат шахристони ички ва ташқи рабод қисмларида ўрин олган. Ҳарбий чокарларнинг турар-жойлари ташқи рабодда жойлашган бўлиб, у Чокардиза деб юритилган. У Бешёғоч ва Хадра оралиғида, аввалги Чақар маҳалласида (ҳозирги Бунёдкор хиёбони, аввалги Дўстлик майдони) бўлган.

Шаҳар деворидан ташқарида шаҳарликларнинг боғ-роғлари, токзор ва экин майдонлари жойлашган. Бу ерлар

Самарқанд дарвоза, Чилонзор, Чўпонога, Қатортол, Назарбек, Дўмбиработ ва Қани каби аҳоли яшайдиган ҳудудларга тўғри келади.

Қадимда айниқса, илк ўрта асрларда Буюк ипак йўлининг шимолий тармоғи Бинкат орқали ўтган ва бу халқаро савдода муҳим ўрин тутган. Бу даврда Тошкентда курул-ароғ ва мис буюмлар, ёғочдан ясалган асбоб ва ускуналар, эгару жабдуқлар, ип ва ипак газламалар, жойнамоз ва чойшаблар, игна ва пичоқлар, устки либослар, пойабзаллар, чодирлар ишлаб чиқарилиб, чорвадор аҳоли хунармандлик маҳсулотлари билан таъминланган. Бу даврда айниқса, Бинкатда ясалган ўқ-ёй бутун Шарқда «Камони Шоший» номи билан машҳур бўлган. Узоққа отиладиган ва нишонга беҳато тегадиган бу камон Шарқ адиблари асарларида таърифланган.

Шаҳарнинг шимолий дарвозаси олдида қадимда бозор бўлиб, у Жўба деб аталган. Бизнинг давримизгача у Эскижува талаффузида етиб келган.

Эскижувадан шимолроқда жойлашган Сағвон маҳалласининг асли номи «Сукбон», яъни «Бозор посбони» маъносини билдирган. Чунки Дашти Қипчоқдан ҳайдаб келинган отар-отар қўйлар, қорамол ва йилқиларни кўриқлаган ва бозорда жаллоблик билан шуғулланган кимсалар шу маҳаллада яшашган.

Шаҳардан жанубга томон кетган катта карвон йўли Роҳикат, яъни Кат йўли ёки «Шаҳарга олиб борадиган йўл» номи билан машҳур бўлган. Кейинчалик бу йўл ёқасида ташкил топган маҳалла ҳозирги вақтгача Рақат талаффузида юритилиб келинмоқда. Роҳикат Чиночкат (Чинос) орқали Сайхун (Сирдарё) бўйларига ва у ердан Дизак (Жиззах) орқали Самарқандга томон йўналган. XI асрдан бошлаб Бинкат – Тошкент (Тошкент) деб юритила бошланган. Ўз тарихи жараёнида Тошкент бир неча бор ташқи босқинчилар ҳужумига, ўзаро урушлар, кўчманчи қабилаларнинг босқинларига бардош берган.

Кўзғолонлар гирдобидида қолган. VIII аср бошларида у Араб халифалигига, XIII аср бошида Хоразмшоҳлар давлатига бўйсундирилган. 1219 йилда эса Чингизхон кўшинлари томонидан вайрон қилинган.

XIV аср охирларидан бошлаб Тошкент (Тошкент) яна жонланиб, XV асрда эса шаҳар атрофи янгитдан ягона девор билан ўралади. Бу даврда Тошкент ҳозирги Бешёғоч ва Ўрда томон кенгайган. Қоратош ва Олмазор маҳаллалари оралиғида Янги ўрда барпо этилади. Унинг атрофи шаҳарнинг энг обод ва кўркем қисмига айланади. Шаҳарда Юнусхон, Хўжа Аҳрор, Кўкалдош, Бароқхон ва бошқа мадрасалар, қатор масҷит ва намозгоҳлар, ҳаммому гузарлар, зиёратгоҳ ва сайлгоҳлар барпо этилган.

XVI–XVII асрларда Тошкент янада кенгайиб, унинг майдони XVIII асрда 15 минг гектарга етади. Бу даврда шаҳар тўрт даҳа (туман)га бўлинган эди. Манбаларда бу даҳалар Қаффоли Шоший, Зангиота, Шайхонтоҳур ва Шайх Зайниддин номлари остида таъриф этилса-да, шаҳар аҳли ўртасида улар Себзор, Бешёғоч, Шайхонтоҳур ва Кўкча деб юритилган. Бу даврда шаҳарга 12 дарвоза орқали кирилган. У шаҳарликларнинг зич жойлашган паст-баланд, лой томли тураржойлари, тор кўчалардан иборат эди. Кўча-кўйлар қишда лой, ёзда чанг бўлган. Бу давр Тошкент тарихида «Чорҳоқим»лик яъни «Тўртҳоқим» замони деб юритилган.

Шайхонтоҳур даҳасининг ҳокими (1784) Юнусхўжа, Тошкентнинг тўрт даҳасини ягона давлатга бирлаштиради. Шу тариқа ҳатто XVIII аср охири ва XIX аср бошида мустақил Тошкент давлати ташкил топади. Кейинчалик у Кўқон хонлигига қўшиб олинган.

1865 йилда Тошкент Россия империяси кўшинлари томонидан эгаллаб олинади. 1867 йилда ташкил этилган Туркистон генерал-губернаторлигининг маркази ва мустамлака маъмурларини қароргоҳига айлантирилади. Айни шу вақтдан бошлаб Анҳор каналининг сўл соҳили бўйлаб

Янги шаҳар қад кўтаради. Унга эса рус маъмурлари жойлаштирилади. Янги шаҳарда тош терилган бир қанча кенг кўчалар ўтказилиб, фонарлар ўрнатилади. Ойнабанд тураржойлар ва бир неча ҳашаматли бинолар қурилади. Темир йўл устахонаси, пахта тозалаш, ёғ заводларига ихтисослаштирилган, саноат корхоналари ташкил қилинади.

Янги шаҳарнинг марказий кўчалари, айниқса, Воскресенск бозори (ҳозирги Навоий театри майдони) атрофида дўкон, банк, меҳмонхона, ресторан ва ҳоказолар қад кўтаради. Шаҳарда дастлабки дорихона, амбулатория, эркаклар ва хотин-қизлар гимназиялари, реал билим юрти ташкил этилади. 1899 йилда Тошкент темир йўл вокзали қурилади. Музей, рус-тузем мактаблари очилиб, рус ва ўзбек тилларида газеталар чиқа бошлайди. Гарчи подшо маъмуриятининг диққати «янги шаҳар»га қаратилган бўлиб, «эски шаҳар» уларнинг эътиборидан четда қолган бўлса-да, аммо янги шаҳар қурилиши эски шаҳардаги қурилишларга ҳам маълум маънода таъсир этади.

Тошкент 1917–1924 йилларда Туркистон Автоном Республикаси, 1930 йилдан бошлаб Ўзбекистон шўро Республикасининг пойтахтига айлантирилди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида душман босиб олган Россиянинг марказий шаҳарларидан эвакуация қилинган олимлар билан ҳамкорликда Тошкентда йирик ишлар амалга оширилди. Халқ хўжалиги, фан ва маданиятнинг кўпгина соҳалари бўйича мутахассислар етишиб чиқди. Бу даврда олийҳиммат халқимиз, шу жумладан тошкентликлар, айниқса, уруш туфайли етим ва бошпанасиз қолган минглаб болаларни бағрига олиб, юксак инсонпарварлик намунасини кўрсатишди.

1966 йилги Тошкент zilzilасидан сўнг меҳнатсевар халқимиз ҳамда қардош халқларнинг биродарларча ёрдами туфайли Тошкент қайта қурилди. 1977–1984 йилларда Ўрта Осиёда дастлабки ерости транспорт – Тошкент метросининг 1–2-йўналиши ишга туширилди. Мустақиллик

даврида эса унинг Юнусобод йўналиши қуриб битказилди. 1985 йили баландлиги 375 метрли янги телевизион минора қад кўтарди (олдингиси 180 метр эди). Кейинги пайтда Тошкент шаҳри ниҳоятда кенгайтирилиб, унинг чегарасидан узунлиги 67 километрли айланма ҳалқа йўл ўтказилди. Чилонзор, Юнусобод, Яланғоч, Қорасув, Қўйлик, Мевазор, Талабалар шаҳарчаси ва бошқа тураржой мавзеларидаги кўркем маҳаллаларда минглаб шаҳарликлар истиқомат қилмоқда. Пойтахтимизнинг марказий қисмида ниҳоятда улкан даражадаги ободонлаштириш ишлари олиб борилди ва бу ишлар жадаллик билан давом эттирилмоқда. Кўп қаватли маъмурий бинолар, матбуотчилар уйи, «Пахтакор» «Бинокор» стадионлари, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, А. Навоий номидаги опера ва балет театри, Ўзбек миллий академик драма театри ва жуда кўпгина бошқа мухташам маҳобатли замонавий осмонўпар бинолар пойтахтга улуғворлик бахш этиб турибди.

Тошкент мустақиллик йилларида, кенг миқёсда ободонлашди ва кўркемлашди. Ҳозирги вақтда «Континентал», «Тата», «Тошкент – Шератон» каби замонавий меҳмонхоналар, Миллий банк бинолари, «Тошкентленд» болалар боғи, «Жар» ва Тошкент спорт мажмуалари, Темурийлар тарихи давлат музейи, Амир Темур, Улуғбек, Навоий, А. Қаҳҳор, С. Аҳмад ва С. Зунуннова, Зулфия каби қатор улуғ шахсларимиз ҳайкаллари шаҳар кўркига кўрк қўшиб турибди.

Тошкент – Ватанимизнинг йирик саноат марказларидан бири. Кейинги йилларда шаҳарда юзлаб янги-янги корхона ва қўшма корхоналар ишга туширилмоқда. Йирик илмий марказ ҳисобланган Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Аграр университети, Иқтисодиёт университети, ўнлаб илмий тадқиқот институтлари, бир қанча академиялар, ўндан ортиқ музей, кутубхона, театр ва маданият саройлари мавжуд. 1999 йилда Тошкент Ислом университетининг

очилиши халқимизнинг маънавий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Тошкент шарқдаги машғал бўлиб, унда ҳар йили ижтимоий тараққиёт, фан ва техника, маданият ва санъат ҳамда экология масалаларига бағишланган ўнлаб халқаро анжуман ва йиғилишлар, кинофестиваллар ўтказилмоқда. Тошкент кўп миллатли байналмилал шаҳар бўлиб, унда 3 млн дан зиёд аҳоли, 136 миллат вакиллари истиқомат қилади.

Тошкентнинг тарихий дарвозалари номланиши ва лисоний маънолари

Ҳар қандай улкан курама жамоат таркиб топиб алоҳида ўзига мақбул жойда истиқомат қилар экан, ушбу маскан шаҳар қиёфасига киргач, у ўзига хос рамзий белгиларга эга бўлади. Яъни дарвозали мудофаа девори, маҳкамаю девондан иборат бошқарув қароргоҳи, ибодатхона, бозор, соқчилар истехкоми – «чокардиза», танга пули каби қатор нишонлари (тамға – герб, байроқ) билан ифодаланади. Ушбу шартли аломатларга тўла ўтроқ макон қадимда «Шаҳристон», яъни «шоҳ-ўристон» номи билан аталган. Ушбу тарихий атама «Шоҳ турадиган, яъни ҳукмронлик қиладиган баланд жой» ёки катта уй маъносини билдирган. Агарда ушбу белгилар кўзга тўлиқ ташланмаса, бундай тураржой шаҳар қаторида қайд этилмаган. Қиёфаси ҳали батамом шаклланмаган манзилларга «маскат» яъни мас-кат – катта уй ёки катта қишлоқ номи берилган. Масалан, ўзининг икки минг йиллик юбилейини нишонлаган Қадимги Марғинон – Марғилон шаҳри илк бор Маскат номи билан қад кўтарган. Ўтмишда шаҳарнинг марказий қисмида барпо этилган тураржойлар алоҳида хунармандчилик маҳалласига айлангач, у қадимги табаррук ном – Маскатни тарк этмай замонамизгача авайлаб сақланиб келинган.

Шунингдек, 2750 йилдан ошган, тобора кўркамлашиб бораётган жаҳонга машҳур Самарқанд шаҳри ҳам даставвал Оби Машат, яъни суви (Сиёб ёки Сиёҳ об) соҳилидаги қатта қишлоқ, яъни Маскат номи билан аталган. Бу атама Қуссам ибн Аббос ёдгорлиги орқали Оби Машхат тарзида бизгача етиб келган. Шу боисдан бўлса керак, мана шундай муътабар масканни назарда тутган доно халқимиз «Шаҳар бедарвоза эмас», ниҳоятда маънодор иборани баъзи-баъзида тилга олади. Аввало, пичинг билан айтилган ушбу ибора, гарчи шаҳарларнинг муттасил очилиб-ёпилиб турадиган дарвозаси нисбатида келтирилсада, аммо унинг остонасидан ҳатлаб турли ният, режа ва мақсадлар билан дарвозадан кириб-чиқиб кетаётган кимсаларга қарата йўналтирилган иборадир. Қолаверса, балки шаҳар девори, кунгирали дарвозахонаси ва девор бўйлаб ўрнатилган бир ёки икки қатор очиқ тўйнуқ (тиркаш)ли буржу мулалари сизларни мудофаа этувчи ва ҳар қандай вазиятда ҳам шаҳарликларни ҳимоя эта оладиган посбонларнинг донг қотишидан ишорадир.

Хуллас, дарвозага урғу берилган ушбу табаррук ибора дарвоза остонасидан ҳатлаб, шаҳарга ташриф буюрган ҳар бир мезбонни ёки меҳмонни тартибга риоя қилишга ундайди.

Тошкентнинг топографик қиёфаси назарда тутилиб, сўз юритилса шаҳримиз йигирма икки асрдан зиёд ўтмишида Чоч-Чочанап-Чачон, Канҳ-Қанғ, Мадинат аш-Шош ёки Бинкат ва Таркан каби номлар билан аталган. Ушбу тарихий маскат ва унинг қадимги қасри – кўҳандиз, шаҳристон ва уларнинг атрофида қад кўтарган ташқи ва ички мавзе – рабодларининг ҳар бири турли даврларда ўрнатилган хилма-хил талаффуздаги мазмунли номлар билан юритилган қатор дарвозалари ва ғуломгардишлари бўлган. Шубҳасиз, улар ўз замонасида шаклланган ўзига хос шаҳар қиёфаси ва маданиятини англаувчи турли шакллардаги жарангдор белгиларнинг ифодасидир. Дар-

воза атамасининг луғавий маъносига талқину таъриф этилса, аввало у ховли, кўрғон, қалъа, истехком, чорва фермаси, омборхона ҳамда шаҳарча ва шаҳар деворининг ўрта қисмига ўрнатилган катта эшик, яъни тарихий қопу (қопқа)дир. Асосан у икки табақали бўлади. Дарвоза ичкарисининг киравериш саҳнасида ниҳоятда мустаҳкам қурилган усти ёпиқ, чалкаш йўлакли дарвозахонаси бўлади. У бинокорликда ғуломгардиш (лабиринт), деб юритилади. Ушбу бино шаҳарнинг асосий мудофаа иншоотларидан ҳисобланган. Дарвоза – шаҳар қопуси қайрағоч ёки арча ёғочидан ясалган. Айрим ҳолларда у темир билан қопланган ёки бир неча хил маъданлар қоришмаси – ҳафт жўшдан барпо этилган.

Ўзбек, форс-тожик тиллари лексикасида дарвоза сўзи жуда кенг маънода ифодаланади. Масалан, ишлаб чиқариш хўжаликларида, хусусан деҳқончиликнинг ҳаётбахш манбаи ҳисобланган дарё ва унинг тармоғу ирмоқлари, каналлару шохариқлар оқимини тартибга солиш ва сувдан тежамли ҳамда унумли фойдаланиш мақсадида қурилган тўғону дамба ва гидроузелларнинг ташлама-лари – шлюзларидан тортиб, футбол, хоккей ва шу каби ўйинларда майдоннинг икки томонига ўрнатилган ҳимоя чекли ихота қисми ҳам дарвоза номи билан юритилади. Шунингдек, ўзбек лексикасида «билим дарвозаси» ёки «бахт дарвозаси» каби ибора ва тушунчалар мавжуд. Бундай ибора тилга олинганда умид, камолоту баркамоллик, омаду муваффақият, бахту саодат тиланади ва руҳий кўтаринкилик билан дуои фотиҳа қилинади. Демак, дарвоза маъноси умумлаштирилиб, қисқача талқин этилса, ушбу мазмундор сўз – мудофаа, муҳофаза, ихота, тинчлик ҳамда бахт-саодат соқчиси демақдир.

Тошкент воҳасида ташкил топган Қадимги Қанғ ёки Чоч давлати ва унинг маркази борасида сўз юритилар экан, аввало, шуни айтиш керакки, давлат ва унинг пойтахт шаҳри, ҳатто ҳукмдорларнинг ёзги ва қишки қароргоҳлари ҳам бир

неча бор илк ўрнидан силжиб, номлари ҳам ўзгариб кетган. Гарчи, ушбу тарихий масканларнинг харобалари ҳозиргача бироз сақланиб қолган бўлса-да, ўрта аср ёзма манбаларида қайд этилган макротопонимларининг баъзилари ҳатто махсус тарихий асарларда ҳам чалкаштирилиб юборилган. Шундай бўлса-да, кейинги йилларда Шоштепа, Мингўрик, Бинкат ва Тошкент Оқтепаларида ўтказилган археологик қазишмаларнинг натижалари туфайли ҳар бир тарихий босқичда шаклланган нафақат шаҳарнинг тарихини, айрим қисмларининг сони ва майдонининг ҳажмларигача аниқлаб олинди. Масалан, Чирчиқ дарёсининг тармоқ ва ирмоқлари Қорасув ва Салорнинг қуйи оқими Жўнарик соҳилида жойлашган Шоштепа қазиб очилган ўтпарастилик ибодатхонасининг 60×60 метр доира шаклидаги биноси марказидаги хоч тарзида саждагоҳнинг асосий дарвозаси кун чиқар томонида жойлашган.

Мингўрик шаҳар харобасининг 1871 йилда туширилган умумий тархида қайд этилишича, Мингўрикдаги Чоч шаҳри ўтмишда аркли, алоҳида мудофаа деворлари билан ўралган уч шахристон ва каттагина работли ҳар томондан ихота этилган мустаҳкам йирик шаҳар ҳисобланган. Шаҳарнинг тўрт маъмурий қисмининг чизма режаларига қараганда, унинг ўндан ортиқ дарвозалари бўлган. VIII асрнинг I ярмида Ўрта Осиёда араб халифалигининг олиб борган тўхтовсиз ҳарбий юришлари ва уларга қарши кўтарилган халқ кўзғолонлари даврида Мовароуннаҳрнинг бошқа қатор ўлкалари сингари Чоч воҳаси ҳам инкирозга учраб, қадимдан ҳунармандчилик, савдо-сотик маркази бўлиб келган шаҳарларнинг аксарияти, жумладан, Мадинаг аш-Шош ҳам вайрон этилган. Суғориш тармоқлари қуриб қолган. Конларда иш тўхтаган. Чоч вилоятининг савдо-сотиғи, суғорма деҳқончилик ерлари ва чорвасидан тушадиган солиқлар ниҳоятда қисқарган.

Чоч воҳасида кумуш конларидан хазинага тушадиган нуқралар ва улардан сўқиладиган кумуш тангалар

бархам топиб, воҳа ва юрт иқтисодиётига тезда ўнгланиб бўлмайдиган даражада путур етган. Қарийб бир асрдан сўнг халифаликни бевосита ҳукмронлиги тугагач, воҳанинг лойқа босиб куриб қолган суғориш тармоқлари тикланган. Бу даврда воҳанинг марказий шаҳри Тошкент ҳам Салор суви соҳилидаги ўзининг қадимги ўрнидан 8 км шимоли-ғарбга силжиб, Бўзсув ва ундан бош олган Калковуз, Жарариқ ва Кўкча каналлари билан суғориладиган янги майдонда қад кўтарган.

Ушбу янги шаҳар ўрта аср араб географлари асарларида «Бинкат» номи билан тилга олинади. Тошкент шаҳрининг номлари ва атрофдаги шаҳарлар оралиғи ҳақида Ёзма манбаларда келтирилган маълумотларни синчиклаб таҳлил этган рус шарқшуноси В.В. Бартольд Шош воҳасининг IX–XII асрлардаги пойтахти – Бинкат ҳозирги Тошкентнинг (эски шаҳар) ўрнида бўлган деган фикрни биринчи бўлиб қайд этган эди.

Ёзма манбаларда келтирилган маълумотлар ва археологик тадқиқотлардан аниқ бўлишича, Бинкат шаҳрининг ўрни Тошкентнинг XVIII асрдаги 4 даҳа (туман) ларидан асосан 3 таси: Себзор, Кўкча ва Бешёғоч худудларида жойлашган бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида баланд деворлар билан ўраб олинган тўрт қисмдан: арк (ўрда), шаҳристон – шаҳарнинг марказий қисми ҳамда ички ва ташқи рабод (микрорайон) лардан иборат бўлган. Ёзма манбаларда ички рабод – «Рабод-ул-дохил», ташқи рабод эса «Рабод-ул-хориж» номлари билан тилга олинади. Шаҳарнинг бўйи ҳам эни ҳам 1 фарсаҳ (6–7 км) узунликка тенг бўлган.

Бинкатнинг маркази ҳисобланган арк ва шаҳристон қисмлари ҳозирги Тошкентнинг Зарқайнар (Зерикайнар) ва Навоий кўчалари, Чорсу майдони, Чорсу бозори ҳамда Эскижува майдонида жойлашган бўлиб, аркининг умумий саҳни бир гектар, шаҳристоннинг майдони эса ўн беш гектарга тенг бўлган. Тошкентнинг ҳозирги микрорелъе-

фида ушбу майдон дўнглик бўлиб кўзга ташланади. Ушбу дўнглик, шубҳасиз, ўз даврида гуллаб-яшнаган Бинкат шахрининг кейинчалик вайроналаридан ҳосил бўлган маданий қатламни ўз бағрида ҳамон сақлаб келмоқда. Бу масканда қайд этилаётган осори-атиқа излари ва ноёб археологик топилмалар IX–XII асрлардаги Бинкат шахрининг кифёси, хунармандчилиги, маданияти ва унинг атрофи вилоятлару юртлар билан олиб борилган савдо-сотик алоқаларини ўрганишда тадқиқотчилар кўлида жамғарилган қимматли ашёвий тарихий манба ҳисобланади.

X аср ёзма манбаларида, хусусан араб географик асарларида келтирилган маълумотлардан аёнки, Бинкат аркининг икки дарвозаси бўлиб, бири орқали шахристонга ва иккинчиси орқали рабодга чиқилган. Шахристоннинг Абул-Аббос, Қаср ва Гунбаз деб аталган учта дарвозаси бўлган. Бу дарвозалардан бири шахристоннинг шарқий томонида бўлиб, тахмин қилинишича, у ҳозирги Ўзбек драма театри биноси олдида жойлашган. Ғарбдан Шарққа томон кесиб ўтказилган марказий кўча шу ерда тугаган. Баъзи тадқиқотчилар ўша замонларда шахристоннинг шарқий дарвозаси ташқарисида ястанган майдон Хадирох, яъни йўлнинг охири деб юритилган. Кейинчалик бу жой аҳоли тилида Хадра бўлиб кетган, деб изоҳлашади. Ўрта асрларда бу манзил Регистон номи билан машҳур бўлган. Аслида Хадра сўзи адирлик ер маъносини билдирган. Балки шахристоннинг шарқий дарвозаси орқали йўналтирилган кўча шаҳар ташқарисидаги пасту баланд адирликдан йўналган бўлса ажабмас.

Шахристоннинг иккинчи дарвозаси эски Тавоқ бозорида. Учинчи дарвозаси эса Чорсудаги Қандолат (кейинчалик Ўтин) бозорига чиқиш жойида бўлган. Бинкат ички рабодининг Хумдон, Оҳанин, Мир, Фаркон, Карманж, Суркода, Кўйи Сахл, Рошидижак, Кўйи Хоқон, Кўшки деҳқон номлари билан аталган ўнта дарвозаси бор эди.

Ташқи рабодда мудофаа девори бўйлаб ўрнатилган Фаргад, Хашкат, Сангдизак, Оҳанин, Бакрдижак, Сакрак, Бофаряд номли етти дарвоза орқали кирилган.

Шаҳар ҳокимининг саройи, қамокхона, чақа ва тангалар сўқиб чиқариладиган зарбхона арkning ичида бўлиб, Жоме масжид унинг ташқарисида жойлашган. Ҳунармандларнинг маҳалла кўйлари амир (аскар бошлиқлари) нинг қароргоҳлари, ердор мулк эгаларининг кўш кўрғонлари, бозор ҳамда савдо-сотик расталари Бинкати-нинг шаҳристони ички ва ташқи рабод қисмларида бўлган. Бозор, айниқса савдо расталарининг аксарияти ички рабодда ўрин олган. Гарчи шаҳримизнинг кўҳна атамалари, хусусан, ёзма манбалардаги узук-юлук маълумотлар унинг тарихан умумий манзарасини маълум маънода Бинкатнинг узоқ ва яқин ўтмиши ҳақида ҳикоя қилса-да, бироқ Эски шаҳар ҳудудида кенг кўламда археологик қазिशмалар олиб бориш билан бир қаторда, тўпланган барча тарихий номларни синчковлик билан топономик жиҳатдан талқин этишни талаб этади. Бу борада, бизнингча, Бинкат шаҳри дарвозаларининг номланиши ва уларнинг лисоний маъноларини аниқлаш илмий ва маърифий жиҳатдан ниҳоятда қизиқарлидир.

Бинкат шаҳри ва рабодларининг IX асрда ўрнатилган 22 та дарвозалари таҳлилидан аёнки, улар шаклан хилма-хил бўлиб, мазмунан ниҳоятда маънолидир. Уларда асо сан илк Бинкат тарихий топографиясининг жилоси акс этади.

Дарвозаларнинг каттагина қисми шаҳарни кесиб ўтган кўю кўчалар, ҳукмдору амир ва мулкдор деҳқон ҳамда биби сўзлари тушунчалари билан юритилган. Иккинчи қисми йирик бино (кўшк, қаср, кўрғон, қалъа) ва иншооту ибодатхона, учинчи қисми эса дарвозаларнинг айрим хос сифатлари воситасида юритилган. Номлар эса, шубҳасиз, шаҳар атрофининг табиати, унинг ўзига хос топография-сига монанд шакл ва мазмунларда ифодаланади. Марказий

дарвозалар Кўйи хоқон, яъни Хукмдор хиёбони; Кўшки дехқон, яъни Ердор дехқон кўрғони; Аббос – аслида оббоз – сувчи мироб; Мир, яъни амир – ҳарбий бошлик; Бакрди-зак (яъни малика қиз қалъачаси; Кеш – Қаср; шунингдек, Суркада шаҳар кўрғони каби номлар билан қайд этилади.

Дарвозалардан иккитаси ибодатхона номи билан боғлиқ, улардан бири Гунбаз – яъни ибодатхона; иккинчиси эса Ҳамдай ёки Хумдон (Хилватли), яъни саждагоҳ яқинидаги ҳамду сано айтиб дуою фотиҳа қиладиган ва зикрга тушадиган хилват жойдаги дарвоза, деб шуҳрат топган. Қолган ўн уч дарвоза турли сифат белгилар билан ифодаланган. Масалан, иккита дарвоза Оҳанин, яъни темир қопланган ёки маъдандан ясалган маъносиди; Кўйи Саҳл, аслида кўйи саҳо, яъни очик (бедарвоза) хиёбон; Фаркан – Анҳор бўйи; Карманж (жуй) – Катта сарой суви; Хоскан ёки Хушкат – Хос ариқ ёки Латиф қишлоқ; Роши дизак, яъни кўрғонча роши ёки марзаси; Фағкат ёки Фағнкат, яъни Қишлоқ ибодатхонаси; Сандизак ёки Сангдизак яъни Тош қалъача; Сакрак – сийрак хатловли тинч дарвоза ва Сағрбод – кичик кўноқ каби хилма-хил, ноёб маъноларни англатган.

Ёзма манба ва бўстоншунослик тадқиқотчиларнинг маълумоти бўйича шаҳар девори ва дарвозалардан ташқари ерлар, унинг жануби-ғарбий томонида жойлашган Бинкатнинг шаҳар ташқарисидаги энг серсув, ўзлаштирилиб обод этилган кенг майдони ҳисобланган.

Шаҳарликларнинг боғ-роғлари, токзорлари, экин майдонлари асосан шу ҳудудда ястанган ҳозирги Самарқанд дарвозаси, Чилонзор Оқтепаси ҳамда Чилонзор массивидаги Чўпонота, Қатортол, Қозирабод, Дўмбирабод ҳамда Қаъни ва Юқори Қаъни каби аҳоли яшайдиган мавзелар жойлашган ҳудудларга тўғри келади. Шаҳардан жанубга томон кетган катта карвон йўли Роҳикат, яъни Кат йўли «Шаҳарга элтадиган йўл» номи билан машҳур бўлган. Бу йўл ёқасида кейинчалик ташкил топган маҳалла ҳозирги

давргача Ракат талаффузида юритиб келинмоқда. Роҳикат Чиночкат (Чиноз) орқали Сирдарё бўйларига ва у ердан Дизак (Жиззах) орқали Самарқанд томон йўналган. Шаҳарнинг шарқий томонида жойлашган Фаргат (Паркат) дарвозаси орқали чиққан йўлнинг бир тирсаги Чирчик дарёсининг ўнг соҳили бўйлаб ҳозирги Бўстонлик туманигача, иккинчи тирсаги дарёдан кесиб ўтиб Паркатга ва учинчи тирсаги Пискат (аслида Паскат, яъни қуйи қишлоқ ёки қуйи шаҳар) орқали Оҳангарон ва у ердан Фарғона водийси томон йўналган.

Шаҳар атрофидан ўтказилган суғориш тармоқлари ҳамда қарвон йўллари бўйлаб баъзан истехкомли, баъзан истехкомсиз яланғоч катта-кичик қишлоқлар жойлашган. Бу қишлоқларнинг суғориш тармоқлари, ёки хунармандчиликнинг маълум бир тури бўйича ихтисослашган, ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан машҳур қишлоқлардир. Улар Шош воҳасининг ички ва ташқи савдосини жонлантирибгина қолмай, унинг иқтисодий тараққиётида ҳам муҳим роль ўйнаган.

Бешёғоч яқинида Хўжааламбардор мозори биқинида жойлашган қадимги Оққўрғон, Тахтапулдаги Кўҳак ота, ҳозирги Қандолат фабрикаси, Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислик институти ўрнида бўлган қадимги Чимрабод ёки Оққўрғон, Шайхонтоҳурда жойлашган, аслида Қаръядех, яъни қишлоқ деб аталиб, сўнгра аҳоли талаффузида Қорёғди деб юритилиб кетган жойлар Бинкат шаҳри атрофидаги қишлоқ мавзеларидан ҳисобланади. X–XII асрларда Шош воҳаси ва унинг пойтахти Бинкат, айниқса, раванқ топган. Бу даврда воҳа йирик хунармандчилик ва савдо-сотик марказига айланган. Айни даврда Бинкатдан қурол-яроғ, темир ҳамда мис буюм ва асбоблар, ёғочдан ясалган асбоб ва усқуналар, эгар ва жабдуқлар, ип ва ипак газламалар, жойнамоз ва чойшабу ёпинчиқлар, игна ва пичоқлар, устки кийимлар, пошнапи ва пошнасиқ пойафзаллар,

чодирлар ва бошқа хил турли-туман хунармандчилик маҳсулотлари ҳамда узоқ мамлакатлардан келтирилган моллар, жумладан, Дашти Қипчоқ (Қозоғистон) ҳудудларига чиқарилган.

Х асрда ёзилган «Худуд ул-олам» – «Оламнинг чега-ралари» номли географик асарда «Чоч – бу катта вилоят, халқи жанговар ва сахийдир. У ерда камон ва ўқ-ёй яса-лади. Бинкат Чоч (вилояти) нинг пойтахти ҳисобланади. Бу катта шаҳар айни вақтда подшонинг қароргоҳи», деб таърифланган.

Ўрта Осиё минтақасида жойлашган Бинкат воҳаси ва унинг пойтахти X–XII асрларда, аввало, Сомонийлар сўнгра эса Қорахон – Ҳокония номли буюк салтанатликлар ҳукмронлиги даврида тараққий топган. Айни шу даврда пойтахтимиз ўзининг қадимги Чоч, Мадинат аш-Шош ҳамда Бинкат номлари билан бир қаторда Тошкент деб атала бошланди. Бинкатга Тошкент номи берилиши XI аср тарихида унинг энг ободонлашган, гуллаб-яшнаган даври бўлган.

Археологик кузатишлар ва ёзма манбалардан маълум бўлишича, XII асрдан бошлаб Тошкентнинг иқтисодий ва маданий ҳаёти инқирозга юз тутиб, унинг шахристон ва рабодларидаги хунармандчилик маҳаллалари бир-мунча сусайиб қолган. Бу даврда Шошнинг зарбхонаси барҳам топиб, кумуш тангалар чиқариш тўхтаган. Бундай ҳаётий танглик, аввало, Шош воҳасида, қолаверса, бутун Мовароуннаҳрда бошланган ўзаро урушлару, ҳарбий юришлар оқибатида содир бўлган.

XII аср бошларида Тошкент Хоразмшоҳлар давла-тига, 40-йилларда эса Қорахитой гўрхонларига бўйсун-дирилган. Бу даврда содир бўлган сиёсий парокандалик ва ижтимоий ҳамда иқтисодий танглик 1219 йилда Шош воҳаси ҳамда унинг марказий – Тошкент, Бинкат (Қанқа) шаҳарларини Чингизхон томонидан босиб олинишини энгиллаштирган.

Қарийб бир ярим аср давом этган мўғуллар ҳукмронлиги даврида Тошкент воҳаси Чигатой улусига киритилиб, у мўғулларнинг Жалойир уруғи учун ёзги яйлов, Тошкент шаҳри эса улус нўёнлари учун дам оладиган қароргоҳга айлантирилган. Археологик маълумотларга кўра, бу давр Тошкентда шаҳар ҳаётининг энг инқирозли ўтмиши ҳисобланади.

XIV аср охирларидан бошлаб Тошкент қайта жонланиб, у янгидан тараққий топа бошлаган. XV асрдан эса шаҳар атрофи янгидан ягона мудрофаа девори билан ўралиб у қатор дарвозали йирик чегара истехкомига айланади. Бу даврда Тошкент воҳаси аввал Соҳибқирон Амир Темур салтанати, сўнгра Улуғбек давлатига қараб, гарчи у мамлакатнинг чекка ўлкаларидан ҳисобланса-да, аммо Тошкент шаҳри дашт чегарасида кўчманчиларга қарши қаратилган чегара истехкоми ва улар билан олиб бориладиган ўзаро айирбош савдо бозори сифатида катта ҳаётий аҳамият касб этади.

Археологик топилмаларнинг гувоҳлик беришича, XV–XVI асрда Тошкент жанубга – Бешёғочга ҳамда шарққа – Шайхонтохурга томон кенгайган. Худди шу даврда аввал Қоратош ва Олмазор маҳаллалари оралиғида янги ўрда (ҳоким қароргоҳи) барпо этилиб унинг атрофи шаҳарнинг энг обод ва кўркам масканига айлантирилган.

Бу даврда шаҳарда Юнусхон, Хўжа Аҳрор, Кўкалдош, Бароқхон ва кўпгина қатор мадрасалар каби бир қанча меъморий обидалар қад кўтариб, музофотнинг маънавий ва маданий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Булардан ташқари, Тошкент ва унинг атрофида аҳоли ва атроф қишлоқлар жамоатчилиги тўпланадиган қатор жомеъ масжид ва намозгоҳлару ҳазира (хилхона) лар, ҳаммому гузарлар, зиёратгоҳу сайилгоҳ ҳамда боғлар барпо этилган. Уларнинг айримлари бизнинг давримизгача сақланган.

Шаҳар худудининг кенгайиши билан унинг девори ҳам, у бўйлаб ўрнатилган дарвозаларнинг ўрни ва сони

ҳам, ҳагто номлари ҳам ўзгариб турган. Шу боисдан бўлса керак, шаҳар дарвозаларининг сони даврий кўрсаткичда турлича қайд этилиб, хилма-хил шаклларда ифодаланган. Масалан, XVI аср муаррихи Ҳофиз Таниш «Шарафномаи шоҳий Абдуллонома» номли асарида Тошкентнинг Фаркат, Шибли, Кўкча, Туркистон (Янгидарвоза), Самарқанд ва Регистон каби олгита дарвозаларини номма-ном тилга олади.

1738–1739 йилларда Тошкентга юборилган рус савдо карвонларининг бошлиғи Миллернинг ёзишича, шаҳар 8 дарвозали бўлган. 1800-йилларда Тошкент ҳокимининг таклифи билан ташриф буюрган рус тоғ муҳандиси М. Поспелевнинг кўрсатишича, 6 та ва Филипп Назаровнинг (1813–1814 й.) саёҳатномасида эса 12 та дарвоза қайд этилган. Асосий дарвозалардан ташқари, Қорасарой дарвозасидан шарқроқда бир отлик ўтишига мўлжалланган Тешиққопқа (Дарвишакқопқа), Дарвешхон (XVI аср) замонида очилиб дарвоза ўрнатилган; яна бир қопқа Бешёғоч ва Камолон оралиғида бўлган. 1810 йили Тошкент Қўқон хонлигига қўшиб олингач, лашкар қушбеги томонидан шаҳар девори таъмирланиб, янги дарвозалар, масалан, Регистон дарвозаси ўрнига Қўқон дарвозаси ўрнатилган. Бу даврда янгидан барпо этилган Кўймас, Қўқон, Қашғар ва Лабзак дарвозаларини ўраб ўтган шаҳарнинг жануби-шарқий чекка қисмида Арпапоя, Ўқчи, Мерганча, Эгарчи, Қоратош, Ўрдакўча ва Жаркўча каби янги маҳалла кўйлар ташкил топган.

XIX асрда яшаган тошкентлик муаррих Муҳаммад Солиҳ «Тарихи жадидаи Тошканд» («Тошкентнинг янги тарихи») китобида сўнгги ўрта асрларда шаҳарнинг 4 даҳаси (тумани)ни ўраб ўтган 12 та дарвозалари: Қиёт, Турк, Ўзбек, Тахтапул, Қорасарой, Чиғатой, Сағбон, Кўкча, Камолон (Хиёбон), Қанғли, Бешёғоч ва Кўймас (Кенагас ёки Қатагон) номлари остида юритилган. Икки дарвоза шаҳарга кейинчалик киритилган шарқий қисмини муҳофаза этган. Муҳаммад Солиҳнинг таърифлашича,

кенгайтирилган шаҳар девори бўйлаб дарвозалардан ташқари, ҳар бир минг қадамда биттадан «бору» (мулатирак), ҳар тўрт минг қадамдан эса биттадан «бурж» (минора)лар тикланган.

Шаҳарнинг шарқий дарвозасидан то ғарбийдагисигача 8500 қадам, шимолийсидан то жанубийсигача 8300 қадам масофа бўлган. Саратон мавсумида шаҳар ичи ниҳоятда дим ва кўчалари эса билкиллама, ҳарорати тупроқли, кеч куз ва серёмғир баҳор мавсумларида елимдек ёпишқоқ лойли бўлган. Дарвозаларнинг муҳофазаси кўп жиҳатдан дарвозахона қопу калитлари билан ифодаланган. Зеро, шаҳарни кўриқлаб ихота қилиб турган ҳар бир дарвоза тонг саҳарда очилиб, қоронғи тушиши билан ёпилган. Уни очишга ҳеч кимнинг ҳаққи бўлмаган. Фавқулодда зарур ҳолатларда фақат ҳокимнинг фармойиши билан очишга рухсат этилган. Дарвозалар устида қоровулхоналар барпо этилган. Дарвозахонанинг ичкараси 7–8 метрли чалкаш йўлак бўлиб, унинг икки томонида қатор хужралар жойлаштирилган. Уларнинг бир томонидагилари қоровуллар учун емакхона, иккинчи томони эса навбат билан дам оладиган ётоқхона вазифасини ўтаган. Дарвозабонлар куну туннинг саккиздан бир қисми давомида яъни $1/8$ – уч соат муддатли навбатда туришган. Навбат «пос» деб юритилган. Бир кеча кундузда ҳар бир пос саккиз мартаба алмашган. Дарвозабон навбат билан ҳар бир дарвозадан шаҳарга кирувчи ва қайтувчи от-аравали юк ортилган туяли кишиларни қайд этишган. Закоғчилар эса тамға (савдо-сотик солиғи) ундиришган. Дарвозалар олдида мансабдор шахсларни кутиб олиш маросимлари ҳам ўтказилган. Ҳар бир дарвозанинг бир жуфтдан темир ҳалқаси ва калити бўлган. Ҳар бир калитда тегишли дарвоза номи ва калит ясалган йил ёзилган.

Тошкент шаҳри дарвозалари ва уларнинг номланишига бағишланган ушбу мухтасар ифода келтирилган айрим маълумотларнинг умумлаштирилган талқинидан аён бў-

лишича, Ўрта Осиёнинг марказий қисмида қад кўтарган Тошкент, аввало, ўзбек ва қардош халқларнинг иқтисодий-ижтимоий, маданий ҳамда сиёсий ҳаётида қадимдан ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган. Шаҳар шаклланиб тараққий этгач, унинг мудофаа девори-ю дарвозалари нафақат шаклланди, балки атроф, юрту воҳа ва водийларининг чорвадор ҳамда деҳқон ва савдогар аҳолисини ҳимоя этган. Деҳқончилик ва чорвачилик, хунармандчилик маҳсулотларини айирбошлаш савдосида жаҳон бозорининг марказларидан бири сифатида муттасил фаолият кўрсатган.

Тошкент тарихининг турли босқичларида ўрнатилган дарвозаларнинг номланишидан нафақат шаҳар ва унинг атрофида истиқомат қилган этнослар, балки шаҳар муҳофазасида фаол қисм ойнаган туркий суворий ўғлонларининг соқчилик фаолиятини ҳам билиб олиш мумкин.

Чунки Ўзбекистон тарихда муттасил Ўрта Осиёга босиб келган жаҳон фотиҳларига қарши курашда қалқон музофот вазифасини ўтаган. Шундай шиддатли воқеликлар назарда тутилса, Тошкент дарвозалари ва уларга хос калитлари нафақат тарихий, балки маънавий ва сиёсий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамият касб этган.

1865 йил июнь ойида Тошкент Россия империяси томонидан фатҳ этилгач, подшоҳ ҳукуматида тобалик рамзи сифатида 12 та дарвозанинг «рамзий» калитлари шошилини равишда ясаиб, подшо маъмурларига топширилган. Калитлар Санкт-Петербургга олиб кетилиб, ҳарбий музейда сақланган. Устозим Яхё Ғуломовнинг маълумотларига кўра, ушбу олтин калитлар Тошкентнинг пичоқчилик маҳалласи уста соҳибқори Абдурахмон исмли заргар томонидан ясалган экан. Калитлар 1917 йилгача Россия империяси, сўнгра эса совет шўролари ҳукуматида тобалик нишони сифатида сақлаб келинган. 1933 йил 14 июнда тарихий «рамзий» калитлар Ўзбекистонга қайтариб берилган.

Тошкент дарвозаларига рамзий олтин калитларнинг яса-тирилиши ўша даврлардаги Россия империясининг сиёсати билан узвий боғлиқ эди. Империянинг ҳарбий юришлари ва уларнинг оқибатларидан ҳадиксираган Чор ҳукумати жаҳон ҳамжамиятини чалғитиш учун ясаиб, «ушбу калитлар билан Тошкент дарвозалари очилиб, шаҳар қаршиликсиз Россияга топширилди», деган мақсадда шундай қилинган.

Шунга қарамасдан, генерал Черняев фармони билан 1865 йилнинг ўзидаёқ зудлик билан Анҳор сувининг чап қирғоғида Кўймас дарвозасининг қаршисида жойлашган Кўймастепа устида ҳарбий истехком қуришга киришилган. У 6 бурчакли тарҳда бўлиб, атрофи баланд ғиштин девор билан ўралади. Девор бастрионларидан ўт очиш учун ши-наклар ўрнатилган. Ҳарбийлар учун казарма, қурол-яроғ лазарети ва омборхонаю ертўла барпо этилган. Ушбу истехкомни тошкентликлар Тупроққўрғон номи билан аташган. Шубҳасиз, у Тошкентнинг эски шаҳарини на-зорат қилиб туриш учун ва айнаи вақтда Россия ҳарбий маъмурлари учун қурилаётган янги шаҳарни қўриқлаш мақсадида барпо этилган. Шу боисдан бўлса керак, буни 1867–1883-йилларда Тупроққўрғондан ҳар куни соат 12 да тўп отиб турилган. 1890 йилда Тошкентда янги шаҳар барпо этилиб, асосан ҳарбий ва маъмурий аҳолининг ои-лалари бир қисми жойлаштирилади. Шаҳар кенгайиши муносабати билан Тошкентнинг тарихий дарвозалари посбону ихоталик моҳиятини йўқотиб, улар аста-секин бузиб ташланган. Унинг айрим дарвозасигина тарихий обида сифатида Ўзбекистон Фанлар академиясининг тарих музейида сақланыпти.

Сўз Тошкент дарвозаларининг тарихи хусусида борар экан, шуни таъкидлаш ўринлики, инсон ҳаёт кечирар экан, аждодлар ўтиб авлодлар дунёга келади. Улар, уларнинг ҳар бири қисматида ҳаётнинг улкан дарвозаси остонасидан қоқилмай омон-эсон ҳатлаб ўтиш зарур бўлади. Зеро, бар-чамиз ҳаёт остонасидан ҳатлаб ўтувчимиз. Ҳукумат томо-

нидан белгиланган қонун-қоидалар, жамоатчилик ўртасида ўрнатилган одоб тусидаги тартибу тадбирлар ҳамда улар асосида оммани бошқарувчи маъмурлар қаторида барчамиз мазкур буюк дарвозанинг посбонидурмиз, шу билан бир қаторда асрлар давомида доно халқимиз томонидан қабул этилиб ўрнатилган барча тартибу амалий тадбирларга амал қилишга масъулдирмиз.

Тошкент маҳалла-қўйларининг номлари

Пойтахтимизнинг тарихий манзарасида асрлар оша қад кўтарган сон-саноксиз тураржойлар топонимиясида ўзига хос бениёз маъною сифатларни англаувчи турли фонетик шакллардаги атамалар қайд этилади. Уларда нафақат шаҳар ва унинг теварак-атрофи табиати, хусусан пасту баландликлардан иборат ер сатҳи ёки шаҳарликларнинг оби ҳаёт манбаи-анҳору суғориш тармоқлари, балки шаҳар маъмурий қисмларини кўрки бўлган даҳа, маҳалла-қўй, иморату иншоотлари ва уларда ўз инъикосини жилолаган шаҳарсозлик маданиятини умумтадрижий даражаси ҳам бекиёс маъною мазмунда ифодаланади.

Тошкентлик муаррих Муҳаммад Солиҳнинг «Тарихи жадидаи Тошканд» («Тошканднинг янги тарихи») китобида ёзилишича, XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб шаҳар тўрт даҳа (туман)дан иборат мустақил жумҳурият асосида маҳаллалар кенгашида сайланган оқсоқоллар томонидан бошқарилган.

Дастлаб, шимолий даҳа Қаффоли Шоший; жанубийси – Занги ота; шарқийси – Шайхонтоҳур ва ғарбийси – Шайх Зайниддин номлари билан таъриф этилса-да, шаҳар аҳли ўртасида улар аксарият Себзор, Бешёғоч, Шайхонтоҳур ва Кўкча (Қоҳча), деб юритилган.

Бу даврда Тошкентда шаҳарликлар томонидан тан олиниб сайланган ҳокими мутлақ ҳали қарор топмаган эди. Шу боисдан шаҳар тўрт мустақил даҳаларга ажратилиб

бошқарилган. Ҳар бир даҳанинг бошқарув маъмурияти жамоатчилик асосида сайланган оқсоқоли, қозиси, раиси, муфтийси, имому сўфилардан иборат бўлган.

Шаҳар мудофааси, бозор, хусусан, нарх-наво масалалари чор ҳокимлар томонидан биргаликда ҳал этилган. Шунинг учун ҳам, бу давр Тошкент шаҳри тарихида «Чор ҳокимлик» номи билан шухрат топган.

Мазкур даҳа бошлиқлари ўртасида, шубҳасиз, бош ҳукмдорликни қўлга киритиш учун ўзаро келишмовчиликлар ва тўқнашувлар бўлиб турган. Низолар кескинлашиб, шаҳарни бошқариш эса даҳа оқсоқолларининг қўлидан қўлига ўтиб турган. Кўпинча Себзор даҳаси билан Кўкча даҳаси бирлашиб, Шайхонтоҳур даҳасига қарши олишув бошлаган. Бундай вазият онларида шайхонтоҳурликлар билан бешёғочликлар бирлашган. Ўзаро низо кескинлашган вақтларда шаҳар марказидан оқиб ўтадиган Лабзак ариғининг (ҳозир Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғи) икки томони кураш майдонига айланган. Шу боисдан Лабзак сувининг номи шаҳарликлар орасида «Жангоб» ва мазкур сув тармоғининг икки ёқаси эса «Жангоҳ» яъни жанг майдони, беллашадиган кумлоқ яланглик номи остида донг чиқарган.

«Тарихи жадидаи Тошканд» асарида таърифланишича, Чорҳокимлик даврида аввал қайд этилганидек, Шайхонтоҳур даҳасида Юнусхўжа бинни Ҳидоятхўжа, Бешёғоч даҳасида Дониёрхўжа, Кўкча даҳасида Исҳоқхўжа ва Себзор даҳасида Шоҳбек (Шербек)лар ҳокимлик қилишган. Ҳар бир даҳада ўнлаб маҳалла, бир нечта масжид ва мадраса, ҳаммом ва бозорлар бўлган. Масалан, Себзор даҳасида 38 маҳалла, 3 мадраса ва 10 масжид қад кўтарган. Себзорликлар асосан этикдўзлик, бўёқчи-нилчилик ва бўзчилик билан кун кечиришган.

Бешёғоч даҳаси 32 маҳалладан иборат бўлиб, унда 3 та мадраса ва 68 масжид фаолият кўрсатган. Бешёғоч

дахаси боғу роғлари, эгарчи ҳунармандлари «қизил иш» (от ёпинчиғи) тикувчилар ва ғиштчилари билан шуҳрат топган. Шайхонтахур даҳасида 48 маҳалла, 6 та масжиду 3 та мадраса бўлиб, аҳолиси эгарчилик ва бўзчилик билан шуғулланган. Кўкча даҳасида 31 маҳалла, 3 мадраса, 51 масжид бўлган. Кўкчаликлар кўнчилик ва этикдўзлик билан ҳаёт кечиршган.

Бу даврда Тошкентнинг тўрт даҳаси 12 дарвозали мудофаа девори билан ихота қилинган. Улар Қиёт, Турк, Ўзбек, Қанғли, Бешёғоч, Тахтапул, Қорасарой, Чигатой, Сувбониён (Сағбон), Кўкча, Камондарон ва Қатагон каби номлар билан юритилган.

«Тарихи жадидаи Тошканд» асарида ёзилишича, ҳар бир дарвозани кўриқлаш ва унда посбонлик қилиш айрим ўзбек қабилалари зиммасига топширилиб қўйилган.

Асрлар оша шаҳар майдонини кенгайиши оқибатида дарвозаларни ўрни силжиб, ҳатто сони ҳам, номи ҳам ўзгариб турган. Тошкент шаҳрининг сўнгги девори XIX аср бошларида бекларбеги ҳокимлиги даврида қайта тикланиб, унинг теvarак-атрофи бўйлаб Кўймас, Кўкон, Қошғар, Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Сағбон, Чигатой, Кўкча, Самарқанд, Камолон, Бешёғоч каби номлар билан ифодаланган дарвозалар ўрнатилган. Турли томонларда жойлашган шаҳар, эл-юрт ва музофотлардан Тошкентга ташриф буюрган савдогару элчи, дарвешу мусофирлар каби келиб кетувчилар, ҳар бир дарвозадан шаҳар маркази – бозорга томон йўналган, кўча-кўйлар орқали шаҳарга кириб борган.

Ушбу савдо-сотик маскани бетараф сершовкин ўзаро мулоқот макони бўлиб, шаҳар даҳа ҳокимларининг тўстўполон олишув ва курашлари вақтида ҳам қизғин савдо давом этаверган. Кўча-кўйлар туташган чорраҳалар гузар деб юритилган. Гузарлар маҳалла-кўйларнинг гавжум маркази ҳисобланган. Чунки, чорраҳа гузарларида маҳалладошларнинг кундалик эҳтиёжига хизмат қиладиган нонвойхона, баққоллик, қассоб дўкони, масжид,

чойхона, ҳовуз, сартарошхона, ямоқчилик каби дўконлар, баъзиларида эса ҳатто мўрча (ҳаммом) ҳам жойлашган.

Археологик қазилмалардан аён бўлишича, илк бинокорлик, яъни дастлабки рамзий шаҳарсозлик маданияти ҳозирги республикамиз ҳудудида милоддан аввалги икки минг йилликнинг иккинчи чорагидан то мил. биринчи минг йилликнинг сўнгги чорагида шаклланган.

Ушбу тарихий босқичда даҳалар гарчи катта-кичик илк «шаҳарча» сифатидаги масканлар қад кўтарган бўлса-да, аммо қадимги ерли аҳоли тилида «шаҳар» шаклида талаффуз этиладиган сўз яъни турдош жой номининг ўзи ҳам ҳали пайдо бўлган эмасди. Бундай умумтурдош атама «маскат», яъни катта тураржой, ёки «димас» – катта қишлоқ ери, шунингдек, «пирмаст», яъни катта девор ёки кўрғон ва қалъа маъноларини англатувчи шаклларда ифода этилган. Шу боисдан ёзма манбаларда қадимги даврда Самарқанд ва Марғилон шаҳарлари Маскат, Тошкент (Тошкат) эса Тошкўрғон ёки Тошқалъа баъзан Кўйимас, яъни катта маҳалла номлари билан тилга олиниши тарихан айна ҳақиқий манзарани намоён этиди.

Қадимий кўҳна шаҳарлар: Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз (Кеш) ва Марғилон (Марғинон)ларнинг тарихий топографияларини қиёслашдан маълумки, барча йирик шаҳарларда маҳалла-кўю кўчалар, тураржойлару устахоналар, бозору расталар, ибодатхоналару мадрасалар билан бир қаторда шаҳар ҳокимияти учун махсус қароргоҳ (иморат)лар ҳам қад кўтарган. Шаҳар ҳаётини бошқарувчи ҳукмдорнинг саройи бино қилинган, тарихий маскат – катта қишлоқ аҳоли истиқомат қиладиган оддий умумтураржой маъносини йўқотиб, ҳукмдор шох қарор топган, яъни турадиган «баланд жой» мазмунидаги «шаҳристон», яъни шох-ўр-истон шаклидаги атама билан юритилиб келган. Бу тарихий атама маълум ҳудудий бошқарув тузуми, иқтисодий, маънавий-маданий ҳаётнинг маркази каби тушунчаларни умумлаштирган

турдош ном бўлса-да, бироқ ҳар бир шаҳарнинг географик ўрни, хўжалиги, касб-ҳунари ва маънавий ҳаётининг ўзига хослиги, ҳатто айрим сифатлари билан ҳам ниҳоятда сермазмун бекиёс топонимлар билан ифодаланган.

Тарихий жараёнлардан аёнки, деҳқончилик ва чорвачилик хўжаликларидан ҳунармандчилик алоҳида мустақил касб-ҳунар тарзида ажралгач, шаҳристон саҳнида, Хиванинг Ичанқалъасидек қисмида кўю-кўчалар асосида маҳалла-кўйлар шаклланган. Чунки мазкур шаҳристон маҳалла кўйларида азалдан ҳунар аҳли яшаб, устахоналари муқим қарор топган. Шу боисдан илк ўрта асрларгача (IV–VIII) шаҳарларнинг шаҳристон қисмидан ўтказилган кўй, кўча ёки гузарлари бир хил талаффузда, яъни бир шаклда кўй деб юритилган. Сўнгра VIII аср бошларида, араб тилига таржима этилиб, «маҳалла», яъни ўзбекча «жой» ва «ўрин» маъноларини англатувчи атама билан аталиб кетган. Шаҳар майдонини кенгайиши билан маҳалла, кўй ва кўчаларнинг сони ҳам, номланиши ҳам ортиб борган. Бундай маъно жиҳатдан синонимик номлар – маҳалла-кўй шаклида ўзбек тилининг ноёб қадимги қадрияти сифатида ҳалигача кексаларимиз иборасида қўллаб келиняпти.

Тошкентнинг XXII асрдан зиёд ўтмишида кечган шиддатли тарихий жараёнлар натижасида кўҳна шаҳримизнинг ўтмиш географияси ҳам, топографияси ҳам, ҳатто унинг дастлабки номланиши ҳам деярли ўзгариб кетган, бироқ кейинчалик ҳозирги Тошкент шаҳри ҳудудида шаклланган маҳалла-кўйлар, биною иншоотлар, илмгоҳлару зиёратгоҳларнинг атамаларида узоқ ва яқин ўтмишнинг тарихий манзараси маълум маънода ўз ифодасини сақлаб қолган. Масалан, баъзи маълумотлар бўйича XX аср бошларида Тошкент шаҳрида ҳаммаси бўлиб юқорида қайд этилганидек, 281 маҳалла, 180 мавзе, 283 масжид, 26 мадраса бўлган. Ҳозирги вақтда республикамиз шаҳарларида ўн мингдан ортиқ, пойтахтда эса 474 та маҳалла мавжуд. Пойтахтимизда уч мингга яқин кўча-кўйлар бор.

Ўтмишда Тошкент тўрт даҳасининг чегаралари уларнинг узунаси ёки кўндаланг кесиб ўтган марказий кўю кўчалари бўйлаб белгиланган. Маҳаллалар эса гузарлари билан ажралиб турган. Маҳалла гузарлари орқали йўналган кўчаю кўйлар бўйлаб қатор иморату иншоотлар, масжиду мадрасалар қад кўтарган, баъзан эса айрим майдонлар ҳам ястанган. Тошкент шаҳри ва атрофида қайд этилган топонимия хилма-хил ва ниҳоятда микро топонимларга бойдир. Масалан, XX аср бошларида шаҳарда 500 тагача ҳовуз, 1500 бозору расталар, 5000 га яқин дўкон, 40 та қабристон, қарийб 200 боғ ҳовли-мавзелар бўлган.

Шаҳар маҳалла-кўйлари номланиши жиҳатидан ниҳоятда қурама. Улар тизимида турк-ўзбек, суғд, форс-тожик, баъзан ўзбек-мўғул, турк-тожик, араб-форсий бирикмалар асосида шаклланган урбоним, гидроним, ороним ва этнонимлар қайд этилади. Масалан, кўча-кўйларнинг айрим тарихий номларида шаҳар табиий манзараси акс этган: Арпапоя, Бўрижар, Бўз, Жаркўча, Зах, Лабзак, Пастак, Сарикўл, Тошариқ, Хадра, Шўртепа, Ўркўча, Чуқурқишлоқ, Чуқурсой, Ўртатўқай, Яланғоч, Регистон, Қумлок, Чангалзор, Ингичка кўриқ, Қурвақават (Кўриқ работ) каби атамалар умумтурдош номлар асосида шаклланган оронимлардир.

Тошкентнинг сув манбаларини англатувчи гидронимларнинг аксарияти, гарчи ўзбек ва туркий сўзлар асосида юзага келган бўлса-да, аммо улар тизимида арабий, форс-тожик ва айрим мўғулча бирикма атамали гидротопонимлар ҳам шаклланган. Масалан, Бўзариқ, Дамариқ, Дархон (Тархон) ариқ, Йўлариқ, Лабзакариқ, Мозорариқ, Нишабарик, Терсарик, Тошариқ (Тагитош), Чангалариқ, Қувур (Қубур) ариқ ва бошқалар шулар жумласидандир.

Шаҳар топонимиясида касб-ҳунар атамалари билан юритилган маҳалла-кўй ва мавзелар алоҳида ўринга эга. Уларнинг каттагина қисми арабий, форс-тожик атамалар асосида шаклланган. Улар асосан бозор, ҳунармандчилик

расталари ҳамда турли хил устахоналар жойлашган маҳалла-қўй номлари сирасига оид. Масалан, Агторлик, Баззозлик, Дехрез (Дероз), Заргарлик, Қўнчилик, Маҳсидўз, Мисгарлик, Нонвойгузар, Парчабоф, Табибқўча, Тақачи, Темирчи, Пичокчилик, Чилангар, Эгарчи, Ўқчи ва Хизматчи каби топонимларда шаҳар хунармандчилиги ва унинг турли соҳалари ҳамда жойлашган манзиллари яққол ифода этилади.

Қадимдан Тошкент жаҳон бозори карвон йўлларининг чорраҳасида жойлашгани туфайли ички ва ташқи савдо бозорида муҳим ўринга эга бўлган. XIX асрнинг охири XX аср бошларида Тошкентда бозор расталарининг сони 1500 тагача етган. Улар рўйхатида Агторлик, Баззозлик, Бандак (паранжи) бозори, Дўппибозор, Ипакбозор, Калавабозор, Кетмонбозор, Майизбозор, Мошфурушлик, Сабзибозор, Сўкфуруш, Тузбозор, Унбозор, Ковушбозор, Қўрпабозор, Гуручбозор, Каппон (улгуржи) бозор, Бедабозор, Болтабозор, Булғорбозор (тери), Бўйрабозор, Гулбозор, Қўмирбозор, Носвойбозор, Пахтабозор, Пичокбозор, Сандиқбозор, Саҳҳоббозор, Сомонбозор, Ходабозор, Тамакибозор, Товокбозор, Чиннибозор, Этикбозор, Юганбозор, Қандолатбозор, Қассоббозор, Қозокбозор, Қулфбозор, Қўйбозор, Ғўзабозор, Қаймоқбозор каби атамалардан Тошкент тарихида ички ва ташқи савдо муносабатларида ҳар томонлама кенг ривож топиб, жаҳон савдосида ўз ўрни билан шуҳрат топганлигидан далолат беради.

Тошкент шаҳрининг топонимиясининг маълум бир қисми халқ, элат, қабила, уруғ-аймоқ ёки уларнинг айрим гуруҳ ва тўплари номлари билан боғлиқ этноурбонимлар билан ифодаланган. Уларнинг аксарияти маҳалла-қўй, қўча ва дарвозалари атамалари қаторида қайд этилади. Бундай нуфузли номлар Ўзбак, Тожиқ, Турк, Қашқар маҳаллалари ёки Эрон, Жухудраста, Қозокбозор, Қирғизқўприқ, шунингдек Ёбу, Калтатой, Қиёт, Мўғол, Мўғулча, Турктепа, Нўғойқўрғон, Нўғойтўпи, Чимбой,

Чигатой, Чувалачи, Қангли (Қани), Қорамурт каби шаклларда тилга олинади.

Бундай этноурбонимларнинг аксарияти Тошкентнинг эскишаҳар қисми атрофида қайд этилган. Бундай тарихий топографик манзара, шубҳасиз, аввало ўрта асрларда, қатор туркий қабилаларни ўтроқлашиб, Тошкентдек бағрикенг шаҳар атрофида жойлашганидан далолат берса, ўтроқ шаҳарликлар жанговар, бундай кўшимча кучдан мудофаа мақсадида фойдаланганлар. Шаҳар дарвозаларининг номла-нишидан аёнки, уларга дарвозаларда посбонлик қилиш топширилган. Масалан, Кўйимас дарвозасини қиёт қабиласи химоя қилган. Қиётликлар Анҳор сувининг ўнг соҳилида, ҳозирги Мустақиллик майдони рўпарасида жойлашган шу номдаги маҳаллада яшаганлар. Кўкча Ёбу, Чигатой (Кўшчи Ота) дарвозасини муҳофазаси чигатойликлар зиммасига юклатилган. Муҳаммад Солиҳнинг «Тарихи жадидайн Тошканд» асарида ёзишича, Қорасарой, Бешёғоч ва Камолон (Камондорон) дарвозалари ҳам мазкур номлардаги уруғ ва қабилалар номлари билан юритилган. Бундай шакллардаги этноурбонимлар Тошкентда нафақат ўтроқ хунарманд ва чорвадор аҳоли қоришиб ҳаёт кечирганидан, балки у чегарадош кўшни мамлакат аҳолиси билан ҳам ўзаро савдо ва маданий алоқада бўлганидан далолат беради.

Шу боисдан бўлса керак, унинг маҳалла-кўй ва кўчалары ўзбек ва туркий атамалар қаторида форс-тожик, арабий, баъзан икки тилдаги қўшалок бирикма сўзли номлар ҳам учрайди. Масалан, Дероз (Дегрез) – чўянгар, яъни чўяндаң қозон, омоч тиши, узанги, ҳаввонча (келича), ўғир каби асбоб, ускуна ва буюмлар ясовчи; Мерганча (мўғулча) – сарбоз, ўқчилар маҳалласи; Бўржар – тошқин ўпиргаң жарлик; Дўмбиробод – аслида Дамгирработ – ҳокимлар йўлдаги дам оладиган кўноқ; Парчабон – атлас ва кимҳоб тўкувчилик; Посира – беватан, ялангоёқ коранда; Сағбон – бозор аҳли; Хадра – адирлик; Эскижўва – аслида Искожўба – юқори, яъни Катта бозор демақдир.

Шунингдек, Қорёғди урбоними қор ёғишини англамайди. Ҳатто у халқимиз томонидан хотира куни тарзида ўтказиладиган анъанавий урф «қор ёғди» мотам маросимига ҳам ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Ушбу атама арабча «Қаръя» ва форс-тожикча «ди» шаклларидаги қишлоқ маъносини англаувчи икки тилдаги сўз бирикмали синонимик урбонимдир. Шунга ўхшаш Қурвақавот атамаси ҳам аслида Қурукравот, яъни Қурук даштдаги равот ёки кўноқ маъносини англаган.

Демак, йигирма икки асрдан зиёд ўтмишда содир бўлган улкан тарихий жараёнлар оқибатида шаклланган Тошкент шаҳри худудининг тарихий географияси, хусусан, топографияси билан бир қаторда унинг Чоч, Чочкат, Чочнап, Чачон, Шош, Мадинат-аш-Шош деб юритилган қадимий номлари ҳам ўзгариб, тарих саҳифаларида қолдирилган. Бироқ шундай бўлса-да, кўхна шаҳарнинг пойдевори асосларида янгитдан барпо этилган Бинкат, яъни Тошкентнинг ниҳоятда бой ва серқирра топонимиясида шаҳар тарихининг ҳаётий манзарасининг маълум қисми сақланиб қолган. Унинг маҳалла-кўйларини урбоними, гидроними, этнотопоними ва оронимларида нафақат тошкентлик аждодларнинг тили, ижтимоий, маиший ва маънавий ҳаётининг айрим муҳим жиҳатлари, балки уларнинг ички ва ташқи дунё билан олиб борган доимий ўзаро муносабатларининг аниқ излари ҳам ўз инъикосини топган.

Хуллас, ушбу топонимия китоб саҳифаларида қайд этилган айрим элшунослик лавҳаларидан келтирилган маънавий қадриятлар, шубҳасиз, халқимизнинг минг йилликлар оша асрлар давомида жамғарилган беқиёс жавҳардек маданий хазинасидан бир шингилгина, холос. Тоғдек улкан ушбу олтин сандиқ энди очилди. Қадимги шарқ дунёсининг бир қисми бўлган Ватанимиз ҳамда халқимизнинг серқирра маънавиятига доир ниҳоятда бой ёзма манбаларнинг дурдоналари давлат архивлари, Ўзбекистон ФА

Шарқшунослик илмий-тадқиқот институтининг тарихий асарлар ва ҳужжатлар жамғармаси ва қатор махсус давлат кутубхоналарида сақланмоқда. Бундай беназир маънавий хазинани, Президентимиз таъкидлаганидек, «безавол саклаш ва асраб қолиш» жараёнида уларни изчил тадқиқ этишдек шарофатли вазифани юклайди. Бунинг учун, аввало, шиддат билан тобора ўзгариб тараккий этаётган ҳозирги замонда вояга етиб, камол топаётган жасоратли ёш авлодларга тарихан беқиёс маънавий кадриятларимизни холисан, жиддий уқтириб, маънавий жиҳатдан ҳар томонлама уларни тўла-тўқис пухта камолот сари йўналтиришни талаб этади. Бундай шарофатли ўта долзарб ҳаётий ниятни амалга оширишда ҳар бир ёш оила, маҳалла-қўй жамоатлари, таълим муассасалари, олий ўқув юртлари – институтлар ва университетлар кенг қўламда муттасил биргаликда фаолият кўрсатмоғи лозим. Камол топиб енгилмас буюк куч сарфини кенгайтираётган баркамол авлод эса, ниҳоятда, ғайратли, билимдон, ватанпарвар, ақл-идрокли, забардарст, азамат бўлмоғи керак. Бундай шижоатли, жасур, баркамол авлодни улғайиб, камол топиши учун уни тарбиялашда барҳаёт замондошларнинг барчаси масъулдирлар. Мазкур умумбашарий буюклик камолот сари интилиш ўзбек халқининг умидли ҳаётий фаолиятидир.

**«Мўйи муборак» – фазилати ниятли
эътиқод демақдир**

(Сўнг сўз ўрнида)

Ушбу юксак маъноли мўътабар атама Муҳаммад (с.а.в.) Аҳмад ибн Абдуллоҳ (570/571–632) – Ислом дини пайғамбари, мусулмонларнинг дастлабки илк жамоаси ва Мадина шаҳар давлати асосчисининг сочу мўйларини лисоний ифодасидир. Мусулмон аҳли наздида ушбу азиз жисмоний кадрият табаррук ва ҳаётан кутлуғ ҳисобланган. Шу боисдан ушбу кадрли муқаддас

«Мўйи муборак» асрлар давомида саҳобалар¹ томонидан ниҳоятда эҳтиётлик билан сақлаб келинган. Зероки, ислом таълимотида «Муҳаммад (с.а.в.) комил инсон сифатида таъриф этилади. Сунна (суннат)²да Муҳаммад (с.а.в.) нинг сўзлари, амаллари ва хатти-ҳаракатлари исломда мусулмонлар учун ибрат ҳисобланиб, намуна бўлиши кераклиги таъкидланади»³.

Мусулмон аҳли жамоаларига ҳаётан ҳақ йўл-йўрик ва шаръий қонунлару ҳуқуқ белгилаб етказувчи пайғамбарнинг жисмоний танаю сийрат сифатлари, инсоний фазилатлари борасида ниҳоятда кўп асарлар ёзилган. Бундай битиклар орасида хусусан ҳаётий маълумотларнинг мукамаллиги ҳамда аниқ ва ойдинлиги жиҳатидан Абу Исо имом Термизий (824/825–892)нинг «Шамоиلى Набавия» китоби айниқса диққатга сазовордир. Унда мазкур зоти шарифнинг ташқи кўринишлари қуйидагича тасвир этилади: «Ул зотнинг бўйлари унчалик новча ҳам, паст ҳам эмас, бош, қўл, оёғи жуда оқ ва кифтлари йўғон, юз қизғиш, кўзлари катта, оқи жуда оқ, қораси ўта қора, ўткир, сочлари қулоқларининг юмшоқларигача ёпиб елкаларига тегиб-тегмай турар, бўйинлари сочлари орасидан товланиб,

¹ Саҳобалар Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг сафдошлари ва яқин ёрдамчилари. Расуллуллоҳ вафотидан сўнг унинг таълимотини сақловчи ва тарғиботчилари. Қ. Ислом энциклопедия. – Т.: 2004, 210-б.

² Суннат – Ислом энциклопедия. 215–216 бетларига қаралсин.

³ Ривоятларда қайд этилишича Расуллуллоҳ шариат ҳукми одатига кўра ҳаж ва умрада сочларини олдирад эканлар. Сочларини ярмини сартарошга қолдирсалар, қолганини саҳобалар табаррук килиб олар эканлар. Йиллар ўтиб замон тақозоси билан саҳобалар ислом даъвати йўлида шарку ғарб мамлакатлари бўйлаб тарқалиб кетиши оқибатида Муборак мўйлардан бир қисми саҳобалар орқали Мовароуннаҳрга олиб келинган. Ривоятлардан аён бўлишича, ушбу Мўй зиёрат учун масжидларга олиб чиқилган ва кўпчилик уни зиёрат қилган. Қ. А. Азимов «Мўйи муборак» кутубхонасининг ислом илмлари ривожигаги ўрни. Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган хиссаси. 2007, – Тошкент–Самарқанд, 147–148 б.

гўё кумуш кўзадек кўриниб турар, терласалар, маржондек терларидан муаттар хид таралар»ди¹ дея қайд этилган.

XIX асрда яшаган муаррих Муҳаммад Солиҳнинг «Тарихи жадидаи Тошканд» номли китобида ёзилишича, 1857 (х. 1274) йилда Тошканд ҳокими Мирзо Аҳмад Қўшбеги томонидан Қафқол Шоший мақбараси жанубида (х. Хастимом мавзеси) Хожа Аҳрор майдони деб аталган яланг ерда пишиқ ғиштдан мадраса қурдирилган. Бинонинг алоҳида хос гумбазида пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)нинг сочи толаси – «Мўйи муборак» қўйилган. Табаррук ушбу қадрият туфайли хотирагоҳга айланган ушбу янги мадраса «Мўйи муборак» илмгоҳи номи билан шуҳрат топган².

Мадраса 13 ётоқхона, корхона ва бир масжиддан иборат бўлиб, унда шаҳар ҳокимининг амри билан икки мударрис. Имомхон маҳдум ва Абдулмажидхон эшон³ толиби илмларга калом, ҳадис, тафсири илмлари қаторида турли йўналишлардаги шаръий ва дунёвий билимлардан сабоқ беришган. Мадрасада таълимот ва маърифатни жонлантириб, йўлга қўйиш мақсадида Тошканд ҳокими Иско (юқори) Тошканд (ҳозирги Чинос), Саригоч ва Хонқўрғон (Оққўрғон) мавзелари ўзлаштирилган ерлар мадрасани кўзгалмас мулки сифатида вақф этган⁴.

Баъзи маълумотлар бўйича XIX асрнинг охирларида Туркистон губернаторлигида 214 мадраса ва шу жумладан, Тошканднинг тўрт даҳаси (маъмурий туман)ларида эса 21–26 илмгоҳ мадрасалар фаолият кўрсатган. Замонасининг энг йирик билиму маънавият даргоҳларидан бири Беклар-

¹ Ислом энциклопедия, 175-б.

² Султонов Ў. А. Муҳаммад Солиҳ ва унинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асари. Т.: «Ўзбекистон», 2007, 148-б.

³ Абдулмажидхон Эшон Ибн Эшон Бобоҳон (1860–1957) Муфти, Шайх, Ўрта Осие ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг ташкилотчиларидан бири ва унинг дастлабки раиси (1943–1957) ва Зиёвуддин ибн Эшон Бобоҳон (1908–1982) муфтининг ота-боболари эди.

⁴ Султонов Ў. А. Ўша асар 147–148 б.; яна қаранг: Тошкент энциклопедияси, «ЎзМЭ» нашриёти, Т.: 2009, 385-б.

беги мадрасаси ҳисобланган. Ушбу мадраса биноси икки қаватли, 60 тага яқин хужралар, масжид ва дарсхонадан иборат бўлган. Унинг йиллик сарфу харажатларини Закоатхона, Маҳрамбоши ва Регистонда қад кўтарган Бекларбеги номларидаги 3 та қарвонсарой, 100 дан ортиқ дўкон, 4 та тегирмон ва Назарбек (Шабли)да ажратилган экин пайкали каби вақфий мулклар даромадидан сарф этилган¹.

Ўзбекистон диний идораси тизимидаги Тошкент масжидлари рўйхатида Чорсу маҳалласида жойлашган «Уккоша» жоме масжиди (XV аср) ҳам тарихий «Мўйи муборак» номи билан юритилади. Ушбу саждагоҳ Уккоша (тарихан Ўқоша яъни Ош қабиласининг ўқи) номи булоқ (ҳозирги «Чорсу» меҳмонхонаси яқинида). Этнологик маълумотлардан аёнки Иккинчи жаҳон урушидан илгари масжид хонақосида пайғамбаримизнинг Муборак мўйи шиша идишда сақланган. Кейинчалик у уруш даврида йўқолиб кетган. Ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталаригача масжид биноси баъзи корхоналарнинг меҳнат маскани ёки қариялар уйи, яъни тураржой сифатида фойдаланилган. Мустақиллик йилларида бир неча тарихий жоме масжидлари қаторида Уккоша номи Мўйи муборак жоме биноси ҳам таъмир этилиб, пойтахтимиз намозхонлари хизматида фаолият кўрсатмоқда².

Юқорида келтирилган маълумотларнинг эътиборли жиҳати шундаки, ҳозирги вақтда ҳам Тошкент шаҳрида мадраса ёки масжиддан ташқари кутубхона, Самарқанд шаҳрида эса маҳалла-қўйлардан бири «Мўйи муборак» номи билан юритилмоқда. Ушбу ўта шарофатли атама юртдошларимизни, хусусан камол топаётган навқирон авлодларни Ватан тарихига бўлган қизиқишини орттирибгина қолмай, балки эл-юрт, мамлакату вилоят, туман ёки шаҳару қишлоқларга бўлган эътиқод ва эътимодий муҳаббатини

¹ Тошкент энциклопедияси. 109-б.

² Тошкент энциклопедияси. 385, 577-б.

мустаҳкамлаб, ҳаётий орзу-умидлари ва келажак сари изчил интилишларини кучайтиради. Зеро, халқимизнинг улуғ аجدодлари бошидан кечган ҳаётий ҳодиса, воқеа ва ўта мушкул жараёнларга матонат билан шукроналар изҳор этишган. Бу аснода инсон боши ва ундаги сон-саноксиз соч толаларига боқар эканлар, яхши ният тарзида дунёга келган тўнғич фарзандларини эзгу орзу билан, агар ўғил бўлса Марғуб ёки Марғубжон, қиз бола бўлса Марғуба, яъни майсадек ўсиб унгил ва камол топгин дея қутлуғ исмлар билан шарафлайдилар. Шу мақсадда ўғил болалар Умид, Орзу ёки Орзибек, қизларга эса Умида, Орзубону ва Орзигул каби гўзал исмлар қўйилган.

Этнологик урф-одатларда таъкид этилишича, фарзандсиз аёллар ўғил кўрсалар ният билан ирим қилиб унинг тепа сочининг бир тутами пилик билан ўриб, кокил қўйилган. Бола оёққа туриб юра бошлаши билан тоға, амаки, амма ва холаваччаларига эргашиб юрсин деб, бошининг ўрта қисми сочини ҳар жойи мўйи тутамаларини эргаш кокил қилиб қайчилаб қўйилган. Сўнгра бола 5–7 ёшга тўлгач, маҳалла-кўй, қариндош-уруғ ва ёру биродарлар даврасида кокил тўйи нишонлаб ўтказилган.

Қизлар 8–9 ёшга етгач, буй-басти суксурдек товланиб, соч толалари белидан ошиб, тиззалари сари тушгач, бошу елкаларида икки қатлаб таралган соч толалари қирқ кокил қилиб майда ўрилган узун соч тақимини ўпган. Бундай тарзда ўрилган соч тутуми нафақат гўзаллик рамзи, балки инсон зотининг бош мураббийси сифатида гавдаланган.

Археологик қазишмаларда қайд этилган ўта камёб топилмалардан аёнки, қадимда, хусусан, илк ўрта асрларда Марказий Осиёда яшаган чорвадор уруғ-аймоқлари ўғлонларининг тақимигача туширилган йўғон ўрамли узун кокилли сочлари бўлган. Ушбу эркак кокилларига хос соч ўрамлари халқ тилида «ҳайдаркокил», яъни катта кўримли кокил деб юритилган. Елкадан орқага ёки кифтдан кўкракка ташланган ҳайдаркокил, паҳлавон забардаст

ҳарбий саркардаларнинг мартабасию кўрки ва фахрини намоиш этган. Масалан, Самарқанд шахрининг қадимий вайроналари Афросиёб ёдгорлигининг илк ўрта (VII) асрга тегишли сарой деворларида қайд этилган қатор рангдор тасвирлар Чочлик (Тошкент) элчилар сафида ҳайдар кочилдор 1 ва 2 ёки 4 ва 5 ўрамли баҳодирларнинг суратлари тасвирланган¹.

Бизнингча, ҳайдаркокил шаклида ўралган ҳар бир соч ўрами юз минглик қўшин сафини ифодалаган. 2 ёки 4 ўрамли ҳайдаркокилдор ҳарбий саркарда қўшини бош қўмондони ёки ҳукмдорини англатган. Борди-ю ўтмишда забардаст авлодлар сафидан сарбозу саркардалар эл-юрт посбони ташкил этилган бўлса, шубҳасиз унинг тарихи замонасининг омилкор бир авлоднинг умрини қамраб ўтган бўлиши муқаррар эди. Зеро, эндигина дунёга келган ёш зурриёднинг камолоти ва тарбияси бешиқдан бошланиб, пиликкокил, эргашкокил, қоракокил ва ҳайдаркокил каби ҳаётий камолот босқичлардан ҳатлаб, сарбозу саркардаликдек ўта масъулиятли сардорлик палласига бориб етган. Масалан, солномаларда қайд этилишича, ўрта асрларда замонасининг буюк давлат тузумини шакллантирган Соҳибқирон Амир Темур мамлакат тинчлиги ва мудофааси йўлида мутгасил 200 минглик қўшин билан ҳаракат қилган. Ўзaro жангларда 172 марта камон ўқидан яраланиб жароҳат олган бўлса-да, 35 йил давомида эгардан тушмаган. Бундай жасорат, шубҳасиз, тарихда мисли кўрилмаган мардонавор жаҳон фотиҳлари қаҳрамонликларининг энг юксак чўққиси эди.

Амир Темурнинг оламшумул ҳаётий жасорати Соҳибқирон деб шуҳрат топган буюк дунёвий даражасига «соҳибзамон ва соҳибиадл» яъни замонасининг адолатпарвар ҳукмдори каби эътимодий фазилат билан янада улуғланган. Амир Темурнинг фазилатли буюк даҳолик ҳукмдор даражоти Ўрта Шарқ мамлакатларини айрим султонлари ва

¹ Суратлар альбоми. – Т.: 197 б., I–XIX тасвирлар.

шаҳаншоҳнинг ҳукмдорлик фаолиятини қиёсан белгилаш рамзига айланган. Хусусан, Темурийлар давлатининг сўнги подшоҳи Алишер Навоийнинг мактабдош дўсти Султон Ҳусайн Бойқаро ва Эрон шоҳи Насриддин Хажарлар адолатлилик жиҳатдан гарчи Амир Темурга тенг келмасаларда ўзларини «Соҳибқирони соний» яъни иккинчи соҳибқирон деб аташган.

Шубҳасиз, ҳар қандай тарихий босқичларда замонасининг етакчи даҳоси – билимдон, доно, ҳаётан адолатли соҳибқиронлари етишиб чиқади. Уларнинг турмуш тарзи, ҳатто ҳаракатлари, меҳнати, замондошлари билан ўзаро инсоний муносабатларининг – дипломатияси салмоғи ва оқибати жамият учун аввало ибрату ўрнак, қолаверса умри боқий ҳаётини йўлланма камол топаётган ёш авлодлар учун орзу ва умидли руҳий неъмат ҳамдир. Зеро, ёшлар соғлом, меҳнатсевар, билимдон бўлиб етишса мамлакат обод, эл-юрт тинч-осойишта, маҳалла-қўй саранжом-саришта оилалару жамоатчилик бекаму кўст бўлади.

Ўтмишда йиллар давомида халқимиз орзу қилган миришкор соҳибкорлар республикамизда мустақиллик туфайли шаклланмоқда. Ушбу баркамол авлодни қўллаб-қувватламоқ, уларни тарихан ҳаётини тажрибалар билан салоҳиятини ошириш, замонамизнинг энг долзарб билимлари билан таъминлаб, тажрибасини ошириш мураббийларнинг доимий муқаддас бурчидир.

МУНДАРИЖА

Тарих халқ маънавиятининг асосидир (*Сўзбоши ўрнида*) 3

I боб. ВАТАН – ОНА ДЕМАҚДИР

| | |
|--|----|
| Оналар кашфиёти ва жасоратли авлодлар кудрати..... | 13 |
| Турон – буюк тарихий диёр | 22 |
| Бухоро – муқаддас саждагоҳ..... | 29 |
| Кеш – уй, яъни Ватан..... | 47 |
| Кушон – қуёшдек порлоқ мамлакат | 51 |
| Самарқанд – жаҳон жамоли | 56 |
| Даҳбед – Самарқанднинг рабодли қўноқлари..... | 62 |
| Қўқанд – латиф шаҳар | 64 |
| Кишилар исмида шарафланган хос номлар..... | 70 |
| «Осиё» ёки «Азия» қитъаси ҳамда «ос», «аз» ва «манг» атамалари борасида | 77 |

II боб. ЖОЙ НОМЛАРИ – ТОПОНИМЛАРДА ТАБИАТ ВА ҲАЁТ ЖИЛОСИ

| | |
|---|-----|
| «Сохибқирон» – Шарқ дунёси соҳиби..... | 84 |
| Андижон – сой бўйидаги шаҳар | 89 |
| «Избоскан» номининг маъноси ҳақида | 96 |
| Кармана – каттасарой | 99 |
| Марғилон – Маргинон, кенг яйловли сайхонлик | 105 |
| Наманган – сойликдаги янги сарой | 110 |
| «Насаф», «Нахшаб» ва «Қашқадарё» – Кеш водийси | 115 |
| Фарғона – водий демақдир | 123 |

| | |
|--|-----|
| Кува – Фарғона пойтахти | 127 |
| Хива – Полвонёпми ёхуд азим дарё? | 132 |
| Хоразм – мустаҳкам қалъалар диёри | 139 |
| Шопурком – Сувёрган ёки дарё тармоғи | 147 |
| «Давлат» ва «давлатчилик» атамалари | 155 |

III боб. МУДОФАА ВА ИҲОТА ИНШООТЛАРИ, ОБОДОНЧИЛИК ҲАШАРЛАРИ ҲАМДА МАРОСИМИЙ АТАМАЛАР

| | |
|--|-----|
| Бадахшон – Довон йўли манзили | 162 |
| Бегор – умумбашарий муқаддас ҳашар | 167 |
| Байтқўрғон, Бурчмулла, Муллабулоқ ҳамда Қорёғди номларининг маъноси | 175 |
| «Калобод», «Калковуз», «Калос» ва «Миёнкол» гидронимлари | 180 |
| Пирмаст – Бухоро вилоятининг катта девори | 186 |
| Посира – ерсиз ялангоёқ коранда | 192 |
| Работ – равоат атамасининг этимологияси ҳақида | 198 |
| Садоқ тўйи – хатнами ёки суннат | 202 |

IV боб. ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИ ТОШКЕНТ 2200 ЁШДА

| | |
|--|-----|
| Чочанап – Бинкат – суворий азаматлар шахри | 214 |
| Тошкентнинг тоғдан дарё ва воҳага кўчган номлари | 218 |
| Қанг – аравасозларнинг қадимий юрти | 222 |
| Тошкентнинг тўрт даҳаси | 227 |
| Тошкентнинг тарихий дарвозалари номланиши ва лисоний маънолари | 239 |
| Тошкент маҳалла-кўйларининг номлари | 254 |
| «Мўйин муборак» – фазилати ниятли эътиқод демакдир (<i>Сўнг сўз ўрнида</i>) | 263 |

Муҳаммадҷонов, Абдулаҳад.

М92 Тарих фалсафаси – маънавият кўзгуси / А. Муҳаммадҷонов. – Т.: «O‘zbekiston», 2015. – 272 б.

ISBN 978-9943-01-756-6

УЎК: 1(091)(4/9)

КБК 63.5+71.04(5Ў)

Илмий-оммабон нашр

Абдулаҳад МУҲАММАДЖОНОВ

**ТАРИХ ФАЛСАФАСИ –
МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ**

Муҳаррир *И. Аҳмедов*
Бадий муҳаррир *И. Юлдашев*
Техник муҳаррир *Т. Харитонов*
Мусаххих *М. Исҳоқов*
Компьютерда тайёрловчи *К. Голдобина*

Нашриёт лицензияси АИ № 158. 14.08.09.

Босишга 2015 йил 4 февралда рухсат этилди.

Бичими 84×108^{1/32}. Офсет қоғози. «Times» гарнитурасида
офсет усулда босилди. Шартли босма табоғи 14,28.

Нашр табоғи 14,03. Адади 2 000 нусха. Буюртма № 15-73.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.


100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: iptduzbekistan@mail.ru

www.iptd-uzbekistan.uz



«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-01-756-6



9 789943 017566